

Г. ЕЛИЗАВЕТИН



Салоҳ Ҳасан таржимаси

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
"ЁШ ГВАРДИЯ" нашриёти  
Тошкент — 1979

Елизаветин Г.  
Пулнома. Салоҳ Ҳасан таржимаси. Т., «Еш гвардия»,  
1979. 212 б.

Елизаветин Г. Деньги.  
ББК 65.9(2)26  
336

### МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Сиз магазинга кириб, пул тўлаб, шу китобни сотиб олдингиз.  
Оддий харид, тўғри эмасми?

Аmmo нима бўлганлигини ўйлаб кўринг-а! Нима учун бир неча думалоқ металл доналари ёки бир парчагина рангли қоғоз эвазига уларга сира ўхшамайдиган буюмни беришдийкин? Нима учун худди ўша пулларга магазиндаги бошқа минглаб нарсалардан истаганингизни харид қилишингиз ёки кинога боришингиз, автобусда юришингиз, ё бўлмаса, телеграмма жўнатишингиз мумкин?.. Пулнинг кучи нимада? Бундай ноёб хусусият пулда қаёқдан пайдо бўлган?

Китобнинг ўзи сизга шу нарсаларни тушунтириб беради. Бу китоб пулнинг нималигини билмоқчи бўлганлар учун;

пулнинг қачон ва қаерда пайдо бўлганини билмайдиганлар учун;

пулнинг инсонлар ҳаётидаги моҳиятини билмоқчи бўлганлар учун;

нима учун дунёда пулга ҳирс қўйиб, унинг қули бўлиб юрганлар борлигини билган ва билмаганлар учун;


қадимий тангаларнинг сирини топишни яхши кўрганлар ва уларга қараб ўтмиш даврлар тарихини, қадимда одамлар қандай яшаганликларини билмоқчи бўлганлар учун;

пул қандай ишлаб чиқарилиши билан қизиқувчилар учун;

пул ҳамма даврларда бўлганми ва ҳаммаша бўладими деб ўйлаб юрувчилар учун ёзилган.

Е 70902-48  
356(06)-79 81-79

© „Еш гвардия“ нашриёти, 1979



## ПУЛ БЎЛМАГАН ЗАМОНЛАР


### КАМЕРОН БОШДАН КЕЧИРГАН ҲОДИСА

Утган асрнинг иккинчи ярмида инглиз вакиллари Ливингстон Африка қитъасининг ичкараси сари машҳур саёҳатини бошлади. Европаликлар ўша вақтларда буюк Қора қитъа тўғрисида деярли ҳеч нарса билмасдилар. Унинг марказий қисми эса бутунлай ўрганилмаган эди. Ливингстоннинг ҳар бир ғоятда қисқа ва аниқ хабари Европа ва Америка газеталарида босилиб, катта шов-шувга сабаб бўларди. Бутун маданий инсоният тадқиқотчининг мардонаворлиги ва фидокорлигига таҳсин ўқирди.

Ливингстон қаршисида эса бутунлай номаълум ўлка намоён бўла борарди. У серсув, азим дарёларни, қудратли шаршараларни, ўтиб бўлмас қуюқ ўрмонларни ва жазирама қуёш нурида қақшаб ётган саҳроларни кўрарди. Унинг йўлида ажойиб ва ғаройиб ҳайвонлару ажиб номаълум ўсимликлар учрарди...

Ливингстон фақат бу нарсаларнигина кўриб қолмади. Қабилаларнинг бир-бирлари билан қонли тўқнашувлари, очлик ва касаллик, аҳолининг нодонлиги ва қашшоқлиги ҳамма ёрда унга ҳамроҳ бўларди. У араб савдогарларининг арзимас тақинчоғу ўйинчоқларга қимматбаҳо тош, фил суяги ва олтинни алмаштириб, маҳаллий халқни сурбетларча алдаганлари, европаликларнинг қул қилиб сотиш учун минглаб қора одамларни найранг ва қурол кучи билан қўлга туширганларининг шоҳиди бўлди...

Ливингстон ўз экспедицияси Африкага маданият ва фаровонлик олиб келаяпти деб ишонар, аммо ўзи тушунмаган ҳолда янги асоратчиларга йўл очиб бераётган эди.



Ливингстон Африкада кўп йиллар бўлди. Оғир табиий шароит, сарсон-саргардончилигу муҳтожлик унинг соғлиғига қаттиқ шикаст етказди. Шунга қарамай у ҳамон олға қараб борарди.

Лондонда Африкадан келаётган хабарлар тобора камайиб, бора-бора бутунлай алоқа узилганлигини сезишди. Бир неча ой ҳеч қандай хабар бўлмаганидан сўнг Ливингстонни излаш учун янги экспедиция жўнатишга қарор қилинди. Бу экспедицияни журналист Стэнли бошқарди. У ёш, бақувват ва серғайрат йигит эди. Уни сафарнинг илмий жиҳатлари кам қизиқтирарди. Унга ҳаммаси ҳайратда қолдирадиган шов-шув, шон-шуҳрат ва пул керак эди.

Стэнли орқасидан авантюристлар ҳамда корчалонлар йўлга тушишди.

Тез орада назоратчиларнинг узун қамчилари қулларнинг қора танларини тилка-пора қила бошлади.

Стэнли Ливингстонни топди. Маълум бўлишича, савдогар араблар унинг хатларини белгиланган жойга юбориш ўрнига йиртиб ташлар эканлар. Европаликларни ўзларининг рақиблари билиб, уларга қўлларидан келганча зиён етказишга ҳаракат қилар эканлар.

1873 йилда Лондон география жамияти Ливингстонга ёрдам бериш учун яна бир экспедицияни шайлади. Бу экспедицияга капитан Верни Ловетт Камерон бошчилик қилди.

У кўп қийинчилик билан ватандошларини излаб топди, аммо Ливингстонни кўриш унга nasib қилмади: қора ва оқ танли одамлар ўз раҳнамоларининг мўмиёланган мурдасини авайлаб кўтариб келишарди. Ливингстон илм-фан йўлида жонини фидо қилганди.

Камерон мустақил ҳолда йўлни давом эттиришга қарор қилди. У катта илмий жасорат кўрсатди — саккиз минг километрга яқин йўлни пиёда босиб, европаликлар орқасида биринчи бўлиб улкан қитъани шарқдан ғарбгача кесиб ўтди. Камерон бошидан кўп ажойиб-ғаройиб саргузаштларни кечириб, Европага шон-шуҳрат билан қайтди.

Саёҳатдан қайтган кунининг эртасига унинг меҳмонхонасида оиласи ва қадрдон дўстлари тўпланишди. Ҳамма сайёҳнинг ҳикоясини ориқиб кутарди.

Камероннинг мазаси қочиб, иситма хуруж қилиб турган бўлса-да, хушмуомалаликни қўлдан бермасди.

— Ҳозирча шафқат қилинлар, — деди капитан ҳазиллашиб, дўстларининг ҳикояни бошлаш ҳақидаги илтимосларига жавобан. — Бир неча кундан кейин География жамиятида менинг ҳисоботим бўлади. Ана шундан сўнг жоним билан...

Меҳмонлардан бири эътироз билдирди:

— Биз ҳаммадан қолган қолдиқни эшитмаймиз!

— Икки оғизгина бўлса ҳам майли. Қелинг, лоақал биттагина энг қизиқ воқеани айтиб бера қолинг! — деб туриб олишди хонимлар.

— Биттагина воқеаними? Майли бўлмаса! — Бир оз ўйлаб туриб, рози бўлди Камерон ва мийиғида кулиб қўйди. — Мен сизларга унча қизиқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда ибратли воқеани айтиб бераман. Баъзан арзимас бир нарсанинг ҳаётдаги энг муҳим нарсаларни бамисоли нурдек ёритиши мумкин эканини кўрасизлар.

Меҳмонхонадагиларнинг ҳаммаси диққат билан тинглашга ҳозирлана бошладилар.

— Бу воқеа Африканинг бир қишлоғида бўлиб ўтди, — дея ҳикоясини бошлади Камерон креслога яхшилаб ўрнашиб олarkan. — Биз у ерга тушга яқин етиб бордик ва бир оз дам олгандан сўнг, яна йўлга тушиш ниятида эдик.

Аммо шунда қўқисдан йўлимизда катта чуқур кўл бор эканини билиб қолдик. Бир муддат қолиб, ўша кўлни текширишга қарор бердим. Аммо қайиқни қаёқдан олса бўларкин? Қишлоқда биронта ҳам қайиқ йўқ. Сол бўлса-чи? Сол ясашга ёғоч керак, бу атрофда ўрмоннинг ўзи йўқ.

Тарвузим қўлтиғимдан тушай деб турган эди. Шу ерлик кишилар кўшни қишлоқда араб савдогарининг қароргоҳи жойлашгани, у одамнинг қайиқлари борлигини айтишди. Вақтни қўлдан бермай, дарров ўша қишлоққа йўл олдим.

«Кўшни» қишлоққа бизнинг манзилгоҳимиздан ўн соат йўл босиб борилар экан. Жазирама иссиқда бунақанги саёҳатнинг қандай бўлишини ўзингиз билсангиз керак.

Қайиқ ололсам майли эди-я! Арабнинг исми Саид ибн Ғойиб бўлиб, иккита қайиқни сотишга рози бўлди... лекин фақат фил суяги эвазига. Қанча ялинмай, бошқа нарсага алмашишга унамади.

Оббо, менда фил суяги йўқ-ку. Бахтимга Муҳаммад ибн Соҳиб деган бошқа бир арабда фил суяги борлигини билиб қолдим. Аммо унинг манзилгоҳига етиш учун бир кун йўл босиш керак экан.

Муҳаммад ибн Соҳиб фил суягини сотишга жон деб рози бўлди, аммо фил суяги эвазига... мовут билан пойабзал сўра-

ди. Менда униси ҳам, буниси ҳам йўқ эди. Унга милтиқ, ўқдорни, тери тавсия қилдим, у қатъиян рад этди. Тоза алам қилиб, қуп-қуруқ орқага қайтаётган эдим, араб қабиладоши Муҳаммад ибн Ғарибда керакли пойабзал билан мовут борлигини ва уларни симга алмаштиришга розилигини айтди. Менда симдан кўпи йўқ эди. Ёрдамчиларимни сим олиб келгани жўнатиб, ўзим Муҳаммад ибн Ғариб ёнига равона бўлдим.

Кўл ёқалаб юриб, икки кун деганда манзилга етиб бордим. Орадан яна икки кун ўтгач симни ҳам олиб келишди, ана шундан кейин ахири харид амалга ошди.



Муҳаммад ибн Ғарибга симни бериб, ундан мовут билан пойабзал олдим. Қайта туриб йўлда мовут билан пойабзални Муҳаммад ибн Соҳибга бериб, ундан фил суягини олдим. Фил суягини Саид ибн Ғойибга олиб бориб, охири қайиқларни олдим.

Капитаннинг ҳикоясини диққат билан тинглаб ўтирганлар кулиб юборишди.

— Агар маданий жамиятда олди-сотди шу тарзда бўлганида қандай қийинчиликлар вужудга келишини тасаввур қил-ялсизми,— деди Камерон ўз сўзини тугатар экан.— Масалан, деҳқон шаҳарга поездда бориш учун йўл агентига... лоақал бир арава пичан олиб келишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а...

— Тиш доктори майхона эгасининг тишини даволаш учун ҳар бир тишга бир кружкадан вино оларди,— деди кимдир ҳаммани кулдириб.

— Ундай бўлса аравакаш нонуштага у-бу харид қилиш учун араваларини Йоркширда йигирма ярд кийимликка, Уэлсда минг қадоқ тошқўмирга ва Бирмингемда темирга алмаштириб, ҳаммасини пайтахтга олиб келишга мажбур бўларди...

— Бунинг устига кўмирнинг бир қисimini Ливерпулдан Лондонга олиб келгани учун кема командирига берарди...

— ...портдан уйигача ташиб бергани учун эса бир қисмини аравакашга берарди...

— ...ва ниҳоят бу молларни гўшт, балиқ ва сабзавотга алмашадиган баққолларни қидиришга мажбур бўларди.



— Ё тавба, қандай даҳшат бу! Дўстим ошпаз Драйден унда миждозлари олиб келган чўчқа ва товуқларни ҳашаматли кабинетда боқишга мажбур бўларди.

— Йўқ, жаноблар!— деди печка олдида ўтирган Камероннинг дўсти мистер Тер-

нер.— Ҳаммадан ҳам руҳоний ҳазратларнинг иши пачава бўларди. Айтайлик этикдўз, тикувчи, уй хизматчиларига улар қандай қилиб ҳақ тўлаша оларди?..

— Дуо ўқиб...

— Ё тангрим. Хонимлар ва жаноблар! Менга қанчалик пул кераклигини ва қанчалик камбағаллигимни билсанглар эди!— деди ёш Крейн ҳамманинг гапини бўлиб ҳазиломуз хўрсиниқ аралаш, чўнтакларига уриб-уриб қўяркан.

— Ҳар ҳолда марҳума этруск аёлга зарур бўлган мақсадда эмасдир?— сўради шу пайтгача жим ўтирган пак-пакана, тепакал ва каллахум, таниқли археолог.

Ҳамма унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Бир неча йил муқаддам Апеннин ярим оролида қазиш ишларини олиб борардим,— деб тушунтира бошлади олим.— Биз у ерда бир этруск аёли қабрини топдик. Сизлар, албатта, қадимий этруск халқи Урта Италияда яшаганини биласизлар. Улар тўғрисида маълумот жуда кам. Эрамиздан аввалги еттинчи аср бу халқнинг гуллаб-яшнаган даври бўлган. Этрусклар биз учун буюк санъат асарларини қолдиришган. Шундай қилиб,— деди бир оз сукутдан сўнг митти одам,— гўр ичида ярим чирган одам скелети бор эди. Буни қаранг-а, унинг қоқ суяк қўлида бир парча мис бор эди. Этрусклар даврида мис бўлаклари пул ўрнида хизмат қилган.

Мурдага пулнинг нима кераги бор десангиз керак? Гап шундаки, дўстларим, этрусклар ҳам қадимий грекларга ўхшаб одам ўлганидан кейин унинг руҳи бу дунёдан энг қудратли худолардан бири бўлган Зевснинг укаси Аиданинг ер ости ҳукмронлигига кўчади. Қаҳри қаттиқ ва индамас чол Харон руҳларни ўз қайиғида Ахеронт дарёсидан ўтказиб қўяди, деб ўйлаганлар. Қариндош-уруғлари мурданинг қўлига ўша чолга кира ҳақини тўлаш учун мис тутқазиб қўйганлар. У дунёда ҳам, бу дунёда ҳам ҳеч нарса текнига қилинмайди, дўстларим.

— Вуй-й-й!— титраб кетди Крейн.— Мен ундан кўра Темза бўйлаб елканли кемада сайр қилишни маъқул кўраман.

Камерон дўстларининг ҳазилини кулиб туриб тингларди.

— Кулманглар, жаноблар! Уёқда, узоқ Африкада, пулнинг қандайни яхши ёрдамчи эканлигини биринчи марта тушундим. Ишончли ва эпчил ёрдамчи. Қанчадан-қанча куч ва вақтимизни тежайди. Уни ўйлаб топган одам чинакам улуғ одам. Бу одамнинг қилган иши бизнинг кўпгина географик ва илмий тадқиқотларимиздан ҳам устун туради.

Соҳибни хонадоннинг жияни, чиройликкина мисс Ненси Гроу жингалак сочларини селкилатиб дарҳол сўради:

— Ким экан ўша одам?

— Жонгинам, бахтга қарши унинг номини билмайман. У ҳеч кимнинг эсида қолмаган бўлса ҳам керак. Балки, — деди Камерон ўйлаб туриб, — эҳтимол талай бошқа қаҳрамонлар сингари бу қаҳрамон ҳам мутлақо бўлмагандир, пулни бир одам эмас, ҳаётнинг ўзи, зарурият келтириб чиқаргандир. Заруриятнинг ўзи энг яхши кашфиётчидир, Ненси, — дея сўзини тугаллади сайёҳ қизга меҳрибонлик билан боқиб.

### ОДАМ АТОГА ПУЛНИНГ НИМА КЕРАГИ БОР

1554 йили Францияда чоп этилган, ҳозир жуда-жуда эски ва нодир ҳисобланадиган китобда пулни... Одам Ато ўйлаб топган дейилган. Ҳа, ҳа, Тавротда айтилган худди ўша Одам Ато топган дейишади!

Тавротда ривоят қилинишича Одам Ато дунёдаги биринчи одам эмиш. Уни худонинг ўзи яратганмиш.

Одам Ато зерикиб қолмасин деб худо унинг бир қовурғасини суғуриб олиб, ундан хотин киши — Мома Ҳавони яратибди. Одам Ато билан Мома Ҳаво жаннатда яшашган.

Жаннатда боғ бўлган, аммо худо Одам Ато билан Мома Ҳавога бу боғнинг меваларидан татиб кўришни ман қилган. Улар бир оз вақт ўзларини тийиб юришган, аммо Мома Ҳаво чидай олмай бир олмани узиб олиб, ўзи ҳам еган, Одам Атога ҳам едирган. Шунинг учун худо уларни жаннатдан қувган.

Уша китобда Одам Ато тангасининг тафсилоти, ҳатто расми ҳам тасвирланган.

Бу китоб чоп этилган вақтларда тарих фани ривожланмаган, жуда содда бўлган. Черков бундан фойдаланиб одам ва унинг атрофидаги ҳамма нарсани худо яратган деб кишиларни ишонтиришга уринган: «Мавжуд ноҳақликлардан норози бўлиш, дунёни ўзгартираман деб уриниш бефойда. Бировларнинг бадавлатлигию бировларнинг камбағаллиги, бировларнинг меҳнаткашлигию бировларнинг тескинхўрлиги, баъзиларнинг шохлигию руҳонийлиги — бари худодан. Шундай экан, пулни ҳам у яратган-да. Шунинг учун тақдирга тан берингиз!»

Черков одамларни алдарди. Бу қадимий китоб муаллифи ҳам билибми, билмасданми, ишқилиб одамларни алдаган. Одам Ато пулга ҳеч нарса, ҳатто Мома Ҳавога бир дона олма сотиб ололмаса, унга пулнинг нима кераги бор эди?

Эндиликда фан одамзод ўзи пайдо бўлганидан кейин бир неча минг йиллар мобайнида пулсиз тирикчилик қилганини аниқлади. Ҳеч нарса сотилмайдиган узоқ ўтмиш замонларда улар учун пулнинг ҳеч ҳожати йўқ эди. Улар ўзларига керакли нарсаларни табиатдан олаверिशарди.



Ахир бувисига чойшаб сотиб, пулига онасидан бир стакан кисель оладиган набира ҳам бўлишини тасаввур қилиш мумкинми? Ҳеч қачон бунақаси бўлмайди. Гарчи оилада ҳар бир шахснинг ўзига тегишли буюми бўлса ҳам, аммо рўзгордаги мол-мулк ва озиқ-овқат умумий бўлган.



Одам қабила, уруғ-аймоқ, жамоа бўлиб яшаган ибтидоий жамиятда ҳам шундай бўлган. Ҳамма ўз қўлидан келган ишга уннаган. Меҳнат келтирган маҳсулотдан ҳамма тенг фойдаланган. Мулк умумники ҳисобланган. Инсондаги табиий майл, кейинчалик эса тушунча одамларнинг бир-биридан ажралган ҳолда яшаши мумкин эмаслигини кўрсата борган. Якка-ёлғиз одам ожизу заиф, бошқалар билан бирлашганда ҳамма нарсага қодир бўлган.

Аввалига уруғнинг ҳамма аъзоси бир кишидек меҳнат қилган: бирга ов қилган, бирга балиқ тутган, бирга мева, илдиз йиғишган.

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳам кишидан ўзига яраша куч, ма-лака талаб қилади, албатта. Ҳамма ишни ҳам бирдайин яхши бажариш мумкин эмас-ку! Агар меҳнат тақсим қилинса, иш бутунлай бошқача бўлади, ҳар бир одам ўз ишини такомиллаштириб боради. Иш унумли бўлади: куч ва вақт кам сарфланиб, маҳсулот кўп олинади.

Одамлар жамоа бўлиб яшаш афзалликларидан онгсиз равишда фойдаланардилар. Аста-секин меҳнат тақсимоти бошланади. Аввалига ҳар хил жинсдаги ва ёшдаги одамлар ўртасида меҳнат тақсимлана бошлади: эркаклар ов қилишар, хотинлар овқат қилиб, бола-чақа, уй-рўзгорга қарашарди. Қароргоҳни бошқа ерга кўчириш керак бўлиб қолса, хотинлар ва ўсмирлар мол-мулкни ва озиқ-овқат жамғармаларини ташишар, бу билан эркакларга бошқа ишга чалғинмай, овин давом эттиришга имконият яратиб беришарди.

Одамзод табиатда бўлаётган доимий ўзгаришларни кўриб-билиб борарди: пишиб кетган мева ерга тушар ва уруғидан янги ниҳол ўсиб чиқарди. Одам сяётган донни ерга тушириб юборар, уни босиб ерга қориштириб кетар, ердаги уруғ униб чиқар, кейин бошоқлар, бошоқда эса янги дон пайдо бўларди.

Бу кузатувлардан аста-секин муҳим фараз келиб чиққан, фаразлардан эса билим пайдо бўлган, оқибатда инсон деҳқончилик қилишни ўрганиб олган. Табиатдан ибрат олиб, ерга уруғ ташлай бошлаган, ер эса меҳнат эвазига битта донни юз ҳисса қилиб қайтараверган.



Овдан ўлжа билан қайтаётган овчилар кўпинча ўзлари билан ҳайвон болаларини олиб келишарди. Онасига ўрганиб қолган боласи ўлдирилган онасининг кетидан эргашарди. У онасининг ҳидини билиб одамзод орақасидан келаверарди.

Инсон баъзан ҳайвон болаларини ўзи билан олиб қолар, кўпинча ов бўлмайд қолган пайтларда буларни ер эди.

Бора-бора инсон ов ўнгидан келмай қолиш ҳолларига қарамай қўл остида ҳамиша гўшт ва сут бўлишини англайди. У ҳайвонларни тутиб олиб, қўлга ўргатади ва ўзида ҳамиша тўйимли овқат бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, инсонларнинг илгариги машғулоти қаторига чорвачилик ҳам қўшилади.

Вақт ўтган сари табиат одамга бўйсунарди. У оловни топади: ўрмонларни ёқишни, руда эритиб, металл олишни, лойдан идиш-товоқ ясаб пиширишни ўрганади... У балиқ овлаш қуролларини такомиллаштиради, озуқа ўсимликларини экишни, ҳайвонларни қўлга ўргатибгина қолмай, уларни урчишиб кўпайтиришни билиб олади.



Бундан ташқари, баъзи бир ҳайвонлар инсонга ишда ҳам ёрдамлашарди: юк ташир, ер ҳайдар эди. Ўргатилган от инсонга ҳайвонни олдингидан бир неча карра тезроқ қувишига имкон берарди.

Меҳнат тақсмоти инсонлар ўртасидаги алоқани ривожлантирган: ҳар ким бир-бирининг камчилигини тўлдирган. Аммо шу билан бирга у инсонларни бир-биридан узоқлаштира борган: деҳқон ўз ери билан овора бўлса, чорвадор ўтлоқ излаб ҳар ерда кўчиб юрган, овчи ҳам туғилган ерини тарк этиб, ўлжа кетидан узоқларга — тоғ ва ўрмонларга кетишга мажбур бўлган.

Меҳнат тақсмоти эса ҳамон ривожланиб бораверган. Эндилликда фақат бир уруғнинг баъзи бир аъзоларигина эмас, балки бутун жамоалар ишлаб чиқаришнинг маълум бир тармоғида меҳнат қила бошлаганлар. Ўрмондан бўшаган ерлардаги жамоалар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар, ўрмонга яқин яшовчилар эса овчилик қилишган.



Вақти келиб чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан, кейинчалик ишлаб чиқаришда ҳам турли касблар шаклланган.

Меҳнат анча унумдор бўла бошлаган. Деҳқончилик қуроллари пайдо бўлган, ерни ишлашда ҳайвонлардан кўпроқ фойдалана борганлар. Авваллари бир неча одам қиладиган ишни эндиликда бир одам бажарадиган бўлиб қолган. Эндиликда ўша одамнинг ҳўжаликни бир ўзи, мустақил бошқаришига, демакки, унга эгалик қилишига имкон туғилган. Шундай қилиб, хусусий мулк пайдо бўлган.

#### КУВАЧА ҚЎЙГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШИ МУМКИНИ?

Кулолнинг жарангдор сопол кувачалари кўп. Аммо буларнинг ҳаммаси бўш, қуруқ идиш билан эса хотин, бола-чақани боқиб бўлмайди. Кишига емоқ учун гўшт, ёғ, нон керак...

Чорвадорда гўшт-ёғ тиқилиб ётибди. Битта қўйни сўйса гўшти бир неча кунга етади. Аммо гўштни нимада пиширади, шўрвани нимада қайнатади, сувни, дон-дунни нимада сақлайди? Кувачасиз бўлмайди, албатта.

Шундай қилиб, кулол кувачасини кўтариб чорвадорнинг ҳузурига боради-ю... кувача қўйга айланади-қолади.


Оддий алмашиш натижасида мўъжиза юз берди. Чорвадор — кувачали, кулол — овқатли бўлганидан мамнун эди.

Чўпон ўз подаси билан қирма-қир кўчиб юради, кўп ерларни босиб ўтади, йўл-йўлаккай ўзига керакли дон, вино, балиқ, ёғ пичок ва бошқа нарсаларни молга алмаштириб олаверади. Бошқаларни эса нарсалари эвазига жингалак юнгли қўйлар, қайрилма шохли буқалар, семиз сигирлар, демак, гўшт, ёғ, сут, жун, тери, шох ва суюк билан таъминлайди...

Деҳқонлар ҳам, овчилар ҳам, балиқчилар ҳам ўз молларини алмаштирадилар...

Ҳар гал алмашиш пайтида кичкина мўъжиза юз бериб,





дон — болтага, тери — ўқ-ёйга, балиқ эса қайиққа айланиб қолади...

Одамлар турли-туман нарсаларини алмаштирадилар. Аммо нима учун бир дона бочкага икки дона болта, мошдек марварид донасига каттакон буқа, бир ҳовуч ўқ-дорига бир дона фил тиши алмаштирилиши жуда ғалати-ку, деб тушуна олмасдилар.

**БИР-БИРИГА УХШАМАГАН НАРСАНИНГ УХШОВИ.  
МЕҲНАТ САМАРАСИ.  
ҚАЛАМ ОЧИШ УЧУН НЕЧТА ОДАМ КЕРАК?**

Кўпол бочка — нозик соатга, ғишт — автомобилга, калиш — скрипкага, радиоприёмник эса болалар сўрғичига сира ўхшамайди. Шундай бўлса ҳам улар бир хил нарсалар! Яъни бу нарсаларнинг ҳаммаси инсон меҳнати самараси.

Инсон меҳнати мўъжизалар яратади.

Руда ер бағрида сон-саноқсиз йиллар давомида ётарди. Инсон меҳнат сарф қилиб, уни пўлатга айлантирди. Пўлатдан трактор ва плуг, локомотив ва темир йўл излари, перо ва тор ясади.

Оддий ёғочга меҳнат сарф қилсангиз, у уйга, мебелга, скипидар ва канифолга, спирт ва қорамойга айланади. Ҳатто ҳаводан ҳам ерга сепиш учун ўғит ва ўнлаб химик маҳсулотлар тайёрлаш мумкин.

Энг мураккаб ва энг оддий буюмга ҳам одам меҳнати сингган. Сиз қаламни йўниб, учини очдингиз, буни ўзим қилдим деб ўйлайсиз. Аммо қаламни пичоқ билан йўндингиз-ку. Бу пичоқнинг пўлат тиғи учун кимдир руда қазиган, уни эритган, япалоқ қолга келтирган, тоблаган, чархлаб, қировини тўккан. Пичоқнинг ёғоч дастаси бор. Уни яшаш учун дарахт керак бўлган, уни арралаб, керакли ҳажмда майдалаб, рандалаб, ўйиб, тиғ бандига ўтказиш зарур бўлган.

Дарахтни кесиш учун арра керак. Уни бошқа одамлар

ясашган. Бунинг устига электр қуввати керак. Уни ишлаб чиқариш учун ҳам кўплаб ишчилар, инженерлар банд бўлган.

Уйлаб кўрсангиз, сизнинг ишингизга кўпгина нотаниш кишилар ёрдам беришибди. Пичоқдек оддийгина буюмга улардан ҳар бирининг меҳнат ҳиссаси сингган.

Шунинг учун ҳам ҳар бир буюмни эҳтиёт қилиш керак бўлади.

Буюмни тайёрлаш, топиш ёки қидиришга қанча кўп меҳнат кетган бўлса, унинг қиммати шунчалик ортиқ бўлади.

Соат ясаш учун бочка ясашдан кўра кўпроқ жисмоний ва ақлий меҳнат керак, шунинг учун соатнинг нархи қиммат.

Мол айирбошланадиган даврда бу буюмларнинг ҳар бирига қанчадан меҳнат сарф қилинганини тахминан таққослардилар. Балки бир хилда тенг меҳнат сарф қилингандир? Бундай пайтларда бошма-бошига мол айирбош қилинарди.

Балки бу молни тайёрлашда анави молга нисбатан уч ҳисса кўп меҳнат сарф қилингандир? Бундай ҳолда бунисининг бир донасига иккинчисидан уч дона бериш керак бўлади.

Аммо меҳнатнинг миқдори нима билан ўлчанади? Меҳнат даври, яъни бу иш мобайнида сарфланган вақт билан, албатта.

Аммо одамлар бир хилда ишламайдилар-ку. Биров ўз ишини жуда яхши билса, бошқаси ёмонроқ билади, бири чаққон бўлса, иккинчиси секинроқ ишлайди. Бир хил нарсани тайёрлаш учун икковлари ҳар хил вақт сарф қилишади. Аммо бу билан ялқов тикувчи тўрт кунда тиккан костюм икки кунда тикилган костюмдан қиммат деса бўладими?

Албатта, йўқ!

Костюмнинг нархини белгилаш учун кўпчилик ва ҳар хил тикувчилар сарф қилган тегишли вақтнинг ўртачаси олинади. Илгари костюмларни қўлда тикишарди. Бунинг учун анча вақт кетарди. Тикув машиналари бу ишни анча тезлаштириб, снгиллаштирди, меҳнат унумдорлиги ошди, костюмнинг баҳо-си пасайди.

Ҳўш, ҳаво-чи?

Ҳаво ва табиат инъом қилган бошқа ҳамма нарсалар, агар уларга инсон меҳнати сингмаган бўлса, қиймати бўлмайди. Улар сотилувчи мол бўлиши мумкин эмас.

Уй ҳайвонлари, турли мевалар, дон-дун ҳам ана шундай қийматга эга эмасдек кўринади. Аммо бундай эмас. Буларни табиат кучларидан ташқари, одамзод етиштирган: у ерга ишлов берган, чорвани боққан, уларга ем-хашак тайёрлаган.





## ДАСТЛАБКИ ПУЛЛАР

### ҲАММА НАРСА — ПУЛ

Қуёш ботди шу аснода, юмуш ҳам битди аҳейликларга.  
Новвосларни боғлаб, сўнгра тамадди учун ўлтирди улар.  
Бу орада талай кема Лемносдан етиб келди бирма-бир,  
Ўткир шароб юклаганди уларга: сахий Эней Ясонит  
Атрейнинг болалари, шоҳ Агамемнон ва Менелайга  
Қимматбаҳо мусалласдан ҳадя этганди роса минг челақ,  
Жингалак соч аҳейликлар сотиб олдилар қолган шаробни:  
Кимдир темир бериб, кимдир ялтироқ жезми тутқазиб,  
Кимдир — новвос терисини, кимдир тирик новвосни бериб,  
Бошқа бировлари қулни — одамни...!

Гомер, «Илиада»

Бу шеър кўзи ожиз Гомер томонидан жуда қадим замонда ёзилган. Шеърда ўша вақтлардаги воқеалар ва урф-одатлар тасвирланади. Мисол учун Лемнос оролидан келган денгизчилар билан аҳейликлар орасидаги олди-сотдини олиб кўрайлик. Винога темир, мис, ҳўкиз ва ҳўкиз терилари, қулларни алмаштириш ажабланарли ҳол эмасми ахир?

Ҳозир биз бемалол пулга сотиб оладиган нарсаларимизни ўша вақтларда бутунлай кутилмаган нарсаларга алмаштиришга тўғри келарди.

Бу фақат Гомер даврида эмас, ундан анча аввал ҳам шундай бўлиб келган. Демак Камерон дўстларининг ҳазилларида ҳам жон бор экан-да!

<sup>1</sup> Китобдаги шеърларини М. Мирзаев таржима қилган.

Одамзод оз нарсага қаноат қилиб юрган, айирбошлаш ҳар замон-ҳар замонда, тасодифий бўлган замонларда бу табиий ҳол эди: меҳнатнинг бир маҳсули бошқа бир маҳсулга айирбош қилинарди. Аммо вақт ўта бораркан меҳнат тақсимоти айирбошлаш учун тобора кўплаб мол-товар ишлаб чиқариш имконини берарди. Бунинг натижасида мол айирбошлашнинг эски усули беўхшов ва ноқулай бўлиб қолди. Бу усул савдо-сотиққа халал бериб, жамият тараққиётига гов бўла бошлади. Ахир одамлар савдо-сотиқ қилиб бир-бировлари билан маданий бойликлари, техникавий ютуқлари маҳсулини алмашадилар, бир-бирлари билан яқиндан танишадилар.

Авваллари мол айирбошлаш бир қабила орасидагина бўлган бўлса, сўнгра турли қабилалар орасига ҳам кўчди.

Маҳаллий қабиланинг ва чет қабилаларнинг юзлаб тур мол-товарлари айирбош қилинган чоғда савдони қандай олиб бориш керак бўлади? Нимага қанча бериш керак? Сенга керакли нарсага алмашиш учун, молингни оладиган ҳаридорни қандай қилиб топиш мумкин?

Зарурият мувозанатни сақловчи—воситачи мол-товарнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бу товар ўз-ўзидан, одамлар хоҳишидан қатъи назар пайдо бўлди. Бу ҳамма жон деб алмаштирадиган мол-товар бўлиб, у бошқа мол-товарни баҳолашга ёрдам берди ва мол айирбошлашни енгиллаштирди.

Таққослаш орқали атрофимиздаги нарсаларнинг катта-кичиклигини биламиз. Бирор кичкинагина нарса тўғрисида айтилмоқчи бўлганда, «бамисоли денгиздан томчи», дейилади. Тасаввур бепоён сув билан бир томчи сувни таққослайди. Баланд бўйли одамни ҳазиллашиб «ходадек», семизни эса «бочкадек» дейишади.

Буларнинг ҳаммаси қиёсий чоғиштириш бўлиб, бирон нарсанинг катта-кичиклиги ҳақида аниқ маълумот бермайди. Аммо ҳажми рақам билан айтиш керак бўлганида ҳам таққосламасдан ўтиб бўлмайди.

Уйдан мактабгача бўлган масофа нимага тенг? Уни қандам узунлигига тенглаштириш мумкин: олти юз, саккиз юз, минг қадам...

Стадиондаги югуриш йўлкасининг узунлиги метрлаб ўлчаенади. Йўлканинг узунлигини метрга солиштириб кўриб натижани биламиз: юз метр, тўрт юз метр...

Ҳамма нарса ҳам: ҳажм, масофа, оғирлик, вақт, ҳаракат тезлиги... куч... шундай ўлчанади.

Товар қиймати нима билан ўлчанади? Ҳаммавақт ҳам уни



ишлаб чиқаришга кетган вақт билан ўлчаб ўтирмайсиз-ку? Бу жуда мураккаб нарса.

Бирон товарни олиб, уни шартли қиймат бирлиги қилиб, бошқа молларнинг қийматини ўшанга қараб белгиласа бўлмай-дими?

Масалан, бу бирликни қўй деяйлик.

Шунда товарларнинг нисбий нархи дарҳол осонлашади.

Одамлар бир дона қўй = 1 балиқ тўрига = 1 ҳўкиз терисига = 2 болта = 4 сопол кувачага ва ҳоказоларга тенг эканини ўз тажрибаларидан билишарди.

Ҳамма нарса қўйга нисбат бериб баҳоланади.

Агар болталарни балиқ тўрига алмаштириш керак бўлса, ўз-ўзидан маълумки, икки дона болта бериш керак. Тўрт дона кувачага бир ҳўкиз терисини олса бўлади...

Аммо ҳамма товарлар воситачи товар ёрдамида баҳоланадиган бўлса, Камеронни овора қилган алмаштиришнинг ортиқча поғона-бўгинларини йўқотиб, осонроқ йўл билан айирбошлашни йўлга қўйса бўлмасмикин? Масалан, қўйнинг борми, истаган товарга алмаштиравер! Алмашиш икки қисмдан иборат бўлади, холос:

қўйга ҳамма нарса алмашиш мумкин;

ҳамма нарса қўйга алмаштирилади.

Бочкасоснинг бочкалари бор, унга пичоқ керак. Бочкасос бочкаларини қўйга айирбошлайди, қўйга эса пичоқ алмашади. Қўйни ҳамма ерда жон деб олишади, қўй ҳаммавақт керак бўлади. Уларни овқатга ишлатиш мумкин ёки бошқа истаган нарсага алмаштиради бўлади.

Шундай қилиб, бир товар бошқа молларни айирбошлашда воситачи бўлиб, унинг ёрдамида бошқа товарлар алмашинаверади.

Ана шундай товарларнинг ўзи дастлабки пул эди.

Уларнинг пайдо бўлиши билан оддий айирбошлов олди-сотдига айланади.

Ҳар бир мол-товарнинг баҳоси пул билан белгиланиб, нархи айтиладиган бўлиб қолди.



Нималар пул вазифасини ўтамаган дейсиз!

Овчилик билан шуғулланадиган халқларда— ҳайвон териси, деҳқонларда эса вино, дон, ўсимлик ёғи пул хизматини ўтаган.

Бошда бу тасодифий ҳол бўлиб, бир товар иккинчисига айирбош қилинарди. Аммо бу товарлар ҳамisha ҳам барча буюмлар орасида энг зарур ёки энг бозори чаққон товар бўлиб келган.



Бу мақсад учун тери жуда боп эди. Тери энгил бўлиб, узок вақт сақланарди. Теридан кийим-бош, пойабзал тикса, қапа устига қопласа ҳам бўларди. Спарта, Рим, Карфаген каби қадимий давлатларда ҳам тери пул муомалада бўлган. Қадимий Скандинавиядаги халқларнинг ёзма ёдгорликларида ёввойи ҳайвонлар кўп бўлган, бу ерларда ҳам тери пул вазифасини ўтагани ҳикоя қилинади. Уларни харид пайтида тўлашар, ҳатто жарима ҳам тери билан тўланарди. Уша пайтлардаги қонун мажмуасида бировни ҳақорат қилган — тулки териси, шаполоқ урган — савсар териси, жароҳат етказган одам эса қундуз терисини беришга мажбур эди.

Тери пул вазифасини ўтаган давр излари баъзи бир халқларнинг тилида қолган. Масалан эстонча «раха» — «пул» дегани, шу тилга яқин бўлган лапланд тилида эса «тери», «чарм» дегани.

Яқин-яқинларгача—Жек Лондон даврида ҳам тери Аляскада пул вазифасини ўтар эди.

Капитализм асоратида бўлган кўпгина халқлар ўртасида бундай пуллар бизнинг асримизгача яшаб келди.

Кўҳна Мўғулистонда тошчой пул вазифасини ўтаган. Тошчойни чой ва ёввойи ўсимликлар баргига бузоқ қони шимдирилиб, ғиштсимон шаклда пресслаб, печкада қуритиларди. Мўғулистон Халқ Республикасида ҳозир ҳам тошчойни севиб ичишади. Мўғулистонда бўлган машҳур рус сайёҳи Пржевальский, бирон нарса харид қилиш учун бозорга келган ҳар бир киши ўзи билан қонда оғир тошчойни кўтариб юриши керак, деб ҳикоя қилади. Ҳар бир ғиштсимон тошчойнинг оғирлиги бир ярим килограммга яқин бўларди.

Энг зарур буюмларнинг эмас, балки тақинчоқлар ҳам пул вазифасини ўтаган. Зеро улар ҳам мураккаб ва нозик меҳнат натижасида вужудга келган.

Инсон ўзи яшайдиган қор девори ва қояга биринчи расмни.

чизгунича, биринчи ҳайкални ясагунига қадар узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу йўл фақат ўтган вақт билангина эмас, топилган овқат, йўнилган тош, терилган меваларнинг миқдори билан ҳам ўлланади.

Яшаш учун кураш, меҳнат—синчиқовлик, кўрган нарсани эслаб қолиш ва улардан энг муҳими, кераклисини танлаб олиш имконини берарди.

Кўрган нарсани тасвирлаш учун қўл ҳам керак. Найза отиш ёхуд тошни қўполдан-қўпол қилиб йўнадиган қўллар эмас, аниқ ва оҳиста ҳаракатларга қодир сезгир, итоаткор қўллар керак эди.

Турли даврларнинг тош қуроллари сақланган музейдамиз. Қатор бошида деярли шаклсиз, учи озгина йўнилган тош турибди. Фақат диққат билан қаралгандагина унга ишлов берилганини пайқаймиз.

Қаторнинг нариги четида деярли замонавий болтани кўрамиз, аммо бу металлдан ишланган эмас! Шакли оқилона бир тарзда, маҳорат билан ишланганини айтмайсизми! Ясалганига ҳам бир неча минг йил бўлган.

Бу болталарни ҳар хил қўллар ясаган. Авлодлар янгиланаверган, меҳнат жараёнида инсон қўли ҳам тараққий этиб, итоаткор, чаққон бўлаверган. Шу билан бирга у яратган нарсалар ҳам такомиллашаверган.

Атрофдаги муҳитни тасвирлашни ўрганган ибтидоий овчи ўз санъатини табиатга қарши курашда ишлатган. У айиқ сурагини чизиб, унга найза тегиб турганини тасвирлаган, бу овга ёрдам беради деб ўйлаган. Шу билан бирга бу машғулот овчига машқ ҳам бўлган.

Бошқа тирик мавжудотларни ва табиатнинг номаълум кучларини кўрқитиш учун инсон ўз танасини жимжимадор чизиқлар, доиралар ва доғлар билан қоплаган.

Анча вақтлардан кейингина инсон санъатни ўзини безаш учун ишлата бошлаган.

Инсон назарида табиат уни унча чиройли қилиб яратмаган: унинг турли хил рангда товланадиган патлари, балиқники сингари ялтироқ тангалари, юмшоқ ва иссиқ жунлари йўқ.

Аммо инсоннинг ажойиб қўллари бўлиб, бу қўллардан ҳамма иш келар, бу қўллар бошқа мавжудотларда кўрган нарсасини ўз танасига кўчирар оларди. У хаёл қилиб, кўрган нарсасига бошқача шакл берарди. Ранг билан баданига йўл-йўл чизиқлар, доира ва доғлар чизар, пат, типратикан игнаси, рангли тошлар билан, ҳар хил чиғаноқлар билан безарди...

Инсон аввалига табиат тайёр ҳолда инъом этган нарсалар-


дан бахраманд бўлиб юрди. Бора-бора эса диди-талаби ошиб. Бошқаларда йўқ нарсани, мол эгасини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларни қидира бошлади.

Акула — жанубий денгизларнинг йиртқич махлуқи. Аммо пичоқ ёрдамида уни енгиб чиққан жасур овчилар ҳам топиладди. Улдирилган акула тишларини тақинчоқ қилиб осиб юрса ярашмайдими? Мағлуб бўлган арслон тирноқлари ёки нодир чиганоқ тошларни-чи?..

Кўпчилик худди ана шу чиганоқлар дастлабки пуллар бўлган деб ҳисоблашди. Улар орасида энг машҳур кауридир. Уни шаклига қараб илонкалла ҳам дейишади.

Каурининг тақдири қизиқ! Малдив ва Лаккадив номли кичкинагина, овлоқ оролардан у пул сифатида ер юзининг шимолӣ ярим шаридаги кўп жойларга тарқалган. Уни Ҳиндистонда ва Цейлонда, Снём ва Африкада билишарди. У ватанидан узоқ бўлган Қадимий Ниневия харобаларидан, Болтиқ денгизи қирғоқларидаги славянлар қўрғонларидан, шунингдек, қадимий Германия ва Англия, Швеция ва Франция қабристонларидан топиляпти.

Орадан минг йиллар ўтса ҳам кўримсизгина чиганоқ дунё бозорларида ҳукмронлик қилиб юрди. Каури эвазига хоҳлаган товарни, ҳатто... одамни ҳам сотиб олса бўларди! Еш қул қизни беш қоп каурига сотиб олса бўларди.



Бир «қоп» ёки ўн «бош»да 20 минг дона чиганоқ бўларди. Эллик қават «ип»даги чиганоқ бир «бош»ни ташкил қиларди. Ҳар бир қават «ип»га қирқ донадан чиганоқ терилган бўларди.

Шимолӣ Америка ҳиндилари орасида пул вазифасини цилиндр шаклидаги чиганоқлар қадаб безалган вавпум деб атаувчи тери тасмалар ҳам ўтарди.

Вавпум фақатгина безак бўлиб қолмай, ҳурмат белгиси ҳам эди. Қабилла бошлигининг вавпуми унинг ҳукмронлик белгиси ҳам эди.



У муқаддас Вавпумни олиб  
Оқ товушқон ҳукмрон дидир,  
Шимол ели шоҳлик қурган юрт —  
Хур Вабассо мамлакатидан

Зафар қучиб қайтган кунда —  
Қичқирарди чоллар, аскарлар:  
«Шараф бўлсин Мэжекивисга!»

Лонгфелло, «Гаявата ҳақида қўшиқ».

Чиганоқлар бобида Калигула деган император даврида ниҳоятда антиқа ва ибратли воқеа бўлиб ўтган. Римнинг бу императори тентакликда ҳаммадан ҳам ошиб тушган. Бу мансаб-параст мустабид фуқародан ўзига худо сингари ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни: икки букилиб таъзим қилишни, оёғини ўпишни талаб этган. У ўз отини сенат мажлисига олиб кириб, Рим империясининг консули деб эълон қилмоқчи бўлган.

Исрофгар, зеб-зийнатни кўрганда ўзини томдан ташлайдиган Калигула ниҳоят Рим давлат хазинасини совуриб битиради.

Шундан кейин ўзбилармон ҳукмдор ишни жуда осонлик билан тузатиш мумкин деган қарорга келган. У денгиз соҳилидаги оддий чиганоқларни йиғиб олишга буйруқ берган ва буларни пул деб эълон қилган.

Аммо энг қудратли ҳукмдор ҳам ўз хоҳиши билан пул «ўйлаб» топа олмайди. Калигуланинг чиганоқлари ҳеч қандай қимматга эга бўлмаганидан уни ҳеч ким олмаган, шундай қилиб унинг бемаъни режаси барбод бўлган.

Агар X аср араб сайёҳларининг ривоятларига ишонилса, каури чиганоқлари ватани Лаккадив оролларининг қироличаси Калигула эришмаган нарсага эришган; қироличанинг хазинаси бўшаб қолганида фуқарога кокос пальмасининг шоҳларини денгизга ташлашга буйруқ берган. Тез орада ҳалиги шоҳ-шаббаларга кўплаб каури чиганоқли моллюскалар ёпишиб қолган. Бу моллюскаларни териб олиб, қуришиб, гўштидан тозаланса бўлгани, «пул» тайёр.

Каури—бу Калигуланинг чиганоқлари эмас, албатта. Булар жуда ноёб бўлиб, уни топиш ва тозалаш анча меҳнат талаб қилади, халқ уни безак сифатида қадрлайди.

Денгизнинг коп-коп деб аталадиган майда чиганоқларидан ҳам пул сифатида фойдаланилган. Уни тинч океanning Ванкувсролидан йиғиб олишар, шакли жиҳатидан бу чиганоқлар митти фил тишига ўхшаб кетарди.

Бошқа турли-туман буюмлар: ит тиши, одам ва ҳайвонларнинг бош суяги, қалампир, похол, белкурак, пахта, бир парча газлама, тамаки барги... ҳам пул хизматини ўтаган.

Қаролина оролларида жуда ажойиб пул — тегирмон тошидек тош пуллар





бўлган. Бундай тошларни жойидан қўзғатиш учун бир неча киши керак эди. Бу тошлар Палаусса оролларида келтирилди. Тошларни уердан денгиз орқали олиб келиш қийин ва хавфли эди. Тош қанча катта бўлса, баҳоси шунча баланд бўларди, албатта. Йирик тош пуллардан ташқари майдалашга керак бўладиган «чақа» тош пуллар ҳам бўларди...

Ниҳоят, одамлар. Ҳа, одамларнинг ўзлари товар ва пул бўлиб хизмат қилганлар! Хусусий мўлкчилик пайдо бўлиши билан инсоният савдонинг шармандали тури — қул савдосини ўрганди. Қул жонли буюм, бунинг устига жуда фойдали. У ҳамма ишни қилаверади, ер қазийди, уй қуради, оғир юкни ташийди, мол боқади, экин экади, жанобнинг кўнглини олади. Қулни сотиш ҳам осон.

Қуллар энг харидоргир товар сифатида аста-секин пулга айланардилар.

Қулчилик ва қул савдоси эрамыздан талай замонлар муқаддам пайдо бўлган, қадимий Миср, Рим, Эллада давлатларида қулчилик ва қул савдоси мавжуд эди.

Маданийлашган французлар, инглизлар, америкаликлар ҳам қул савдоси билан шуғулланганлар. Улар минглаб негрларни Европа ва Америкага олиб келиб сотардилар. Америка Қўшма Штатларининг жанубида ХХ асргача қулдорлик ҳукм суриб келди. Улар қул негрни шафқатсизларча, аммо аниқ-тиниқ «қора олтин» деб аташарди.

Марказий Африкада яқин ўтмишда қул пул бирлиги ҳисобланар ва қиммати жиҳатидан 30 бўлак чигга ёки 6 ҳўкизга тенг эди.

### **ҚИРОЛИЧА ВИКТОРИЯНИНГ НЕЧТА СИГИРИ БОР?**

Олимлар дунёдаги кўп тилларда пул ва ҳайвон бир хил ёки умумий негизи ўхшаш сўзлар билан ифодаланишига аңчадан бери эътибор бермоқдалар. Масалан, қадимий римликлар пул ва ҳайвонни «пекуниа», греклар эса, «ктема» дейишган.

Бунинг асорати ҳозирги замон тилларида ҳам қолган. Инглизча «импиктьюнэс» сўзи «пули йўқ одам» дегани, сўзма-сўзига таржима қилинса «ҳайвони йўқ» деган маънони билдиради.

Дунёдаги кўпчилик халқлар ўртасида ҳайвон бойликини кўрсатувчи восита бўлган.

Гомернинг шеърларида қаҳрамонларнинг бойлиги ихтиёридаги чорваси билан белгиланади. Қадимий герман қабилаларининг бойлиги ҳам қанча бош моли борлиги билан ўлчанган.

Қадимий Эронда табибларга хизмат ҳақида ҳайвон берилган, бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Ливингстон Африка бўйлаб саёҳат қилганида синчков ерлик халқларга ўз ватани ҳақида, унинг қудрати, бойлиги, кемалари, шаҳарлари ва одамлари ҳақида ҳикоя қилиб берган.

Уша пайтда Лондон тахтида қиролича Викториа ўтирарди.

Ливингстон тингловчиларни мафтун этишга ҳаракат қилиб, қироличанинг донолигини, унинг атрофини қуршаб олган ҳашам ва дабдабаларни, кўп сонли мол-мулклар, ҳашаматли сарою отхоналарини гапириб берган.

Аммо бу мақтовлар африкаликларда ҳеч қандай таассурот қолдирмаган. Умида оддий ғишт уйни ҳам кўрмаган бу одамлар ҳашаматли саройларни қаёқдан билсин.

Уларга бир нарса аён эди: қиролича Викториа оқларнинг энг каттакони, энг бойи. Аммо унинг бойлиги нимага тенг экан-а? «Қиролича Викториянинг неча сигири бор? Бизнинг йўлбошчимизникидан кўпмикан?» Шунини ўйлашарди улар.

Ҳайвон узоқ вақтларгача пулнинг энг кўп тарқалган тури бўлиб қолади. Ҳайвон овқат бўлади. У сут беради. Унинг жунидан кийим учун мато тўқиш мумкин, суяклари ва шохидан — игна, қуроқ ва безаклар, терисидан пойабзал, жанговар қалқонлар, музика асбоблари, пайдан—тор, ип, камалак ипи ясаш мумкин. Ҳаммаси ҳам бир корга ярайди. Бундан ташқари ҳўкизлар юк ташийди, сув тортади, ер ишларида ёрдамлашади.

Ҳайвон ҳаммага ҳам керак, уни узоқ вақтгача сақласа бўлади. Ўзи юради, яна-тагин эгасини ҳам кўтариб боради.

## МЕТАЛЛ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

Сувсар териси—қимматли буюм. Аммо тери ҳар хил бўлади: катта ва кичик, тивити қалин ва сийрак, бирисининг ранги ундоқ, иккинчисиники бундоқ, шунга қараб баҳоси ҳам турли хилда бўлади.

Тош ва чиганоқларнинг ҳам бир хилдагисини мутлақо топиб бўлмайди. Ҳўкизлар ҳам бир-бировидан фарқ қилади. Қўйлар

ҳам шундай. Ҳар ҳолда бу пуллар қулай эмас! Бирон ерга савдо қилгани кетаётган бўлсангиз бир қанча ҳўкиз, сигирларни ёки бир отар қўйни узоқ масофага ҳайдаб боришингиз керак. Уларни йўлда боқиш ҳам керак ҳали. Демак, мол озигини ҳам кўтариб юришингиз лозим. Иннайкейин, йўлда бир неча бош ҳайвон ўлиб қолиши мумкин. Ана унда зиён устига зиён.

Ҳўш, борди-ю, қиймати яримта ҳўкизга тенг келадиган товарни сотиб олинмоқчи бўлса, унда нима қилинади? Ҳўкиз сўйилиб, тенг ярмиси бериладими? Ҳўкизнинг ярми гўштдан бошқа нарсага ярамайди-ку, ахир.

Чиғаноқ ёки тошни майдаласа ҳеч нарсага арзимас бўлиб қолади-ку.

Ер юзида аҳоли кўпайиб, шаҳарлар пайдо бўлди. Шаҳар аҳолиси учун кўп ҳайвон ортиқча ташвиш эди. Кулоллар, темирчилар, саррочлар, дурадгорлар, сават тўқувчилар, тўқувчилар, кўнчилар ўз буюмларини ҳайвонга алмаштиргилари келмай қолди. Шундай қилиб, бу хилдаги пуллар ҳам аста-секин оёқдан қола борди. Инсоният пул бўладиган яна ҳам мукамалроқ товарни қидира бошлади.

Уйни ўтин билан иситиш учун бир неча йўғон, оғир гўла керак. Қичкина бўлак антрацит билан ҳам шу талабни қондириш мумкин. Атом «ёқилғи»нинг бир зарраси билан бутун бошли бир уйни йиллаб иситса бўлади.

Бу хилдаги материалларнинг ҳаммаси турли хил даражадаги энергияга эга. Энг юқори энергияни атом беради.

Ленин номидаги Совет атом музёраар кемаси ана шу ажойиб «ёқилғи»нинг озгина запаси билан олис-олис масофаларга сузиб бориши мумкин. Бу «ёқилғи» оз жойни олади, уни жуда узоқ вақт сақлаш мумкин, у осонгина парчаланаяди ва жуда кўп миқдорда энергия беради.

Пул сифатида танланган товар ҳам ана шундай қадр-қийматга эга бўлмоғи лозим. Бундай товарнинг озгинаси катта қийматга эга бўлсин. Шундагина пул олиб юрганда оғир тушмайди, уни истаган жойда, истаган нарсага сарфласа бўлади. Бундай товар сифатини йўқотмаган ҳолда бир хил бўлақларга бўлиниши зарур. Бу нарса чакана савдо муомаласида айниқса қўл келади. Унинг қиймати ҳамиша ўзгармай туриши керак. Шундагина уни узоқ вақт сақлаш, йиғиш, яшириб қўйиш мумкин бўлади. Бундай товар — пул ёрдамида харид қилишни сотишдан истаган муддатингизга ажратиб қўйиш мумкин бўлсин. Ўз товарингизни сотиб, пулни олдингизми, бас, истаган пайтингизда, хоҳласангиз бир йилдан кейин харид қилаверасиз.



Бундай товар узоқ вақт изланди. Ҳаётнинг ўзи, зарурият бошқаларини элақдан ўтказиб, металлни танламагунча одамлар кўп нарсаларни синаб кўришди.

Учта буюмни: қадимий шарқ пичоғини; шу пичоқнинг тиг-сизи ва, ниҳоят, пичоқнинг сопи учига ўрнатилган ҳалқани кўз олдингизга келтиринг-а.

Металл пуллар худди ана шундай пайдо бўлди ва ривожланди. Аввалига улар оддий уй-рўзғор буюмлари, қуроллар: болта, пичоқ, жуволдиз, мих, камон ўқининг учи, найза, идиш бўлган. Буларга ҳамма товарларни алмашаверардилар.

Аммо, бора-бора булардан баъзилари алоҳида товар—пул бўлиб қолдилар. Немис тангасининг «пфенниг» деб аталишининг ўзи унинг келиб чиқишидан дарак беради. Аслида бу товадир (немисчада—пфенн).

Шарқ пичоғи билан ҳам шундай бўлган. Аввалига унинг узунлиги етти дюйм, оғирлиги етти юз қирқ грамм бўлган. Бу қурол эди. Вақти келиб у ўзининг дастлабки вазифаси ва оғирлигидан маҳрум бўлиб, унга тиг, кейинчалик соп ҳам керак бўлмай қолган. Пичоқ махсус пул шаклига—ҳалқа ҳолига кирган. Ҳалқани ипга шодалаб, ўзлари билан олиб юришган.

Ҳатто одамлар металлдан махсус пул ясай бошлаганларида ҳам улар одатга кўра узоқ вақтгача пулни турли буюмлар шаклида ясаганлар. Масалан, Хитойда ўша даврнинг кийими шаклидаги бир парча металл—«кўйлак» пуллар бўлган.

Аста-секин металлдан қилинган пуллар ўзларининг мустақил шакллариغا эга бўла бошлаган. Мексикада бу пуллар «Т» ҳарфида мисдан қуйилган. Ҳинди-Хитойда йўғон мис чивиклар, Шимолий Америкада қўрғошин соққачалар, Африкада тақага ўхшаш темир парчаси, Комбоджада темир ромбачалар пул хизматини ўтаган.

Қадимий грекларда тўрт қиррали темир чивиклар пул сифатида хизмат қилган. Шуниси ҳам борки, пул бирлигига олтинга темир чивик қабул қилинган бўлиб, буларнинг бир сиқим (драхма) қилиб ушлаш мумкин эди. «Драхма» номи ана шундан келиб чиққан бўлиб, ҳозир ҳам грек пул бирлиги бўлиб қолган.

## ОЛТИН. КОЛУМБ ВА САРИҚ ИБЛИС. ОЛТИН ТАЛВАСАСИ

Инсоният олтинни қадим замонлардан билган. Олтин одамларни ҳаминша ўзига қизиқтириб келган. Қизғиш товланадиган сариқ металл безак бўлиб хизмат қилган. Кейин барча безаклар сингарни у ҳам пул хизматини қиладиган товарга айланган.



Олтин — асл металл. Чунки у табиатда соф ҳолда, химиявий аралашмаларсиз бўлади. Унга нам ва кўпчилик кислоталар таъсир қилмайди. У осонгина кесилади, эрийди, жуда яхши тарашланади, қанча турса ҳам жилваси ўзгармайди.



Олтинни излаб топиш, уни бошқа жинслардан ажратиб олишга жуда кўп меҳнат сарф қилинади. Шунинг учун ҳам олтиннинг зиғирчаси ҳам жуда қиммат баҳоланади. Юз грамм олтин баҳоси жиҳатидан икки велосипедга ёки энг яхши фотоаппаратга, спорт қайиқчаси — байдаркага, учта соатга, бир сигирга тенгдир.

Ана шундай сифатлари туфайли олтин бошқа ҳамма металларни, шу жумладан баъзи мамлакатларда бир вақтлар олтиндан ҳам юқори баҳоланган кумушни ҳам орқада қолдириб кетди. «Олтин» асосий пул металл бўлиб қолди ва бутун жаҳонда ғалаба қилди. «Олтин» сўзи одамларнинг тушунчасига «пул» сўзи билан сингиб кетган.

Олтин пуллар олдинга қуйилма, кейинчалик ҳалқа шаклида бўлган. Баъзи мамлакатларда олтин пуллар қалта чивик, сим, тахтача шаклида бўлган. Мексикада эса парранда патларининг олтин зарралари тўлдирилган ўзаклари пул ҳисобланган.



Бу металл одамлар ҳаётида алоҳида роль ўйнайди.

Ҳеч нарса олтиндек ҳарисликни қўзғамаган. Ҳеч нарса олтин учун курашдагидек қайғу ва ҳасрат, азоб-уқубат, фиқ-фужур, жиноят, урушга сабаб бўлмаган.

Кишини киши эксплуатация қиладиган, хусусий мулк ҳукмрон бўлган жамиятда яшовчи кўп кишилар, олтинга ҳамма нарсани олиш мумкин, олтин — бу давлат, давлат эса — бу бахт, деб ўйлаганлар ва шундай ўйлайдилар ҳам.



Олтин ҳақида кўплаб адабий асарлар яратилган, сон-саноксиз ривоятлар, мақоллар бор.

Иолка шаҳрилик Ясоннинг олтин баррани излаб сафарга чиққани ҳақида грек халқи жуда қадим замонларда афсона яратган.

Узоқ Колхидада уруш худоси Ареснинг муқаддас чакалакзориди олтин жузли тери — олтин барра осилиб тураркан. Кимки уни қўлга киритса бахтиёр бўлиб, ишда ҳам, урушда ҳам

муваффақият қозонаверар экан. Аммо олтин баррани қўлга киритиш осон эмас экан. Колхидага бориш учун тўлқинли денгизлардан сузиб ўтиш керак экан, оғзидан ўт пуркайдиган аждаҳо муқаддас чакалакзорни қўриқлаб ётар, кимки унга яқинлашса куйдириб, кулини кўкка созуриб юборар экан.


Ясон бутун Грециядан шон-шуҳратга бурканган қаҳрамонларни тўплаб, «Арго» деган ажойиб кемада Колхидага қараб сузиб кетибди.

Аргочилар кўп саргузаштларни бошдан кечиришибди. Пропонтидадаги Айиқ тоғи ёнида олти қўлли баҳайбат махлуқлар уларни тошбўронга тутибди. Улар бутун-бутун қояларни кўчириб, йўлни тўсиш учун денгизга қулатишибди. Вифинияда азаматлар бебрикларнинг (афсонавий халқ), Фракия қирғоқларида эса шамол худоси Гарпийнинг ҳамлаларига бардош беришибди. Симплегад сув ости қоялари ўртасида уларни ўлим ўз қаърига тортмоқчи бўлибди, қаҳрамонларнинг фаҳм-фаросатню кучи билан кема ҳалокатдан қутулиб қолибди. Эвксини Понтага етиб келганларида Стимфалид қушлар ўзларининг мис патёйларини отиб уларга ҳужум қилибди.



Аргочилар олтин баррага етгунларича яна жуда кўп азоб-уқубатларни бошдан кечиришибди.

Қадим замонда қум аралаш олтин зарраларини қўй терисига солиб ювишган. Олтиннинг оғир зарралари жунга илашиб қолиб, бошқа нарсалар сувда ювилиб кетган. Шундай қилиб, қўй териси «олтин барра» бўлиб қолган. Афсона ҳаёт ҳақиқатларини ажойиб фантазиялар билан безаган.



Кўп асрлар ўтгач афсонавий қаҳрамон эмас, балки номи тарихда қолган машҳур одам «олтин баррани» қидириб янги сафарга чиқди. 1492 йил 3 августда Христофор Колумбнинг учта елканли кемаси узоқ сафарга жўнади.

Ясонга худолар ёр бўлган бўлса, Колумбга испания қироли ва қироличаси ҳомийлик қилди. Ясоннинг ўқ-ёй ва бронза қилич билан қуролланган шонли қаҳрамонлари бўлса, Колумб экипажидагилар орасида ор-номуссиз, милтиқ ва пўлат шамширли каллакесарлар бор

эди. Греklarнинг ажойиб «Арго» кемаси, испанларнинг эса тез-сузар уч елканли каравелла деб аталадиган кемалари бор эди.

Аммо иккаловларининг ҳам мақсадлари битта — олтин эди.

Ривоятларга қараганда, Колумб ўз каравеллалари елканларини кўтаришдан олдин тангрига ёлвориб, илтижо қилган:

«Барча нарсани яратган эй қудратли парвардигор, олтин конни топишда мададкор бўл, менга назар ташла, мени ўша керакли нарсага етказ».

Испан қироли ва қироличаси Колумбни янги ерлар излаш учун номаълум денгиз йўлларига жўнаётиб: «Олтин топ!»— дея талаб қилди. Қирол ва қиролича Колумбдан катта-катта ваъдалару юксак унвонларни аямадилар. Денгиз саёҳатчисига олдинданоқ адмираллик ва кашф қилинажак ерларнинг вице-қироли унвони берилди. Тушажак ўлжанинг ўндан бир қисмини ваъда қилишди унга.

Севилья банкчилари ва савдогарлари Колумб кемасини жиҳозлар эканлар: «Олтин!» — дея уқтирардилар.

Жуда кўп муттаҳамлар: «Олтин!» — дея хавфли сафарга отландилар.

Колумб кўп ойлардан кейин номаълум оролга сузиб келди. Бу Багам оролларида бири эди.

Соддадил маҳаллий халқ каттадан-кичигигача соҳилга чиқиб, умрлари бино бўлиб кўрмаган катта кема ва оқ танли одамларга ағрайиб қарашарди. Европаликлар ҳам оролликларнинг олтин тақинчоқлар билан безатилган қоп-қора танларига қараб ҳайрон бўлишарди. Олтинни қаердан оласизлар деб берилган саволга улар жанубни кўрсатишди.

Колумб икки йилдан кейин яна ўша томонга қараб йўл олди ва янги катта орол соҳилига бориб етди. Бу Куба эди.

XV аср бу мамлакатдаги аҳолини талаш ва асоратга солишнинг бошланиши бўлди. Куба мустамлакага, аҳолиси эса қулга айланди. Келгиндилар ерли аҳолини қамчи ва калтак зарбида тинмай олтин излашга мажбур қилардилар. Олтин кўп эди, аммо оқ танли келгиндилар яна ва яна дейишарди. Ерли аҳоли: «Сариқ металл уларнинг Жаноби, уни жуда яхши кўришадди», дейишарди.

Гаити, Ямайка, Пуэрто-Рико, Мексикадаги ацтеклар, Перудаги инкларнинг қадимий давлатлари, Бразилия ва Боливиянинг қисмати ҳам шундай бўлди. Колумб ортидан бу ерларга истилочилар галалари ёпирила бошлади.

Бу янги қитъанинг очилиши ва шу билан бирга унинг Сариқ Иблисга бўйсундирилишининг бошланиши эди.



1848 йилда Америка бўйлаб яшин тезлигида кишини ҳайратда қолдирадиган хабар тарқалди: Калифорниядан олтин топилибди! Бу ерларнинг ҳаддан ташқари сахийлиги ва олтин изловчиларнинг эртақлардагидек бой бўлиб кетаётганлари ҳақида муфассал хабарлар келиб турарди.

Барча миллатларнинг муттаҳамлари Калифорнияга ёпирила бошладилар. Қитъанинг барча бурчакларидан, океан ортидан келишарди. Келишарди-ю, очофатларча олтин ахтаришга тушишарди...

1867 йили рус подшоси рус кишилари томонидан очилиб, одамдар истиқомат қила бошлаган Аляскани 7 200 000 долларга америкаликларга сотди. Иқлими жуда совуқ, узоқ шимолда, бошқа қитъада жойлашган бу жой подшога ортиқча юкдек туюлди.

XIX асрнинг охирида эса уерда бой олтин конлари топилди. Эллик йилнинг ўзидагина бу ердан 1 миллиард сўмлик қимматбаҳо металл олинди.

Тез орада Аляскага қўшни бўлган Қанадада ҳам олтин топилди. Шундан кейин беҳисоб олтин изловчилар галалашиб Шимолга отландилар. «Олтин васвасаси»га гирифтор бўлганлар пароход ва қайиқларда сузиб келишар, йўлда муз тагига чўкиб кетишар, бир-бировларини алдашар, талар ва ўлдирар, аммо ҳамон Шимолга томон интилишарди. Буерга келиб олтин кўп жойга тушиб қолган саноқли кишиларгина чиндан ҳам бойиб, кўпчилик олтин изловчилар эса ҳалок бўлишди. Тирик қолганларнинг анчаси ичкиликка ружу қўйиб, бир умрга майиб бўлиб, жиноятчи ёки девонага айланишди.

Олтин зарралари балчиқ ва қон билан қоришиб, муттаҳамларнинг ҳамёнларини қаппайтирди. Ҳар бир зарра олтин эвазига қанча-қанча жабр-жафолар тортдилар, кўзёши тўқдилар



ва ҳаётларидан, ор-номусларидан ажрадилар. Бойлик орттиришнинг бундай усули капиталистик жамиятнинг асосий қонунидир.

### ҲАМЕНДАГИ БУҚА

Баъзан археологлар қазиб пайтида сирли нарсаларни топишади. Бундай нарсаларнинг нима эканлигини билиш учун олимлар узоқ вақт изланадилар. Аммо сир топилгач, уни топишга кетган меҳнат эвазига юз ҳисса кўпроқ тақдирланадилар.

Мана, бир неча юпқа маъдан пайсалар. Улардан бирида кўзга зўрға кўринадиган чизиқлар билан буқа, бошқасида қўй тасвирланган... Бу нима экан? Безакми, белгими ёки муҳрмикин?

Мисрда археологлар номаълум сурат туширилган тоштахта топишган: одам тарози ушлаб турибди, тарозининг бир палласида қандайдир ҳалқа, бошқа палласида буқанинг шохдор калласи.

Расмга қараб туриб битта, аммо жуда муҳим хулосага келиш мумкин: қадимий мисрликлар тарозини билишган, нарсаларни тарозида ўлчашган. Аммо ҳалиги ҳалқа нима экан, нега буқанинг боши турипти тарозида? Сирдан қараганда биринчи жумбоқ билан мутлақо алоқаси бўлмаган яна бир жумбоқ бўлса керак буерда.

Иккала жумбоқ учинчи нарсани топишга ёрдам берди. Франциянинг Лувр музейида томошабинларга ҳар хил ёзувлар билан тўлиб-тошган каттакон тош устунни кўрсатишади. Бу Вавилон подшоси Хаммурапи қонунларининг мажмуаси. Бунга тўрт минг йилча бўлган. Бу «тош» китобдан Қадимий Вавилоннинг давлат тузуми, аҳолиси таркиби, одатлари ҳақида турли маълумотларни билиб олмоқ мумкин. Кўпгина сатрлар бу давлатда металл пуллар бўлганидан далолат беради. Ҳатто ўша замондаги нарх-навоми ҳам билса бўлади.

Мана, масалан, қонуннинг бир моддасида нималар ёзилган:

«Агар ҳақим бирон кимсани муолажа қилиш ниятида бронза пичоқ билан оғирроқ жарроҳлик ишини бажариб, ўша одамни тузатса ёки бронза пичоқ билан кўзга тушган оқ пардани олиб ташлаб, (ўша) одамнинг кўзини даволаса, у ҳолда ҳақим ўн сикль кумуш олади».

Шундай қилиб, кўзни даволагани учун кумуш олган. Ун сикль. Сикль эса оғирлик бирлиги. Муҳими ана шунда!

Қимматбаҳо металлларнинг пул тариқасида истеъмол қилиниши аниқ ўлчовнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Илгари

бу ўлчов керак бўлмаган. Гўшт ёки донни граммлаб ўлчаб ўтиришмагандир-ку, ахир.

Одамлар дастлабига бошқа кўп нарсалар сингари оғирлик ўлчовини ҳам табиатнинг ўзидан ўрганишган. Вавилон сикли дуккакли ўсимлик донининг 20 донаси оғирлигига тенг бўлган.

Тош устундаги бошқа бир ёзувдан маълум бўлдики, қўй—1 сикль, эшак—16 сикль, буқа—20 сиклга яқин кумушга тенг экан. Демак, баҳолар кумушнинг маълум оғирликдаги парчалари билан белгиланар экан.

Тоштахтадаги сирли сурат эҳтимол ҳалқа пулларнинг тортилаётганини акс эттирар?

Аммо буерда буқанинг калласи нима қилиб юрипти? Ахир, тарозига буқа калласи ёки буқанинг ўзига тенг оғирликдаги кумуш ёки олтинни қўйиша олмайди-ку!

Шундан кейингина ҳайвонлар сурати туширилган металл пайсаларни эслаб қолишди. Булар пулни тортадиган тошлар-ку, ахир! Тарозидagi буқа калласи буқа калласи расми туширилган тошни акс эттирган.

Одамлар пул-ҳайвондан аста-секин воз кечиб, металл пул ишлата бошладилар, аммо металлнинг қийматини анча вақт-гача ҳайвонларнинг ўрганиб қолинган қийматига солиштириб юрдилар. Маълум миқдордаги кумуш ёки олтин сизирга, қўйга тенглаштириларди. Энди харид қилишга борганда каттақон тирик буқани сургаб юришнинг ҳожати қолмаган эди, у ҳам ёнга бемалол сиғаверарди.

Баъзи мамлакатларнинг, масалан, инглизларнинг фунт стерлинги, французларнинг ливри, немисларнинг маркаси собиқ оғирлик бирлигидир.





## ТАНГАЛАР. ПУЛНИ БУЗИШ. ПУЛНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ғалатидир жуда: қора нону тухум ҳамда мой  
Ва бир бўлак сариғ бердилар менга.  
Нима эвазига? Пул саналувчи жезга, ҳойнаҳой,  
Айирбошлаш рамзи — тансиқ ва сийқа «мулла жириг»га!  
Саша Черний, «Қишлоқда»

### ТАНГАНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

Оғирлигига қараб пулни ҳисоблаш усули олға ташланган муҳим қадам бўлди, аммо бунинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор эди.

Бу ҳақда ўтган асрнинг бошларида Бирмада бўлган машҳур этнограф Бастнан қуйидагиларни ҳикоя қилади.

Бирмада бозорга кетиш олдидан кумуш парчалари, болғача, чопқи, тарози ва қадоктошларни ғамлаб олишарди. Керакли молни қидириб тонишгач, эгаси билан савдолашиб, кумушни сандонга қўйишарди-да, мол ҳақини тўлаш учун уни парчалашарди. Кейин шу парчани тортиб кўришарди. Агар озроқ майдалашган бўлишса, яна қирқиб туширишар, кўп қирққан бўлишса ортиқчасини кесиб олишарди. Керакли парчани бир-икки галда кесиб олиш қийин бўлганидан бунга эришгунларича баъзан кумушни бир неча марта қирқишга тўғри келарди.

Қачонлардир бошқа мамлакатларда ҳам ана шундай ҳол юз берган бўлса керак.

Бу машаққатдан қандай қилиб қутулиш мумкин? Савдототиқда ҳисоб-китобни қандай қилиб осонлаштиради бўлади?



Савдогарлар металл парчаларини аниқ ва ҳар хил оғирликда олдиндан қирқиб ёки қуйиб тайёрлаб қўядиган бўлишди. Энди харид пайтида ҳақ тўлаш учун болға, чопқи ва искана керак бўлмай қолди, оғирлиги ўлчанса бас. Ҳар бир савдогар бозорга албатта тарози ва бир нечта қадоқтошни олиб борарди. Улар озгина ҳақ олиб, тарозиси бўлмаганларнинг ҳам пулларини тортиб беришарди.

Асрлар кетидан асрлар ўтиб бораверди, тарози савдогарнинг ажралмас иш қуроли бўлиб қолди.

Аммо вақти келиб кимнингдир миясига пулга ўз тамға-нишонини қўйиб, оғирлиги ва металлнинг софлигини тасдиқлаш керак деган фикр келади.

Тамға босилган танга пуллар ана шундай пайдо бўлади. Аммо танга номи эса анча кейин берилади.


### САВДОГАРМИ ЕКИ ИККИ ЮЗЛАМА ЯНУСМИ?

Бир парча металлга тамға босишни ўйлаб топиб, шу билан металлни танга қилиб қўйган киши ким экан?

Бундай фикр савдогардан бўлак кимнинг ҳам хаёлига келарди?

Буни биринчи галда мартабаси улуғ, кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлган катта савдогар ўйлаб топган бўлса керак. Тамға босилган қуйма пуллар яқин теварак-атрофда тортмасдан қабул қилинадиган бўлиб қолди. Уни худди бизга ўхшаб шунчаки санайверишарди. Тез орада бошқа савдогарлар ҳам ана шундай қила бошладилар.

Рим афсоналарида танганинг пайдо бўлиши бошқача ҳикоя қилинади.



Асс, Янус тасвири тўширилган Рим тангаси.

Қадимий римликларнинг кўпдан-кўп худолари орасида ҳамма бошлангич нарсаларнинг, ихтироларнинг — аввал-охирнинг муттасаддийси бўлган худо бор экан. Унга вақт ҳам тобе экан. Бу худони Янус деб аташар, уни икки томонга қараб турган икки юзли қилиб тасвирлашар экан.

Йилнинг биринчи ойини Янус шарафига унинг номи билан — январь деб аташадиган бўлишибди. Рим уруш бошласа Янус ибодатхонасининг эшикларини очишар, уруш тугаса — ёпишар экан.

У пайтда римликлар ер юзидаги барча муҳим нарсалар



худоларнинг амри билан барпо қилинган деб ишонар. Янусни биринчи танганинг яратувчиси деб билишарди. Шунинг учун ҳам Италиядаги кўп шаҳарларнинг қадимий тангаларида бир томонида икки юзли бош, иккинчи томонида эса кема тумшуги тасвирланарди. Гўё Янус бу мамлакат соҳилларига ана шу кемада сузиб келган эмиш.

Биринчи танга қаерда пайдо бўлгани ҳақида ҳозиргача баҳслашилади.

Баъзилар дастлабки танга грекларнинг Эгина оролида, Аргос подшоси Фейдоннинг ерида пайдо бўлган дейишади. Ҳатто вақтини ҳам белгилаб, саккизинчи Олимпиададан кейиноқ пайдо бўлган, дейишади.


Шуни айтиш керакки, қадимий греклар эрамиздан аввалги 264 йилдан бошлаб санани Олимпия шаҳрида ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Олимпия спорт ўйинларидан ҳисоблаганлар. Бу бутун халқнинг катта байрами бўлган. Ўйин пайтида бутун Греция бўйлаб урушлар тўхтатилган. Мусобақа голиблари — олимпиклар энг атоқли кишилар бўлиб танилганлар. Уларга соғалар бериб, ҳурмат-эҳтиром билдиришган. Биринчи олимпиада эрамиздан аввалги 776 йилда, саккизинчиси 748 йилда бўлган.

Бир хиллар: йўқ, тангани биринчи бўлиб лидияликлар зарб қилишган, дейишади.

Эрамиздан анча олдин Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида қурадли кулдорлик давлати — Лидия мавжуд эди. Бу давлат Греция ва ўзининг шарқий қўшнилари билан кенг савдо-сотиқ олиб борарди. Лидия тупроғи қаърида олтин кўп эди. Лидияликларнинг қадимий тангаси — олтин статер бўлган. Унинг бир томонига югуриб кетаётган тулкининг тасвири туширилган. Тулки Лидияда муқаддас жонивор ҳисобланган. У лидияликларнинг бош худоси — Бассарейнинг рамзий тасвири эди. Статернинг орқа йўл-йўл ботиқ томонида ҳеч нарсанинг тасвири солинмаган.

Эҳтимол ана шу статер биринчи танга бўлгандир.

Лидияликларнинг тангасидан кейин подшо Фейдоннинг муқаддас тошбақа сурати тасвирланган эгин статерлари, кейин Кичик Осиёдаги бошқа грек шаҳарларининг тангалари пайдо бўлган. Булар олтин ва кумушнинг табиий қотишмаси бўлмиш электрдан ясалган бўларди.





Грек (Афина) тетродрахмаси. V аср.

Олтин дорий.

Қадимий Грецияда савдо муомаласида дирхам, (драхма) обол, халкоси ҳамда майда чақа — лепталар юритилган.

Форсларнинг биринчи пули, бу ҳам жуда қадимий бўлиб, бири-бирига ўраб яссиланган икки қават мис симдан иборат бўлган.

Эрон подшоси Доро I Гуштасип эрамиздан анча илгари ўзининг машҳур дорийларини зарб қилган эди. Буларнинг ҳар бири 8,4 грамм соф олтиндан иборат бўлиб, уларда камон отаётган подшонинг тасвири туширилган эди.

### КАПИТОЛИЙ ЧУҚҚИСИДА

Қадимий римликлар: ҳар бир эркакнинг ўз худоси — дохйиси бўлиб, уни ўз паноҳида сақлайди, ҳар бир аёлнинг маъбудаҳомийси — Юнонаси бор деб ишонишарди. Аммо бу эркак ва аёл худодларнинг ҳаммаси еру кўк подшоси Юпитер ва унинг хотини Юнона Монетага тобе экан. Одамларнинг ҳузур-ҳаловати шуларга боғлиқ экан. Бу эр-хотинларнинг илтифотига муяссар бўлиш учун турли йўллар билан уларнинг кўнглини топиш, улардан ҳеч қандай назр-ниёзни аямаслик керак экан.

Римликлар ҳарбий юришга отланишар, жангда ғалаба қозонишар, уй қуришар, кемаларни узоқ сафарга шайлашар экан, улар Юпитер ва Юнона Монетага кўплаб назр-ниёз бахшида қилишаркан.

Пойтахтнинг энг баланд ери Капитолий тепалигининг чуққисиди Юнона Монета шарафига ажойиб ибодатхона қуришибди. Жануб қуёши нурларига чўмилган оқ мармар деворлар узоқдан ялтираб кўринаркан. Серҳашам ички безаклар кишини мафтун қиларкан.

Рим билан Эпир подшоси Пирр ўртасидаги адоват кўп вақт давом этибди. Икки қўшин жанг майдонида кўп марта лаб тўқнашиб, ҳар гал Пирр ғолиб чиқаверибди. Гераклея, Аускуле деган жойлардаги жангларда ҳам шундай бўлибди. Урушлар оғир ва ниҳоятда ҳолдан тойдирадиган даражада бўларкан. Улар Римни вайрон қилибди. Давлат хазинаси бўшаб қолибди.

Гарчи Пирр сўнги жангда ғолиб чиққан бўлса-да, бунга кўп талафот бериб эришган экан. Унинг лашкари бутурдан кетибди.

Айни замонда душманчилик ҳали тугамаган, ҳарбий низо ҳал бўлмаган экан. Пирр ўз иттифоқчилари — Жанубий Италиядаги грек шаҳарлари билан биргаликда аввалгидек Римга даҳшат солиб тураркан. Рим янги урушга ҳозирлаанаверибди. Бу олиншув Беневент яқинида эрамиздан аввалги 275 йили содир бўлган.

Пирр тор-мор келтирилибди.

Римда тантана-шодийнанинг чеки-чегараси бўлмабди. Юнона Монета ҳеч қачон бу қадар кўп ҳадя—назр-ниёз олмагай экан. Мағлублардан тортиб олинган олтинлар, қимматбаҳо тошлар, қимматли газламалар, жониворлар — жами маъбуда ибодатхонасига келтирилибди. Маъбуда шарафига мадҳиялар тўқишибди, ажойиб ҳайкаллар ясашибди. Ниҳоят фақат Юнона Монета ибодатхонасидагина пул зарб этиш ҳақидаги қонуни қабул қилинибди.

Шу пайтдан эътиборан Римда, кейинчалик эса бошқа кўпчилик мамлакатларда металл пуллари монета—танга деб аташадиган бўлишибди.

Дастлабки танга кичкинагина оддий металл қўйилмасидан иборат бўлиб, кўпол, ноаниқ шаклда бўлган. Фирибгарлар бундан фойдаланганлар. Улар ҳар бир олтин ёки кумуш бўлагидан оз-оз қирқиб олиб, эритиб, янги пул қўйганлар. Шакли ноаниқ қўйилмаларнинг камайиб қолганини эса бир қарашда пайқаш қийин эди-да, ахир.

Бундай фирибгарчиликка чек қўйиш учун пулларга аниқ шакл бериб, устига чизик тортиб, нуқталар қўйиб, кейинчалик расм соладиган, хат битадиган, ёнига кунгираддор нақш чекадиган бўлганлар. Бундай пулга етказилган ҳар қандай шикаст дарҳол сезиларди.

Серви Тулли даврида зарб қилинган ассири Римдаги энг қадимий танга деб ҳисоблайдилар.

Римликлар кумуш тангани эрамиздан аввалги 269 йилдан бошлаб, олтин тангаларни эса эллик йил кейин зарб қила бошлаганлар. Ассирий пул бирлиги динор ҳисобланган.

Эрамизнинг IV асрида солидлар пайдо бўлган. Бир қадоқ олтиндан 96 донга танга ясаганлар.

Бошқа кўп мамлакатлардаги пул бирлигининг номи, масалан, итальян сольди, француз суси, инглиз ва немис шиллинги ана шу солиддан келиб чиққан.

Бошқа пул бирликларининг номи ҳам шунга ўхшаб пайдо бўлган: Флоренция шаҳри тангаси — флорин; норман князининг тангаларига лотинча қилиб ёзилган: «Сит тиби, Христе, датус квем ту ипсе регес дукатус» — яъни: «Эй ҳукмдор Исо, сен йўлга солган одамларгина сенга содиқ» деган иборадан — дукат; «цекка» (зарбхона)дан — Венеция цехини; немисча «гольден» (олтин) сўзидан — гульден, итальянча «гросс» (йўгон) сўзидан чехларнинг гроши, чехларнинг «гроши»дан украинларнинг грошиси (пул) келиб чиққан.

Украинларнинг карбованец тангасининг келиб чиқиши қизиқ.

Литваликларнинг кумуш пуллари XIV асрда Украинада ҳам муомалада бўлган. Металлнинг қаттиқлиги ва рангига қараб сифатини аниқлаш учун танганинг бир четини тишлаб кўрганлар. Ҳадеб тишлайверилганидан тангаларнинг бир чеккаси кемтик бўлиб қолган. Буни литвачасига карб дейилади.

Ана шу пайтдан бошлаб бу тангаларни украинлар карбованец деб атаётганлар. Кейинчалик бу мустақил Украина пул бирлиги номи бўлиб қолган.

Ғарбий европаликларнинг «талер» сўзидан «доллар» келиб чиққан.

Тангалар ўз навбатида буларга сира ўхшамайдиган нарса ларга ҳам ном бўлиб қолган.

Масалан, «газета» сўзи венецияликларнинг кичкинагини тангачаси газетте сўзидан олинган, дастлабки газеталар ана шу тангага сотилар экан.


### САРРОФЛАР. ПУЛ ПУЛНИ ТОПАДИ

Бозорда шовқин-сурон. Савдогарлар чуғурлашиб, харидорларни ўз дўконларига чақирар, молларини мақташарди. Одамлар бир-бирлари билан баҳслашишар, савдолашишар, жанжаллашишарди. Сопол қувачалар жангиллаяпти, кулол қувачани таёқча билан уриб, унинг пишиқлигини намоён қиляпти. Нариги томонда эса торнинг ёқимли овози эшитилади. Уерда музика асбоблари сотиляпти. Темир-терсаклар тарақ-туруқлайди, хўкизлар нақ қулоқни кар қилгудек мўърайди, дайди итлар вакиллайди.

Бироқ бозорда сокин жой ҳам бор. Бу ерда вақти-вақти билан паст овозлар ва металлнинг тиниқ жаранги эшитилиб қолади. Бу саррофнинг дўкони, у уюм-уюм танга ва тарози турган стол ортида гердайиб ўтиради.

Саррофнинг олдида қанақанги пуллар йўқ дейсиз! Шу ерда ва бошқа мамлакатларда зарб қилинган эски ва янги танга-

лар, бутуни ва кесилганлари ҳам бор... Халқ бозорда қанақанги пул билан ҳақ тўламайди дейсиз! Ҳаммаси ҳам ўз қимматига эга. Оддий одам бу хилма-хилликларни ажрата олармикан! Ҳаш-паш дегунча сизни лақиллатиб, ҳисобдан уришадди ёки ўтмас тангани тутқазиб юборишадди. Саррофсиз иш битириб бўлмас!



Ана шунинг учун ҳам ҳамма унинг ҳузурига келади. У пул майдалайди, бирини иккинчисига алмаштиради, истаган тангангизнинг қийматини, харид қилинган нарсага қанча ва қайси пулдан тўлаш кераклигини айтиб, ҳисоблаб беради.

Европада саррофлар X асрда пайдо бўлган. Шарқ ва Грецияда саррофлар анча илгаридан бор эди.

Сарроф ўз хизматига анча-мунча ҳақ олса ҳам, ҳар ҳолда керакли одам. Унинг «банко» столи — бозорда ҳам, шаҳар майдонида ҳам, ҳатто ибодатхонада ҳам — ҳаммаша халойиқ қуршовида бўлган. Монпелье шаҳрининг бир ибодатхонасини: «Сарроф биби Марям ибодатхонаси» деб атаганлар. Чунки у ерда банко бўлган.

Саррофлик касбининг нақадар муҳим ва фойдали эканини ана шунинг ўзидан ҳам билса бўлади. Нега деганда, ибодатхона нафи тегмайдиган кишини ўз қаноти остига олмайди-ку, ахир.

Саррофнинг ўз вазифасини адо этишига ҳалол иш олиб бориш ҳақида қасамёд этгандан кейингина изн берилган. Аммо қасамёд қаллоблик қилишга халақит бермасди.

Саррофнинг фаолияти аста-секин кенгая боради.

У пайтларда давлат ҳокимияти хйла заиф бўлган. Князь ва қироллар ўз фуқароларининг мол-мулкига ғамхўрлик қилишмас, ҳар ким ўз ҳаёти ва мулкини ўзи қўриқларди. Шаҳарларда унча-мунча соқчилар бўлса ҳам, қишлоқ йўлларида осон бойиш ҳаваскорлари ғужғон ўйнардди. Шаҳарларда ҳам ўғирлик ва босқинчиликлар бўлиб турарди.

Дворянлар, савдогарлар, давлат





амалдорлари албатта қуроли соқчилар қуршовида йўлга чиқишарди. Ибодатхоналар ўз мулкларини деворлар билан ўраб олишар ва дарвозаларини ҳамини маҳкам беркитиб қўйишарди. Роҳиблар тез-тез қўлга қурол олиб, босқинчилар ҳаммаларини қайтариб туришга мажбур бўлганлар.

Ҳар бир савдогарнинг ўз пулини бошқа шаҳарга олиб бориш учун ҳар гал соқчи ёллаши ноқулай эди. Бу ишни саррофлар ўз қўлларига оладилар. Улар бир неча савдогардан топшириқ олиб, қуроли карвон тuzардилар-да, пулларни тегишли жойга етказардилар. Пулнинг бутлиги учун сарроф жавобгар эди. Савдогарлар учун бу қулай эди. Улар хавфдан холи бўлишар, саррофлар ҳам бойлик орттириб қолардилар.

Шаҳарларда саррофларнинг пул сақлайдиган музди-мустаҳкам сандиқлари ва ажойиб хилватхоналари бўларди. Улар қорувол ёллардилар. Уларга қудратли ибодатхона мададкор эди. Ана шунинг учун ҳам жуда кўп бадавлат одамлар ўз пулларини сақлаш учун саррофларга бериб қўяр эдилар.

Сарроф омонатни қабул қилиб, уни алоҳида дафтарга ёзиб қўярди. Омонатчи пулнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олса, бу ҳам дафтарга ёзиларди. Ҳисоб-китоб шундан бошланган.

Савдогарлар пул олди-бердиси-дек сердиққат ишга вақт сарф қилмаслик учун пул муомаласи — бировага пул бериш, бошқа бировдан олиш каби ҳисоб-китобни саррофларга топширадиган бўлдилар.

Ана шунда саррофларнинг миясига ажойиб фикр: пулсиз ҳисоб-китоб олиб бориш фикри келади. Бир савдогар иккинчи савдогарга пул берадиган бўлса сарроф биринчисининг ҳисобидаги омонатни ўшанча камайтириб, иккинчисиникини эса ўшанча кўпайтириб қўяди. Пул эса сандиқда ҳаракатсиз тураверади.



Ҳисоб-китоб дафтарларида омонатчиларнинг қанча пули борлиги ойнадек кўриниб турарди. Сарроф омонатчиларнинг сирларидан воқиф эди, у бойми ёки синиш олдидами, унга кимлар қанча тўлашлари керак ёки у қанча қарздор, буларнинг ҳаммасини биларди.

Ҳар бир саррофда сақлашга қўйилган пул кўп бўларди. Аммо бу пуллар ҳаракатсиз эди-да! Борди-ю, бу пулларнинг бир қисмини муҳтож кишиларга қарз бериб турилса-чи? Албатта бекорга эмас, фойдасига: юз соьдини юз йигирма соьди қилиб қайтариш шарти билан. Сарроф ҳамма омонатчи ундан пулини бир кунда қайтариб олмаслигини яхши билади. Демак, бу пулларни асло чўчимай ишга солиб юбориш мумкин. Бу пулларнинг кимникилигини ким билиб ўтирибди.

Шундай қилиб, саррофлар ҳам қарз бера бошлаганлар. Пул пулни топадиган бўлган.

Бировларнинг махфий сақланиши керак бўлган пуллари ва бўш пулларга эга бўлиш саррофларни бойлик, ор-номус, баъзан эса одамларнинг ҳаёти устидан беқиёс ҳукмрон қилиб қўяди.

Шундай қилиб, саррофлар аста-секин ҳозирги замон банкчиларига, уларнинг кичкина банколари катта ва қудратли банкларга айлана боради.

## МУҒАМБИР КАССИР. БЕЛГИЛАР. ПУЛНИ БУЗИШ

Биринчи жаҳон уруши олдидан Европа ва Америкадаги кўпчилик мамлакатларда олтин пуллар юритиларди.

Банкларнинг кассаларига кунига минг-минглаб тангалар тушарди. Булар хусусий омонатлар, ҳар ёқдан келган ва жўнатиладиган пуллар, солиқлар ва бошқалар эди. Кассирлар ҳар куни тангаларни хиллар, бир хил тангаларни тахлаб, қоғозга ўраб чиқар эдилар.

Пулни усти силлиқ қилиб жилоланган катта ёғоч столларда санашарди. Бу тангаларнинг сийқаланишини камайтирарди.

Аммо бир куни йирик банклардан бирининг кассири негадир пул санаш пайтида уйидан олиб келган мовутни столга ёйиб, ўшанга тўккан. Бундай жонкуярликни кўрган бошлиқларнинг меҳри товланиб, бу кассирни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишган.

Бироқ тез орада кўпчилик бу кассирнинг ғалати



хатти-ҳаракатига диққат қила бошлаган: у иш бошланишида мовутни жуда ҳам эҳтиётлик билан ёйиб, кечкурун эса ундан ҳам эҳтиётлик билан буклаб қўяркан. Ҳар шанба мовутни уйига олиб кетар, душанба куни эса янги мовут парчасини келтирар экан.

Ҳамкасблари: «Бунда бир сир бор», деган шубҳага тушишибди.

Ниҳоят ҳамма нарса ошкор бўлиб қолибди. Қассирнинг уй хизматчиси, ҳар шанба у мовутни товага солиб ёндиради, деб оғзидан гуллаб қўйибди. Бир ҳафта ичида мовутнинг тукига илашиб қолган олтин зарралари оловда эриб, кассир қимматбаҳо бу металлнинг кичкинагина қўймасига эга бўлар экан.

Қадим замонда пулни соф олтин ва кумушдан ясашган. Бироқ бу металллар ниҳоятда юмшоқ бўлиб, тангалар осонгина сийқаланар ва ҳеч қанча вақт ўтмай қийматининг бир қисмини йўқотарди. Шундан кейин уларни асл металлга оз миқдорда арзон, масалан, мис аралаштирилган қотишмадан ясайдиган бўлишган.

Аммо, ҳар қалай тангалар юксак пробада қолаверган, яъни таркибида олтин ва кумуш кўп бўлган. Булар ҳам аввалгисига қараганда секинроқ бўлса-да, бари бир сийқаланарди.

Бир куни шундай тажриба қилинади: олтин тангани махсус, жуда ҳам нозик тарозиде тортиб, кейин қўлда ушлаб туриб, яна тортадилар — танга енгилроқ бўлиб қолибди, чунки олтин зарралари қўлга юқиб қолар экан.

Ҳисоблаб кўрсалар, ҳар йили саккиз юз килограммга яқин олтин танга заррага айланиб кетар экан.

Муғамбир кассир ана шундай зарраларни тўплаб оларкан.

Пул узоқ умр кўради, минг-минглаб қўлларга ўтади, бу чўнтақдан у чўнтакка тушади, бу ҳамёндан у ҳамёнга киради. Яшиқларда, сандиқларда ва қувачаларда кўп вақтлаб ётади. Уларни қайта-қайта санайдилар, идишга ташлайдилар, тахлайдилар, идишдан ағдардилар. Бора-бора олтин ёки кумуш тангалар шунчалик сийқаланиб кетадики, натижада анча оғирлигини йўқотади. Қизиги шундаки, бу пулларни ҳам илгарйигидек тўла қиймати билан қабул қилаверадилар.

Баъзи давлат арбоблари пулнинг ана шундай хусусиятидан фойдаланиш устида бош қотирганлар. Олтин ёки кумуш танганин оғирлигини бир оз камайтирса нима қиларкин, деб ўйлаганлар. Тоши енгиллатилган пул ҳисобига сарой, қўшиннинг ҳамма харажатларини қоплаш, металлни иқтисод қилиш, бундан яна пул ясаш мумкин-ку.

Танганин оғирлигини сақлаб қолган ҳолда, мис, қалайни кўпроқ аралаштирса ҳам бўлади.



Кўп ҳокимлар шундай қилдилар ҳам: пулни «буздилар». Буни маҳфий суратда, маҳфий тутишнинг иложи бўлмаганда эса очикчасига қилдилар.

Одатда бундай иш давлат харажатлари кўпайиб кетган уруш вақтларида содир бўларди, аммо бойлик орттириш мақсадида ҳам пулни бузаверардилар.

Эски Англияда бузилган тангаларнинг оғирлиги тўла қийматли тангаларнинг салкам ярмига тўғри келарди.

Франция қироли Филипп IV тарихга Филипп Хушрўй бўлибгина эмас, балки Филипп Қалбаки тангачи бўлиб ҳам кирган. Бу қирол ўз бисотини кўпайтириш мақсадида тап тортмай пулни бузаверган. Улуғ шоир Данте дўзах манзараларини тасвирлар экан, бошқа гуноҳкорлар қаторида Филиппни ҳам дўзахга жо қилган.

Германия князлари ҳам шундай қилганлар. Буларнинг деярли жами ўз шахсий зарбхоналарига эга эдилар ва турли йўллар билан пулни бузардилар. Улар оғирлигини камайтириб, асл металлларга арзон металлари қўшиб, кумуш ўрнига ярим кумуш, баъзан оддий тунука тангалар чиқарганлар.

Фуқаро бундай пулларни унча олмасди, шунинг учун ҳам баъзи князлар танга зарб қилувчиларга тангаларни эски оғирлигида қайтадан зарб этишни буюрардилар. Бу тангалар асл нусхасига ўхшасин деб уларга вино дурдасини суриб жилосини кеткизардилар.

Германия халқи худди ўша замонда қуйидаги ҳажвияларни яратган эди: «Кимёгарлар миснинг кумушга айланишини сир деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки бу барча танга зарб қилувчиларга маълум».

«Янги дуо яратиш зарур бўлиб қолди: эй, худойим, ортиқча пулдан ўзинг сақла».

«Бир одамни тўнаган ўғрини осишади. Ҳаммани хонавайрон қилганлар иззат-ҳурматда».

«Князлар халқ ва мамлакатни талашни аскарларга ман қиладилар-у, аммо танга зарб қилувчиларга йўл қўйиб берадилар».

«Енгил пул мамлакат учун оғир урушдан баттар жазо».

Муомалага бузилган пуллар оралаган мамлакатларнинг аҳолиси тангалардаги белгиларга қарамай қўйдилар, чунки улар кишини алдарди. Танганинг чинакам қийматини белги-



лаш учун куп асрлар илгари бўлгани каби яна тангани тортиб кўрадиган бўлдилар.

Россияда ҳам пулни бузишган. Москванинг кўр князи Василий Темний замонидаёқ 21 улуш оғирликдаги пул 8 улушгача камайтирилган.

Агар китобдан бир неча саҳифаси йиртиб олинган, пальтонинг ёқаси узиб ташланган бўлса, агар болтани пўлатдан эмас, юмшоқ темирдан ишланса, бу товарларнинг баҳоси бутун, асл товарларга нисбатан арзон бўлади. Пул ҳам шундай: ахир, у ҳам товар-да. Бузилган тангалар харид кучининг бир қисмини йўқотади, айирбошловда уларга озгина товар бериладиган бўлиб қолади. Пулни бузиш давлатга ҳеч қачон фойда келтирмаган. Аксинча, охир-оқибатда у пул муомаласида, савдода, мамлакатнинг бутун ҳўжалигида тартибсизлик келтириб чиқарган.

Коперник улуғ астрономгина бўлиб қолмай, пул муомаласининг нозик ерларини ҳам биладиган киши бўлиб, 1526 йили Польша қироли Сигизмунд I га ўз илмий асарини тақдим қилган. Бу асарда айтилишича, подшолик, қироллик ва республикани емирадиган тўртта асосий сабаб: низолар, ўлим, ҳосилсизлик ва пулни бузишдир. Коперник лойиҳасига мувофиқ Польшада янги пул системаси жорий этилган.

### БОЯРНИНГ МАСЛАҲАТИГА КУРА

1654 йил. Алексей Михайлович Романовнинг Москва тахтига ўтирганининг тўққизинчи йили. Россия билан Польша ўртасида қаттиқ уруш бораётган пайт. Уруш хазинани адо қилади. Пул эса жуда кўп керак эди. Подшо солиқларни кўпайтиради, лекин қашшоқлашиб қолган халқнинг солиққа тўлагани ҳеч вақоси йўқ эди. Ниҳоят одамлар бутунлай хонавайрон бўладилар, боқиманда учун халқнинг сўнги буюмларини ҳам тортиб оладилар.

Шунда Ртищев деган бояр бир тадбир ўйлаб топган, унинг фикрича бу тадбир хазинани тўлдириши керак экан, аслида эса бу тадбир энг ҳалокатли оқибатга олиб келган.

Уша пайтда Россияда бир пуллик (ярим тийин) ва бир тийинлик кумуш тангалар муомалада бўлган.

Давлатнинг ўз кумуши йўқ эди, кумуш тангалар одатдагидан бошқача усулда, чет эл тангаларидан тайёрланиларди. Бунда ҳаммадан кўпроқ Ғарбий Европанинг иоахимсталерларидан фойдаланиларди. Бу тангалар-





ни унинг зарб урилган жойи — чехларнинг Иоахимсталь шахри номи билан юритишарди. Россияда иоахимсталерларни ефимка деб аташарди. Ефимкага лотинча ёзув устидан русча ёзув зарб қилинарди. Баъзан лотинча ёзув олдиндан «сип-силлик» қилиб едириб юбориларди.

Юқорида айтиб ўтилган боярнинг маслаҳатига кўра подшо тангаларни қайта ишлашдан фойда кўрмоқчи бўлди. Ҳар битта ефимка хазинага 50 тийинга тушарди, подшо эса уларга бир сўмлик деб муҳр босишни буюради.

Аммо бу ҳаммаси эмас. Арзон мисдан ярим сўмликлар, ўн тийинлик ва бир тийинликлар чиқаришга қарор қилинади. Уларни кумуш баҳосида юритишга мажбур қиладилар. Бу иккита ярим сўмлик мис тангани бир сўмлик кумуш ефимкага тенг деб ҳисоблаш демак эди. Ахир мис кумушдан 62 марта арзон-ку! Баҳоси ярим тийиндан ҳам оз бўлган мис парчасидан 50 тийинлик танга ясаса бўлади-ку!

Подшонинг маслаҳатчилари ҳисоблаб кўришса, бундай ислоҳотдан 4 миллион сўм даромад келар экан, бу бир йилда барча солиқлардан тушадиган пулга қараганда ўн марта кўп экан!

Подшо янги тангаларни «ошиғич, кечаю кундузи ва жонжаҳд билан ишлаб, пулни тезда кўпайтириш»га фармон беради.

Подшонинг танга зарб қилувчилари ҳаммаерда мис сотиб ола бошлайдилар, улар мис идишларни эритиб пул куйишга, янги зарбхоналар очишга ҳаракат қилардилар.

Тез орада Россияни арзон пуллар босиб кетади. Аммо пул муомаласининг ҳам, табиатдаги сингари, ўз қатъий қонунлари бор. Бундай қонунларнинг бирига мувофиқ муомалага давлат қўлидаги барча мавжуд товарлар қийматидан ортиқ суммада пул чиқариб бўлмайди. Аксинча, ундан бирмунча озроқ чиқариш лозим. Негаки, бир товар учун тўланган пул шу заҳоти яна бошқа товарни сотиб олишга кетади. Меҳнат эвазига олинган ҳақ тўловга сарфланади... Бир франк ёки доллар бир ой ичида бир неча марта қўлдан-қўлга ўтади, ҳаракатда бўлади. Бундай ҳаракат қанча тез бўлса мамлакатда пул шунча кам талаб қилинади.

Агар мамлакатдаги ҳар хил машиналар, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа товарлар 1 миллиард франклик бўлса-ю, 2 миллиард франклик пул чиқарилса, иккинчи миллиардга нима сотиб олиш мумкин? Ҳеч нарса! Пулнинг харид қуввати пасаяди. Шундай бўлгач, товарларнинг аввалги миқдори учун кўп пул тўлашга тўғри келади: баҳо ошиб кетади.

Борди-ю, пулни икки марта эмас, балки ўн марта кўп чиқарилса-чи? Бу ҳолда пул жуда ҳам қадрсизланади. Ҳеч ким бундай пулни олишни истамайди, чунки бу пулга ҳеч нарса сотиб ололмайсиз.

Россиянинг оддий кишилари подшо ислоҳотининг оқибатларини тезда ўз гарданларида ҳис эта бошлайдилар. Қилинган иш, подшо саройи, қўшин ва давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун сотиб олинган ҳамма нарса эвазига деҳқонлар билан ҳунармандларга мис пуллар тўланарди. Хизматчилар ва аскарларга ҳам мис пул билан мойна тўланар, подшо хазинасига тушадиган солиқлар ва ҳар хил тўловлар эса кумуш пул билан қабул қилинарди. Подшо бу билан аҳоли қўлидаги кумушларни иложи борича йиғиб олмоқчи эди.

Халқ давлатнинг икки хил: бири яхши — кумуш, иккинчиси ёмон — мис пули борлигини билиб қолди. Мис пулдан қочишарди. Деҳқонлар бундай пулга на буғдой ва на бошқа маҳсулотларни сотардилар, кумушидан беринг, деб турардилар. Ҳамма кумуш подшонинг хазинасига тушиб кетган бўлса уни қаердан олинади?

Кумушнинг баҳоси ошиб кетди. Кумуш пулга бир сўм турадиган буюмга 17 сўм мис пул тўлаш керак эди.

Одамлар қашшоқлашиб, деҳқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам, аскарлар ҳам очликдан қирила бошлайдилар. Аскарлар садақа сўрардилар.

Аmmo боярлар жуда шод-хуррам яшардилар. Мис пуллар



уларга жуда қўл келганди. Улар яширинча арзон мис сотиб олиб, танга зарб қилувчилар билан келишардилар-да, зарбхоналарда ўзларига пул зарб қилдириб олардилар. Меҳнаткашларга ана шу пулларни ўтказиб, подшо қатори улар ҳам хазиналарини бойитардилар.

Пул зарб қилувчи усталар ҳам боярларга эргашиб ўзлари учун «ўғирлик» пул зарб қилиб оладиган бўладилар, бу пулларга Москвада ўзларига гиштиную тош ҳовлилар қурдиртирадилар; чет эллардан — денгиз ортидан келтирилган қимматбаҳо буюмларни сотиб олар, хотинларини ясантирар, озиқ-овқат ғамлашар, пулнинг юзига бормас эдилар.

Шундан кейин подшога чақув ёғила бошлади: «Биз, сенинг фуқаронг, хароб бўляпмиз, қорни катта боярлар ва пул зарб қилувчилар ўғиринча пул билан бойиб кетмоқдалар».

Подшо ўз қайнатаси бояр Милославский билан дума дворяни Матюшкинга текширув ўтказишни амр этади. Бу текширувдан ҳеч нарса чиқмайди, чунки Милославскийнинг ўзи 120 минг сўм пулни ўғиринча зарб қилдириб олган эди.

Айбдорлар текширув олиб борган Милославский, мирза ва уларнинг ёрдамчиларига катта-катта совғалар тортиқ қиладилар, шу билан иш ёпилиб кетади.

Чақув ҳамон ёғиларди. Шундан кейин подшо пул зарб қилувчи усталарни қийноққа солишни буюради, улар ўғиринча пул зарб қилганларини, даромадни эса Милославский, Матюшкин, мирзалари ва ёрдамчилари билан баҳам кўрганларини бўйинларига оладилар. Жиноятчиларни энг қаттиқ жазо билан қийнаб ўлдирадилар: зарбхоналарнинг деворларига тириклайин парчинлаб қоқиб, қўл ва оёқларини қирқиб ташлайдилар. Мол-мулкларини тортиб оладилар. Подшо ўз қайнатаси ва Матюшкиндан (бу билан қариндошлиги бор эди) аччигланади, холос.

#### ЎҒРИНЧА ХАТЛАР

Ой шам еган қоронғи июль кечаси. Москва кўчалари жимжит. Аҳён-аҳёнда бирор чавандоз отини елдирганича шаҳар соқчихоналаридан бирига қараб йўл солиб қолади. Давлат хизматидаги чопар бўлса керак. Пиёдалар кўринмайди. Бу пайтда юриш хавfli: ўғрилар тўнаб кетишлари мумкин. Борингни тўнаб, ўзингни ўлдириб ҳам кетадилар. Ёинки маҳкамага тушиб қоласан. Ана унда кимсан, нима қилиб юрибсан, деб сўроққа тутадилар. Бунинг устига қийнайдилар ҳам.

Сретенкада қандайдир шарпа пайдо бўлди. Одам. Эҳтиётлик билан, атрофга аланглаб, ялангоёқ, ёғоч уйлар ва эшикларга қисиниб-



тақалиб илгарилаб боряпти, суяниб олса илғаб ҳам булмайди. Қалпогини кўзигача бостириб кийган, юзини соқол тутиб кетган.

Черков ёнига писиб келди-да, тўхтади, кираверишдаги айвонга ўтиб, кўйнидан бир нарсани олди. Бир оз тайсалланиб турди-да, Лубянка томонга юрди. Панжара устунни ёнида яна тўхтади.

Тўхтади-ю, бирдан ғойиб бўлди.

Ибодатхона ёнидаги уйнинг эшиги ғичирлади. Қўнғироқчи чиқди, оғзини катта очиб эснади, қашинди, эрталабки ибодатга чорлаш учун ғижирловчи нарвондан қўнғироқхонага кўтарилди. У қўнғироқнинг оғир тили арқонини хийла вақт жимгина силкитиб турди. Кейин зарб билан мис қўнғироққа урди. Ҳавога жарангдор садо таралди. Одамлар уйқудан тура бошладилар.

«Э-э-эх! Бораман-у вақтимни хушлайман!..» деган шўх қўшиқ эшитилди.

Бу ўша Федька Дира, кўнчи, земство маҳкамасидан уйига кетяпти. Кечаси маст бўлиб тўполон қилгани учун маҳкамада ушлаб қолишган, растада сотаман деб олиб борган чарминни тортиб олиб, эрталаб гарданига тушириб, ҳайдаб чиқаришганди.

«Э-э-эх!» — деб хириллаб ашуласини давом эттирарди Федька. Кеча охирги пулига вино ичгани ва маҳкама қандахлахонасидаги уйқусизлик, очликдан тинкаси қуриб, тўхтаб қолди.

Устунга суянди. Бирпас тўхтаб, энди юрмоқчи бўлиб турганда юзи устунга осиглиқ бир нарсага тегди. Қараса қоғоз, устунда қоғоз нима қилади? Федька умрида бунақа нарсани кўрмаган.

Бу орада ҳаммаёқ оқариб, тонг ёриша бошлаган эди.

Федька будноқ қараса — қоғозга хат битилган. Хат. Нима хат ўзи бу, қаёқдан билсин, саводи бўлмаса, ахир. Лекин нима ёзилганини билгнш келяпти: эҳтимол бева-бечораларнинг оғир аҳволини яхшилаш ҳақидаги подшо фармонииди.

Қараса, мирза ёрдамчиси келяпти, снёҳдони белида осиглиқ, қоғоз ва патқалами қўлтигида. Федька уни чақирди:

— Ҳой, худо хайрингни бергур! Бери кел, тушунтириб берчи, бу ерда нима ёзилган экан.

У қоғозга ажабланиб тикилганча яқинлашди. Қоғозда икки устун хат ёзилган эди. Кўзларини қисинқираб, секин ўқий бошлади. Бирдан тўхтаб қолди-да, қўрқув аралаш Федькага қаради ва атрофга аланглади. Яна қоғозга тикилди.

Бу орада милтиқ кўтарган икки стрелец<sup>1</sup> яқинлашишди.

<sup>1</sup> Стрелец — XVI—XVII асрларда Москва давлатида махсус донмиё қўшиқда хизмат қилувчи.



Мирза қочиб қолмоқчи бўлди-ю, лекин қараса, улар ҳам хатга тикилиб туришипти. Шундан кейин давомини ўқий бошлади.

Бу хатда шундай нарсалар ёзилиптики, кишининг эти жунжиб кетади. Елкасига халтасини осиб олган бир чол стрелецлардан бирининг қўлидан ушлаб:

— Ҳой, яхшилар, бу ерда нима ёзишипти?— деб сўради.

Стрелец қўл силкиб қўйди-ю, ҳеч нарса демади. Кўзи эса чақнарди.

Устун ёнига яна тўрт киши келди. Оломон тўпланди. Олд томонда нима қилинаётгани орқадан кўринмай қолди. Бошқалардан эшитишларича устундаги ёзув боярларга қарши қаратилган экан.

Стрелецлар кетишга уринишар, халқ эса қўймасди. Фельдка Дира биринчи бўлиб қичқирди:

— Ҳой, болалар, ўқинглар, ҳамма эшитсин!

— Ўқи-и! — деб бақирдишди орқадагилар ҳам.

Стрелецлар бир-бирларига қараб олишди-да, унвони катта-си — Куземка Нагаев қогозни устундан кўчириб олди, у мум билан ёпиштирилган экан. Териб қўйилган тош устига тирмашиб чиқди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади:

— «Хоин Илья Данилович Милославский, кейин окольничий! Федор Михайлович Ртищев, Иван Михайлович Милославский, тагин меҳмон Василий Шорин...»

— Рост, тўппа-тўғри! — деб қичқирдишди оломон орасидан. Ҳаммалари озиб-тўзган, бир аҳволда.— Биз хотину бола-чақамиз билан очдан ўлаётган бўлсамиз-у, улар бунақа ишларни қилиб юрсалар... Қани, йигитлар, боярларга қарши борамиз!

— Под-шо олдига! — деб қичқирдишарди бошқалари. — Хиёнатчиларнинг жазосини берсин.

<sup>1</sup> Қадимги Россияда боярларнинг олий мансабларидан бири.

Земство маҳкамасидан отлиқ дьяк чопиб келди. Кузьманинг қўлидаги хатни тортиб олди. Қочиб қолмоқчи эди, аммо қочишга йўл қўйишармиди. Оёғидан тортиб, отдан қулатишди, тошбўрон қилиб юборишларига оз қолди.

— Хоинларга олиб бориб бермоқчимидинг! Ўз қўлимиз билан подшога етказамиз!

Ҳаммалари Кремлга йўл олишди. Қизил майдонга эса Москванинг бошқа томонларидан тумонат одам йиғилибди: бу ерда савдогарлару рейтарлар (ёлланган отлиқ аскарлар) ҳам, новвойлару қассоблар ҳам, сомсапазу қишлоқилар ҳам, ўйинқароқлару боярлар ҳам бор эди... Лобном деган жойда худди Сретенск кўчасидан, Кўнчи даҳасидан олиб келингандақа хатларни ўқишаётган эди.

### МИС ИСЕНИ

Ҳали қоронғи бўлса ҳам подшо хизматкорлари орасида шовқин кўтарилиб, олағовур бошланди. Болталар тақиллар — ўтин ёришарди. Ҳар хил паррандалар қийқирар: ошхона оқсочи дастурхонга пишириб қўйишга семизроғини тутишга уринарди. Ертўладан ҳар хил озиқ-овқатларни олиб чиқишарди. Ошпаз хотинлар ўчоқ бошида уймаланишиб, товаю қозон-товоқларни тарақлатишарди. Подшо қизларидан бирининг туғилган куни эди.

Подшо новвойхонасида бўйи уч аршин, эни чорак аршин махсус калач пишириларди: боярлар сийланади.

Подшонинг Москва яқинидаги Коломенск қишлоғида шу куни черковда ибодат қилишарди. Чоққина қишлоқ ибодатхонаси бухур исн, саноқсиз шамлар алангаси ва одамлар нафасидан дим эди. Зарбоф кийимга ўралган поп дириллаган, паст овозда янги туғилган гўдакнинг соғ-саломатлигига атаб дуо ўқирди. Хўрсиниш ва пичирлашлар эшитилиб турарди. Подшо оила аъзолари билан боярлар зўр-бериб чўқинишарди.

Бирдан оломон ҳаракатга келиб қолди. Подшо баковулбошиси Медведев ҳаммани уёқ-буёққа туртиб олдинга интиларди. У Илья Данилович Милославскийнинг орқасидан бориб, қўлига астагина туртди-да, қулоғига бир нимани ҳовлиқиб пичирлади. Боярнинг соқолигача титраб кетди. Илья Данилович подшога яқинлашиб, у ҳам ўз навбатида подшонинг қулоғига шивирлади:

— Подшой олам, фалокат! Москвадан бузуқи исёнчилар келишаётганмиш, менга ва Ртищевга қарши бақириб-чақириб, он ҳазратимдан бизга жазо беришни талаб қилишаётган эмиш.

Подшо газаб билан деразага қаради, турли тонфадаги бе-





ҳисоб оломонни кўрди, улар узоқдан қишлоққа яқинлашиб келишарди, подшонинг ғазаби шу он даҳшатга айланди.

Ана шу хилда тўполон кўтарган халқ Земство маҳкамасининг судьяси — нопок йўллар билан бойлик орттирган бояр Плешчеевга жазо беришни талаб қилганидан буён анча-мунча йиллар ўтган бўлса-да, у ҳали буни унутгани йўқ. Плешчеевни ҳимоя қилишга уриндилар, бўлмади: халқ Плешчеевни тутиб олиб, ўзи жазолади.

Подшо шуни эслади-ю, Милославский, ўз суюклиси Ртищев, малика ва қизларига ҳаялламасдан кўшкка кириб, яширишиб олишни буюрди, ўзи эса ибодатхона эшиги олдидаги айвонга чиқди. Оломон бу орада айвон олдига келиб етган эди.

Қандайдир бир киши шапкасини қўлига олиб, олдинга чиқди. Подшо ўзича таниб қўйди: қўли зилдай экан. Шапкасида Москвадаги устундан кўчириб олинган хат оқариб турарди. Шапкасини подшога тутар экан, секин гапирди:

— Подшойи олам, мурувват кўрсатиб, бу хатни халойиқ олдида ўқигин-да, хоинларни шу ерга ҳайдаб келтир.

— Уларни яхшилиқча қўлимизга топширмасанг, билганимизни қиламиз! — деб бақирди орқа қатордан биттаси.

Бундай қўполликдан Алексей дарғазаб бўлди-ю, лекин ўзини босди. Буришган юзлари қизариб кетди. Ҳийла ишлатмоқчи бўлди. Хатни ўқиб бўлгач, дарҳол Москвага бориб, жиноятчиларни қидиртиришга ваъда берди, аммо ҳеч кимга сездирмай Коломенскка аскарларни чақиритишни буюрди. Халқ подшога ишонмади, зотан унинг Милославскийни эркалатишини биларди. Бир деҳқон подшонинг тугмасидан ушлаб, қўйиб юбормас, боярлардан Милославский билан Ртищевни жазолаш ҳақидаги ваъдасини бажаришни талаб қиларди.

Подшо халққа бафуржа, ширин сўзлар билан панд-насиҳат қилиб турди, у Москвадан аскарлар етиб



келишини кутарди. Уларга олисдан кўзи тушгани ҳаманоқ ювошлиги йўқолди, кўзлари қонга тўлди, депсиниб, чийилдоқ овоз билан қичқирди:

— Исёнчиларни тутинглар, қўл-оёқларини боғлаб, чопиб ташланглар!

Сарой дастурхончилари, ходимлари, дворянлар ва аскарлар қуролсиз одамларга ташланишди. Жазолаш бошланди.

Подшодан адолат сўраб келган халқ қаттиқ жафо кўрди.

Кўпларини жойида уриб ўлдиришди. Подшонинг амри билан 500 кишини Москвага борадиган йўл ёқалаб, шунингдек, Москвада — Лубянка ва Болотада осийди. Анча одамнинг қўл-оёғи боғланиб, баржага солинди-да, Москва-река дарёсига фарқ қилиб юборилди.

Исён иштирокчиларидан тирик қолганлар ёки шубҳаланилганларнинг ҳаммасига тамға босиш: темирни қиздириб, чап юзига «исёнчи» деган сўзнинг бош ҳарфини тушириш буюрилди.

Аммо подшо бу билан кифояланмади. «Уғринча» хатларни ким ёзганини билишни истарди. Москва ва бошқа шаҳарлардаги саводли кишиларнинг хатлари шу хатга солиштириб чиқилсин, дея фармон берилди. Аммо айбдорлар топилмади.

Подшо исёнчиларни қаттиқ жазолаган бўлса ҳам мис пулларни муомаладан чиқарди: хазина тўлмаётганини, балки бузилган пул билан камбағаллашиб бораётганини кўрди. Ҳаммадан ҳам халқ ғазабидан кўрқди. Биргина у эмас: малика ҳам, баъзи боярлар ҳам ўшандан бошлаб узоқ вақт касал бўлиб юришди.

## ВАКОЛАТЧИЛАР

Барчага аён бу, зеро халқ ичра тарқалгандир кенг,  
Ҳар бир парча қоғоз бундан буён юз чақага тезг —  
Келур баҳода.

Гёте, «Фауст»

Мана, ниҳоят қимматли металл ўрнини қоғоз эгаллади! Инсоният олтин пул ўрнини босадиган қоғоз пулларга ўтди.

Дарҳақиқат бирон ишга олтин билан ҳақ тўланди нима-ю, қоғоз белги билан тўланди нима? Бу қоғоз пуллар ўз вақтида солиқларни, уй ҳақини тўлашга, магазинлардан товар олишга ўтса бўлди-да. Бундан одамлар ҳеч қандай ноқулайлик сезишмайди. Аксинча, қоғоз пуллар енгил, уни ёнда олиб юриш қулай; мабодо қоғоз пул эскириб ярамас бўлиб қолса, янгисига алмаштирилади, чунки қоғоз пулни тайёрлаш ҳам арзонга тушиди.

Қоғоз пулнинг ўтмишдоши — тери пуллар бўлган.

Эрамиздан анча илгари шарқ императорларидан бири буғу терисидан пул ясашни буюрган. Қалбаки пул ясашга йўл қўймаслик учун бу мақсадга камдан-кам учрайдиган оқ буғу терисини ишлатишган. Императорнинг фармонида мувофиқ оқ буғулар тутиб олиниб, жуда эҳтиётлик билан қўриқланадиган молхоналарда боқилган. Улим жазосидан қўрқиб ҳеч ким оқ буғунини овлашга журъат этмаган.

Дастлабки қоғоз пул деярли минг йилча илгари пайдо бўлган. У пайтларда қоғозни махсус усул билан тут дарахти пўстлогининг ички қисмидан тайёрлаганлар. Пўстлоқни майдалаб, яхна бўтқа қилиб, ана шундан қоғоз тайёрлаганлар.

Қоғоз пул бизнинг асримиздагина кенг тарқалган.

Олдинга банк билетлари — банкнот пайдо бўлган. Уни олтин ва кумушга алмаштириш тўхтатилган, улар гарчи дастлабки номларини сақлаб қолган бўлса-да, мустақилликка эришиб, муомалада абадий қолиб кетган.

Қоғоз пул пайдо бўлганда баъзи ҳукмдорлар: «Хазинамдан қанча сарф қилсам ҳам энди сира қўрқадиган жойи йўқ. Пул озайса ясайверамиз! Қоғоз етарли, у олтин эмас-ку, ахир!» — деб суюнишди.

Баъзи бирлари шундай қилишди ҳам. Аммо, Россиядаги «мис исёни» олдидан содир бўлган ҳол юз берди: пулнинг қадри кетди, мутахассисларнинг сўзи билан айтганда инфляция бошланди.

Қоғоз пул қийматга эга эмас, у асл пул, яъни олтиннинг вазифасини ўтайди, холос. Олтин банкда туради, муомалада эсанинг «ваколатчилари» — қоғоз пуллар юритилади. Аммо ана шу «ваколатчилар»нинг ҳам ўз қонунини бор, яъни муомалага тегишли миқдордан ортиқ чиқариб бўлмайди. Кўп чиқариб юборилса пулнинг қиммати йўқолади.



XVIII асрда АҚШда 450 миллион доллар қоғоз пул чиқарилган. Уша пайтда бу жуда кўп миқдор бўлиб, талаб қилинганидан анча ортиқ экан. Бу пуллар ўша заҳотиёқ қадрсизланиб қолган. Иш шу даражага бориб етганки, қандайдир бир саргарош дўконининг деворларига гулқоғоз ўрнига қоғоз пулларни ёпиштириб чиққан. Шундай масхарабозлар ҳам бўлганки, улар итга қоғоз пулдан «камзул» тикиб кийгизганлар.

Биринчи жаҳон уруши давомида Германиянинг маркаси жуда кўп миқдорда чиқарилган. Марка шу қадар қадрсизланганки, математикадан хабарсиз одам бу пулларни ҳисоблай олмай



қолган. Арзимаган буюмга ҳам миллиардлаб пул тўлашга тўғри келган. Ҳисобни енгиллаштириш мақсадида 50 000 000 000 маркага тенг банкнот чиқарилган. 1924 йилги пул алмашиш пайтида битта янги маркага бир рақами ёнида ўттиз битта ноли бўлган эски маркадан биттаси алмашинилган.

Буржуа Венгриясида ўша биринчи жаҳон урушидан кейин чиқарилган янги пул бирлиги — форинтга ёнида йигирма тўққизта ноли бўлган тўрт эски пенго тўғри келган.

Бизнинг давримизда капиталистик мамлакатларда инфляция оддий нарса бўлиб қолган. Капиталистик мамлакатларда қурулланишга қаддан ташқари кўп маблағ сарф қилинади, бу харажатларни пул билан таъминлаш учун ҳукумат пулни кўп чиқариб юборади. Корхона эгалари ҳарбий буюртмалардан кўп фойда кўради, ишчилар эса қадрсиз пул билан маош оладилар. АҚШда сўнгги ўн йил ичида долларнинг харид қиймати тўртдан бирга пасайиб кетди.





## БИЗНИНГ СҮМ

СУМНИНГ УТМИШДОШЛАРИ. БУЛГАНМИ ЕКИ БУЛМАГАНМИ?

Сўм. Сиз бу сўзни ўқидингиз-у, гўё ўзингизга таниш бўлган тўғри бурчакли, сарғиш рангга бўялган, бир томонида четлари оқ хошияли қоғоз пулни кўргандек бўлдингиз.

Эҳтимол кўз ўнгингизга оппоқ қотишмадан қуйилган кичкина гардиш келгандир.


Аmmo бизнинг сўмимиз ҳамиша шунақа бўлавермаган. Унинг ўз тарихи бор.

Сўмнинг ўтмишдошлари бўлган. Унинг пайдо бўлиш куни маълум. Пайдо бўлганида у бетоб бўлди, ўсди, қувватга кирди, улғайди. Кейин курашди, мардлик кўрсатди, ишлади. Унинг «ёстиқдоши» — ярим сўмлик, тўнғич фарзандлари — танга мири, бир танга, ўн беш тийин (уч мири), ўн тийин (ярим танга), беш тийинлик (бир мири)лар: юзта кенжатоёлари — бир тийинлик (уч пул)лардир.

Унинг паспорти, ҳуқуқи ва мажбурияти бор. Ниҳоят у маълум характер ва майлга эга: у ўзи пайдо бўлган Ватанин севади, унинг қувончи ва қайғусига шерик. У бир жойда қимирламай ётишни ёмон кўради, нопок қўлларга тушишни ёқтирмайди, совет кишиларига қувонч бахш этишни севади.

Шундай қилиб, энди гап шонли совет сўми ҳақида боради.

Русь тупроғига мўғуллар бостириб келгунларига қадар рус тилида «пул» деган сўз йўқ эди. Пул қимматидаги нарсаларни жонивор номи билан, князь хазинасини — молхона деб, хазиначии эса молбоқар деб аташарди.



Ғарбий Европа дирҳори.

Сығирлар, буқалар, қўйлар — тиряк мол. Пул — оддий мол. Буларнинг ҳаммаси қачонлардир бизнинг еримизда ҳам, бошқа халқлар сингарни, хайвон пул хизматини ўтаганини кўрсатади.

XI асрда пулни «куни» деб, пул бирлигини «бела», «лобки», «мордки», «ушкни», «долгея», «зуби», «скора» сўзлари билан аташган.

Бу номларнинг ҳаммаси қадимий ёзма ёдгорликларда учрайди. Булар нимани билдиради? Бу ҳақда олимлар ҳозиргача баҳслашишади.

Бир хиллар: бу мўйна пуллар дейишади. Маълумки, савсар, тулки, оқсусарларнинг мўйнасини «куни» деб атаганлар. Бу пишиқ, чиройли бўлиб, бутун Русь тупроғига тарқалган. Унинг пул ўрнида хизмат қилган ажабланарли эмас.



Владимирнинг кумуш тангаси. XI аср.



Куфийлар дирҳами (706—707).

Бу олимлар, шу қаторда пул бирлигининг номи ҳам «мўйна» даш олинган, дейишади. Масалан, скора—шукура, яъни тери дегани (скорняк—мўйначи сўзи ҳам шундан), бела—бу белка, яъни олмахон, лобки—терининг пешона қисми, мордки—тумшуғи дегани ва бошқалар. Демак, ўша пайтларда Русь элида «мўйна» пуллар юритилган.

Иўқ, деб эътироз билдиришади бошқа олимлар, бундай пул бўлган эмас! Агар бундай пуллар бўлган экан, нима учун уларни ҳеч қачон топишолмайди? Археологик қазилмалар пайтида ўша даврнинг ўнлаб яхши сақланган териларини топишган-у, аммо «тери» пулларни топишмаган. Афтидан металл пуллар «мўйна» номи билан юритилгандир. Бир замонлар мўйна ҳақиқатан ҳам «пул товари» бўлган, уларнинг номи металлдан

пулга ҳам ўтган. «Куни» — бу умуман пул, «резана», «вевеница» ва бошқалар — булар майда пул birlikлари.

Олимлардан қай бирлари ҳақ? Фан қачонлардир бир куни бу саволга албатта жавоб топади.

### КЕЛГИНДИЛАР

Қадимий Русь илгаритдан бошлаб Рим билан, кейинчалик Араб Шарқи, ундан ҳам кейинроқ Ғарбий Европа билан кенг савдо олиб борган. Ана шу савдода динор, Урта ва Кичик Осиё, Закавказия ҳамда Месопотамия шаҳарларида юритиладиган араб дирҳамлари, эронларнинг драхмалари, византияликларнинг милиариси ҳамда солидларидан фойдаланилاردи.

СССР территориясида бундай тангаларнинг хазиналари тез-тез топилиб туради. Баъзан майда бўлақларга бўлинган тангалар ҳам учраб қолади. Уларни савдо битишувлари пайтида ушатганлар.



Византия олтин солиди  
(976—1025).



Владимир I нинг кумуш  
тангаси. XI аср бошлари.




Ер ости бойликларимиз текширилмай келган, ер бағрида кўмилиб ётган бойликларни ҳеч ким билмаган. XVII асрда чет эллик бир киши ҳатто шундай деб ёзган:

«Москва давлатида олтин билан кумуш чиқмайди, хроникаларда рус ери олтин ва кумушга бой деб ёзадилар-у, аммо излаб тополмайдилар, топган чоғларида эса оз бўлади...»

Ана шунинг учун ҳам руслар узоқ вақтгача чет элликларнинг пулларидан фойдаланиб келдилар. Русь тупроғи мўғиллар асоратига тушгач эса истилочилар пулидан фойдаланилган.

Тўғри, мўғуллар келгунга қадар, XI асрда Киев князлари ўз тангаларини зарб қилганлар. Князлардан Владимир I, Святополк ва Ярославларнинг тангалари маълум бўлган. Бу пайт-



Ярославнинг кумуш тангаси.

ларда чет элликлар тангаларининг келиши камайиб, пулга эҳтиёж ортган, шунинг учун ҳам князлар жамғарилган металлдан пул ясай бошлаганлар.

Рус князларининг тангалари олтин ва кумушдан ясаларди. Бу тангаларга князлардан Владимир, Святополк ҳамда Ярославларнинг номлари ҳамда Рюрик авлодлари сулоласининг белгиси қўйиларди. Баъзиларига ёзилган хатларни узоқ вақтгача ҳеч ким ўқиёлмай келган.

Владимирнинг олтин ва кумуш тангалари орқасида унинг номи ва Исо пайғамбарнинг тасвири, бошқа томонида князнинг сурати ва сулоласи белгиси тасвирланган.

Олтин танганинг оғирлиги тўрт грамм бўлган. Бу оғирлик кейинчалик рус оғирлик ўлчовида тилла бирлиги бўлиб қолган. Кейинчалик кумуш тангаларнинг бир томонида тахтда ўтирган князь тасвири, иккинчи томонида авлод-аждод белгиси қўйилган. Тангага: «Володимир тахтда, бу унинг кумуш тангаси», деб ёзиб қўйилган.

XI аср бошларида яшаган Тмутаракан князи Олег-Михаил ҳам ўз тангаларини зарб қилган. Бу тангаларга авлиё Михаилнинг тасвири туширилган бўлиб: «Эй худо, Михаилга ўзинг ёр бўл», деб ёзилган.

Аммо бу пулларнинг ҳаммаси ҳам оз миқдорда чиқарилган.

### СУМНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

Биринчи рус сўми — тўрт қиррали чўзинчоқ кумуш бўлиб, оғирлиги тахминан 200 грамм, учлари қўпол кесилган.

У XIII асрда пайдо бўлган. Фан бу ҳақда йилномалардан яна биттаси, яқинда кашф этилган манбадан — «қайин пўстлоғидаги хат»дан билади.

1951 йили қадимий Новгород шаҳри жойлашган ерда совет археологлари қазиниш ишлари ўтказишди. Уларнинг омади келди



ПОКЛОНЪ МАТВІЯ КО ЕСИФУ КО ДАВЫДОВУ  
АВНАВУ ВЪЗВЪЗНМН. В. М. Г. К. Г. А.  
НА А. М. В. Р. Е. Т. И. Ш. А. П. О. Ч. О. Н. Ц. А. И.

Қайин пўстлоғидаги ёзув. XIII аср. Новгородда топилган.

Улар ажойиб нарсаларни — XIII асрда қайин пўстлоғига ёзилган ҳар хил ёзувларни топишди.

Бу ажойиб топилма ватаннинг ўтмиши ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтирди.

Бу ёзувларнинг бирида айтилади:

«Поклон от Матвия ко Есифу ко Давыдову. Вывези ми 2 медведна да веретища да попонь. А к...ажь вода по 3 рубля продай, али не вода продай».

Бу хатни ёзган Матвей ўз таниши Есифга салом йўллади ва 2 айиқ терисини, веретий (қўпол газлама) ва жулёпиқ келтиришни илтимос қилади. Шундан кейин, савдолаш, 3 сўмдан сот, савдолашмасдан сота кўрма, деб насиҳат қилади.

Хизмат юзасидан ёзилган, топшириқ хат. Айниқса бу хатда сўмнинг тилга олинishi энг қадимий маълумот сифатида жуда ҳам муҳимдир.

Баъзи бир ёзма ёдгорликларда сўм танга сўм деб аталади, бунинг боиси мана бундай.

Тахмин қилишларича танга сўм қуйидагича тайёрланган: кумуш узунчоқ қилиб қуйилган, кейин искана билан тахминан 200 грамм оғирликдаги майда бўлакчаларга — тангаларга бўлинган (рубился).

Ана шу қуйма — гривенка — тангалар бир сўмлик ёки шунчаки сўм (рубль) деб аталган.

Тўғри, баъзи бир олимлар ҳам борки, улар «рубль» сўзининг келиб чиқишини бошқача тушунтирадilar. Улар бу сўз ҳиндларнинг пул бирлиги — «рупия» сўзидан келиб чиққан, бу сўз русчасига «ҳайвон» сўзини билдиради, дейишади. Бу унча тўғри бўлмаса керак.

Баъзи бир сўмлик тангаларга тамға босилган бўлиб, бу тамға танганинг оғирлигини билдиради. Баъзан тангага қўл билан ўткир нарсанда нималардир ёзилган, бу ёзувларнинг нима эканлиги ҳозиргача ҳам аниқланмаган.

Уша пайтда сўм 10 та танга кунига тенг бўлган. Русларнинг ҳозир ҳам мавжуд ўн тийинлик танга системаси ана шун

дан келиб чиққан: 1 сўм 10 та ўн тийинликка, 1 та ўн тийинлик 10 та бир тийинликка тенг.

Бундай система ҳисоблаш учун жуда қудай. Бу системани кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам қўллашган. АҚШда бу система XVIII асрнинг охиридангина қўллана бошлаган.

Бир сўмлик тангани иккига бўлиб, ярим сўмлик, тўртга бўлиб танга мирилик қилинган.

Бир қанча мамлакатларда пул франк, марка, доллар, крон, лира, рупия, песо номи билан, фақат биздагина сўм — рубль номи билан юритилади. Бу рус, ҳозир эса совет пул бирлигидир.

### ЧАҚА ПУЛЛАР

Бир сўмликни майда танга-чақалар — денга (танга)ларга бўлинган (бу пайтга келиб денга русларники бўлиб қолган, илгари қандоқ эканлиги ҳақида кейинроқ ҳикоя қиламиз). Бунинг учун бир сўмлик тангани чўзиб сим ҳолига келтиришган, майда бўлақларга бўлишган, ҳар бир бўлақни ялпайтириб, танга зарб қилишган. Москвада бир сўмлик тангадан 200 та, Новгородда 216 та чақа-танга ясашган.



Новгород мустақил бўлган пайтлардаги чақа.



Псков мустақил бўлган пайтлардаги чақа.

Иван III замонида Русь ягона давлатга айланган. Энди ҳар бир князь ўз ҳолича танга зарб қила олмас эди. Давлат тепа-сида подшо турган бўлиб, пул зарб қилишга фақат унинг ўзи ҳақли эди. У чиқарган танга устига мағрурона: «Бутун Русь подшоҳи», деб ёзилган эди.

Рус ерларини бирлаштириш давом этарди. Москва давлати-га Новгород, Псков, Тверь князликлари қўшилишди.

1534 йилга келиб Иван Грозний онаси — Елена Глинскаянинг усул идорасида бутун давлат учун ягона пул системаси жорий қилинди. Танга зарб қилишнинг қатъий қондаси белгиланди, намунаси барпо этилди. Енгил вазидаги кумушдан ясалган тан-



Иван Грознийнинг бир тийинлик чақаси.

Псков „полушкаси“.

гага қилич ушлаган суворининг тасвири солинарди. Бу тангалар қиличдор деб ном олган эди. Кумушдан ясалган оғирроқ вазндаги тангаларга найза (копѣ) кўтарган суворининг тасвири туширилган эди. Бу пуллар копейний — найзадор деб аталди.

Дастлабки копейка — тийинлар ана шундай вужудга келган. Уларнинг шакли эгри-бугри бўлиб, катталиги тарвузнинг уруфидек эди.

«Полушка» деб аталган чақа энг майда пул эди. У бир тийиннинг чорагига тўғри келарди. Полушка — чорак тийинликнинг бир томонида қушнинг сурати тасвирланган бўларди.

Подшо Фёдор Иванович замонасига қадар рус танга-чақаларида зарб қилинган йили кўрсатилмасди. Бу подшо биринчи бўлиб бир тийинликларга чиқарилган вақтини ёздирадиган бўлди.

Аммо новгородликларнинг чақаларида учрайдиган РД белгиси нимани билдирад экан?

Буни жуда осон тушунса бўлади. Русларнинг қадим ота-болалари славянча рақамлашдан фойдаланганлар, яъни рақамлар ҳарфлар ёки уларнинг бирикмаси билан белгиланарди: А-1, Д-4, Г-3, Р-100 ва ҳоказо...

Йил ҳисоби «дунёнинг яратилиши»дан бошлаб ҳисобланарди. Сана ёзилганда кўпинча биринчи рақам тушириб қолдириларди. Масалан, РД-104, яъни 7104 йилни билдиради.

«Дунё яратилган»дан то «Исо пайғамбар таваллуди»га қадар 5508 йил ўтган деб ҳисобланарди. Бу хилдаги тарихий сани ҳозирги замон йил ҳисобига айлантириш учун қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:  $7104 - 5508 = 1596$  йил.

### ТАНГА-ЧАҚАЛАР ҚАЕҚҚА ҒОЙИБ БУЛГАН?

Истаган музейингизда Россияда (хоҳ чет элликларники бўлсин, хоҳ русларнинг ўзлариники бўлсин) турли замонларда юритилган кўплаб қадимий танга-чақаларнинг намуналарини кўриш мумкин.



Аммо жуда галати жойи шундаким, XII ва XIII асрлардаги тангаларни ҳеч қаерда учратмайсиз. Биронтасини ҳам! Бунинг ўрнига ўша асрга доир хазиналардан ҳар хил шакл ва вазндаги қимматбаҳо металлларнинг қуймаси топилади.

Тарихни ўрганиш шуни кўрсатадики, қуйилмалар танга-чақа пайдо бўлгунча пул ўрнида ишлатилган, бу ерда эса юз йиллар мобайнида танга-чақа пул муомаласида бўлса-ю, бирдан яна қуймага ўтилса! Ақл бовар қилмайдиган ҳол-ку!

Ҳа, худди шундай бўлган.

Русда пул шакли-шамойили ривожланишини орқага қайтариб юборган нарса нима экан?

Маълум бўлишича, ўша пайтларда Киев Русига бирлашган ерлар яна алоҳида-алоҳида князликларга бўлиниб кетган. Бутун мамлакат учун ягона танга-чақа зарб этиш тўхтатилган. Илгари муомалада бўлган тангаларни халқ яшириб қўйган. Худди ана шу пайтда динор келтириш ҳам тўхтаган.

Шундай қилиб, Русда танга-чақа қолмаган, буларнинг ўрнини қуймалар эгаллаган. Яна қачонлардир бўлгани каби пулнинг хизматини кумуш парчалари ўтай бошлаган. Лекин эндиликда кумуш пуллар аниқ шакл ва вазнга эга бўлган.

Бу даврни танга-чақасиз давр дейилади.

Русларнинг қўшнилари бўлган латишлар, эстонлар, литваларнинг ҳам ўша пайтда тангалари бўлмаган.

XIII асрнинг бошларида мўғул галалари Русь томон силжиб келишарди.

Князликларнинг ўзаро низолари натижасида парчаланган, кучсизланган Русь мўғулларнинг яхши уюшган қўшинига қарши тура олмайди. Рус кишилари қанчалик ботирларча курашмасинлар князликлар бири кетидан бири босқинчилар асоратига тушаверди.

Тез орада Новгороддан ташқари бутун Русь мўғуллар зулми остида қолди. Волга бўйларида, Урта Осиё ерларида. Шимолий Кавказ ва Фарбий Сибирда Ботухон давлати — Олтин Урда ўрнатилди. Русь учун чеки-чегараси кўринмас оғир, машаққатли йиллар келди.



Олтин Ўрданинг кумуш тангаси  
(1380—1381).

Дмитрий Донскойнинг тангаси.

Мўғуллар ўз пулларини чиқаришди. Ана шунда Русда дир-хам ёки денга — танга пайдо бўлди. «Танга» — жирингловчи деган маънони билдиради.

Бу асосан устига арабча ёзилган кичкина кумуш тангалар эди. «Денга» сўзи рус тилида аста-секин «деньги» (пул) бўлиб ўзгариб кетган.

Фақат XIV асрнинг ўрталарида, рус халқи мўғулларнинг зулмини бўшаштиришга муваффақ бўлгач, яна рус танга-чақалари пайдо бўла бошлади. Князь Роман Михайлович Киевда кумуш танга зарб қилади. 1380 йили Куликов жангида мўғул-татарлар устидан ғалаба қозонилгач, Дмитрий Донской ҳам танга чиқаради.

Аmmo, ҳали руслар Олтин Ўрда зуғумида эди, бу нарса тангаларда ҳам акс этиб турарди. Масалан, Дмитрий Донской чиқарган танганинг бир томонига: «Султон Тўхтамишхоё. Салтанатлари мустақкам бўлсин», деб ёзилганди. Иккинчи томонида эса Дмитрий Донскойнинг белгилари: ойболта кўтарган киши ёки хўроз тасвирланган эди. Ундаги ёзувлар эса русча ва арабча бўлган. Рус тангаларидаги арабча ёзув мўғуллар асоратидан қутулгандан кейин ҳам узоқ вақтларгача сақланиб келинган. Масалан, Иван III ҳамда Михаил Тверскийнинг тангаларига арабча хат ёзилиб, ўша ернинг ўзидаёқ русча таржимаси ҳам берилган: «Иван — Иоанн, Михаил Тверча — Михаил Тверской, Москов ақчаси будир — есть денга московская».

#### ДАСТЛАБКИ РУС ОЛТИН ТАНГАЛАРИ

XVII аср бошларигача Россияда олтин тангалар йўқ эди. Владимирнинг олтин тангаси тўла маънодаги пул эмас эди.



Арабча ёзувли Иван III нинг тангаси.

Тўғр., ундан кейин баъзи князлар олтин тангаларни зарб қилишди, аммо булар ҳам савдо муомаласи учун бўлмади, мукофот, совға учун эди. Мукофотланганлар бу тангаларни медаль сингари кийимларига чатиб, осиб юришарди.

XVII асрнинг бошларида Россияда Василий Шуйский подшолик қилди. У тахтада кам ўтирди, ҳеч нарса билан шуҳрат қозонмади, аммо биринчи рус олтин тангаларини—ярим танглик ва бир мириликларни чиқарди.

Бу пуллар муомаллада жуда оз вақт бўлди.

1730 йил 23 декабрда император Анна Иоанновна фармон чиқарди. «Проба ва вазни голландларникига нисбатан устун бўлган Россия червоинини яшаш керак...», «халқ орасида ҳам, хазинага ҳам 2 сўм 30 тийиндан қабул қилинсин». Фармондан кўриниб турибдики, голланд тангалари намуна учун қабул қилинган.

Елизавета Петровна вақтида янги олтин тангалар — 10 сўмликлар чиқарилган. У императорнинг унвонига мувофиқ подшо имперали деб аталган. Ярим имперали — 5 сўмлик тилла танга ҳам бўлган.



Елизавета Петровнанинг имперали.

### ЕФИМКАЛАР

Подшо Алексей Михайлович даврида ефимкаларнинг бир томонига подшонинг от миниб турган тасвири, иккинчи томонига Романовлар оиласининг герби, икки бошли бургут сурати тамга қилиб босилди.

Бундай танга бир сўмлик ефимка номини олди.

Эндиликда чўзинчоқ кумуш қуймаси бир сўмлик бўлмади қолди, аммо бу танга ҳали мустақил пулга ҳам айланмади.

Иоахимсталер хазинада 50 тийинга, бир сўмлик ефимка эса икки ҳисса ортиққа қабул қилинарди.

Иоахимсталерга бир тийинлик тамғаси (найза ушлаган отлик) зарб қилинди. Бундай тангалар «тамғали ефимка» деб аталди. Булар 64 тийинга тўғри келарди.

Ниҳоят Иоахимсталерни 4 бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлакка бир тийинлик тамғаси ва: «пол полтина» ёки «пол полтинника» — яъни «ярим сўмнинг ярмиси» деган ёзув зарб қилинди. Бу пуллар 25 тийинга ўтар ва «тамғали танга мири» деб юришларди.



Алексей Михайловичнинг кумуш тангаси (1655—1662).

#### ОТИ БОР-У, УЗИ ЙУҚ

Бир сўмлик қўйма пуллар аста-секин муомалада кўринмай қолди, бир сўмлик ефимкаларни ҳам чиқармай қўйишди. Россияда пул сўмлаб ҳисобланса ҳам, аммо сўмнинг ўзи танга сифатида зарб қилинмас эди, сўм шартли ҳисоб бирлигигина бўлиб қолганди.

Пётр I даврида муомалада кумуш тийинлар ва ярим тийинликлар ёки «денежки»лар бўлар эди... Танга етишмасди, мамлакатда «пул қаҳатчилиги» ҳукм сурарди. Айниқса майда тангаларга эҳтиёж катта эди. Уша пайтларда тийиннинг қадри жуда баланд эди, шунинг учун ҳам майда ўрнида уни икки, уч бўлакка бўлишарди. Ҳар бир бўлаги мустақил равишда ишлатилаверарди.

1704 йилнинг март ойида Пётр I нинг фармонида мувофиқ Россияда биринчи марта бир сўмлик кумуш тангалар зарб қилина бошлади.

Бир сўмлик танганинг бир томонида Пётр I нинг расми ва «Подшо Пётр Алексеевич» деган ёзув, иккинчи томонида — икки бошли бургут, пулнинг чиқарилган йили ва «Москва сўми» деган ёзув бор эди.

Шу билан бирга ярим сўмлик, танга мирилик, 10 тийинга



„Тамғали ефимка“.  
Архиепископ Зальцбургнинг талерлари устидан зарб қилинган.



1704 йилги кумуш танга.

тенг ярим тангалик, «10 денег» ва «алтын» деб ёзилган бир мирилик пуллар чиқарилди.

«Алтын» номи татарча «олтин» сўздан келиб чиққан. Қадимий «алтын» 6 пулга, Пётрнинг «алтыни» — 3 тийинга тўғри келган. Пётр вафотидан сўнг 15 тийинга ёки 5 «алтын»га тўғри келадиган танга чиқарилди. Халқ уни «беш алтын» деб атарди. Пётр I ўз замонида «цесарские» ва «червонец» деган олтин тангаларни ҳам чиқарган. Бошида булар мукофотлашга мўлжалланган эди ва аҳён-аҳёнда давлатнинг махсус чиқимларига, асосан чет эллар билан савдо муносабатларидагина ишлатиларди.

Харажатлар эса жуда катта эди. Уруш борар, Россияни қайта тузиш ишлари олиб бориларди. Шу сабабли Пётр танга зарб қилишни тобора кўпайтирарди. Оқибатда бу пуллар қадрсизлана бошлади. Сўм «озиб» қолди. Аввалига бир сўмликнинг вазни  $8\frac{1}{3}$  мисқол соф кумушга баробар бўлиб, кейинроқ  $5\frac{5}{6}$ , ниҳоят деярли 4 мисқолга тушиб қолди.

### БИР ЯРИМ КИЛОГРАММЛИК СЎМ

Кумуш мисга қараганда анча қиммат туради. Мис тангалар ҳам кумуш тангалар қимматига эга бўлиши учун мис тангаларни жуда катта ва оғир қилиб яшаш керак бўлади.

Россияда кумуш етишмаётгани учун Екатерина I худди ана шундай мис пуллар чиқаришни ўйлади. Ҳисоблаб кўришса, бир сўмлик мис танга 1,6 килограмм тош босар экан.

Танга зарб қилувчилар подшо фармониغا итоат қилиб мисдан бир сўмлик яшашди. Бу пул тўрт бурчакли катта мис тахта





бўлиб, бўйи ва эни 20 сантиметрдан эди. Пулнинг ҳар-бир бурчагига ўйма гардиш қилиб, унга давлат герби туширилган, ўртасига эса: «Баҳоси бир сўм, 1726. Екатеринбург», деб ёзиб қўйилган.

Бир сўмликдан ташқари ярим сўмлик, танга мирилик ва ўн тийинликлар ҳам чиқарилган. Буларнинг ҳаммаси бир хил шаклда бўлиб, Екатеринбург зарбхонасида тайёрланган. Бу пуллар узоқ умр кўрмади. Улар ниҳоятда беўхшов ва ноқулай эди.

1748 йили императрица Елизавета Ломоносовни ёзган қасидаси учун 2 минг сўм билан мукофотлаганида пулни икки аравага солиб олиб боришган. Ҳар битта ўн сўмлик бир пуд тош босган.

Екатерина II ҳам мисдан «қадр»ли бир сўмлик пул чиқаришга ҳаракат қилган. Бу гал пулга гардиш шаклини беришган. Бир сўмликнинг диаметри 78 миллиметрга, қалинлиги 25 миллиметрга, оғирлиги эса бир килограммга тўғри келган. Бу пулни Сестрорецкдаги зарбхонада ишлашган. Шунинг учун ҳам уни «сестрорецк сўми» дейишади. Бизнинг музейларимизда ана шундай тангалардан атиги етти донаси сақланиб қолган.

### ҚОҒОЗ ПУЛ

Россиянинг XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китобларда кумуш ва қоғоз бир сўмликлар кўп тилга олинади. Уша пайтларда баҳони ана шундай икки ёқлама ифода этиш мавжуд эди. Бунинг сабаби қуйидагича.


Малика Елизавета Петровна давридаёқ генерал-директор Миних давлатнинг молиявий аҳволини яхшилаш планини: қиммат металл пуллар ўрнига Европадагига ўхшаш арзон қоғоз пуллар чиқаришни таклиф қилган. Минихнинг лойиҳаси сенатга борганда рад қилинган: «Пул ўрнига қоғоз юритилса айб бўлади, бунинг устига хавфли томони бор, олдиндан ёмон мулоҳазаларга йўл очиб беришнинг нима ҳожати бор».

Аммо Екатерина II бу лойиҳани амалга оширди: бесўнақай мис пуллар ўрнига 25, 50, 75 ва 100 сўмлик қоғоз пуллар чиқар-

ди. Булар мис-пулларга эркин алмашинаверди ва ана шу мақсадда Москва ҳамда Санкт-Петербургда «Кредит» банк очилди. Булар биринчи рус қоғоз пуллари эди.

Рус ҳукумати бу тажриба муваффақиятли чиқаришга маҳлиё бўлиб, қоғоз пулларни йилдан-йилга кўпайтира берди. Бу пуллар айниқса Туркия билан уруш пайтида ғоятда кўпайди. Қоғоз пулларнинг қиммати тушиб кетди. Бу пулларни банкда кумуш ва тиллага алмашмайдиган бўлиб қолди. 1810 йили 1 сўмлик кумуш тангага 3 сўм қоғоз пул беришарди. Бу қоғоз пуллар ўтган асрнинг 40-йилларигача ишлатилиб келинди.

1841 йили қиммати 50 сўмлик рус кредит билети — кредит қоғозлари ёки банкнотлар чиқарилди. Аввалига булар банк томонидан ҳаракатсиз ашёлар эвазига қарзга беришга мўлжалланган эди, ammo тез орада пул баробарида муомалага кириб кетди.





## ҚАЛБАКИ ПУЛ ЯСОВЧИЛАР

Олтинга бўлган ҳавас, бойлик орттириш ҳирси аргонавтичларни олтин баррани қидиришга, Колумбни — хавфли денгиз сафарига, минглаб олтин васвасасига тушганларни, қаҳратон Америка Шимолига йўллади. Ана шу ҳирс одамларнинг тангаларни жинояткорона равишда қалбакилаштиришга мажбур қилади.

Сариқ Иблисга сажда қилинадиган мамлакатларда қалбаки пул ясовчилар ҳаминга бўлган ва ҳозир ҳам бор. Улар пул билан бирга пайдо бўлганлар, пул билан бирга гумдон бўладилар:

Қалбаки пул ясовчиларни қадим-қадимдан ҳамма давлатлар қаттиқ жазолаганлар.

Энг қадим қонунлар — подшо Хаммурапи қонунларида қалбаки пул ясовчи ўлим жазосига маҳкум, дейилган.

Қадимий Римда қалбаки пул ишловчи қулни қатл этганлар. Агар қаллоб Рим граждани бўлса, уни йиртқич ҳайвонлар ейиши учун циркка берганлар. Бундай одам олий табақадан бўлса, фақат мол-мулкни тортиб олганлар. Зеро қулдорлик жамияти баланд мартабали жиноятчиларга енгиллик берган:

Қадимий рус қонунларида ҳам қалбаки пул ясовчиларни жазолаш ҳақида гапирилади. Бундай одамларнинг томоғига қалай эритилиб қуйилган. Хийла кейинги қонунларга кура оёқ-қўллари кесиб ташланган.

Подшо Россиясининг пул белгиларида: «Қалбаки кредит билетлари ясаган айбдорлар барча мол-мулкларидан маҳрум

этиладилар ва каторга ишларига сургун қилинадилар», деб ёзиб қўйилган.

Бундай огоҳлантириш дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг пулларида бор. Аммо ҳеч қандай жазо жиноятни йўқ қилолмади. Бойлик орттиришга бўлган ҳирс қўрқувни енгди.

Уша Римнинг ўзида қалбаки пул ясаш шу даражага бориб етганки, ҳукумат қалбаки пул ясовчиларга қарши курашга ҳатто қулларни ҳам тортган. Қалбаки пул ясовчини айтиб берган ҳар бир қул озод қилиниб, Рим граждандлигига ўтказилган.

Бу фалокатнинг кенг тарқашига қадимий тангаларни ўзгартириш осонлиги имкон берган. Танганинг шакли у пайтда текис, бир қолипда, тасвирлар аниқ-тиниқ зарб қилинмаган, вазни ҳам аниқ бўлмаган. Давлат назорати ўрнатилмаган, қалбаки тангага алданиб қолмаслик учун ҳар ким ўзи эҳтиёт бўлган.

Бозорда металлнинг сифатини аниқлаш учун тангани тошга ташлаб, жиринглашини эшитганлар, букиб, тирнаб, тарозида тортиб кўрганлар.

Қадимий бозорларда тез-тез жанжал ва муштлашишлар бўлиб турган. Халқ судга ишонмай, қалбаки пул ясовчиларга ўзи жазо берган.

Бундайлар орасида элга танилган кишилар ҳам бўларди.


## ҲАЁТ САБОҒИ

Метроном Поллий<sup>1</sup> бозорга ҳамиша биринчи бўлиб келарди. Бўлмасам-чи, ахир, савдо бошлангунча жойида бўлиши керакда! Савдо ишларида бир-бирини алдаб қўймасликлари устидан қаттиқ назорат қилиб туриш унинг вазифаси. Ёғми, газламами, дон ёки бошқа бирон буюм сотиладиган бўлса ўша нарса тўғри ўлчандими, ўлчов идиши кичиклаштирилмаганми, тарози тошлари енгиллаштирилмаганми — текшириб туриши керак...



Бу ерга — бой шаҳар Синопга ҳар хил халқ йиғиларди. Бутун Пафлагонияда, Грециянинг бошқа шаҳарлари ва узоқ мамлакатлардан Меҳмондўст денгизи орқали бу ерга келишарди. Гаваннинг илиқ тўлқинларида тебраниб турган баланд мачтали кемаларнинг сон-саногии йўқ. Тонг отиши билан бозорга олиб борадиган ҳамма йўлларни Сицилия тивитидан тўқилган газламалар, Кипр оролидан келтирилган гиламлар, Атика тоғларидан келтирилган Гиметт асали,

<sup>1</sup> Метроном — бу ерда кузатувчи, назоратчи маъносиди.



катта-катта идишлардаги хушбўй винолар, ялтираб турган зайтун меваси, балиқ, сопол идишлар, пўлат қуроолар босиб кетарди.

Бўкироқ ҳайвонларни, жонли занжир ҳосил қилган кишанбанд гамгин қулларни ҳайдаб келадилар. Қулларни сотадиган жойда пастаккина узунчоқ тахта супача ҳамиша тайёр.

Халқ мажлиси томонидан шу вазифага тайинланган Поллий ва яна тўрт нафар метрономларнинг ишлари бошларидан ошиб ётибди. Ахир, бу ишлардан ташқари саррофларнинг иши устидан ҳам назорат қилиш керак.

Греklarнинг ҳар бир шаҳрида ўз пуллари ва чет мамлакатларнинг пуллари юртиларди. Сарроф кун бўйи йирик пуллари майдалаб, четдан келтирилганини шу ернинг пулига, эскиларини янгиларига алмаштириб ўтирарди. Бусиз савдо қилиб бўлмасди.

Баъзан кўп молни сотишга тўғри келган пайтларда саррофдан даллолик қилиб беришини сўрашарди. Унинг ўзи шунча молнинг пулини ҳисоблаб чиқар ва қайси пулга сотиш кераклигини аниқларди.

Ҳамма саррофлар ҳам инсофли бўлаверибди дейсизми! Эҳтимол, пул одамни бузар, ана шунда одам ҳам пулни бузиб, қалбакилаштирар.



Пул алмаштиришда қалбаки пулларни беради, деб сарроф Гикесий устидан Поллийга бир неча марта шикоят қилишди. Уни ўзига билдирмай текшириш керак бўлади.

Мана, у ўгли Диоген билан саррофлик дуконини очгани келяпти. Бола чиройли, қадди-қомати келишган. У сарроф эмас, жангчи бўлиши керак. Икки қул улар орақасидан пул тўла чарм қопларни кўтариб келяпти.



Кун чиқиши билан бозор майдончасидаги унча биланд бўлмаган минорада соч-соқоли оппоқ агораном пайдо бўлди. У савдо устидан умумий назорат олиб боради, бозор ҳақи тўплайди.

— Дада, бугун негадир қўрқиб кетяпман, — деди сенинггина Диоген, пулларни кўк мовут тўшалган пештахтага тахлар экан, — бирон ёмон нарсани сезаётгандай бўляпман.

— Тинчлан, тентак бола! — деб жеркиб берди Гикесий. — Бизга худоларнинг ўзи ёр. Мен Дельфий ибодатхонасига қанча совға-саломлар билан бекорга бориб келганим йўқ, у ердан валий, кароматгўй коҳиннинг фотиҳасини олиб келдим. У ҳар кимга ҳам маслаҳат беравермайди, мен бўсам Парнас томондан келаётган овозни ўз қулоғим билан эшитдим. «Сенинг сахийлик билан қилган садақан эҳсонларингни ўрни тўлиб кетади, Гикесий. Ўз ишингда дадил бўл, бойлигинг ортаверади», деди ўша овоз.

— Шунақамни, дада, ҳалиги, худоларга қалбаки пул ясаётганингни айтмагандирсан-да.

— Жим! — деди Гикесий атрофга қўрқа-писа айланилаб.

Аммо яқин орада ҳеч ким йўқ, қуллар кетишган эди. Бир оз тинчланган сарроф:

— Худоларнинг менга ғазаби келмайди, — деди, — негаки Аполлоннинг ибодатхонасида деворга: «Ҳақиқатни сохталаштиргандан тангани қалбакилаштирган афзалроқ», деб ўйиб ёзиб қўйилган-ку. Шундоқ бўлгач, мен ҳам худоларга ёқадиган ишни қиялпман.

Диоген хўрсиниб туриб:

— Кеча ясаган дорийларимиз жуда ёмон чиқди. Уларнинг тилла эмаслиги шундоқ билиниб турипти. Биров сезиб қолса бир фалокат бўлиши турган гап.

— Гирт тентак экансан-ку! Мени бугунгиларни кимга ўтказишни билмайди дейсанми? Қираниш келатганда мот келтирган ямирлардан биронтасига тегади булар. Бошқа пуллар орасида сал мундайроқ дирҳамларни сира ҳам пайқашмайди... Қани, тай-

ёрлан, келинланти — деб сўзини бўлди Гикесий дўкон томон келадиган кишиларни кўриб.

Улар орқасидан той-той жун ортилган эшаклар эринибгина юриб келарди. Биринчи бор-барака бўлиб ўтди.

Уша куни қуёш илиқ нур сочиб, денгиз томондан ёқимли салқин шабада эсаётганидан кекса агораном ўз минорачасида уйқу элитиб қўйганини ҳам сезмай қолди. У шунча шовқин-суронга қарамай узоқ ухлаб қолди, Поллий келиб елкасидан қаттиқ силкитгандагина уйғонди.

— Кўзингни оч! — деб бақирди Поллий. — Шаҳримизда ёвузлар кезиб юришибди, уларга худоларнинг ва халқнинг газаби ёғилсин!

— Қим? — деди ўсига келган агораном улуғворлик билан қаддини ростларкан.

— Сарроф Гикесий билан ўғли! Мана улар ясаган қалбаки пуллар. — Поллий шундай деди-ю, бир неча тангани узатди.

Суд қилинадиган жойга шаҳар халқининг ҳаммаси йиғилди. Улар сарроф ва ўғлининг найрангларига нисбатан нафратларини қичқириқлар билан ифода этишарди. Судда кўп нотиклар чиқиб сўзлашди. Бавоилар қалбаки пул ясовчиларга ўлим жазоси берилиши талаб қилди.

Хукм қаттиқ бўлди. Суд Гикесийни зиндонга ташлаш ва барча мол-мулкни ҳамда қулларини шаҳар фойдасига мусодара қилиш, ўн саккиз яшар ўғли Диогенни Синопдан ҳайдаб, бу шаҳарга мутлақо киризмасликка қарор қилди.

Эртаси куни тонг саҳарда Диоген очик денгизда кема сахнада ўтирарди. Бунда оғина лаш-лушлари сояинган, қоп. Кема узоқ Афинага томон сузиб борарди.

Диоген Афинада бир неча ўн йил яшади, кейин Коринфда бўлди. Бу ерларда унинг ўтмишни ҳеч ким билмасди, аммо ёшликдаги аччиқ сабоқ бекор кетмади. Синопдан чиққан файласуф Диогеннинг шухрати аста-секин бутун Грецияга ёйилди. У ўз таълимоти ва ҳаёт тарзи билан оддий одамлар ўртасида бе-ниҳоя ҳурматга сазовор бўлди. Диоген бойларни мол-мулкдан ва шон-шавкатдан воз кенишга, хусусий мулкни йўқотмишга, озга қаноат қилишга чақирди.

Диогеннинг ўз ҳаётий қонун-қондаларига содиқ қолиб, винодан бўшаган бочкани бошпана қилиб яшагани ҳақидаги замондошларининг ҳикояси бизнинг давримизгача етиб келган. Унинг бөр бисоти битта фонус бўлган. Диоген куппа-кундуз куни ўша фонусни ёқиб, шаҳар кўчаларини кезган. Нима қилиб куппа-кундуз куни чироқ ёқиб юрибсан, деб сўраганларга: «Одамни



қидиряпман, шу номга муносиб бўлган кимсани излаяпман», дея жавоб берар экан.

## АЛХИМИКЛАР

Кўп музейларнинг коллекцияларида қадимги римликларнинг қалбаки пуллари сақланади. Булар соф тангалар қаторида яширинча хазиналардан топилган. Бу пулларни яширган одам, келажакдаги узоқ авлодлар учун ўз замондошларининг жиноятларидан шоҳидлик берувчи ашёвий далилларни сақлаб қўяётганини хаёлига ҳам келтирмаган.

Қалбаки тангаларнинг баъзилари жуда ҳам маҳорат билан ясалган. Бир парча темир ёки мисга юпқагина кумуш пўст «кий-гизилган».

Урта асрлар даврининг мудҳиш кунлари фан учун қора кунлар бўлган эди. Аммо инсоният тафаккури шунда ҳам сўнмади.

Қоронғи ертўлаларда, қалъаларнинг қалин тош деворлари ортида алхимиклар кўраларида кеча-кундуз ўт ёнар, реторталардаги турли тусдаги суюқликлар вақирлаб қайнаб, бошқа идишга қуйилар, қозонлар ва гилвата идишлардан нафасни қайтарадиган буғ кўтариларди.

Таёқчани бир силкиш билан жамики нарсани олтинга айлантириб қўядиган моддани — афсонавий иксир тошини толиш алхимикларнинг муқаддас орзулари эди.

Улардан талайгинаси қироллар хизматида эди, чунки подшолар ҳамини очкўз ва ҳар қандай йўл билан бойлик орттиришга ҳирс қўйган эдилар.

Иксир бу шунчаки бир орзу, аммо алхимиклар ўша замонларда жуда антиқа бўлиб кўринган нарсаларни топганлар. Масалан, инглиз қироли Генрих VIнинг алхимиги симоб билан пардозлаш ёрдамида мис тангани «кумушлантирадиган» усулни топди. Бундай тангани соф — ҳақиқийсидан ажратиб бўлмас!

Қирол кўплаб «қалбаки» пуллар ишлаб, уни муомалага чиқаришда бу усулдан фойдаланишга шошилди. Алдов тез орада фош бўлди. Бу танганинг умри жуда қисқа экан: симоб ейилиб кетиб, қирол фуқароси қўлида ҳеч нарсага арзимайдиган мис парчалар қолди.

Алхимиклар ранги олтинга ўхшаш қотишмани кашф этишга





мувафақ ҳам бўлдилар. Булардан «олтин» тангалар зарб қилинди.

Алхимиклар баъзан жуда жўн усулдан ҳам фойдаланишган, олтин тангаларнинг ўртасини ўйиб олиб, ўрнини арзон металл билан тўлдириб, устидан тилла сувини югуртишган.

Ўйиб олинган олтинлар эса қалбаки пул ясовчиларнинг ҳамёнига тушаверган.



### ҚАШШОҚЛАР ПУЛ ЯСАЙДИЛАР. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҚАЛЛОБЛАРИ

XVII асрда Россияда қалбаки пул ясаш чинакам фалокатга айланиб кетди. Ҳукумат томонидан бузиб чиқарилган пулга қўшимча равишда кўплаб қалбаки пуллар пайдо бўлди. Иш шу даражага бориб етдики, қалбаки пулларни деҳқонлар ва хатто... қашшоқлар ҳам зарб қиладиган бўлдилар.

Зарбхоналардаги танга зарб қилувчилар яширинча пул зарб қиладиган асбоблар тайёрлаб, хоҳлаган кишиларга сота бошлаганлар.

Айниқса қадрли кумуш пулларни қалбакилаштириш кенг тарқалган. Қалбаки пулни симоб суртилган, қалай югуртириб оқартирилган ва кумуш суви берилган мис парчалари — «португенлар», «полученлар» ва «посеребрянныйлар»дан ясаганлар.

Йиллар ўтаверган, подшолар ўзгараверган, Россияда қалбаки пуллар миқдори борган сари кўпаяверган. Подшо Анна Иоанновна даврида муомалада соф пул қанча бўлса, қалбакиси ҳам шунча бўлган.

Бу ҳол бутун ишларни издан чиқариб, давлатни ҳалокат ёқасига келтириб қўяёзган. Ҳукумат таҳликага тушиб қолган. Малика сенатга пул хўжалигини тартибга солишни буюрган. Аммо қалбаки пул чиқаришни қандай қилиб тўхтатиб бўларди?

Шунда махсус комиссия тузилади. Аммо бу комиссия биргина нарсанинг: катта қийматга эга бўлган тангалар чиқарилмасин, балки майда чақалар — ярим тийинлик, чорак тийинликлар чиқарилсин, токи «ўғрилар қалбаки пул ясашдан наф кўролмасинлар», деган таклифни кирита олган.



Россияда қоғоз пуллар пайдо бўлганда, уларни ҳам қалбакилаштирганлар. 1771 йилги ҳукумат фармонида бу аниқ айtilади:

«Бизга маълум бўлишича, Санктпетербург банкига давлат қоғоз пулларини алмаштирилганда бир қанча қалбаки пул тушган, яъни 25 сўмлик 75 сўмлик қилинган, икки рақами қириб ташланиб, ўрнига етти рақами ёзилган, шу билан бирга етмиш рақами ҳарфлар билан шундай ёзилганки, олдиндан ҳабардор қилинмаган киши бир қараганда бундай қалбакичиликни пайқашини анча қийин».

Бундай қалбаки қоғоз пуллар анча-мунча эгани ўша фармондап яққол кўриниб турибди: «75 сўмлик қийматга эга бўлган барча қоғоз пуллар муомаладап олинсин ва бунақаси янгидан чиқарилмасин».

Капиталистик мамлакатларда қалбаки пул ясовчилар ҳозир ҳам оз эмас. Улар эндиликда ҳамма мамлакатларда ҳам оз қийматга эга бўлган, майдалашга кетадиган танга-чақаларни ясамайдилар, албатта. Ҳозирги замон қаллоблари қоғоз пулларни қалбакилаштирадилар.

Замон ўзгарди, пул тайёрловчи техника такомиллашди. Пул тайёрлаш анча мураккаблашди.

Ҳозир пулни махсус олий нав қоғоздан қилинади. Махсус усул билан бу қоғоз орасига ёругга тутганда кўринадиган белгилар ишланади. Моҳир рассомлар қоғоз пул бетини қоплайдиган мураккаб суратларни, ёзувларни, майда тўр-безакларни чизишади. Баъзан эса янада мураккаброқ усулларга мурожаат этадилар.

Масалан, Англия банкларининг пуллари ясаладиган қоғозга юпқа, эгилувчан металл ип ёпиштириб, пресслаб юборилади. Бу нарса пул қоғозини мустаҳкамлайди ва уни қалбакилаштиришини қийинлаштиради.

Аммо қалбаки пул ясовчилар ҳам фотография, цинкография, химия ва ҳоказоларнинг ютуғу янгиликларидан фойдаланадилар. Баъзан қалбаки пулларни шундоқ қараганда асл пуллардан ажратиш қийин бўлади.

Мана, масалан, битта йирик купюрани<sup>1</sup> қуйидагича қалбакилаштирганлар.

Жиноятчилар ҳақиқий пулнинг икки томонини ҳам юпқа фотоқоғозга аниқ фотосуратини олганлар. Кейин икковини бир-бирига ёпиштириб, икки томони ҳам ажаб этирилган купюра ҳосил қилганлар. Тўр чизиқлар ва қўшимча суратларини туш ва бўёқ билан чизганлар.

Фотоқоғоз мўрт бўлгани учун қаллоблар уни ўтказиш олдиндан «пулни» озгина намлаб олганлар, шунда у мулойим тортиган.

<sup>1</sup> Купюра — заём ёки қимматбаҳо қоғозларнинг алоҳида бўлаклари.

Америка Қўшма Штатларида қалбаки пул ясовчилар жуда кўп.

Бу мамлакатнинг пулларидаги суратлар жуда мураккаб ва назик. Бўёқларнинг ранги жуда ҳам тиниқ ва турли-туман. Қалбакилаштиришни қийинлаштириш учун қоғоз бўтқаси қайнатилаётганда унга юпқа ипак толаси қўшиб юборилади. Тайёр қоғозда бу ипак толалари майда гул томирлар бўлиб кўринадди. Шунда ҳам пулни қалбакилаштиришади.

Кўпинча юз долларлик қалбаки қоғоз пуллар пайдо бўлади. Буни ясаш учун бир долларлик қоғоз пул ишлатилади: «бир» рақами ва сўзи қириб, ёки тарашлаб олинади ёки химиявий усулда ўчирилади, ана шу ерга «юз» ёзуви ва рақами қўйилади. Хати қўлда ранг билан ёзилади ёки майда қоғоз пуллардан қирқиб олинган ҳарфлар териб ёпиштирилади.

Қалбаки пул ишланадиган бундан кўра мураккаброқ усуллар ҳам учраб туради, бунда расм ва ёзувлари цинкографияда бостирилади, ипак толаларнинг сурати эса қўшимча равишда чизилади.

АҚШ полицияси вақти-вақти билан қалбаки пул ясовчиларнинг яхши жиҳозланган устахоналари бўлган катта шайкаларини қўлга тушириб туради.

Яқинда Англияда бир фунт стерлинг қийматга эга бўлган қалбаки пуллар пайдо бўлди. Бу жуда аниқ ишланган эди. Ҳатто қоғознинг металл иплари ҳам бор эди. Агар биттагина аломати бўлмаса бу қалбаки пуллари ҳақиқий пулдан ажратиш амримаҳол эди. Шу қадар моҳир қалбаки пул ясовчилар чаласивод эканлар, улар «cashier» — яъни «кассир» сўзи ўрнига сира ҳам маъноси бўлмаган «сочиег» сўзини ёзиб қўйишибди. Ана шундан қалбаки пуллиги биллиниб қолган.

Совет қонунларига мувофиқ социалистик давлатнинг пул муомаласини бузувчилар қаттиқ жазога тортиладилар. Бундай одамлар меҳнаткашларга зиён етказадилар.

Аммо Совет Иттифоқида пул капиталистик мамлакатлардаги каби ҳукмрон эмас. Бизда бой ва камбағал деган гап йўқ. Бошига мушқул иш тушган одамга давлат, коллектив ҳаминча ёрдам беради. Ана шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда жиноят кам содир бўлади.

### СИНОВ ТОШИ

Агар қадимий хазиналардан тозилган тангаларни диққат билан кўздан кечирсангиз қизиқ белгиларни — тишларнинг ўрнини кўришингиз мумкин.



Қадим замонларда тангаларнинг сифатини тишлаб кўриб аниқлаганлар. Кумуш ва олтин нисбатан юмшоқ металллар бўлиб, тишнинг изи қолади. Агар тангага тишнинг изи тушмаса, демак у қалбаки бўлиб чиқади.

Бунга қўшимча равишда тангани тошга ташлаб жиринглатиб синаб кўрганлар. Кумуш ва олтин танга тиниқ ҳамда жарангдор овоз беради, мис бўлса паст овоз чиқаради.

Кейинчалик тангани синаш учун махсус тошлар пайдо бўлди. Уларни аниқловчи ёки синов тоши деб юритишди. Бу тошлар базальтнинг тахтасимони, магнитли темир рудаси, баъзи бир бошқа жинслардан қилинарди. Агар кумуш танга билан қалай аралаштирилган қалбаки тангани ёнма-ён қўйиб, раҳи билан тошга чизик тортилса фарқи дарров сезилади. Чизиклар бошқа-бошқа рангда бўлади.

Уша қадим замонлардан буён синов тоши маталга айланиб кетган. Кўпинча бирон киши ўташи лозим бўлган синовни шундай деб аташади. Масалан, хавф-хатар — мардликнинг синов тоши дейишади.

Ҳозир пулларни синаш жуда ҳам такомиллашиб кетган. Қатта қилиб кўрсатадиган ойнада қоғоз пуллардаги хат ва расмлар қўлда ясалган бўлса шундоққина кўриниб туради.

Зарур пайтларда бўёқ ва қоғоз таркиби кимёвий усулда текшириб кўрилади. Рентген нурлари ёрдамида ҳам аниқланади.

### ҚАЛБАКИ ТАНГА ВА АВТОМАТ

Илгари ҳеч ким, савдо каби нозик ишда инсон ўрнини машина эгаллай олади, деб ўйламаган эди. Бу ишда нимани сотиш, қанча олиш, қайтимини беришни билиш керак. Ҳа, шу билан бирга, қалбаки пулга алданмаслик ҳам керак! Машина қандай қилиб эплай оларкин бунни! Аммо бу нарса ҳозир факт — одам ўрнига машиналар савдо қиляпти.

Кейинги пайтларда бир қатор мамлакатларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам савдо қилувчи автоматлар пайдо бўлди. Автоматга керакли пулни ташлаб, у «савдо қилаётган» лафтар, қалам, газеталарни олиш мумкин.

Автомат стаканлаб газли сув, мева шарбати, сут, иссиқ булға, бир улуш морозний, керосин «сотиши» мумкин. Автомат телефонлар ҳаммага маълум. Иссиқ нонушта, уйлари иситиш учун кўмир, автомашиналарга қуйишга бензин «сотадиган» автоматлар ҳам бор.

Чет элларда автомат ёрдами билан квартираларга газ берилади. Автоматга қанча пул ташласанг, газни ҳам ўшанга яраша ёқдиси. АҚШ меҳмонхоналарида радиоприёмниклар ва телевизорлар ана шу тахлитда ишлатилади.

Автоматлар одам иштирокисиз ишлайди. Баъзи-баъзидагина механик келиб, автоматларга мол солиб, уёқ-бўёғини кўриб, бузилган жойи бўлса тузатиб кетади.

Автоматлар инсоннинг яхши ёрдамчиларидир.

Автоматлар дастлаб пайдо бўлганда уни алдамоқчи бўлган шум болалар ва виждонсиз кишилар ҳам топилди. Бундай одамлар автоматга танга ёки чақа ўрнига бир парча темир, тунука, ўн тийин ўрнига икки тийинлик чақа ташлаб кўрдилар. Аммо бундай одамлар «ақлли» машинани алдаб бўлмаслигига ишондилар. Аппарат ҳар хил нарсаларни чиқариб ташлайди, тегишли қийматга эга бўлмаган чақани қабул қилмайди. Унга пулни тўғри ташлаганингизда, машина худди кўриб тургандай бўлади, шу чоғ нимадир гувиллай бошлайди, бир нарса чертилгандек бўлади-ю, аппаратнинг қутисидан сотиб олинмоқчи бўлган тегишли нарса пайдо бўлади.

Унча катта ҳажмга эга бўлмаган савдо автомати жуда мураккаб ва оқилона тузилган. Унда фан ва техниканинг янгиликлари қўлланилган. Бусиз у ўзининг қийин «вазифаси»ни адо этолмаган бўларди: автомат ҳақиқий пулли қалбакисидан фарқ қила олиши, ҳар хил турдаги ясама, қалбаки нарсаларни чиқариб ташлаши, молни яхшилаб сақлаши; керак бўлса молни бир оз иситиб ёки, аксинча, совутиб бериши; пул қабул қилиб олиши, қайтимини бериши, олинган тангаларни йиғиши ҳамда сақлаши лозим.

Бу ишларнинг ҳаммасини бетўхтов бажо келтиради у.

Автомат тангаларни қандай қилиб бир-биридан ажрата олади?

Аввало у ўзидаги деталларнинг аниқ ҳажмдалигидан шундай қила олади. Автоматнинг икки тийинлик чақага мўлжалланган туйнугига ундан катта ҳажмдаги бошқа нарсани сира ҳам киритиб бўлмайди.

Борди-ю, икки тийинлик чақа ўрнига бир тийинликни ташлаб кўрса, эҳтимол автомат ишлайверар?

Йўқ, ишламайди. Автоматнинг ичида оддий ва ишончли мослама борким, у тангани вазнидан билади. Бу унча катта бўлмаган жимжимали ричагчадир. Агар унинг чап елкасига икки тийинлик тушса, у дарҳол ўз ўқи атрофида айланиб, чақа танга тўплагичга тушади, харид қилувчи тегишли молни олади. Агар у бир тийинлик бўлса ричагчани айлантиролмайди, балки у ташлаган кишига қайтариш учун бошқа томонга сирғалиб тушади.

Кимдир ҳажми ва вазни жиҳатидан икки тийинликка тўғри келадиган, фақат ўртасида тешиги бор шайбани ташламоқчи бўлади. Автомат шайбачани ҳам ўтказмайди! Шайба

тирқишдан ўтиб, каналда ҳаракат қила бошлаши билан махсус «бармоқлар» уни пайтаслаб кўради. Чақа бўлганида тўхтамасдан ўтиб кетиши мумкин эди, лекин шайбанинг тешиги эса албатта «бармоқ»қа илвиниб, «бармоқ» уни ушлаб қалади-ю, чиқариб ташлайди.

Аммо тегишли танга вазнига баробар келадиган, ҳажми тирқишдан сигадиغان нарсага тегиш мумкин-ку, ахир. Автомат ана шунақа нарсага ҳам ўтказмаслиққа мосланган. У фақат тўғри гардишли нарсага мўлжалланган. Гардишсиз нарса филдирамайди ва механизмни ишга соловмайди. Мабодо тангадан зигирча кичкина гардишли нарса ташланса ҳам автомат чиқариб ташлайди.

Ҳап шундаки, танга каналга тушгач, бир томонида тирқиш бўлган канал бўйлаб филдирайди. Тирқишнинг эни танганинг диаметридан бир оз кичик. Жуда сийқаланиб кетган танга ёки диаметри танганикидан кичик бўлган қандайдир гардиш тирқишда ағдарилиб, чиқариб ташланади.

Аммо, фараз қилайлик, қандайдир жиноятчи қалбаки пул билан мол олмоқчи бўлади. Бу қалбаки пул ҳар жиҳатдан ҳақиқий пулга жуда ўхшайди: диаметри ҳам, қалинлиги ҳам, шакли ҳам ва ҳатто вазни ҳам.

Бари бир автоматни алдаб бўлмайди. Инженерлар автоматга шундай мослама ўйлаб топганларки, бу мослама танга қандай металлдан қилинганини аниқлаб беради.

Ҳар бир металл, демак, қотишма ҳам ўзининг қатъий, аниқ физик хоссасига эга. Пўлатнинг эгилувчанлик хусусияти мисниқидан юқори туради.

Металлларнинг электр қувватини ўтказиши ҳар хил бўлади, улар магнит оқимини турлича ўтказди, қизитилганда ҳар хил кенгайди ва ҳоказо. Мис билан никель қотишмасидаги металлларнинг мутаносиблиги ўзгартирилса кифоя, кўп хосса-хусусиятлар ўзгариб кетади.

Автоматга ташланган предметнинг материалнинг текширишда мана шундан фойдаланилади. Махсус қурилма эталонга, яъни маълум бир қийматдаги танга ёхуд чақа намуна-сига «мослаштирилади». Асбоб эталоннинг ҳамма сифатлари бўлган предмет туширилган вақтдагина ишлайди. Лекин ана шундай предмет фақат танганинг ўзигина бўлиши мумкин.

Текшириш усулларидан бири — «трамплин»дан «сакраш»-дир. Аммо, аввал тангани магнитлар орасидан ўтказилади. Унда ток кўзгалади. Сўнгра у пастга тушиб, унча катта бўлмаган металл сандон — «трамплин»га урилади. Ундан «сакраб «учиб» кетади. Ток «учиш»ни тормозлайди. Ҳақиқий танга жуда аниқ масофага «сакрайди» ва тўғри ишчи каналга туша-

ди. Масалан, темир гардини қаттиқроқ тормозланиб қолади ва қайтариш каналидан қайтиб чиқади.

Қимматбаҳо маҳсулотлар «сотадиган» ҳозирги замон автоматларида махсус программали қурилмалар бор. Конструктор томонидан олдиндан берилган программага кўра у ташгани қийин имтиҳондан ўтказилади. Танга жуда кўп саволларга жавоб бериши керак: оғирлиги, шакли, қалинлиги, диаметри, ток ўтказувчанлиги, эгилювчанлиги қанча ва бошқалар.

У ҳамма саволларга тўғри жавоб берганидагина автомат товарни чиқариб беради.

### ПУЛ ЖАНГ ҚИЛАДИ. АЖОИБ ВУЖА

Порохни номаълум даҳо яратган. Одамлар порох билан қояларни емириб, ёввойи ҳайвонлардан ўзларини ҳамон қилибгина қолмай, айни чоғда бир-бирларини ўлдириб бошлаганлар.

Инсон буғнинг кучини жиловлади. Буғ меҳнатни беқисс енгиллаштирди, ерда ва сувда ҳаракат қилишни тезлаштирди. Аммо пароходлар пайдо бўлганидан бери қанчадан-қанча қуролли қўшинларни ташимади. Зирҳ — бронь билан қопланган пароходлар урушга хизмат қила бошлади. Броневоездларни, тўп ва танклар ортилган составларни — ҳаммасини паровозлар тортарди.

Электр инсонлар ҳаётида революция қилди. Аммо урушундан ҳам ўлпон олди. Электр токи ажал лагерлари атрофи қуршалган тиканли сим тўсиқлар бўйлаб оқди, қудратли прожекторларнинг лампаларини ёндирди; унинг ёрдамида фабрика ва заводлар, истеҳком ва ҳарбий кемадар портлатилди.

Осмонга дастлабки учувчи аппарат кўтарилди. Бу инсон ақл-заковатининг таътанаси эди. Аммо эндиликда бундай аппаратлар осмонга ажал уруғини сочадиган ва минглаб кишиларни қириб ташлайдиган бомбаларни олиб чиқадилар.

Кейинчалик инсоннинг ақли ва қўли яратган нарса яқин ўтмишда ҳатто ҳаёлга келтиришга журъат этилмаган яна ҳам юксакликка кўтарилди. Жаҳонда биринчи бўлиб совет Ер йўлдоши космосда «би-би»лар ўз қўшиғини куйлай бошлади.

Шундан кейин планетамизнинг нариги ярим шарида ҳам фазога йўлдошлар кўтарила бошлади, уларни ҳарбий кийимдаги кишилар учирди; улардаги махсус фотоаппаратлар ёрдамида космосдан туриб бегона ерларни — мабодо уруш бўлиб қолса аниқ мўлжалга олиш мақсадида совет заводлари, аэродромлари, денгиз ва ракета базаларининг жойлашган ерларини суратга ола бошладилар.



Асримиз мўъжизаси — радио океанлар ва қитъалар оша музика садоларинигина эмас, ҳарбий буйруқларни ҳам етказиб туради.

Ядро энергиясини қўллаш дастлаб Америка атом бомбасининг Япония устида портлашидан бошланди.

Ҳамиша шундай бўлган. Капитализм ер юзидан йўқолиб кетмагунча шундай бўлиб қолаверади. Уруш ҳам у билан бирга йўқолади.

«Урушда ҳамма воситалар яхши». Қулдорлар, феодаллар ва капиталистлар ана шу шиор остида ўз рақибларига қарши энг қабиҳ усуллардан фойдаланганлар: жосуслар юборганлар, хонларни сотиб олганлар, қуршаб,

очликка маҳкум этганлар, одамларни гаровда тутганлар, ичкисизликни тарқатганлар, қамалдаги шаҳарга даҳшатли касалликлар юқтирилган жонивор ва ҳашаротларни ташлаганлар.

Фронтдагина эмас, фронт орқасида ҳам кураш олиб борадилар.

Душман қўшинларининг таъминотини бузмоқ учун заводларни қўпориш, далалардаги бугдойларга ўт қўйиш, транспортни издан чиқариш, кўприк ва йўлларни портлатиш учун қўпурувчиларни юборадилар. Халқ орасида ваҳима тарқатиш, унинг галабага бўлган ишончига раҳна солиш учун рақиб мамлакатга юзлаб агентлар юборилади.


Қалбаки пуллардан худди ана шундай мақсадларда фойдаланадилар.

Булар энди битта-яримта қалбаки пул ясовчилар чиқарган бир неча донга қоғоз пуллар эмас. Булар рақиб мамлакат пулининг жуда кўп миқдорда босилган аниқ нусхаси бўлади.

Кўпинча пул урушни у эълон қилинганидан, биринчи отишмадан анча олдин бошлаб юборади. Яширин агентлар эҳтимол тугилган душман мамлакатга суқилиб кирадилар ва қалбаки пуллар эвазига жосус ва сотқинларни ёллайдилар, қимматли хом ашё, озик-овқат, қимматбаҳо металлларни сотиб олиб, ўз мамлакатларига жўнатадилар. Ниҳоят, муомалага қалбаки пулларни чиқариб юборадилар, бу билан пул хўжалигини издан чиқарадилар, демак, душман мамлакатнинг бутун экономикасига путур етказадилар.

Босқинчилар истило қилган ерларга киришгач, аҳолини





қул қилиш, бойлигини тортиб олиш учун пулдан фойдаланишади. Босқинчиларнинг пуллари пайдо бўлади. Бу пуллар ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди, аммо шу пулларга озиқ-овқат сотишга мажбур қилишади, меҳнатга шу пул билан ҳақ тўлашади.

1756 йилда Етти йиллик уруш бошланиб кетди. Бу урушга Европанинг деярли ҳамма мамлакатлари тортилди. Ҳарбий жиҳатдан кучли бўлган давлатлар ўз территорияларини қўшни мамлакат ерлари ҳисобига кенгайтиришга, мустамлака ортиришга ҳаракат қилдилар.

Айниқса Англия, Франция ва Пруссия бу борада жуда активлик кўрсатдилар. Йиртқичлар бир-бировлари билан учрашардилар. Урушга Россия ҳам қўшилди.

У пайтда Германия ягона эмас эди. У жуда кўп майда давлатчалардан иборат эди. Булар орасида бирмунча кучли ва агрессори Пруссия эди. Пруссия қироллари илгаритдан бошқа герман ерларини ўзига қаратишга уриниб келарди. Улар қўшни Польша ва Литванинг ерларига ҳам кўз олайтириб қўярдилар.

У пайтда Польша ва Литва ерлари ягона давлатга — Речь Посполита давлатига бирлашган эдилар. Етти йиллик урушнинг бошларидаёқ Фридрих II нинг аскарлари бу давлат ерларига бостириб кирди.

Пруссияликлар бой ўлжаларни қўлга киритишди. Булар орасида энг қимматлиси литваликларнинг пуллари зарб қилинадиган асбоб эди.

Бу ҳақда Фридрих II га хабар қилганларида, у бундан қандай фойда кўришини дарҳол пайқаб олди. Литваликларнинг кумуш тангасини зарб қилиш қатъиян махфий равишда уч эпчил муттаҳамга топширилди. Бу пуллар ҳақиқий пулларга ташқи кўринишдангина ўхшарди, холос. Чунки буларда кумуш жуда кам миқдорда эди.

Бу тангалар шубҳа туғдирмаслиги учун уларга эски чиқарилиш йили ёзиб қўйилди ва вино қуйқаси билан хиралаштирилди.

Қўшин ва Пруссия қиролининг саройини таъминловчи савдогарлар бу пулларнинг қалбаки эканлигига фаҳмлари етмай жон деб қабул қилишарди. Ана шу савдогарлар кейинчалик бу пулларни кўплаб Литва ва Польшага олиб боришди, бу билан ўзлари билмаган ҳолда у ерларда пул муомаласини бузиб, мол етишмаслигига, баҳонинг ортиб кетишига сабабчи бўлишди.

Тахмин қилишларича муттаҳам авантюрачилар 400 миллион қалбаки злотий тайёрлашган. Поляклар ва литваликлар бу тангаларни «ефрамка» деб, немислар — «кригс്മюнден», яъни «ҳарбий танга» деб юритишган. Пруссия армияси ўз ҳарбий харажатларининг анча қисмини ефрамкалар билан тўларди.

Бу орада Пруссиянинг рақиблари унга ҳам шу қурол билан зарба беришмоқчи бўлишди.


Инглизлар немисларнинг зильбергросшларини кўп миқдорда зарб қилиб, яширинча Пруссия аҳолиси ўртасида муомалага чиқариб юбордилар. Аммо улар бу ишни қилишда янглишдилар: маълум бўлишича, қалбаки тангалардаги кумуш ҳақиқий тангадагидан кўпроқ экан.

Наполеон Бонапарт Россияга юриш қилиш ниятида олдиндан Францияда қалбаки рус қоғоз пулларини сон-саноксиз босиб чиқаришга буйруқ берган. Наполеон қўшинлари бизнинг ерларимизга бостириб киргач, аҳоли билан олди-соттида шу пулларни ишлатган.

Рус кишилари француз босқинчиларини партизан урушлари ва нафрат билан қарши олдилар, аммо пул орттириб қоламан деб душманга озиқ-овқат молларини сотган ва хизмат қилганлар ҳам бор эди.

Бу қаллоблар ўз қилмишларига яраша насибаларини олдилар — қалбаки пул орттириб қолдилар. Наполеон қувиб чиқарилганда бундай кишиларнинг қўлларида 7 миллион сўм қалбаки қоғоз пул қолган эди.





## БОЙЛИК ОРТТИРИШНИНГ ЮЗ БИР УСУЛИ

БИР СЎМЛИК БАХТ.  
БОЙЛАР ВА КАМБАГАЛЛАР

**БОЙЛИК ОРТТИРИШНИНГ ЮЗ БИР УСУЛИ!!!**

Қандай қилиб кўп бойлик орттириш,  
бадавлат ва бахтли одам бўлишни  
машҳур иқтисодчи ҳамда молчи  
В. Н. Корнблум-Вебернинг  
китобидан билиб олишингиз мумкин.

*Китоб бир сўмлик почта маркаси етиб келиши биланоқ устама тўлов билан олинadиган қилиб жўнатилади. Сизрань шаҳри, Минаева хонимнинг уйлари. Китобнинг тиражи жуда ҳам чекланган.*

Бундай эълонлар инқилобгача бўлган Россиянинг газета ва журналларида тез-тез учраб турарди. Бундай эълонларни капиталистик мамлакатларда ҳозир ҳам учратиш мумкин. Булар бойлик орттиришга иштиёқманд содда одамларга мўлжалланган. Пул ҳукмрон бўлган жамиятда бойлик орттиришни орзу қилган одамлар кўп. Ана шундай одамлар ўз долларлари, фунтлари ёки франкларини уддабурон муттаҳамларга юбориб, ўрнига қуруқ, ҳеч нарсага арзимас китобчаларни олишган.

Ҳар қолда бойимоннинг ишончли усули борми? Бойлик қардан келади ўзи? Хуеусий мулк пайдо бўлгандан буён инсоният жамияти бой ва камбағалларга борган сари анқроқ ажраб бөрмоқда.

Ҳа, шундай усул бор. Бу шундан иборатки, бир киши алдаб



ёки мажбур қилиб бировларнинг меҳнатини ўзлаштириб олади. Меҳнат эса қимматли буюмларни яратди.

Кичкинагина оролдаги қабила-нинг йўлбошчиси гўё юзаки қараганда жуда содда усулда — икки дона темир мих ёрдамида бойи-ган.


Уша замонда бу оролга машҳур денгиз сайёҳи Кук борганда бу иккита мих оролдаги ягона металл буюм бўлиб, йўлбошчига тегишли экан.

Қаттиқ суяк ёки чиганоқни, тақинчоқ тақинш учун қулоқнинг солинчоғини ёки бурун паррагини тешиш — буларнинг ҳаммасига мих ярарди.

Ҳийлакор йўлбошчи бу буюмлардан фойда кўришни ўйлаб, михларни ижарага бера бошлаган. Михдан фойдаланганликлари учун йўлбошчига ов ўлжаларидан, тугилган балиқлардан, тўқиган бўйраларидан беришарди. Йўлбошчи бошқаларнинг меҳнати орқасида бойиб кетади.

Тенгсизлик, кишини киши эксплуатация қилиш мавжуд бўлган жойларда алдамчилик, зўравонлик, жиноят билан бойлик орттириш эгизакдир. Минг йиллар илгари шундай бўлган, ҳозир ҳам шундайлигича қолган.

Қадимий адабий ёдгорликлар Ассириянинг афсонавий маликаси Семирамиданинг бойликлари ҳақидаги ҳикоялар билан тўла.



Халқ беқиёс маҳрумликлар эвазига унга ҳашаматли саройлар қурган. Минг-минглаб қуллар ҳолдан тойиб, оч қолиб, хасталикдан ўлсалар ҳамки, кўркам боғ барпо этиш учун узоқ ўлкалардан саройга унумдор тупроқ ташиб келтирганлар.

Маликага худолар марҳаматини ёғдириш мақсадида соф олтиндан уларнинг жуда катта ҳайкалларини қуйганлар. Сонсаноқсиз қимматбаҳо буюмларни ибодатхоналарга йиғишарди.



Баландлиги 40 фут бўлган ана шундай ҳайкаллардан биттаси Вавилоннинг минг талант<sup>1</sup> оғирликдаги тилласига тўғри келарди. Маъбуда Реянинг ҳайкали бундан ҳам баҳайбат эди. Унга 8000 талант олтин кетган. Маъбуда икки олтин шер ўртасидаги тахтда савлат тўкиб ўлтирарди.

Ана шу ибодатхонада каттакон олтин меҳроб, сон-саноксиз олтин қадаҳлар, исриқдонлар ва бошқа анжомлар бор эди.

Яҳудийлар подшоши Сулаймон Семирамидадан «камбағал» бўлмаган. Ҳозирги замон пули билан ҳисоблаганда унинг йиллик даромади салкам 5 миллион олтин сўмни ташкил этган. Бу ўша замоннинг пулига чаққанда ҳаддан ташқари кўп!

Асрлар кетидан асрлар ўтаверди, подшолар ўзгарди, аммо ер юзида ҳамон аввалгидек жаноблару қуллар, бойлару камбағаллар қолаверди.

1515 йили инглиз қироли Генрих VIII ўз кийим-бошларини янгилаган. Унинг янги либосларига кетган ипак ва духобага 5000 фунт стерлинг сарф қилинган. Замондошларининг ҳисобича ана шунча пулга минглаб камбағаллар оиласи ярим йил бемалол яшай олар экан.

1697 йили Францияда Бургундия герцогининг никоҳи бўлиши кутилди. Тўйга бутун мамлакатнинг оқсуяклари анча олдиндан тайёрлик кўра бошлаганлар. Янги кареталар ва қимматбаҳо тақинчоқлар буюртирилиб, қимматли газламалар сотиб олинган. Ҳамманинг мақсади битта: тўйга мумкин қадар серҳашам бўлиб бориш, кийим-бошнинг башанглиги, нодир гавҳару ёқутлари, фойтунларнинг ҳашамдорлиги, олтин тақинчоқларининг оғирлиги билан бошқаларни йўлда қолдириб кетиш бўлган. Баъзи хотинларнинг ясан-тусанига 700 унция<sup>2</sup> олтин кетган. Уша замондаги газеталарнинг ёзишича, бойвучча хонимлар сартарошларга причёска учун соатига 20 луидордан<sup>3</sup> тўлаганлар.



<sup>1</sup> Талант — бу ерда қадимги замонда энг йирик оғирлик ўлчови.

<sup>2</sup> Унция — тахминан 29,86 грамм.

<sup>3</sup> Луидор — Францияда 20 франкка тенг тилла пул.



Франция қиролн Людовик XIV бир кунн ҳарбий йиғин чақиради. Бу йиғинга минглаб кишилар, шу жумладан қирол сарёйидаги ҳамма аъёнлар тўпланадилар.

Аммо «йиғин»да ҳарбий ишлар билан шуғулланмайдилар. Тўхтовсиз кўнгил очиш базми давом этади. Қиролнинг бу қадар кўп одамни зиёфат қилишига кунига 6000 лира<sup>1</sup> сарфланган. Меҳмонларга 72 ошпаз ва 340 хизматкор хизмат қилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини бутун Франциядан, ҳатто чет эллардан ҳам келтирганлар. Офицерлар ва генералларга совғасаломлар кўплаб берилган, буларга 70 минг франк кетган.

Ҳарбий оқсуяклар ва сарой аъёнлари кеча-кундуз қимор ўйнашарди. Бир кечада мол-мулкларини бой бериб қўярдилар.

Қиролнинг бундай бемаъни ҳаваси учун мамлакат ҳаммаси бўлиб 16 миллион ливр<sup>2</sup> сарфлаган.

Исрофгарчилик миқдорини тасаввур этиш учун бир ливрга ўша пайтда 15 килограммга яқин бугдой сотиб олиш мумкин эканлигини айтиш кифоя.

Рус китобшунослари XII асрда Русь ўлкасидаги бадавлат кимсанинг ҳаётини қуйидагича тасвирлайдилар:

«У қип-қизил духобаларга беланиб, пўстини ерга судралиб юради, жабдуқлари тилла, эгарига зар қопланган чиройли, ссмиз оқ йўрга от минади. Овқат пайтида унга кўп одам хизмат қилади, овқатни олтин ва кумушдан ясалган идишларда беришади. Ошпазлар овқатни ҳафсала билан тайёрлайдилар. Овқат пайтида қуллар унинг орқасида, қўрқа-писа елпиб турадилар. У кечалари ҳам зиёфат беради, бу зиёфатларда уни гусли<sup>3</sup> ва най чалиб овутишади. Бундай зиёфатларда кўп вақтичоғликлар, кўн хушомадгўйлигу лаганбардорликлар, сафсатабозликлар, қизикчиликлар, рақслар ва ҳар хил ярамасликлар бўлади.

Бой ўрнига кирганида уйқуси қаттиқ ва ширин бўлсин деб қуллар оёгини уқалашади, кўнглини олишади, елкасини сида-

<sup>1</sup> Лира — итальян тангаси.

<sup>2</sup> Ливр — XVIII аср бошларида Францияда чиққан кумуш танга пул.

<sup>3</sup> Гусли — қадимги сим торли музика асбоби.

шади, бирлари аллаласа, бошқалари атрофида парвона бўлишади».

Бойлар қип-қизил газламадан тикилган кийимлар, устига мато сирилган қўй тери пўстин киярдилар, олтин ва кумуш идишларни-ю гапирмаса ҳам бўлади. Камбағаллар бўлса терлаб-пишиб уларга овқат тайёрлашлари, уйқу олдидан қоринларини тўйдиришлари, сўнгра уларни ухлатиш учун олдин бирор нарса айтиб беришлари, кейин эса аста-секин аллалаб, елка ва товонларини қашлаб-уқалашлари керак эди.

Россиянинг энг бой одамлари узоқ вақтгача подшолар эди. Подшо Алексей Романовнинг отамерос мулки 50 минг хўжаликдан иборат бўлган, булар ҳар йили подшога 200 минг сўм даромад келтирган. Подшо уйлангач, қайнатасига отамерос мулкидан 88 минг деҳқон яшайдиган қишлоқларни инъом қилган. Бу деҳқонлар подшонинг қайнатаси учун ишлаганлар, қайнатаси эса бойлигим ортсин деб ибодат қилиш билан овора эди. Қайната худони ўзига ром қилиш учун ҳеч нарсани аямасди: хонаки ибодатгоҳидаги иконаларининг гардиши ва жилди нафис олтин ва кумуш нақшлар билан безалган эди. Буларни 130 минг сўм баҳолашган.

Россия императори Анна Ивановна саройининг серҳашамлигидан бутун жаҳон ҳайратда қолган. Кейинчалик чет эл давлатлари ўз маълумотларида маликанинг ва сарой аъёнларининг кийим-кечаклари бениҳоя кўплигини, саройдаги зеб-зийнатлар, ҳафталаб чўзиладиган зиёфату шодиёна маросимларни ҳаяжон билан тасвирлаганлар.

Янгидан-янги эрмаклар тўхтовсиз ўйлаб топиларди. Гоҳ махсус маскарад кийими кийиладиган базмлар, гоҳ махсус қурилган муз саройида зиёфат, гоҳ ажойиб мушакбозликлар бўлиб турарди. Дворянлар бошлари билан ўйин-кулгига шўнғиб кетгандилар.

Император сахийликда ном чиқармоқни истаб, суюкли арзандаларига қимматбаҳо нарсаларни ҳадя қиларди. Бир гал ана шу мақсадда 16 дона олтин тамакидон ва бир қанча ноёб тошларга олтин гардиш ясаттирдилар. Бу буюртмаларнинг хизмат ҳақиси учун сарой зарғари Либманга Россия империясининг хазинасига меҳнаткаш аҳолидан тушган солиқдан 10 минг сўм тўладилар.

Подшо хонадони харажатларига ҳар йили 260 минг сўм ажратиларди. Аммо бу пуллар маликага етишмас эди. 1732 йили у ўз министрларига қуйидагича хат ёзди:

«Сарой Маҳкамамизга тегишли бўлган пул Бизнинг кундалик ҳар хил харажатларимизга етмаётир».

Шундан сўнг министрлар яна пул ажратишган.

Анна Ивановна вафотидан кейин бошқа қимматбаҳо нарса-лардан ташқари кумуш пулдан роппа-роса 2 миллион сўм пул ва хароб бўлган мамлакатни ташлаб кетди.

Малика Елизавета Петровнанинг вафотидан сўнг саройдан олтин червонлар билан лиқ тўла талайгина катта ва кичик сан-диқларни топганлар.

Кўп сонли князлар, боярлар, дворянлар ҳам подшодан ол-ган беҳисоб тухфалар эвазига бойликка кўмилиб кетган эдилар.

Улуғ княгина Екатерина Павловнанинг сепига 50 минг жон деҳқон ва йилига 300 минг сўмлик даромад теккан эди.

Пётр I нинг арзандаси Александр Меншиковнинг энг сўнг-ги пайтлардаги давлати 88 қишлоқ, 99 овул, 14 слобода ва 1 волостдан иборат бўлган. Ораниенбаум, Ямбург, Копорье, Раненбург, Почеп, Батурин шаҳарлари, 90 минг жон деҳқон, 4 миллион сўм пул, чет эл банкларидаги 9 миллион сўмлик капитал, 1 миллион сўмлик қимматбаҳо тошлар ва 105 пуд олтин идишлар унинг тасарруфида бўлган.

Ҳатто подшонинг малайлари ҳам жуда катта бойликка эга бўлганлар.

Екатерина II нинг арзандаси камер-фрау<sup>1</sup> Перекусихина 500 минг сўмлик бриллиантга эга бўлган, камердинер<sup>2</sup> Сахаров бўлса 145 минг сўмга қишлоқлар сотиб олган.

Бефаҳм аъёнлар пул сарф қилишга устомонликда борган сари авжга чиқардилар. Тарих нақадар аҳмоқгарчиликларни кўрмаган дейсиз! Бу одамларнинг ақли ва хаёлий дунёси заиф-лигини лоақал қўйидаги фактлар аниқ кўрсатади.

1711 йили князь Гагарин ўз бойлиги билан бутун дунёни ҳай-ратда қолдирмоқчи бўлади. Бунинг учун у устига чет элдан келтирилган ипакли газлама қопланган, филдираклари кумуш гардишли енгил соябон арава ясашни буюради. Саккизта оти-нинг тақаси эса соф олтиндан эди.

Екатерина II нинг арзандаси князь Григорий Орлов ундан ҳам ошириб юборади. У ўзига миллион сўмлик панталон-чол-вор тикдиришга жазм этади. Кўчалик бу чолворга йирик брил-лиантлар чатиб чиқилган эди.

Подшо ва унинг аъёнлари бу бойликларни қаердан оларди-лар? Бу бойликларни минглаб кишиларнинг беҳад меҳнатлари барпо қиларди. Улар дон ўстириб, мол боқишар, балиқ овлаб, дарахт қирқишар, қурилиш тошлари қазиб олишар, саройлар ва ибодатхоналар қуришар, металл қазिशар, газлама ва но-

<sup>1</sup> Камер-фрау — маликанинг хизматчиси.

<sup>2</sup> Маҳрам.





зик тўр тўқишар, «подшо ҳазрат»лари учун янги ерларни урушиб олишарди.

Ана шу ишлари эвазига уларга ишни давом эттира олиш ва очдан ўлмаснинг куни учун озгина овқат тегарди, холос. Генерал-фельдмаршал Ласси императорица Анна Ивановнага рус аскарларининг аҳволи ҳақида қуйидагиларни ёзган эди:

«...кўп рекрутлар<sup>1</sup> ярим яланғоч ва оёқяланг, шунга кўра уруш эҳтимоли бор шундай бир пайтда улар чидаб бўлмас муҳтожликдалар. Қаттиқ қасалликларга мубтало бўляптилар, кўплари ўлиб, қолганлари хизматга яроқсиз бўлиб қоляптилар».

Подшо нимага қарор қилди? Аскарларнинг овқатини яхшилаш учун базму байрамлар харажатини камайтирдими? Бахтсиз кишиларга ёрдам бериш учун ортиқча зеб-зийнатларнинг баҳридан ўтдими? Асло бундай бўлгани йўқ. У «тоза озиқ-овқатга чорак улуш чириганидан қўшиб беришни» буюрди.

Хўжайинларнинг ошпазлари яна ҳам устамонлик қилардилар. Улар янги-янги ғалати овқатларни ўйлаб топишарди. Ҳар бир дворян дастурхон тузашда бир-биридан ошгиси келарди. Мамлакатда эса муттасил йил кетидан йил очарчиликда ўтаверарди.

Смоленск губернасида юборилган расмий маълумотда бундай дейилган эди: «Жуда катта очлик оқибатида деҳқонлар мол-мулклари хароб бўлди, ҳайвонларини еб, сотиб битирдилар, кўплар чириндиларни, йўсин, пўстлоқ, барг ва гиеҳларни ейишмоқда».



Подшо эса ҳамон бетиним пул талаб қиларди. Бу пулларни хонавайрон бўлган, оч ва яланғочликдан ўлаётган деҳқонлардан олишарди. Подшонинг малайлари халқ қисмати-ни енгиллатиш ҳақида эмас, балки яна қандай солиқ чиқариш ҳақида ўйлашарди.

<sup>1</sup> Р е к р у т — чор Россиясида ҳарбий хизматга янги олинган аскар.



Иккинчи солиқни тўламаган бўлса сўнгги буюмларнинг тўртиб олиншару камбағалларни занжирбанд қилиб қамоққомактарга ташлар, дўппослашар эди. Солдиқларни сўрлаб бундириш учун ана шу оч солдатлардан махсус отрядлар тузиларди.


Ана шу малика даврида Россияда икки юз минг қочоқ, деҳқон, бўлган, ҳа, зулм ва азоблардан қочганларнинг соғини икки юз минг кишига етган.

XVI асрда Англия йўллари дайди ва гадолар билан тўлиб-тошган эди. Улар мамлакат бўйлаб бир бурда нон излаб дарбадар кезардилар. Уларнинг уйлари йўқ эди. Уларнинг қачонлардан бери ота-боболари экиб-тикиб келган ерларини тўртиб олгандилар. Ер лордларга керак бўлиб қолганди, чунки улар яйловларни йирик фермаларга ижарага бериб фойда олардилар.

Бутун жаҳонда жун газлама кийиш урф бўлиб кетган эди. Жунга бўлган эҳтиёж тобора ортиб, нархи ҳам кўтарилиб борарди. Жунни кўй берарди. Кўй боқишга эса яйлов керак эди. Аммо янги яйловларни қаердан топиш мумкин? Англияда аҳоли зич жойлашган, буш ер йўқ. Лордлар бунинг иложини топишди: улар жамоа ерларини куч билан тўртиб олиб, деҳқонларни ҳайдаб юборишди. Бу ерлар — яйлов, деҳқонлар эса гадо бўлиб қолишди. Лордлар ббйийверишди.

Бу замонда инглиз деҳқонлари хонавайрон бўлиб, ердан ҳайдалиб, батамом йўқолиб кетган эди. Бу давр ҳақида буюқ инсонпарвар, утопиячи социалист Томос Мёр: «Кўйлар одамларни еб қўйди», деб ёзган эди.

Қирол Генрих VIII одамларнинг қашшоқлашинини «расвогарчилик» деб биларди. У Томос Мэрни қатл қилишни буюрди ва «камбағаллар ҳақида қонун»ни чиқарди. «Мен бу бекорчиларни ишга ўргатиб қўяман!» — деб газабланди тож кийган бу корчалон. Қирол халқнинг қашшоқлигини қамчи ва жаллоднинг болтаси билан йўқотмоқчи бўлди.



Хар қандай қашшоқ — у хоҳ эркак, хоҳ хотин бўлсин, — иқин жойдаги шаҳарга жүнатилсин, яланғоч қилиб аравага боғлаб, бовор жойда қамчи билан «савзойи» бадани қонга белангунча савалансин, деб қонунда эъйб кўйилган эди.



Англия — денгиз давлати. Гадойлар орастида ишлагани овқатининг ўзига ҳам етмай диган денгизчилар ҳам бөр эди. «Қамбағаллар ҳақида қонун»да улар ҳақида алоҳида «рамхўрлик» кўрсатилган эди. Биринчи тал уларни савалашарди. Улар яна тиланчилик қилишса икки кун савалашар, шармисорлик устунига боғлаб, бир қулогини кесиб ташлашарди. Агар яна тиланчилик қилгани сезилиб қолгундай бўлса, уч кун савалаб, иккинчи қулогини ҳам қирқиларди. Аскарлар ва студентларга ҳам ана шу жазони қўллатшарди.

Аммо қирол «марҳамати»нинг чеки йўқ. Бошқа қирол, Эдуард VI яна ҳам ошиб тушди. У дайди ва тиланчиларга қиздирилган темир билан тамга босиб, қулликка бериш ва қатл этишни буюрган.

Яқин ўтмишда, 1900 йилда расмий ҳисоботга мувофиқ Англиянинг 40 миллион аҳолисидан 1 миллиони қашшоқ гадойлар эди. Мамлакатдаги бойлик эса қуйидагича тақсимланарди: 150 миң эксплуататор 6400 миллион фунт стерлингга, 6 миллион қамбағалнинг ҳаммаси эса улардан ўн марта кам бўлган стерлингга эга эдилар.

### ПОДШО ҚОВОҚХОНАЛАРИ

Алкоголь қадимдан жабр ва зулмнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб келган.

Вино ичиб, мадори қуриган одам қаршилиқ кўрсата олмайди. У оғир ҳаётини ўйламайди, унда озодликка интилиш сунади.

Бунинг устига маст қиладиган ичимлик савдоси қатта фойда келтиради. Бу ҳам бойининг бир усули. Ана шунинг учун ҳам энг юқори мартабали кишилар, ҳатто подшонинг ўзи ҳам бу ичимликдан ҳазар қилмаганлар. Черковларда ҳам спиртли ичимликлар сотиларди.

Россияда биринчи қовоқхонани Иван Трозний очганини ҳамма ҳам билвермаса керак. Москвада, Балчугида, опричникларнинг<sup>1</sup> вақтини чоғ қилиш учун уй қуриб, у ерда дастур-

<sup>1</sup> Опричник — ўша замондаги махсус қўшин.



хонга қора вино, яъни арақ тортишарди. Бу уйни татарчасига қовоқхона деб аташарди.\*

Опричниклар кўп ва очкўзлик билан ичишарди. Қовоқхона ҳамиша одамга лиқ тўла бўларди.

Подшо буни кўриб, агар бундай қовоқхоналарга ҳаммани ҳам киритилса, кўпгина даромад йиғиб олиш мумкин экан, деган қарорга келган. Тез орада Москвадан мамлакатнинг тўрт тарафига — барча подшо ноиблари ҳузурига ҳар хил нарса савдо қилиш ўрнига ичимлик сотадиган «подшо қовоқхоналари» очиш ҳақидаги буйруқни олиб чопарлар жўнади; буйруқда ҳар бир қовоқхонага савдо қилиш учун маҳаллий халқ сайлаган целовальникларни<sup>1</sup> ўтқазिश, бу целовальниклар эса вино савдосидан тушган ҳамма даромадни хазинага юбориб туришлари айтилганди.

Подшо учун сира кўрилмаган бой даромад манбаи очилди. Халқ учун эса бу қадамнинг оқибати даҳшатли эди. Бу нарса рус халқининг ҳаётида кўп йилларгача даҳшатли из қолдирди.



Подшо ҳисобдонлари ҳар бир қовоқхона қанча даромад келтиришини олдиндан ҳисоблаб қўйишарди. Майфуруш ҳар нима қилиб бўлса ҳам ўз вақтида белгиланган миқдордаги пулни юборишга мажбур эди. Агар ўша белгиланган пул тўпланмай қолса, майфурушни пражежга<sup>2</sup> қўйишар, яъни етишмаган пулни

қаердан бўлмасин топишни «ўйлаб кўрмагунича» оёқларига таёқ билан уришар эди.

Жазодан кўрққан майфурушлар кўпроқ вино пуллаш учун ҳамма воситалардан фойдаланишарди. Улар: «Бу идишда ўзингга хавфли ҳеч қандай нарсани сақлама, энг муҳими, ичувчиларни қочириб юборма», яъни ҳеч нарсадан тап тортмай пулни қоқиб қолиш, энг муҳими эса халққа ҳар қандай йўл билан ичириш, уни доимий ичкиликбозликка ўргатиш керак, деган насиҳатга яраша иш тутишарди. Қисқаси, майфурушлар жонларини жабборга бериб тер тўкишарди. Шундай қангомалар ҳам бўлиб турарди, бирор деҳқон ичиб олиб, пул тўламай қовоқхонадан чиқиб кетишга уриниб қолади денг. Ана шунда

<sup>1</sup> Целовальник — майфуруш.

<sup>2</sup> П р а в е ж — қадимги Россияда қарздорни дарра билан уриш жазоси.

уни тутиб олиб Саҳшиёна дўппослашар, винонинг ҳақи учун ёнидаги бор-йўгини қоқиб олиб, кийим-бошини ечиб қолишарди.

Майфурушлардан бири подшога ёзган аризасида айтади:

«Мен, подшоҳим, ҳеч кимни аямадим. Сенинг хазинанга тушадиган даромаднн шафқатсизлик билан жамғардим, ўласи қилиб калтакладим».

Шундай ҳоллар ҳам юз берардики, майфурушнинг на бундай тadbирлари, на унинг ўзини ўласи қилиб калтаклаш белгиланган фойдани келтира оларди. Шунда қовоқхонага подшо малайларининг ўзлари бориб, майфурушни сайлаган қишлоқ аҳолисини калтаклаб жазолардилар. Токи сўнгги пулларини тўлаб, тегишли даромад тўпланмагунича ичгани ҳам, ичмагани ҳам уришаверарди.

Подшо қовоқхоналарига даромад тўплашга андак халал берган кишининг ҳолига вой эди. Русда ҳеч кимнинг ўзи учун вино тайёрлашга ҳаққи йўқ эди. Ичишни истасанг — қовоқхонага бор. Ўзи вино тайёрлаган кишини тутиб, қўлини кесиб, Сибирга жўнатиш буюрилган эди.

Подшо фақат олий табақа намояндалари бўлган боярларгагина алоҳида мурувват қилиб, уларни «брага билан боқишга» илтифот кўрсатган, яъни ўзларининг вотчиналаридаги қовоқхоналардан тушадиган фойдани олишларига рухсат берган эди.

Кейинчалик Россияда ижарадорлар пайдо бўлди. Бу одамлар подшодан маълум округда фақат вино билан савдо қилиш ҳуқуқини сотиб олардилар. Ана шундай имтиёз учун улар катта пул тўлашар, аммо даромад харажатни ортиғи билан қоплар эди.

XVIII асрнинг 70-йилларида Голиков деган кимса Москвада вино савдоси ҳуқуқини 2 320 000 сўмга сотиб олган, бир неча йилдан кейин эса 9 258 000 сўм даромад олган. 1862 йилда бундай улгуржи сотиб олиш суммаси давлат оладиган барча даромадларнинг деярли ярмисини ташкил этган.

Энди халқ қовоқхоналарга давлат хазинаси учунгина эмас, балки ижарадорларнинг чўнтагини қаппайтириш учун ҳам пул олиб бориши керак эди.

Хўш, «худонинг содиқ хизматкорлари»-чи? Наҳотки улар бир чеккага чиқиб, «бўза» савдосини қўл қовуштириб кузатиб турганлар? Йўқ, асло бундай эмас!

Дастлабки подшо қовоқхоналари пайдо бўлгунича ибодатхоналар «шароб» ўлпонинигина олардилар. Деҳқон тўй-томоша ёки байрам муносабати билан вино қилмоқчи бўлса ибодатхонага ўлпон тўлаши керак эди. Тўламаса борми, роҳиблар уни савалашарди.



Аммо қовоқхоналардан давлат хазинасига, худди тегирмон новидан оқиб тушаётгандай, пул ёғилаётганини кўрган, ибодатхоналар ҳам ортда қолмасликка қарор берди. Уларнинг ўзлари вино тайёрлаб, сотишга киришдилар.

Волганинг тик қирғоғида қадимдан Макарьевск ибодатхонаси жойлашган эди, бу ибодатхонанинг ёнгинасида машҳур Макарьевск ярмаркаси бўларди. Бу ярмаркага халқ жуда кўп тўпланарди. Биров мол олиб келар, биров харид қилар, биров ибодатхонада ибодат, биров шунчаки томоша қилгани келарди.

Мугамбир роҳиблар ана шундан ҳам анчагина даромад ишлаб олардилар: дарёдан солда ўткаиб қўйиш шуларнинг қўлида бўлиб, ҳар бир кишидан, ҳар бир мол учун кира ҳақи олишарди; бойроқ одамларни қўшхонага таклиф қилиб, бунинг эвазига ҳам пул ундиришарди; ҳар хил нарса бутчалар ва иконаналар сотишарди... Бу ҳам етмагандек, Волганинг иккала соҳилида ҳам ибодатхона ўз қовоқхоналарини очди. Роҳиблар хазинасига ҳам пул сувдай оқиб кела бошлади.

«Муқаддас манзилгоҳ» ёнида ҳар кун сўқинишларни эшитиш, маст аластларнинг муштлашишларини кўриш мумкин эди. Ҳатто одам ўлдиришлар ҳам бўлиб турарди. Подшо роҳибларга шармисор бўлмасликни, ноўрин иш билан шуғулланмасликни икки марта маслаҳат берди. Аммо роҳиблар қулоқ солишмади. Пул васвасаси ниҳоятда зўр эди.

Кострома дарёси ёқасидаги Пудожск, Хутин ва бошқа кўплаб ибодатхоналар ҳам ўз қовоқхоналарига эга эдилар.

Кўп асрлар муқаддам шу тариқа халқнинг пулини сўриб оладиган ибодатхоналардан ташқари қовоқхоналар ҳам пайдо бўлди.

Подшолар ва доплар ичкиликбозликни рағбатлантирардилар. Ичкиликбозлик Россиянинг ҳамма ерларига қайғу-ҳасрат, муҳтожлик, вайроналик, касаллик ташувчи юқумли мараз каби тарқалди:

1842 йида Россияда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш натижасида 939 киши ўлган ёки, ўша пайтда айтганларидек, вилнодан нафаси ўчган. 1863 йили ўша замонларда унча катта

бўлмаган биргина Вятка шахрида ичкиликбооликдан 285 ўлим ҳодисаси рўйхатга олинган.

Аммо подшо хазинаси, боярлар, ибодатхоналар, қовақхона эгалари, ижарадорлар, арақ чиқарадиган фабрика эгалари бойийверганлар. 1767 йилдаёқ вино савдосидан тушадиган даромад 5 миллион сўмга етган. Икки ярим миллион челакка яқин арақ сотилган.



## УРГИМЧАКЛАР

Жўрдим мен малъунининг бахтиёр онин,  
Эли талар эди, ютиб виждонин.  
Бир бора муштимни ўқталсам агар,  
Қорасин кўрсатмай, кетарди бадар.  
Аммо сен не учун қувватлайсан боз  
Разил кимсаларин, бир парча қоғоз?!

Роберт Бёрнс,  
«Қоғоз пуллардаги ёзув»

Бу қанақанги ғалати уй? Нима учун унинг ҳамма деразалари дарпарда билан зичлаб ёпилган? Бу ҳовлида нима учун шунча баҳайбат қутурган итлар бор? Одам турадиган уй. Аммо, унинг нимқоронғи хоналари ғаройибона жиҳозланган. Хонага немисларнинг қўпол қилиб ясалган қадимий шкафи қўйилган. Унинг ёнгинасида иккита ёнгилгина олтин ҳалли кресло турибди. Шкафда тўртта ҳашамдор қумуш шамдон териб қўйилибди, камин устида эса бронза соат. Ҳар бир хонанинг деворида соат бор, полга ҳам минора шаклидаги соатлар қўйилган... Баъзилари оҳиста занг уради, баъзилари занг уриш олдидан бўғиқ ғарқиллайди, учинчиси вақтни ҳисоблаб, занг кетидан занг уради.

Қани, мурват билан полга маҳкамлаб қўйилган анави пўлат қутичага назар ташлайлик-чи. Унда ҳам соат бор-а! Қадимий «луковници» деб аталадиган қумуш соатлар, қонқоғи нақшикор эмалли соатлар, хотин-қизларнинг занжирли олтин соатлари, билагузук ва ҳатто узукка ўрнатилган соатлар...

Мана, яна бир бошқа қутича, бу қутича маржонлар, медальонлар, олтин медаллар ва ордонлар, турнавичлар, тақиниқлар билан тўла... Бу ерда мунчоқлар ҳам, анча мунча қумушдан ясалган ошхона анжомлари, туздонлар, қумуш ғиллафди атир шишалар ҳам бор...

Яна бир хона. Унинг деворлари бошдан-оёқ суратлар билан

безатилган. Машҳур рассомлар чизган ноёб суратлар натюр-морд ва манзаралар тасвирланган суратлар билан аралашиб кетган, катта амалдорларнинг серсават портретлари серсоқол, сочлари хурпайган савдогарларнинг сурати билан ёнма-ён қўйилган.

Нега бу уйда кийим-бош шу қадар кўп? Гардеробхоналар кийим-бошга лиқ тўла. Дворянларнинг зарбоф камзуллари, почапўстинлар, сюртуқлар ва кўчалик костюмлар, почаси тасмали шимлар, балда киядиган ипак ҳамда оддий мовут кўйлаklar...

Тўғри, уй эгаси бой. Аммо нега бу уйда хурсандчиликдан асар йўқ? Негадир бу ерда нимадир кўнгилни гаш қилади? Яхшиси соф ҳавога, ёруғ кўчага чиқайлик.

Тўхтаг-чи, уйга кираверишда қандайдир лавҳа осиб қўйилган. У дарҳол кўзга ташланмайди, кулранг тоштахтага бир хил рангда зарб қилинган ҳарфлар. Унда нима деб ёзилган дейсизми?

### ҚАРЗ БЕРАДИГАН КАССА

Еш китобхон! Бу уч сўзнинг машъум маъноси сизга бегона. Сиз ҳам, ота-онангиз ҳам ҳеч қачон бунақа уйга қадам босмай-сизлар. Бизнинг мамлакатимизда бунақа уйнинг ўзи йўқ. Аммо жуда яқин ўтмишда, бундан атиги олтмиш-ётмиш йилча муқаддам юзлаб кишиларни муҳтожлик ҳамда хўрлик исканжаси ана шу ерга етаклаб келган.

Ишсиз қолган ишчи, болалари етим қолган она, хизматдан бўшатишган ходим бисотидаги охириги буюмини шу уйга олиб келарди.

Оғир бетоб бўлиб қолган боласини ўлим чангалидан сақлаб қолиш учун докторга нима билан ҳақ тўлайди? Қарз берадиган кассага, бой судхўрга бориш керак. Ижара ҳақи тўланмагани учун уй эгаси оилани кўчага ҳайдаса нима қилиш керак? Судхўрга бориш керак. Қарзни узиш учун-чи? Судхўрдан қарз кўтариш керак. Уқувчи ўғлингизга қишлоқ пальто тиктирмоқчисиз-у, ойлигингиз шундоқ ҳам ҳеч вақога етмаса-чи? Судхўрдан қарз олиш керак.

У ҳамиша сизга хизмат қилишга тайёр. У ҳамиша сизга кўз тикиб ўлтиради. У йўқчилик ва ночорлик тўрига илинган ўз қурбонини худди ўргимчакдек пойлаб ётади.

Қулдор ва феодаллар бошқаларнинг меҳнат мевасини тўппатўғри, оппа-очиқ тортиб олардилар. Судхўр эса ўз қўлингиз билан олиб келишингизни кутиб ўлтиради.

Судхўрлар... Булар ер юзидан подшо ва князлардан аввалроқ



пайдо бўлганлар. Бу қабих касб ибтидоий жамият йўқолиб, хусусий мулк пайдо бўлиши биланоқ юзага келган. Бирозларнинг — бошқаларга қараганда кучли ва омади келганларнинг — озиқ-овқатлари, тери ва ов қуроллари (эҳтиёжларига кетадиганидан ортиқчаси) тўплана борарди. Бошқаларга эса овда омадлари келмагани, ҳосилсизлик оқибатида баъзан энг зарур нарсалар ҳам етишмай қоларди. Улар бошқалардан сўрашга мажбур эдилар.

Аммо хусусий мулк инсонда янги инстинкт ва фикрлар пайдо қилди. Ортиқча нарсаси бўлганлар қарзга берган нарсасини бой бериб қўймасликнинг эҳтиётини қилади. У қарз олувчидан гаров талаб этади. Аммо у пайтларда на нотариал маҳкама, на ёзма шартнома, на сиёҳ, на қоғоз бўлган. Ҳатто ҳарфнинг ўзи ҳам йўқ эди у замонларда. Гаровга қўйиладиган нарса кафолат хизматини ўтаган.

Қарз олсанг — гаровга сигирингни, қуролингни, ерингни қўясан. Қарзни ўз вақтида қайтармасанг гаровга қўйилган нарсалар судхўрники бўлиб қолади. Шикоят ҳам, кўзёши ҳам — ҳеч нарса ёрдам бермасди.

Бироқ яшаш керак, янги қарзлар, янги гаровларсиз эса кун кўриб бўлмасди. Гаров ва қарзни узишга камбағалнинг бор буд-шуди кетарди. Баъзан у гаровга хотини, бола-чақаси ва ҳатто ўзини ҳам қўярди.

«Рус ҳақиқати» қонунига мувофиқ қарз берган киши қарзни узишга қурби келмайдиган қарздорни қул қилиб сотиб юбориши ҳам мумкин эди.

Аввалига қарз ҳолисона бериларди, аммо пул пайдо бўлгандан кейин, муҳтожлардан фойда оладиган кишилар ҳам пайдо бўлди. Улар фақат гаров талаб қилибгина қолмасдилар. Улар қарзга берган нарсаларини кўпроқ қилиб қайтариб олишни истардилар. Агар улардан биров 100 танга қарз олган бўлса, маълум вақтдан кейин 110 танга қилиб қайтариши, яъни 10 процент кўпайтириб бериши керак эди. Қарзни тўлаш муддати қанча узоқ бўлса шунча кўп фойдаси билан қайтариларди.

Ана шу «қарз процентлари» ва қайтариб ола билинмаган гаровлар, яъни сув текинга орттирилган буюмлар судхўр бойлигининг манбаи эди. Аммо бунинг замирида ҳам, ҳар қалай, бошқаларнинг меҳнатини ўзлаштириш ётарди.

Осонгина бойиш ҳаммани қизиқтириб қўйди: қулоқлар ҳам, дўкандорлар ҳам, ҳатто саводсиз кампирлар ҳам судхўрлик билан шуғулланишарди. Бундай кампирларни «гаровчилар» дейишарди. Судхўрлар орасида савдогарлар кўп эди. Улар икки-ёқлама — савдо ҳамда қарз бериш билан бойишарди. Бу касбдан юқори мартабали зотлар, ҳатто «худонинг хизматкор-

лари» булмиш коҳинлар, роҳиблар, нопплар ҳам ҳазар қилиш-мади.

Феодализм даврида Италиянинг Ломбардия вилоятида судхўрлик жуда ҳам кенг авж олган эди. «Ломбардлар» — бир нарсани гаровга олиб қарз берадиган жой: гаровхона шундан келиб чиққан. Бу жойда кийим-бош, пойабзал, идиш-товоқ, мебеллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа молларни гаровга қабул қилишарди. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида ломбардлар ҳозир ҳам бор.

Бизда ҳам ломбардлар бор. Булар қарз учун жуда оз миқдорда ҳақ оладилар. Биздаги ломбардлардан кўшинча қимматбаҳо буюмларни сақлашда фойдаланишади; ломбард камералари совутиш асбоблари билан жиҳозланган. Мўйна, жун буюмлари ва гиламлар яхши сақланади.

Қадимий Вавилонда судхўрлик билан қуёш худосининг коҳинлари ҳам шуғулланишган. Диний ақидаларга кўра улар бутун умрларини ибодатхонанинг қалин деворлари ичида ўтказардилар. Дунёни фақат тор дарчадангина кўришлари ва оддий одамлар билан шу дарча орқали муомала қилишлари мумкин эди. Аммо пулни фойда эвазига қарзга беришдек дабих иш билан шуғулланиш учун ана шу тор дарча ҳам кифоя қилар экан.

Вавилон харобалари орасидан қизиқарли ҳужжатлар топилган, бу ҳужжатлардан Урук шаҳрида ака-ука судхўрлар яшаганидан воқиф бўлганлар. Улар уйни гаровга қўйиш эвазига қарз беришар экан. Агар қарздор пулни тўлолмаса, уйи сув текинга ака-укаларнинг хусусий мулки бўлиб қолавераркан. Ҳужжатларда айтилишича, қарздорларнинг ўзлари ҳам судхўрларнинг мудкига айланиб қолган ҳоллар кўп бўлган экан. Ака-укалар уларни ўзлари учун ишлашга ёки пул эвазига бошқаларнинг ишини қилишга мажбур этишар экан.

Қадимий Грециянинг Дельфадаги энг бадавлат ибодатхонаси Аполлондагилар фақат маслаҳатларгина эмас, ибодатчилардан тушган даромаддан қарз ҳам бериб турганлар.

Грек тарихчиси Плутархнинг айтишича, эрамыздан аввалги VII—VI асрларда Атиканинг барча оддий халқи судхўрлардан қарздор бўлган. Кўплари қарз учун ўзларини гаровга тикканлар. Қарзни тўламаганларни судхўр қул қилиб олишни ёки бегона юртга сотиб юбориши мумкин экан.

Камбағалларнинг қафтдек-қафтдек ерлари бўларди. Бу ердан олинган ҳосил билан оқлаларини зўр ба-



зўр боқишарди. Аммо ана шу бир парчагина ер улушларининг деярли ҳаммасида ҳам даҳшатли белги бор эди.

Мана, ерда тош ётибди, оддий каттакон тош. Эҳтимол, деҳқон бу тошни олиб ташлашга эрингандир? Йўқ, бу қарз тоши. Бу, тош гўё муҳр, мазкур ер уни ишлаётган одамга қарамаслигини, қарз унун гаровга қўйилганини билдиради. Деҳқон қарзни ўз вақтида беролмас экан, ердан ажралади.

Судхўрлардан ёлғиз камбағалларгина қарз олган эмас. Ўз бойликлари ва давлат хазинасини айш-ишрат ҳамда бехуд нарсаларга совуриб қўйган катта амалдорлару ҳатто баъзи қиролларгача судхўрларга бош эгиб борганлар.

Тўғри, юқори мансабли илтимосчилар гаровчи кампирлардан эмас, балки қадимий Римнинг машхўр сиёсий арбоби Брут ва Помпей ёки сенатор Красс каби аслзода судхўрлардан қарз олишарди. Рим сенаторларининг ярмиси Краесдан қарздор бўлган.

Қирол Генрих III Париж кўчаларида пайдо бўлиши билан уни шу ондаёқ қарз берган судхўрлар қуршаб олишарди. Улар қарзларини қисташарди. Булар орасида қиролни қарзни тўлашга мажбур қила олишга қурбилари келмайдиган судхўрлар кўп эди. Улар Қиролни фақат уялтиришар, бақиритишар мушт кўрсатишарди; холос. Қирол уларни аҳмоқ қилиб кетар эди. Бу, борада у ҳатто ҳазиллашиб ҳам қўярди: «Жаноблар! — деб хитоб қиларди хонавайрон бўлган қирол оломонга қараб. — Менга бақиргандан ва ибодатхона эшиги олдида қўл чўзиб турган гадойларга хайр-эҳсон қилгандан кўра менга яна пул берсаларингиз бениҳоя меҳр-шафқат кўрсатган бўласизлар».



Франция қироли Карл VII орқа-олдига қарамай қимматбахо газлама, безак ва олтин қуролларга катта-катта пул сарфлаб юбораверган. Бор-йўғини совуриб битирган қирол судхўрларга мурожаат қилган, ўз ошпазларидан унча-мунча қарз олиб турган. Қиролнинг дастурхонига емакни қарзга олишган.

Италия қироли Фридрих II бор давлатини совуриб, шипшийдан бўлган. У тахтиравонини гаровга қўйиб, қарзга пул олган.

Аммо бу жиҳатдан инглиз қироли Эдуард III ҳамма қиролларидан ўзиб кетган бўлса керак: у ўзини гаровга қўйишга чорланган. Қирол Брюсселда қисқагина вақт туриб шу қадар қарзга ботганки, оқибатда парламентга нома юбориб, мурожаат қилишга мажбур бўлган. Қирол мамлакат унинг қарзларини ўзишнинг талаб этган, акс ҳолда Брюсселга қайтиб бориб, ўзимни судхўрларга гаровга қўяман, деб тўписа қилган.

Бутун-бутун мамлакатлар баъзан судхўрларнинг хизматига мухтож бўлганлар.

Кўп мамлакатлар Римга контрибуция — товон тўлаганлар. Улар урушда енгилганлар, шунга кўра ғолиб мамлакат ҳар йили солиқ тўлашга мажбур қилиб уларни талаган. Урушлар ва контрибуция ниҳоят бу мамлакатларни хонавайрон қилган. Буларнинг кўпи ғолиб мамлакат талаб қилган нарсаларни ўз вақтида беришга қодир эмас эди. Муддатни кейинга суриш — мамлакат бошига янги, янада оғирроқ фалокатни сотиб олиш демак эди: ғолиб мамлакат ҳарбий жазо отрядларини юборар эди. Шундай қилиб, ҳукмдорлар Рим судхўрларидан, масалан, Римнинг бой сувориси Атикадан пул қарз олишарди... У пулни бир ярим ҳисса қилиб қайтариш шарти билан берарди.

Бошқа бир судхўр — Рибарий Миср подшоси Птолемейга қарз берган. Миср бунинг эвазига ҳар йили унга шунча пулни қарз проценти сифатида тўлашга мажбур бўлган.

#### ХУДО ВА ПУЛ

Туғил, чўқин ва ўлгин —  
Ҳаммасига пул бергин.

Рус мақоли

Ютербдг шаҳри барвақт уйғонади. Ҳали тонг ёришгани йўқ, ammo бўёқхонадаги қозонлар аллақачон қайнаяпти, турли рангдаги суёқликлар қулқуллайти, улардан кўтарилган буғ очиқ деразалардан кўчага чиқяпти.

Ташландиқ харобазорда тўрт арқончи ишляпти. Катта ёғоч гилдирак ғирчиллаб айланаиб, каноп толаси буралиб пишиқ арқон бўляпти.

Булкачилар аллақачон уйғонишган. Улар қоронғидаёқ иштаҳани қитиқлайдиган молларини тайёрлаб, энди овозларини баралла қўйиб харидор чақиришяпти.

Тош ётқизувчилар қалин чарм қопланган тиззаларидан бирини ерга тираб тош йўнишяпти, улар бозор майдонига тош ётқи-зишни тугаллашяпти. Болғаларнинг тақиллаган овози узоқлардан эшитиляпти.

Меҳнат шовқини борган сари хилма-хиллашиб, тобора авжга миняпти. Шаҳар меҳнат қўйнида. Савдогарлар керишиб, уйқуда чигаллашган соқолларини бармоқлари билан тарай-тарай дўконларини очишяпти. Бир дўконнинг пештахтасида шляпалар пирамида шаклида тахлаб қўйилибди. Бошқа бир дўкон кираверишига осиб қўйилган этик эргалабки шамолда тебраняпти. Учинчи дўкон олдидаги бири очроқ, бири тўқроқ газлама тўплари ўт-кинчи аёлларнинг ҳавасини келтиради.

Бироқ бу ердаги бир дўконда мол кўринмайди. Фақат эшиги тепасига қора ёғочдан ясалган оёқ-қўлидан михлаб қўйилган Исо сурати солинган бут осиб қўйилган. Дўкон ичкарисни ҳам ғайри оддий кўринади. Роҳиб кийимидаги ҳадади зиёд семиз одам бу чоққина хонани нақ бутунисича эгаллаб олгандай. Бўш қолган озгинагина жой тоқча-жавонлар билан банд бўлиб, уларда қандайдир ўроғлиқ қоғозлар ётибди.

Роҳибнинг гўштдор юзини мудроқ босган. Вақти-вақти билан у энгашиб, курси тагидан шиша идишни олади-да, уёқ-буёққа аланглаб, бир неча қултум ютиб олади. Кейин яна мудрайди. Уткинчилар яқинлашиши биланоқ роҳибнинг бит кўзлари сузилиб тақводор тусга кириб, билқилдоқ қўллари дуога кўтарилиб, қип-қизил нам лаблари нималарнидир пичирлай бошлайди.

Дўкончанинг эшиги аста ғижирлаб очилиб, башанг кийинган оппоқ сочли одам кириб, тўғрироғи, қисилиб, бир амаллаб ичкари кирганида ҳам роҳиб ҳатто қайрилиб қарамай, бутун вужуди билан ибодатга берилган кишидай ўтираверди. Кирган киши ҳам худди роҳибга ўхшаш семиз бўлиб, энсиз эшик унга кичиклик қиларди.

Келувчи дўкончага кириб, бўсағада тўхтади-да, у ҳам пичирлаб дуо ўқий бошлади. Токи бу икковлари пичирлаб дуо ўқиб бўлгунларича бир неча дақиқа ўтди, аммо айни шу пайтнинг ўзида улар ярим юмуқ киприклари орасидан бир-бировларини зийраклик билан кузатишди. Ниҳоят роҳиб оғир тин олиб, кўзини очди-да, қўлларини қорни устида қовуштирди.

— Тақсирим, — деб гап бошлади келган киши таъзим бажо келтириб, — башарти маблағим етса папа ҳазратларининг ёрлиқларидан олмоқчи эдим. Аввал баҳосини билсам дегандим.

Роҳиб ўтирган жойида виқор билан қаддини ростлаган бўлди.

— Папанинг индульгенцияси<sup>1</sup> бебаҳодир. У яратганнинг дас-ти билан битилган. Шул боис бу борадаги хасислик макруҳдир. Гуноҳни ювишнинг баҳоси бўладими? Эй ҳурматли зот, кел, ўзига илтижо қилайлик.

Роҳиб яна пичирлашни бошлади, вақти-вақти билан оғир тин олиб кўярди. Келган киши эҳтиром билан кутарди.

Роҳиб тўсатдан жиддий қиёфада сўради:

— Эй ҳурматли зот, черков қилган гуноҳларингдан фору-этишини истайсанми ёхуд келажакдагиларини ҳамми?



<sup>1</sup> Индульгенция — Рим папаси томонидан гуноҳни кечиб ҳақида пул баробарига берилган хат, шаходатнома.

— Келажандавиларидан ҳам фарғу ютганини истардим, — деб жавоб берди келгучи.

— **Бир** өз яғирма гульден, — шоди роҳибни қаққилиб.

Қолган кишини бунча тулнинг дарағини эшитиб қўрқа-ниса орқага тисарилди. Кейин ниманидир чамалаб, тўхтади.

— Тақсир, нархини бир өз насайтирмайдиларми? — деб сўради у, роҳибга хўмрайиброқ тикилган қўйи. — **Борим** мана шу. — У белборидаги лиқ тўла оғир ҳамёнини сеча бошлади: — Саксон тилла.

Роҳиб қўлини чўзиб, ҳамёнини нақ юлиб олаётди. Кейин оҳиста ўпирилиб, тоқчадаги ўроғлиқ қовоғлардан бирини олди-да, унга лабини теккизиб, харидорга узатди.

У одам ёрлиқни қўйнига яширди ва таъзим қилиб чиқиб кетди. Роҳиб шу заҳотиёқ шишадан бир неча дултурм юрди.

Кун кечга оға бошлаган эди. Дўконча ва олти харидор келиб, қимматли қоғозни олиб, кўнлаб жаранглаган тангаларни қолдириб кетди. Ҳар бир харидордан кейин роҳиб ўтири ичкиликдан тотиб қўярди. Унинг танаси тобора оғирлашиб, тили зўрға айла-ниб, кўз олди хиралашиб борарди.

Аммо шу дамгача хотиржам ўтирган роҳиб бирдан таҳликага тушиб қолди. Кўзига олисда қоп-қора кийинган кимдир чалингандай бўлди, у уйларнинг муйлишларива биқинганча, таста дўконга яқинлашиб келаётгандай туюлди. Роҳиб кутилмаган эпчиллик билан тангаларни ҳовучлаб олиб, пайпоғи ячига сола бошлади. Шу пайт эшик тарақлаб очилди, дўконга васт бўйли, қоп-қора сутана<sup>1</sup> кийган киши кирди-да, ишкнига оғир тамбани тираб қўйди. Роҳиб қаддини ҳам кўтаришга улгуролмай, гўё оёғини қаниётган бўлиб букчайганча ўтирарди.

Сутана кийган одам роҳиб томон одим ташлаб, бир туртишда уни ёнбошлатди-ю, пайпоғини тортиб чоборди. Тангалар ерга сочилиб кетди.

— Тўнғиз!.. — деб бақирди сутанали киши. — **Ўври!** Ифлос жонингни танангдан қувиб чиқарадиган гулханга аллақачон ўтин тайёрлаб қўйилгай!

Суюқдор қўл роҳибнинг бир тутам сочинини чангаллаб, юлқиб олди.

Сутана кийган одам Тецель бўлиб, у ҳам роҳиб, Лейпцигдан эди. Ёшлигида жуда кўп жирканч жиноятлар қилган, аммо ҳаммасидан ҳам йўлини қилиб сўддан қутулиб қолган эди. Тецель ўттиз ёшида роҳиб бўлган. У охир-оқибатда йўлтўсарлик-

<sup>1</sup> Сутана — католик руҳонийларининг ибодат вақтидан бошқа пайтларда кийиб юрадиган узун уст кийими.

дан кўра черков кўпроқ ўлжа беради, деган тўғри хулосага келади.

Тез орада у «елтин кон»ни — индульгенция билан савдо қилишни топиб олади. Рим папасининг мухри босилган ёрлиқ, унга эга бўлган кишини содир бўлган барча гуноҳларидангина эмас, балки келажакдаги гуноҳларидан ҳам халос этади. Бу ёрлиқ бамисоли жаннатга кирадиган рухсатнома эди. Шундоқ бўлгач, қайси христиан жаннатга тушишни истамайди?



Тўғри, индульгенция учун катта пул тўлаш керак. Аммо бу жуда соз нарса! Ўз қилмишларим билан гуноҳ орттириб қўйдим-микин, дея ташвиш қилмасанг ҳам бўлади.

Тецель Германиянинг бир неча шаҳарида индульгенция сотадиган дўкончалар очади. Савдо чаққон борар, пул дарёдек оқиб келарди. Фақат сотувчиларни назорат қилиб туриш керак: уларнинг бари ўзларига тегадиганидан кўра кўпроқ уриб қолишни пайидан. Аммо Тецель улардан ортиқчасини қандай шилиб қолишни билади. Улар ҳам Тецель ўзларини муқаддас инквизиция<sup>1</sup> суди қўлига топшириб юбориши ҳеч гап эмаслигини билишади.

Роҳиблар ўзаро олишарканлар кўчада қандайдир киши ўзларини кузатиб турганини пайқашмади. Унинг оппоқ юпқа лаблари иржайиб турар, кўзлари эса нафрат ва газаб билан боқарди. Муштлашаётганлар ўтқинчини у нари кета бошлаганда кўриб қолишди.

Аммо бир неча кундан кейин роҳиблар ўша одам билан яна улашмишди ва уни танишди. У тош уюми устига чиқиб олиб, қўлини пахса қилганича бир тўда шаҳарликларга ҳаяжонли сўз айтарди:

— Эс-хушингизни йиғиб олинг! Фафлат уйқусини ҳайдаб, кўзингизни очинг! Гуноҳдан-форуз: этувчи ёрлиқ сотувчи ва тиланчи роҳиблар сизни аҳмоқ қияпдилар. Улар худо номини сотиб сизни талайпдилар!

Тецель дурадгорлик асбобларини кўтариб олган ёнидаги баланд бўйли серсоқол кишини тирсаги билан туртиб:

— Бу ким? — деб сўради.

У бўлса қайрилиб ҳам қарамай, гижиниб қўл силкиб қўйдиди, ағрайганича гатни эшитаверди.

<sup>1</sup> Инквизиция. — XIII аср бошларида католик черкови томонидан тузилган ва черков душманларини бераҳм суратда таъқиб этган суд-полиция ташкилоти.

Орқада турган ўйноқи қора кўзли киши шивирлаб жавоб берди:

— Ҳали билмайсизми уни, тақсир? Бу одам лаънати шаккок Томас Ломке-ку. Лютер билан иккови авомни кўпдан буён худо ва черковдан юз ўгиришга даъват этиб юрибди.

Ўйноқи кўзли одам чўқиниб қўйди. Тесель юзини яхши эслаб қолшга интилиб Ломкега яна бир марта тикилиб қаради ва оломон ичидан суғурилиб чиқишга шошилди. Индульгенцияфуруш роҳиб пишиллаб, итоаткорона унга эргашди.



Улар учинчи марта ҳам учрашишди. Черков ўз душманларини кечирмасди. Ломке инквизиция судига берилди. Яқингинада ўзи нутқ сўзлаган майдонда уни худодан қайтган шаккок сифатида гулханда ёқишга ҳозирлик кўришарди. Ҳамма нарса тайёр эди. Тесель оломоннинг биринчи сафида, қатлни кутиб турарди. «Қани эшитайлик-чи, энди нима дер экансан», дея пичирлади у устунга боғлаб қўйилган Ломкега тикиларкан...


Католик черкови қора қузғундай бутун дунё узра қанотини ёзган эди. Унинг хизматчилари ҳукмронлик ва бойлик орттириш йўлида қандай жиноятларни қилишмади! Алдашнинг улар қўлламаган усули ҳам қолмади!

Мана, неча-неча асрдирки, Рим тепаликларидан бирига вақти-вақти билан халқ тўпланади. Булар пойтахт аҳолиси, Италиянинг барча бурчакларидан келган мусофирлар, чет эллик саёҳатчилар. Улар Ватикан саройларидан бирининг томига тикилиб, соатлаб қимирламай туришади.

Католик черковининг бошлиғи — папа ҳукмдори бўлган давлат Ватикан деб аталади. Территорияси жуда ҳам кичкина бу давлат бутунича Римнинг марказига жойлашган бўлиб, бир мингдан ортиқроқ аҳолига эга бўлса ҳам қудрати жиҳатидан кўпгина катта давлатларни ортда қолдиради. Ватиканнинг ўз «армияси» — папа гвардияси, ўз суди, ўз пули бор.

Минг-минглаб кишиларнинг овози янграб, саройлардан бирининг мўрисидан оқиштов дуд кўтарилади. У кардиналлар худонинг ердаги янги ноиби қилиб бенуқсону бегуноҳ, авлиё папани сайлаганларини бутун жаҳонга хабар қилиб, Италиянинг мовий осмони сари ўрлайди.





Янги папа эса шу заҳотиёқ эски ишларни бошлаб юборад: индულгенция сотишга, солиқ тўплашга, диндорларнинг бойлигини талашга, зўрлик, орсизлик ва риёкорлик уруғини сочишга киришади.

Индулгенция билан савдо қилиш қадимдан папа черкови даромадининг туганмас манбаи бўлиб келган. Индулгенция Римда минг-минглаб тайёрланиб, бутун жаҳонга тарқатиларди. Бу қоғозни сотиб олганлар гуноҳларимиздан форуғ бўламиз деб ишонардилар.

Ёрликлар баҳоси гуноҳнинг оғирлигига қарарди. Муфассал преискурант мавжуд эди. Масалан, XV асрда ёлгон гувоҳлик бериш каби гуноҳни кечадиган ёрлик 7 гросс, ўғирлик ёки одам ўлдирганлик гуноҳини кечадигани 8 гросс турган.

Катта пул эвазига барча содир бўлган гуноҳларнигина эмас, балки бўлажак гуноҳларни ҳам кечадиган ёрлик сотиб олиш мумкин эди.

Турли-туман муқаддас нарсаларни: зиёратхонадаги «авлиё тобути»нинг кичкина тарашаси, турли латта-путталар — зоҳидларнинг кийимлари қолдиги сифатида сотилиб, Ватиканга анча-мунча фойда келтирарди... Қимки бундай табаррук нарсаларга эга бўлса гуноҳининг бир қисмини худо кечирар эмиш.


Бранденбургдаги бир машҳур одам ана шундай нарсалардан 9000 тасини йиғибди. У энди 40 минг йилгача гуноҳ иш қилсам ҳам худо кечираверади деб ишонаркан.

Бундай ҳодисалар фақат қадим замонларда бўлган экан деб ўйламанг. Ватикан ҳозир ҳам бундай савдо-сотиқ билан машғул. Американинг беш долларига ҳар қандай одам папа индулгенциясини сотиб олиши мумкин.

Художўиларни черковга ҳануз илгаригидек муғамбирлик ва фирибгарлик билан жалб этадилар. Сен-Медар ибодатхонаси роҳибларининг айёрона жасоратлари тарихда қолган. «Авлиё оталар» қарашса бу ибодатхонага келувчи зиёратчилар жуда ҳам сийраклашиб, даромад камайиб, хазина бўшаб қоляпти.

Бирон чора ўйлаб топиш зарур эди. Римдаги биродарлари уларнинг ҳолига раҳмлари келиб, авлиё Себастьяннинг мурдаси солинган тобутни ижарага беришади. Бу авлиённинг машҳур номи халқни ўзига тортиши керак. Бу таклифни сен-медарликлар мамнуният билан қабул қилишади. Аммо биргина авлиё Себастьяннинг ўзи камдек кўринади уларга. Тўс-тўполондан фойдаланиб улар Римдан яна авлиё Григорийнинг тобутини ҳам ўғирлашади. Шундан кейин ибодатхонанинг ишлари юришиб кетади.

Роҳиблар босқинчиликдан ҳам тортинмайдилар.



1303 йили мамлакатнинг бош ибодатхонаси — Вестминстер аббатлигидаги ўғирлик бутун Англияни ларзага келтиради. Пуллар, олтин ва қумуш асбоблар, қимматбаҳо тошлар йўқолган. Ўғирланган молларни 100 минг фунт стерлинг баҳолашган.

Буни қирол саройи аёнлари, дин арбоблари ва халойиқ оддий ўғирликкина бўлмай, бу шаккоклик, дин ва черковни таҳқирлаш дейишади.

Қидирув ва текширув ишлари бошланади. Аввало бу нодир нарсаларни қўриқлашга қўйилган қоровуларни қистовга олишади. Ўғирлик содир бўлган кунни саҳарда қоровулар турган жойларида ўлгудек маст бўлиб ётишганди. Уларни турғизишга кўп уринишади, кейин устларида челақлаб совуқ сув қуйишади. Ниҳоят улар бир оз ўзларига келиб, кечаси нималар содир бўлганини эслаш бошлашади.

Кеча кечкурун улар шу атрофда сайр қилиб, оҳиста суҳбатлашиб юрган икки роҳибни кўришганини айтишади.

Улар шу ҳолда бир неча марта уёққа-буёққа бориб-келиб, қоровуларга яқинлашиб, уларни гапга туганлар. Кейин «қиттак-қиттак» ичишни таклиф қилиб, қўйинларидан шиша ва стакан чиқаришган. «Худо шоҳид,— деб олт ичишадн қоровулар,— биз бир стакандан ичдигу мурдадек қотдик қолдик.

Бошқача кийиниб олган бу қароқчилар винога захар селган бўлишса керак». Яқин орадан топилган тўртта бўш шиша эса ичимликнинг қандайлигини аниқ айти турган. Кейин нима бўлганини қоровулар эслаша олмайдн.

Полиция бутун Лондонни титиб юборади, шубҳа қилинган юзлаб киши қамоққа олинадн, пойтахтдан ташқарига кетадиган ҳамма йўлларга қоровул кў-



йилади. Изкуварлар одам кўп тўпланадиган жойларга бориб гап пойлашади. Барчаси беҳуда эди!

Шундан кейин ниҳоят ибодатхонани қидиришга журъат этишади. Утирланган нарсаларнинг талайгина қисми шу ердаги боғдан, қопга ўраб чуқурга яшириб қўйилган жойидан топилади. Шундай қилиб, роҳиб кийимини кийиб олган босқинчилар эмас, балки «авлиё оталар»нинг ўзлари ибодатхонани талаганлари маълум бўлади.

..Папалар узоқ вақтларгача дунёвий ҳукмронлик билан кенг территориялардаги илоҳий ҳукмронликни қўшиб олиб бордилар.

Кўп қироллар черковга катта солиқ тўлаганлар. X асрда ва ундан кейин бу солиқнинг миқдори Англия қиролига саккиз минг флорин, Сицилия қиролига қирқ минг флоринга тўғри келарди... Бунинг оғирлиги қироялик фуқароси зиммасига тушарди...

X асрда кўп мамлакатларда черков «авлиё Петр чақаси» номи билан солиқ чиқарди. Бу солиқни папа қўл остидаги ҳамма одам тўларди. Чақалар катта пулга айланиб кетди. Тўй бўлса, фарзанд туғилса, аза туғилса — ҳаммасидан черковга пул ёғиларди.

Черков беморнинг ёнига руҳоний кирмагунча бу уйга врач чақиришни ман этган эди. Руҳонийнинг келиши эса арзонга тушмас эди.

Судга мурожаат қилиш ҳам оддий кишилар учун бор-йўғидан ажраллиш деган гап эди, чунки суд ишлари ҳам черков қўлида бўлиб, ҳеч нарса пулсиз битмас эди.

Бу ҳали кам эди. Ҳар бир деҳқон черковга ҳамма ҳосилининг ўндан бир қисмини берарди.

Папанинг илоҳий ҳукмронлиги таъсиридаги бутун мамлакатлар округларга бўлинар, буларни черков князлари — епископлар бошқаришарди. Епископлик аббатликларга бўлинарди. Даромадли ўрнилар бекорга берилмас, папа лавозимларни жуда қиммат баҳода пуллар эди. Масалан, XIV асрда Чехияда епископлик лавозими 1000 злотихдан 4000 злотихгача турарди.

Аммо бу харажатлар ўрни тезда тушиб турган даромад билан қопланиб кетарди. Улуф француз революцияси мамлакатдаги черковларнинг барча мол-мулкларини мусодара қилганда, булар 2 миллиард франкка баробар келган.

Ҳамма даврлардаги папалар ҳам олтинда «чўмилишган». Папа саройларидаги ҳашаматларнинг чегараси бўлмаган. Папа Климент VI нинг овқати учунгина 200 минг Флоренция флорини сарфланар, винодан бўлса 41 минг флоринлик ичар экан.

Папа Евгений IV бош кийими (тиара) тайёрлатишга 15 фунт олтин ва деярли 6 фунт марварид сарфлаган экан. Бошқа папа —

Павел II ундан ҳам ошиб тушиб, тиара учун 130 минг дукат сарфлаган.

XIV асрда папалардан бири ҳазил-ҳазил билан француз қиролига 3 517 000 гульден қарз берган.

Расмий маълумотларга қараганда асримизнинг бошидаёқ Ватиканнинг даромади 5 миллиард лирадан ошиб кетган.

Ҳозирги Ватикан ўз молиявий ишларини усталик билан олиб боради. У диндорларни бегоналарнинг қўли билан яширинча талайди. Ҳозирги папалар «авлиё» эканликларига қарамай, коммерция савдоси ва олибсотарлик биржасидан ҳазар қилишмайди.

Мутахассисларнинг фикрича Ватиканнинг олтин запаси Англия, Франция ва Италиянинг олтин запасларини бирга қўшиб ҳисоблагандагидан кўра кўпроқ. Капиталистик давлатлар ўртасида Ватиканнинг олтин запаси АҚШнинг олтин запасидангина озроқ.

Папа маъмурияти ўз пул ишларини ниҳоятда махфий сақлайди, шунга қарамай, мана шу маълумини ўзидан ҳам Ватиканнинг чангали бутун жаҳонга нақадар кенг ёйилганини кўриш мумкин.

Ватикан хуфиялари орқали Италиянинг «Иммобельяре» компаниясининг яширинча эгаларидан бири бўлиб, бу компания ер участкаси, уй-жой олиб-сотиш билан шуғулланади.

Ватикан—Италияда 470 минг гектар ерга эга.

Унинг пуллари бу мамлакатнинг ўнлаб корхоналари: металлургия, целлюлоза-қоғоз, синтетик тола... корхоналари сармосига қўшилган. Бундан беш йил муқаддам ана шундай маблаг 900 миллиард лирани ташкил қиларди. Ҳар бир лира бир қанча янги лираларни келтиради.

Ватикан бошқарадиган суғурта компанияларидан келадиган даромад айниқса катта. Бу компанияларнинг капиталлари ҳам миллиард лиралаб ҳисобланади.

Черков, бу компаниялар томонидан суғурта қилинган буюмларни худо сақлайди, деб ишонтиради.

Фойда берадиган нимаки нарса бўлса черков уни рад этмайди. Шу жумладан кинодан ҳам фойдаланади. Ватиканнинг ишончли кишилари сердаромад киностудияларни эгаллаб олишган, уларга Италияда беш мингга яқин кинотеатр қарайди. Кино кассаларининг туйнуқларидан пул оқиб кираверади, экранлардан эса саховат ва итоатгўйлик тарғиб қилинади.

Бир вақтлар Француз қироли Наполеон III нинг хотини гуноҳларини ювиш учун папа Пий IX га Сувайш канали компаниясининг мингта акциясини инъом қилган. Бу акциялар узоқ вақт сейфда турган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошқа папа унч АҚШ ҳукумати билан айирбошлашга аҳд қилди: Су-

вайш канали акциялари ўрнига «Стандартойл» йирик нефть компаниясининг акцияларини олди.

Папа эҳтиёткор бўлиб чиқди, у америкаликларни лақиллатди: Сувайш канали Бирлашган Араб Республикасининг территориясидан ўтганлиги сабабли бир неча йилдан кейин унинг ажралмас ерига айланиб қолди.

Италиядаги 130 омонат касса ва бир неча банклар Ватиканнинг қўл остидадир.

Авлиёларни «ишлаб чиқариш»дан ҳам озмунча фойда келмайди. Папа ўлган ҳар қандай одамни авлиё деб қонулаштириши мумкин. Унинг хулосаси қонун, ҳар бир католик янги пайдо бўлган авлиёга топиниши шарт.

Аммо бу ҳам бекорга қилинмайди: авлиё деб эълон қилиш учун папа 25 минг доллар олади. Бунга «ўз» авлиёсига эга бўлишни истаган мамлакатнинг черкови тўлайди. Янги авлиё янги ибодатчиларни тартади, улар эса пул келтирадилар.

XVII аср охирида Россияда бир мингга яқин монастыр бор эди. Буларга текинхўрлар галаси йиғилиб олган, улар ҳеч нарса ишлаб чиқармас, аммо ўзларининг бениҳоя очкўзликлари ва ҳар турли ичимликларга муккаларидан кетганликлари билан ажралиб турардилар.

Агар оддий роҳиблар кўпинча арзон баҳоли жубба кийиб, ғарибона ҳужраларда яшасалар, монастырларнинг бошлиқлари дабдабали уйларда дориламон ҳаёт кечирардилар. Монастирларнинг нозирлари ердаги ноз-неъматлардан воз кечишга даъват қилсалар-да, ўзлари ва яқинлари қимматбаҳо овқатларни ейишар, узоқдан келтирилган виноларни ичишар, катта-катта олтин бут ва занжирларни тақиб юришарди. Уларнинг сандиқлари қимматбаҳо буюмлардан ёрилай дерди.



Патриархлар, епископлар, архиепископлар ва шаҳар ибодатхоналарининг хизматчилари бундан ҳам дабдабали яшашарди. Монастирлардан ташқари Россиянинг шаҳар ва қишлоқларида сон-саноксиз черковлар бор эди.

XVасрдаёқ ҳар бир 30 ҳовли-қўрага биттадан черков тўғри келарди. Уша пайтда 8000 аҳолиси бўлган биргина Владимир шаҳрида 30 дан ортиқ черков бор эди. Ҳар бирида поп, унинг ёрдамчиси, хизматчиси ва бошқалар бўларди. Буларнинг эса ҳар бирининг оиласи, қариндош-уруғлари, nonхўрлари бўлиб, уларни ҳам боқиш керак эди.

Ана шу бекорчилар қабиласи нима ҳисобига кун кўришарди?

Қайси даромад ҳисоби ва бунчалик кўп оёқатлар, маст бўлиб  
ичишар, кийинар, уйлар қуришар, бойлик орттиришарди?

Улар бу саволга ҳозирги замондошлари сўнгари деймо: «Дин-  
дорларнинг назр-эҳсонлари ҳисобиға», — деб жавоб беришарди.

Тўғриси ҳам шу, назр-ниёз беришар, иона қилишарди! Под-  
шолар ва қироллар ҳаминша худонинг марҳаматиға сазовор бўл-  
моқ учун моноастирлар ва ибодатхоналарга бутун-бутун қишлоқ-  
ларни ерларини одамлари билан инъом қилиб юборишар, бир  
пудлик кумуш шамдонлар қўйдиришар, олтиндан жуда ҳам  
чиройли жиҳозлар, олтин-кумуш ва қимматли тошлар билан  
безатилган иконалар буюртишарди. Ибодатхоналарни жуда чи-  
ройли қилиб безаш учун энг яхши рассомлар таклиф қилинарди.

Масалан, Минск князи Глеб Всеславович XII асрнинг бош-  
ларида Киев-Печерский лаврасига<sup>1</sup> 600 гривен кумуш ва 50 гри-  
вен олтин эҳсон қилгани маълум. Бу ўша замонда жуда катта  
пул бўлганки, асти қўяверинг! Князь ўлгандан кейин унинг бева-  
си бунга қаноатланмай, яна шунча пул назр берган.

Қўрган одамларнинг ҳикоя қилишларича, Тихвин монастири-  
да олтиндан ясалган ва шилдироқлари бриллиант оғир лампа-  
да — иконалар ёнига қўйиладиган мойчироқ бўлган, буни граф  
Шереметевлардан бири ҳадя қилган. Бу лампада 60 минг сўм  
баҳоланган.

Бошқа бир рус мансабдори ундан ҳам ўзиб кетган. У Успен-  
ский бош черковиға баҳоси 150 минг сўм турадиган руҳонийлар  
бош қийинчили олиб келиб берган.

Черков хизмати учун кўплаб пул йиғиларди.

Диндорларга бу хизмат қиммат, жуда қимматга тушарди!  
Ҳар хил дунонинг ўз нарки бўларди ва ҳозир ҳам бор. Ибодатхона  
қанча бой ва машҳур бўлса тўлов ҳам шунча кўп тўланарди.  
XVII асрда Троицко-Сергиевский монастири марҳумларни «ёд  
этмоқ»қа ҳар бир ном учун 500 сўм оларди.

Черков чакана савдодан ҳам қўшимча даромад «топарди».  
Роҳиблар шамлар, просфорлар, «муқаддас сув», ибодат тўплам-  
лари, иконачалар, ичдан тақиладиган хочлар, қалбаки ёдгорлик-  
ларни сотишарди ва ҳозир ҳам сотишади. Утган асрнинг бошла-  
рида Москва черковлари биргина шам сотишнинг ўзидан йилига  
ярим миллион сўм даромад қилганлар.

Аммо буларнинг ҳаммаси ҳам черковнинг бойлик орттира-  
диган асосий манбалари эмас. Бир вақтлар черков энг йирик ва  
энг шафқатсиз қулдор-эксплуататорлардан бири бўлган.

Чириб-тўкилиб битаёзган бир варақ Миср папирус қоғози  
худо Птанинг қадимий ибодатхонасида 3079 та қул бўлганлигини

<sup>1</sup> Лавра — катта монастирларнинг номи.

бизгача етказиб келди. Амона ибодатхонасида бундан ҳам кўп— 86 486 қуд бўлган. Бунчалик кўп эркин кишиларнинг меҳнати беҳисоб бойликлар келтирган.

Россияда черков деярли ярим миллион крепостной деҳқонга эга бўлган. Биргина Троицкий лаврасининг 100 минг крепостной бўлган.

XVII асрдаги рус черкови бошлиғи патриарх Никон 120 минг деҳқон хўжаликларига эга бўлган. Бундан ташқари у монастырлардан йилига 20 минг сўм маош олиб турган.

Черковга бериладиган ҳадялар ичида энг матлуби жонли ҳадялар — деҳқонлар бўлган. Ана шунинг учун ҳам юқорида номи айтиб ўтилган Глеб Всеславовичнинг беваси лаврага пулдан ташқари барча аҳолиси билан бирга бешта қишлоқни ҳам инъом қилиб юборган.

Князь Одоевскийлардан бири Троицко-Сергиевский лаврасига 6000 жон деҳқонни васият қилиб қолдирган. Бунинг эвазига лавра ибодат вақтида унинг номини абадий тилга олиб, дуо қилиб туриши керак эди.

Роҳиблар монастырга қарашли қишлоқлардан подшо малайларни ва помешчиклардан қолишмайдиган даражада шафқатсизлик билан ҳар хил ўлпон ва оброкларни йиғардилар.

Рус православ черковининг поплари одамлар орасида диний хурофотларни сақлаб қолиш ва айни пайтда хайр-эҳсон келтириб туришлари учун қандай найрағлар ишлатишмасди дейсиз!

Улуг Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йилларда мамлакатимиздаги кўп кишилар диндан юз ўттирдилар. Коммунистлар партияси ва комсомол дин асоратига қарши курашиб, черков таълимотининг сохта асосларини фош этдилар. Шундан кейин поплар динга ишончини мустаҳкамлаш учун «мўжиза»лар ўйлаб топишга киришдилар.

Черковларнинг бирида Исус Христос — Исо пайгамбарнинг тимсоли «йиғлаб» турарди. Суратдаги кўздан аста-секин мунчоқдек ёш тўкиларди. Поплар: «Исо худодан қайтганларнинг диндан озганлари учун аза тутяпти», деган гапни тарқатдилар ва бу «мўжиза»ни бутун Россияга ёйиш учун қўлларидан келган ҳамма чорани кўрдилар.

Кейин кўплаб эскириб қолган иконаларни «янгилаш» бошланди.

Черковда эски икона кўп йиллардан бери осинглик турарди. Унинг чеҳраси туси қорайиб кетганига анча бўлган, мис либоси хиралашган. Бунга кўникиб кетган қавмдошлар бир куни қарашса икона бирданга ян-янги бўлиб қолипти. Бундан хуш хабарлари худди кеча-



гина суртилгандек, устидаги металл жилди янги тозаланган самовардай ярқирайди. Қарабсизки, икона ўз-ўзидан яп-янги бўлиб қолибди, деган овоза қишлоқдан-қишлоққа тарқаб кетибди-да.

Комсомоллар бу кўз «ёш»лари орқа томондаги идишдан суратнинг кўзига ингичка найча орқали юборилаётганини, «янги-лаиш» эса попларнинг тунги заҳмати ва химиявий моддаларни қўллашнинг самараси эканлигини тушунтирмагунларича бу «мўъжиза»ларга ишонувчилар кўп бўлди.

Черков ҳозир ҳам диндорларни жалб этиш мақсадида ана шу усуллардан фойдаланади.

Катта бир шаҳар қабристондаги мазорлардан бирининг устида бронзадан ясалган фаришта қўлини чўзган ҳолатда анча вақтгача турди. Токи черков хизматчилари унинг «мўъжизавор хусусиятлари» ҳақида шаҳарга гап тарқатмагунларича бу фариштага ҳеч ким эътибор ҳам бермади, қизиқмади ҳам.

Мункиллаган чол ва кампирлар қабристонга келувчиларнинг қулоғига: «Фариштанинг ўрта бармоғини ўсанг, ҳамма дардларингдан халос бўласан» деб шивирлашарди.

Усталик билан тарқатилган миш-миш ўз кучини кўрсатди: фаришта зиёратига ўнлаб беморлар ва соппа-соғ одамлар кела бошлашди. Келиб бармоғини ўпишаверди. Аста-секин бу бармоқнинг ярми йийилиб, ингичка бўлиб қолди.

Зиёратчилик авжга чиққанда фариштани ҳеч қандай даромад келтирмайдиган назоратсиз мазордан олиб, черков ҳовлисига қўйишди. Бу ерда эса «даво» учун пул тўлаш керак бўларди.

Бу нарсанинг оқибати шу бўлдики, кўпгина соғлом одамлар эътиқод билан бронза бармоқни ўпиб хавфли юқумли касалликларга мубтало бўла бошладилар. Черков эса пул йиғиб қолди.

Ер юзида ҳали худога ишонувчи ва Оллоҳ, Будда, Христос, (Исо), Йеговларга ишониб алданиб юрганлар кўп.





Ана шуларнинг ишончидан фойдаланиб юрган коҳинлар, роҳиблар, ксёндзлар, раввинлар ҳам кўп.

Меҳнаткашларни диний оғу билан алдаш ва эксплуатация қилиш ҳам бойлик орттиришнинг бир усулидир.

## НИМАДАН БОШЛАНГАН

Кулчилик ва крепостнойликнинг йўқотилганига кўп вақт бўлди. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида подшолар ўрнини парламентлар эгаллади. Инсон меҳнатининг маҳсули ёки унинг буюмларини илгаригидек ҳукмдор ёхуд жанобнинг хоҳиши билан тортиб олиш қонун билан ман этилган. Шунга қарамай, ҳануз бойлар бор.

Зигир мануфактураси, қоғоз, шиша ва бошқа буюмлар корхоналарининг эгаси бўлган рус заводчиси Рябушинский бойликин қаердан олган? «Трехгорная мануфактура»нинг эгаси Прохоров 8 миллион сўмни қандай йўл билан орттирган? Канадалик пўлат қуйиш заводларининг эгаси Жеймс Даннга 60 миллион доллар ёки бошқа бир канадалик Исаак Уолтон Қилламга 150 миллион доллар қаердан келиб қолди? АҚШнинг автомобиль қироли Генри Форд, америкалик саноатчилар Жон Рокфеллер, Хайт, немис «тўп-аслаҳа қироли» Крупп ва бошқалар ўз миллиардларини қаердан олишдийкин?

Бу одамларнинг ҳаммаси ҳам ўзини соф виждонли кишилар, ҳеч кимни таламаган, ҳеч нарсани ўғирламаган, хайр-эҳсон қилч юрувчи саховатли кишилар деб ҳисоблашади. Улар черковга боришади, ўзлари учунгина эмас, бошқалар учун ҳам худога ибодат қилишади. Улар болаларни яхши кўришади, болалар уйларига, мактабларга кўплаб пул беришади, ишсиз қолганлар учун ошхоналар очиб қўйишади.

Тўғри, ана шу «виждонли» кишиларга қарашли заводларда, шахталарда, темир йўлларда, нефть корхоналарида юз минглаб ишчилар ишлашади. Буларга маош тўланади, ҳатто катта байрамларда мукофотлар ҳам берилади.

«Ишчилар дастгоҳларда ишлашади, машиналарни бошқаришади, биз эса ҳамма нарса муҳайё бўлсин деб фикр юритамиз, раҳбарлик қилиб, гамхўрлик кўрсатамиз. Ана шунинг учун даромаддан ўз улушимизни оламиз».

Капиталистлар шундай дейишади. Содда кишилар уларнинг бу гапига ишонишади.

Ахир, бу гаплар нотўғри-ку! Капиталистлар эмас, инженерлар, техниклар, мастерлар фикр юритишади. Корхона эгалари эмас, директорлар ва бошқарувчилар раҳбарлик қилишади.

Энг муҳими, нима учун биргина Форднинг улуши унинг заводларидаги 30—40 минг ишчининг улушидан ортиқ?

«Чунки биз корхоналарга капитал қўйганмиз, улар бизнинг пулимизга қурилган, машиналар бизнинг пулимизга жиҳозланган, хом ашёни биз сотиб оламиз»,— деб жавоб беришади капиталистлар?

Аммо, жаноблар, бу капиталларни қаёқдан олгансиз?

Пулни қаерда ва қандай қилиб топгансиз?

Ишчининг бутун умри муҳтожликда ўтапти-ю, сизнинг бойликларингиз қандайга кўпайиб борапти?

Бу саволларга ҳақиқий жавобни номи бизларнинг ҳаммамизга ёшлигимизданоқ маълум бўлган улуг одам — Карл Маркс берган.

Карл Марксгача ҳам дунёда олимлар кўп бўлган. Улар табиат сирларини ўрганиб, тушунтирганлар. Улар планеталар қандай ҳаракат қилишини, момақалдироқ, ёмғир, қор қандай ва нимадан пайдо бўлишини оламга тушунтириб берганлар, улар ўсимликларнинг тузилиши ва ҳайвонларнинг организмни, физика ва химиянинг кўплаб қонунларини ўрганиб билганлар. Улар минглаб ажойиб аппаратлар, асбоблар ва машиналар яратганлар. Аммо инсоният жамияти қандай яшайпти, қайси қонунга мувофиқ ривожланыпти, одамлар ўртасидаги муносабатлар қандай шаклланыпти, булар тушуниб бўлмайдиган ҳолатда қолаверган.

Карл Маркс инсоният жамияти ҳақидаги фанни яратди. У капиталнинг келиб чиқишини ҳам тушунтириб берди.

Қачонлардир биз яшаб турган планетанинг кўп қисми одамсиз бўлган. Қуруқликнинг озгина қисмидагина одамлар яшаган. Ҳар бир жон ҳисобига жуда катта территория тўғри келган.

Буни қаранг-а, кимдир 100 минг гектар ерни, ундан оқиб ўтувчи дарёларни, бу дарёларда сузиб юрган балиқларни, турли хил жониворлари билан бирга бутун бошли ўрмонларни ўзиники қилиб олган...

Хўш, кейин нима бўлган? Очкўз хўжайин ўзи эга чиққан ҳамма нарсасидан фойдалана олармикин? Албатта, йўқ! У озгина қисмидан фойдалана олиши, шуни ҳам бир ўзи зўрға эплаши мумкин. Айтмоқчи, бошқаларни ишга тортса-чи!..

Аммо бошқалар унга: «Нега энди биз сен учун ишлаймиз? Сен — ўзинг учун, биз—ўзимиз учун ишлайлик», дейишади. — «Йўқ, — деб эътироз билдиради ер эгаси, — сиз яшаб турган ер меники, борди-ю, ердан олган ҳосилларингиздан меҳнатларингизга яраша озгинагина бермасам оёқдан ўласизлар. Куч билан тортиб оламан деб ўйламавганлар, сизларнинг муштумингизу

таёгингиз бор, менда эса қурол». Шундай қилиб, ҳаммалари бир кишига бўйсунган.

Инсоният жамияти тарихида таҳминан ана шундай бўлган. Ерни эгаллаб олиш, озчиликнинг кўпчилик устидан зўравонлиги, талаш — капиталнинг дастлабки тўпланиши ана шундай бошланган.

### ОЛТИН АРИҚЧАЛАР

Ҳақ тўланмаган, ўзлаштирилган меҳнат — буржуазия оладиган барча даромадларнинг манбаидир. Улар бу манбани яширишади, қиёфасини ўзгартиришади, биров таний олмайдиган ҳолга келтиришга ҳаракат қилишади.

Ҳар ким ўзи ишлаб чиқарган нарсанинг ҳаммасини ўзига сарфлайдиган вақт аллақачон ўтиб кетган; бир пайтлар у кўтарган ҳосилини, ўз қўйининг гўштини ўзи еб, жун ва терисини кийим-бош, пойабзалга ишлатарди. Капитализм даврида эса ишлаб чиқарилган нарсаларнинг ҳаммаси сотилади, бу—товар.

Ана шунинг учун ҳам савдо сира кўрилмаган миқёсда кенгайиб кетди. Баъзи товарлар ишланган жойидан минг километрлаб узоққа олиб бориб сотилади. Жуда кўп одамлар савдо билан машғуллар, савдо учун магазинлар, омборхоналар, ташиш воситалари, харидорларни ахтариб тонадиган агентлар, сотувчилар, ишчилар керак.

Илгари деҳқонлар, ҳунармандлар асосий ишларидан бўшган вақтларида савдо билан шуғулланишарди, энди бу иш билан махсус кишилар машғул бўлишади.

Капиталистлар катта-катта биноларни, денгиз ва дарёларда сузадиган пароходларни, автомобиль паркларини савдо ишига қўядилар... Улар саноат капиталистлари билан харидорлар ўртасида воситачи бўлиб, бунинг эвазига даромаднинг бир қисмини оладилар. Ана шундай қилиб, ҳақ тўланмаган меҳнат савдодан келган фойда ниқоби остида савдогарга келиб тушади.

Илгарилари мушкул ҳолга тушганларни судхўрлар «қўлларди» — қарз бериб туришарди. Капитализм даврида қарзни банклар беради. Агар саноат капиталисти янги корхона қурмоқчи, кўп миқдорда хом ашё сотиб олмоқчи бўлса-ю, пули етмаса, у банкирга мурожаат қилади. Банкир унга қарз беради, аммо қарзни маълум процентда қўлайтириб тўлашни талаб қилади. Демак, саноат капиталисти фойдани банкир билан бўлишиб олади. Фойда — ҳақ тўланмаган меҳнат-ку! Бу ерда у процентлар қиёфасига киради.

Заводчилар, савдогарлар, банкирларнинг пўлат сандиқларига ишчиларнинг ўзлаштирилган меҳнати ана шундай олтин ариқча бўлиб оқиб тушади.



Бутун инсоният тарихида бойлик ортириш ҳирси капитализм давридагидек даҳшатли, бениҳоя тус олмаган.

Энди пуллар сандиқда ётмайди, улар қуюн ва бўрондек ер юзини айланиб, ҳамма нарсани ҳаракатга солиб, эгасига янгидан-янги қўшимчалар билан қайтиб келади. Капиталист минг ишчининг меҳнатини ўзлаштириб ва уни кулга айлан-тириб, фойдасини ўн марта кўпайтириш учун янгидан-янги ишчиларни ёллайди, хом ашё ҳамда машиналар сотиб олади.

Ишчилар-чи?..

### ИЛГАРИ ВА ҲОЗИР

Баъзи кексалар гўё, илгари, жуда қадим замонларда ер юзида ҳамма нарса мўл-қўл бўлган ва арзон — сариқ чақа турган, деб гапиришни яхши кўришади.

Рост, XVI асрнинг охирларида Россияда:

от 1 сўм 38 тийин  
 сигир 67 тийин  
 товуқ 1  $\frac{1}{2}$  тийин  
 ўрдак 3 тийин  
 юз дона тухум 5 тийин  
 бир пуд асал 41 тийин  
 бир пуд қанд 3 сўм 43 тийин бўлган.

Ҳозирги нарх-навога қараганда ростдан ҳам жуда арзонга ўхшайди-я!

Аммо у пайтларда қилинган меҳнатга ҳозиргига қараганда бир неча маротаба оз ҳақ тўланган. Бир одам 12—14 соат ишлаганда атиги 1 тийин ҳақ тўлашган...

Бир қадоқ қанд сотиб олиш учун 9 кун тер тўкиб меҳнат қилиш керак бўлган!

Ушандан анча кейин Москвада бир қадоқ жавдари буғдой 1 тийин бўлган, ҳунарманд эса куни бўйи ишлаб 3 тийиндан ортиқ пул топа олмаган. 3 қадоқ жавдари сотиб олишга кун бўйи ишлаб топган пули кетган.

Уша арзончиликларни эслаганда кўпинча ана шуларни унутиб қўядилар.

Рус капиталистларидан Рябушинский ва Прохоровларнинг

фабрикаларида иш куни 10 соатга чўзилган. Оғир меҳнат, цехларда ҳавони тозалайдиган вентиляциянинг йўқлигидан ишчилар ниҳоятда ҳолдан тойганлар. Уйларида дам олиш ўрнига азоб-уқубат чекишган.

Асримизнинг бошларида чиққан газеталарнинг бирида бундай ёзилган:

Островкадаги Авдеев уйида истиқомат қилувчи, ораларида цинга пайдо бўлган 18 нафар ер қазувчи ишчининг квартираси қоронғи, чуқур, зах подвалга жойлашган бўлиб, кундузи биттаю битта, баландлиги  $\frac{3}{4}$  аршин келадиган кичкина деразадангина ёруғлик тушиб туради. Хона сўрилар билан тўлган бўлиб, ишчилар ана шу сўриларда тўшак-пўшаксиз, қуп-қуруқ тахта устида ағанашиб ётишаверади. Ишчилар «хўжайиннинг ошхонаси»да йил ўн икки ой энг паст, кўпинча сасиган гўштли таомлар билан тамадди қилишади. Меню фақат рўза кунларидагина ўзгаради, бундай кунларда ишчиларга «ёвгон овқат» берилади. Квартирада цинга касали билан оғриш ҳоллари илгари ҳам бўлиб турган.

Бошқа бир газета 1911 йилда қўйидагича ҳабар босган:

Биз томонларда кўпдан-кўп ишчилар армияси оч-наҳор яшадади, кулбаларида юқумли касалликлар тарқаган, уларнинг моддий ва санитария аҳволларидан ҳеч ким хабар олмайди. Болалар пашшадек қирляпти...

Камбағалларнинг болалари 10—12 ёшга етгач, фабрикаларга, устахоналарга, қовоқхоналарга бориб ишлашарди. Уларни турткилашар, уришар, эрта тонгдан ярим тунгача ишлатишар эди. Кўпинча бир тийин ҳам пул олмай, фақат бир қошиқ овқат учун ишлашарди.

Москвада, Каретной рядда (кўчани шундай деб аташарди) революциядан аввал «Эрмитаж» меҳмонхонаси, унинг ёнида ҳашамдор ресторан ҳам бўларди. Пазанда ошпазлар, эпчил ва покиза хизматчилар, идиш-товоқларнинг чиройлилиги, ажойиб мебеллар ресторанининг шуҳратини ошириб юборган эди. Унга фақат «покиза» жамоат — яхши кийинган эркак ва аёллар киришарди. Емон кийинганларни киритишмасди. Ресторан залларида ахлоқ-одобга қаттиқ риоя қилинар, бу ерга келувчилардан биронтаси пастда, сабзавот тозаланаётган, овқат тайёрланаётган, идиш-товоқ ювилаётган жойда нималар бўлаётганини билишмас эди.



Аmmo бир куни Москва округ суди прокурорига Ярослав губернаси, Углич уезди, Заозерье қишлоғида яшовчи Филатовадан

шикоят тушди. Бу хотин «Эрмитаж» ресторанининг старший ошпази, Франция фуқароси Эжен Марселья унинг ошпазликка шогирд тушган ҳали ёши тўлмаган ўгли Петрининг бўшлигидан фойдаланиб уни қаттиқ ва шафқатсиз урар эмиш. Масалан, 1874 йил май ойида ошпаз боланинг ўнг ёнбошига — қовурғаси тагига жуда ҳам қаттиқ урган, 16 июнда хивич билан 30 марта уриб жазолаган.

Прокурор текширишни бошлаб, ошпаз ўз шогирдига ғоятда бешафқат муомалада бўлганини аниқлаган. Айби бўлса ҳам, (ўлмаса ҳам уриб, бир еридан қон чиқарар, хўрлар экан. Французнинг энг яхши кўрган жазоси нақ этни куйдиргудек аччиқ қалампирни шогирдининг лабига суртаркан. Бир кунни ўшхона хизматкорига болани маҳкам ушлаб туришни буюрибди, ўзи чўткани олиб, боланинг юзига ранг-баранг бўёқларни чаплабди-да, ювиб ташламасликни тайинлабди. Агар ювиб ташласанг савалайман, деб қўрқитибди.

Етим болаларнинг аҳволи бундан ҳам баттар бўлган. Етимхоналарда тўяр-тўймас овқат беришар, ўлардай калтаклашарди. 1911 йилда бундай нарсаларга ўрганиб қолган Москва «Рукавишников етимхонасидаги даҳшатлар»дан ҳаяжонга келган: бу етимхонанинг швейцари ўн олти ёшли болани темир косов билан уриб ўлдириб қўйган.

1903 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш пайтида Москвада 8—12 яшар болалардан 12 189 нафари мутлақо саводсиз эканлиги маълум бўлган.

Бу болалар катта бўлиб ўз ота-оналари кўрган кўргуликларни бошдан кечирардилар.

Ишчиларга тўланадиган озгина ҳақни ҳам болаларга тўла беришмасди.

Ёшлигини Донбасс конларида ўтказган кексалар хўжайинларнинг шахтёрларни пулдан қандай «халос» этганларини ҳикоя қилишади. Улар иш ҳақининг бир қисмига пул ўринга ордер беришар, бу ордер эвазига Қаракозов деган савдогар ишчиларга ўтмас, чирик молларни ўтказарди. Бу ордерларни ишчилар каракозлик дейишарди. Бу ордерларни Қаракозовдан бошқа ҳеч ким олмасди. Бошқа ердан бирон нарса олинмоқчи бўлса каракозликларни пулга алмаштириб олишга тўғри келарди. Аммо бир сўмлик каракозликка 10 тийингина беришарди.

Эски Донбасс капиталистлари пулга қарши эмас эдилар, албатта. Аксинча, улар кўпроқ пул топишга ҳаракат қилардилар. Каракозликларни шунинг учун ҳам ўйлаб топишган. Бу ишчиларнинг меҳнатига арзон қоғоз ордер тўлаш имкониятини берарди. Савдогар Қаракозов ҳам қуруқ қолмасди: ўз товарларини уч баробар қимматга сотарди.

Уша пайтларда ишчиларга иш ҳақининг деярли ўндан бир қисми фабрика дўконларидаги моллар билан тўланарди.

Ҳозирги замон капиталистик мамлакатларда ишчиларни талаш анча «маданийлашган».

Фабрика дўконлари ҳам, каракозиқлари ҳам йўқ. Ишчилар харид учун магазинга борадилар, бу магазинларнинг ойнабанд-кўргазмалари ҳамда тоқчаларида товарлар чиройли қилиб териб қўйилган, харидорларни эса мулоим кулиб боқувчи сермулозим сотувчилар қарши олишади. Ишчилар кўпинча бу магазинларнинг эгалари билан фабрикантлар бир компаниянинг ҳиссадор пайчилари эканликларини ҳамда савдодан тушган фойда ўз меҳнатларининг кўп қисми кетган ўша чўнтакка тушишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Чиройли рекламада айтилганидек, магазиндан ҳамма нарса ни — нинадан тортиб автомобилгача сотиб олиш мумкин!

Агар ёнингизда пулингиз бўлмаса, қарзга ҳам бераверишади. Харидорга ҳатто баҳосини ҳам айтиб ўтиришмайди. Кўп пулиннинг дарагини айтиб қўрқитиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Ундан фақат ёзма мажбурият олишади: икки-уч йил мобайнида ой сайин қандайдир эллик доллардан тўлайди. Биринчи бадални тўлаши биланоқ сотиб олинган буюми — автомобилми, холодильникми, квартира жиҳозларими—олиб фойдаланаверади.

Бу кишини васвасага солиб қўядиган, гўё ҳамма нарса билан таъминлангандек кўрсатадиган саробнинг ўзи. Шунинг учун ҳам кўплар насияга талайгина товар олиб, бу молларга деярли бутун маошларини тўлаб қараб қолаверишади.

«Бу қулай! Ҳамма нарса халқ учун!» — деб жар солишади буржуа газеталари ва снёсий арбоблар. Аммо улар қарзга товар сотишда унинг шундоқ ҳам баланд бўлган баҳоси 10—30 процент ортиси ҳақида чурқ этмайдилар.

Агар ишчи сотиб олинган нарсанинг пулини тўлай олмасдан туриб ишдан бўшаб қолса-чи?

У ҳолда буюмларнинг ҳаммаси олинади ва олдин тўлаган пули савдо компанияси фойдасига қолади. Иш бўлмаса — пул ҳам, мол-мулк ҳам, кўпинча бошпана ҳам йўқ, чунки уй ҳам насияга олинган.

Ишсизларга тўланадиган озгина нафақаю текинга бериладиган бир тарелка ёвғон шўрвага навбат туришгина қолади.

Қарзга мол сотиш бизнинг мамлакатимизда ҳам бор, аммо бизда қарзга мол сотиш савдо фирмаларининг бойлик орттириши учун ёки харидорларни алдаб қизиқтириш учун эмас.

Бир одам институтни тугаллаб, тақсимотга мувофиқ бегона

бир шаҳарга ишга келди, бу ерда қариндош-уруғи ҳам, ошна-оғайнилари ҳам йўқ, текинга квартира олди — давлатдан албатта, озгина ижара ҳақи тўлаши керак (бундай арзон ижара ҳақи биронта капиталистик мамлакатда йўқ), — квартирани жиҳозлашга ҳеч нарсаси йўқ. Дастлабки пайтларда баъзи мебеллар зарур, идиш-товоқ, радиоприёмник дегандек. Кийим-кечак ҳам керак. Бу нарсалар унча қиммат бўлмаса ҳам, аммо ҳаммасини бирданига сотиб олишга пул ётишмайди. Ана шу пайтда қарзга мол олиш қўл келади.

Буюмни дарҳол оласиз-у, тўлашга келганда бафуржа, бир неча ойлар мобайнида, ҳатто бир-икки йил ичида ойлигингиздан озгина-озгина ушлаб қолинади. Магазин ҳеч нарсадан ташвишланмайди, харид қилинган молга ҳақ ўз вақтида тўланади, чунки бизда ишсизлик йўқ.

Магазин учун харид қилинган молнинг ҳақини биратўла олиш фойдали, албатта, қарзга сотганда баъзи нарсаларни йўқотади, аммо социалистик давлат ҳар бир гражданинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилади.

Ишсизлик — капиталистик мамлакатлардаги ишчиларнинг бошида ҳамиша чарх уриб айланиб юрувчи даҳшатли шарпа.

Бирон корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаб пасайиб кетса, хўжайин ишчини ишдан бўшатиб юбораверади.

Цехга автомат ўрнатилгач юзлаб ишчилар ишсиз қолаверади.

Хўжайин ишчини қариб қолгани ва илгаригидек юксак унумли ишлай олмагани ёки у коммунист бўлгани учун ишдан ҳайдаб юбораверади.

Пролетарлар — булар хусусий мулкдан маҳрум кишилар, уларнинг ери ҳам, машинаси ҳам, асбоб-ускунаси ҳам йўқ. Уларнинг фақат қуруқ қўллари, кучла-

ригина бўлиб, ана шу кучни сотишга мажбурдирлар. Ана шу товарга харидор бўлмаса пролетарлар бир бурда нонсиз қоладилар.

Ер юзида пролетарлар ва капиталистлар пайдо бўлган кундан буён ишсизлик ҳам мавжуд.

Капиталистик дунёда ҳамиша миллионлаб кишилар ишсиз бўладилар.

Ишсизлар сафи ҳамиша тўлиб бораверади. Кичкина ишхона





ёки фабриканинг эгаси йирик капиталист билан конкуренцияга бардош беролмай, ўзи ёлланиб ишлаш учун иш қидиришга тушади. Фермер хонавайрон бўлгач, мол-мулкни ким ошди савдосига қўйиб, иш қидириб шаҳарга кетади.

Энг бой капиталистик мамлакатлардан бири — АҚШда миллионлаб ишсизлар бор. Миллионлаб киши ҳафтасига бир неча соатгина ишлайди. Уларнинг иш ҳақлари жуда оз.


Айни пайтда ишсизлик капиталист учун қулай — чунки ишсиз киши ҳар нарсага кўнаверади.

Чет эллардан келган кишилар АҚШнинг йирик шаҳарларидаги бойлик ва ялтир-юлтирларни кўриб аввалига ҳайратда қолади. Улуғвор осмонўпар иморатлар, ҳашамдор магазинлар, кўп қулайликлари бўлган меҳмонхоналар, турли марказдаги автомобиллар билан лиўт тўлган кўчалар...

Агар узун кўчалардан бирининг марказидан чиқиб, шаҳар чеккасига юраверсангиз шаҳарнинг қиёфаси ҳайрон қоларли равишда ўзгариб боради. Иш қайнаб турган кварталлар уй-жойларга алмашинади, кўчалар торайиб, уйлар тобора пасайиб боради, озода парклар кўздан ғойиб бўлади, осмонўпар уйлар ўрнини кўримсиз, дуд босиб кетган завод бинолари эгаллайди. Ҳозиргина жилва қилиб турган ялтир-юлтирлар қаёққа кетди? Бу ерлар ифлос ва дудли. Автомобиллар ғизиллаб ўтиб турган асфальт ўрнига қўланса ҳид анқиб турган ариқлар, кўп қаватли уйлар ўрнига майда каталак уйлар қаторлашиб ётипти. Улар бир-бирига зич жойлашган бўлиб, бир-бирини қуёш нуридан тўсади.

Яна ҳам нарироқда тахта, яшиқлардан, занглаган тунукалардан, эски автобусларнинг кузовларидан, фанер ва картонлардан ясалган қурилмалари бўлган кенг ялангликка чиқасиз.

Америкалик эзилган, ишдан маҳрум этилган камбағалларнинг уйлари ана шу. Хотин, бола-чақалари билан шу капаларда ўзларига бахт кулиб боқишини кутиб ётадилар. Аммо узоқ вақт кутишга тўғри келади. Ҳатто АҚШ ҳукуматининг расмий ҳисоботига кўра 14 миллионга яқин оиланинг йиллик даромади 1000 доллардан сал ортиқ экан. Нормал ҳаёт кечириш учун эса 4000 доллардан ортиқ пул керак.



Асрнинг бошларида Европадаги кўпгина мамлакатларда, кейинроқ эса АҚШ корхоналарида ҳам саккиз соатлик иш куни жорий этилди. Аммо эксплуатацияга маймади. Капиталистлар 8 соат ичда аввалги 12—14 соатда сарфлангандан кўра кўпроқ меҳнатга эга бўлиш ва ўзлаштириш усулини топдилар.

Эхтимол кўл ўқувчилар Форд деган исми эшитгандирлар. Унинг автомобиль фирмаси — дунёдаги энг йирик ва бой фирмалардан бири ҳисобланади.

Фирманинг асосчиси бўлган америкалик Генри Форд фақат шу билангина шўҳрат қозонмаган.

У биринчи бўлиб ишнинг «терлатувчи» системасини амалга оширди. У иссини машинага айлантириш усулини, нисбатан қисқа иш кўчида ишчи нимага қодир бўлса ҳаммасини сиқиб чиқариб оладиган воситани ўйлаб топди.

Фойда иштиёқи Форднинг мураккаб иш жараёнини бир неча энгил ва оддий қисмларга тақсимлаб юбориш фикрига ундади.

Автомобиль моторини йиғиш — мушкул иш. Йиғишда деталнинг қайси исини олдин, қайси исини кейин қўйишни, қайси деталнинг нимага кераклигини, уларни жой-жойига ўрнатишни, мустаҳкамлашни билиш керак.

Бу иш билан юқори разрядли йиғувчи слесарлар шуғулланишарди.

Форд бир йиғувчини бир неча йиғувчи билан алмаштирди. Аммо ҳар қайси йиғувчи биргина оддий операцияни бажаради: бири поршенни цилиндр блокига ўратади, иккинчиси винтнинг бурайди, яна бири гайкани мустаҳкамлайди ва ҳоказо.

Бунинг учун ҳеч қандай малакани зарурати йўқ эди, ҳамма иш ўз-ўзидан қилинаверарди. Бундай ишчи анча кам ҳақ тўланар, буларнинг ҳар бири ўрнини бошқа одам билан осонгина алмаштириш мумкин эди.

Аммо бу ҳаммаси эмас, Форд автомобиль қисмларининг барча турларини ишлаш ва йиғишни конвейер усулга кўчирди.

Цехларга бир жойдан қўзғатилмайдиган дастгоҳлар ва стендлар ўрнига узун ҳаракатланувчи ленталар ўрнатди. Лентанинг икки томонида ишчилар туришади. Ҳар қайси ишчининг қўлида битта асбоби, ҳар ким кўни қилган! ўша бир хил ҳаракат билан битта оддий операцияни бажаради: конвейерда сурилиб келган болтни олади, тешикка тиқиб бурайди; гайкани мустаҳкамлаш билан конвейер ҳаракатга келиб нари сурилади. Яна худди шу иш болтни олади, тешикка тиқиб бурайди, гайкани мустаҳкамлайди... Бутун саккиз соат вақт ана шундай ўтади.

Қўзни бошқа нарсага чалғитиб, бир нафас дам олиб бўлмайди, ўртоғинга гап қотиш мумкин эмас, секин ишлаб бўлмайди.

ди — ўз операцияниги ўтказиб юборсанг, оқарима тўлайсан.  
Конвейер ҳаракат қилгандан қилмаверади...

## ЯНА БИР УСУЛ

Америка, Австралия, Янги Зеландиянинг, океанларда қолиб кетган архипелаглар ва алоҳида ороллarning очилиши, Африканинг тадқиқот қилиниши фандаги улуғ жасорат бўлди. Бойлик орттирмақчи бўлган одамлар булардан ҳам ўз мақсадлари учун фойдаландилар. Улар бу янги ерларга қурол, ичимлик ва худо номини кўтариб боришди. Бу уч малай уларга қисқа муддатда ўзгаларнинг бойликларига эга бўлишга, ерлик халқларни қул қилиб, уларнинг ерларини ўзларининг шахсий мулкларига, мустамлакага айлантиришларига ёрдам берди.

Бойлик орттирмақчи бўлганлар кўп, қизганчиқлар эса ундан ҳам. Улар бир-бирлари билан ўлка талашардилар. Мустамлакага эга бўлиш учун катта ва кичик урушлар чиқиб турарди.

Баъзи кишилар, ҳикоя қилишда рақамларни ишлатиш зериқтирарди, дейишади. Аммо буржуа «ҳаққонияти»ни рақамлардан кўра лўнда ва аниқ қилиб-ифодалаб берадиган нима бор?

Иккинчи жаҳон уруши олдида мустамлакачи Белгиянинг 8 миллион ўз аҳолиси бўлса, унинг мустамлакаларидаги аҳоли 12 миллион бўлган. 9 миллион аҳолиси бўлган Нидерландия деярли 68 миллион нуфусга эга мустамлака қулларини эксплуатация қилган. Франциянинг 42 миллион аҳолисига 70 миллион мустамлака аҳли тўғри келган.

Капиталистларга ўз мамлакатларининг чегаралари торлик қилиб, улар ер юзининг ҳамма бурчақларига тумшукларини суқишга, ҳамма ердан фойда олишга ҳаракат қиладилар. Улар бутун дунёда ҳукмронлик қилмоқчи бўладилар.

Бунга ўқ ва қянч ёрдами билангина эришиб қўя қолмайдилар: капиталистларнинг аслаҳоналарида яна бошқа қурол — пул бор. Доллар, франк, гульден, марка ёки фунт стерлинглар мустамлакачиларнинг қўшинлари эгаллаган территориядан кам территорияни эгалламади.

Жаҳондаги кўп мамлакатларнинг қисмати шундай бўлганки, улар тараққиётдан орқада қолиб кетганлар. Уларнинг ер ости бойликлари кўп, иқлими роҳатбахш, ammo буларни халқ бахтсизликка хизмат қилдириш учун ўзларининг олимлари, инженерлари, элентр энергияси, асбоб-ускуналари бўлиши керак. Маблағ ҳам керак. Қолоқ мамлакатларда буларнинг деч қайси-си йўқ эди.

Табий бойликлар қўл урилмаган ҳолда ишлатилмай ётса

ҳам, аҳолининг на қиладиган иши, на келадиган даромади бор эди. Ҳар ким ўзига тегишли бир парча ерда куймаланарди.

Аммо бу ҳол чет эл капиталистларига жуда ҳам қўл келарди. Уларнинг агентлари арзон нархларда ер сотиб олишар, ерлик ҳукмдор ёки ҳукуматларни қўлга олиб, плантациялар барпо қилишга, ер ости бойликларидан фойдаланиш, фабрика ва заводлар қуришга ижозат олишарди. Иш кучи ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У жуда арзон, маҳаллий аҳоли бошини қаерга уришни билмайди, озгина пул топса шунга ҳам хурсанд.

Шундай қилиб, четдан олиб келинган капитал ёрдами билан мамлакатларни асоратга солиш, унинг бойликларини аста-секин тартиб олиш бошланди.

Бу ерда ҳамма капиталист учун тиришиб ишларди: бегона ер ва бегона осмон қуёши унинг учун каучук дарахтининг ширасини кўпайтирар, қаҳва дуккакларини хушбўй ва татимли моддалар билан тўлдирар, нозик пахта толаларини етиштирарди... Бегона қўллар ерни ишлар, ҳосилни йиғар, нефть, темир рудаси ва тошкўмир қазиб чиқарар, машиналарни бошқарарди.

Нисбатан кичиккина оролда жойлашган Англия ер куррасининг барча қитъаларида кенг мамлакатларга эгалик қиларди. Бу давлат мустамлакаларни босиб олиш учун икки юз ўттиз марта қонли уруш ўтказди. Инглиз капиталистлари учун барча тусдаги қўллар хизмат қилдилар. Осие — металл, буғдой, шоли, Австралия ва Янги Зеландия — жун, тери ва гўшт, Африка — нефть, олтин, қимматбаҳо тошлар, пахта етказиб берди... Тагин, буларнинг ҳаммаси текин денг.

Ҳиндистон деярли икки юз йил Англиянинг мустамлакаси бўлиб турди. Инглизлар у ердан ҳамма нарсани: ёғоч, минераллар, пахта, жун, олтин, жут, кокс мойини... ташмалашди. Ҳиндистон инглизларга ҳар йили 150 миллион фунт стерлингдан ортиқ даромад келтирарди.

Аммо ҳиндларнинг ўзларини эксплуатация қилиш энг катта фойдани берарди. Қаноатли, бардошли, меҳнатсевар ҳиндлар озгина ҳақ учун далаларда, шахталарда, фабрикаларда кунига 12 ва ҳатто 14 соатлаб ишлардилар. Хотин-қизлар ва болаларнинг меҳнати жуда ҳам арзон эди.

Англия ва инглизлар ҳали бўлмаган даврдаёқ маданияти гуллаб-яшнаган бу мамлакат тобора қашшоқлашиб борарди. Меҳнаткаш аҳоли бир сиқим гуруҳга қаноат қилар, жулдур кийинар, кўчаларда — очик жойда яшайверарди. Ҳиндларнинг кўп қисми мутлақо саводсиз бўлиб қолганди. Қирғин келтирувчи юқумли касалликлар минг-минглаб жонларни юлиб кетарди. Европа мамлакатларида аллақачон эсдан чиқариб юборилган касалликлар: ўлат, вабо, чечак ҳанузгача ҳукм суради... Ҳиндистоннинг

ҳатто катта-катта шаҳарларида ҳам водопровод ва канализациянинг йўқлиги ажабланарли эмас, ҳар хил ташландиқ нарсаларни кўчалардан ёввойи паррандаларгина йиғиб олади, бундай чиқиндилар ариқ ва дарёларга тушади, бу ариқ ва дарёларда кир ҳам ювилади, ичишга ҳам сув шу ердан олинади.

Англия дунёда энг яхши пахта, «оқ олтин»ни Мисрдан келтирарди. Бу мамлакатнинг энг қулай портлари Англияга тобе эди, у Қизил денгиздан Ўрта денгизга ўтиладиган энг қисқа йўл — Сувайш каналига эгалик қиларди.

Миср деҳқонлари эса асрлар мобайнида ўз ерларини доқюнусдан қолган сўқа билан ишлар, далаларига сувни Нилдан қўлда ташиб чиқаришарди, ярим оч, ярим яланғоч кун кечиришарди.

Бутун Африка қитъаси яқин вақтгача Европадаги мустамлакачи мамлакатларга тобе бўлиб, 260 миллион африкаликлар эса қул эдилар. Капиталистик дунёдаги олмоснинг деярли ҳаммаси, кобальтнинг 73 проценти, олтиннинг 69 проценти, миснинг 30 процентини Африка берарди.

«Қора олтин» деб аталувчи қулларни ҳам европаликлар Африкадан келтиришарди, ўз жойларида қолганлари эса олмос конларида, чангалзорларда, плантацияларда оқлар учун ишлашарди.

Кўп мустамлакалар қишлоқ хўжалиги учун жуда яхши шароитга эга эдилар. Серунум, қуёш нури, нам мўлкўл бу ерлардаги хилма-хил ўсимликлар йилига икки-уч мартадан ҳосил берарди. Бу мамлакатларнинг халқлари жуда тўқ яшашлари мумкин эди. Аммо чет эллик капиталистлар уларни фақат ўзларига керакли нарсаларининг эътиборига мажбур қилардилар. Мустамлака ерлари бирваракайига какао дарахти ёки каучук берадиган, ё бўлмаса чой ўстириладиган яхлит майдонларга айлантириларди.

Цейлон оролида бир неча ўнлаб йиллар мобайнида фақат каучук дарахти ва чой ўстирилди. Каучук билан чойни Англияга олиб кетишарди. Борди-ю, Англия каучукни сотиб олишни тўхтатгудек бўлса Цейлонда фалокат юз берарди. Табиий шароити жиҳатидан шу қадар бой бўлган орол Англияга ана шу тариқа доимий муҳтож бўлиб қолди.






Гана фақат какао етиштирарди. Гамбия — ер ёнроғи. Гвинея — банан. Ямайка фақат ром қиларди.

Агар одам оч бўлса сариқ чақа учун ҳам ёллашиб ишлайверади. Европа ва Америка капиталистлари бундан фойдаланишарди: улар мустамлака мамлакатларда тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат фабрикалари очишиб, буларда арзон ишчиларни ишлатишарди. Бу қулай эди. Бундан ташқари улар: «Биз қолоқ мамлакатларнинг хўжалигини ривожлантиряпмиз», деб айтишарди.

Аmmo бундай фабрикалар мустамлакаларга мустақиллик бермасди. Башарти бирон мамлакатнинг ўзи машиналар чиқара олмас, химия заводларига, электростанцияларга, маълумотли мутахассисларга эга эмас экан, ундай мамлакат қолоқ ва тобе бўлиб қолаверади. Буни империалистлар тушунишар, шунинг учун ҳам мустамлакаларда оғир индустрияни барпо қилмас, ерлик халқнинг ўқиб билимли бўлишига халақит беришарди. Балки, бунинг аксича, оғир саноатни ўз юртларида ривожлантириб, ишчиларни бутун ер юзидан: Ҳиндистон, Мексика, Пуэрто-Рико, Ҳинди-Хитойдан келтиришарди...

Англияда жон бошига миллий даромад йилига 1412 долларга, Африкада эса атиги 194 долларга тўғри келарди.

Капиталистларнинг синалган қуроли — пул бу масалада ҳам Англияга садоқат билан хизмат қилади. 1895 йилдан 1935 йилга-





ча Узоқ Шарқ мамлакатлари учун махсус тайёрланган Британия долларидеб аталадиган пул чиқарилиб, муомалага қўйилган. Бу тангалар Британияга мазкур мамлакатларнинг тақдири устидан ҳукмронлик қилишда қанчалик ҳокимият бериб қўйганини тушунтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Миллион-миллион қора танли одамлар ҳозиргача қулчиликда яшамоқдалар.

Шимолий Америка XVIII асрнинг бошларидагина Англиянинг ҳукмронлигидан қутулди. АҚШ мустақил давлат бўлиб қолди. Яқиндагина бегона юртликларнинг зулми остида бўлган мамлакат халқлар тенгсизлигига қарши бўлиши керак эди. Аммо капиталистик дунё — ё сен эзишинг керак, ёки сени эзди-лар, усулида қурилган. Орадан кўп вақт ўтмай АҚШ ҳам бошқа халқлар ва мамлакатларни ўзига тобе қила бошлади. Улар алдаш ва зўрлик билан қадимдан Мексиканики бўлиб келган ерларни: Техас, Калифорния, Аризона, Янги Мексикани босиб олдилар. Кейин, қарабсизки, Урта ва Жанубий Америка шимолдаги қўшнинг «чўнтагига» тушиб қолди.

Қадимий маданиятга эга бўлган Мексика мамлакатини АҚШ доллар ёрдамида асоратга солди. Унинг нефть конлари Шимолий Америка компаниялари қўлига ўтди. Америкаликлар бойийвердилар, мексикаликлар оч қолавердилар.

1914 йили америкаликлар Панама территориясида канал қазидилар. У кемаларнинг йўлини қисқартирди. Канал йилига 100 миллион сўм фойда келтирарди, аммо бу фойдани панамаликлар эмас, АҚШнинг компаниялари олади. Панама — жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири.

Пуэрто-Рико бир вақтлар испанларнинг мустамлакаси эди, эндиликда озодликка эришгач, АҚШники бўлиб қолди.

Гватемала табиати жуда бой ўлка. Аммо бу бойликлар гватемалаликларнинг тасарруфида эмас. Бу ерда америкалик «Юнайтед фрут компани» — банан трести хўжайинлик қилади. Бу компания жуда кўп миқдордаги меваларни олиб чиқиб кетиб,

солади, мева шарбати тайёрлайди. Трест мамлакат ҳукуматига ўз таъсирини ўтказди, мустақиллик учун олиб бориладиган курашларни қурол кучи билан бостиради. Бу компания хизматида 70 минг ерлик аҳоли—катталар ва болалар ишлайди. Компания бир йилда 110 миллион доллар соф фойда олади.

## БАНҚЛАР

Ҳал этар у шоҳлар қисматин  
Ва қироллар истиқболини.

Э. Верхарн, «Банкир»

Ҳозирги замон капиталистларининг банклари қадимий сарофларнинг кўримсиз дўкончаларию судхўрларнинг ярим қоронги уйларига сира ҳам ўхшамайди. Бу катта-катта, ҳаммаёғи ёп-ёруғ бинолар бўлиб, у ерда автомат ручка ва ҳисоб машиналари билан қуролланган, махсус таълим олган тўда-тўда хизматчилар ишлашади.


Аммо банкчиларнинг шиори эскичасига қолаверган: «Ҳамма нарсадан, ҳатто одамларнинг ҳалокатидан ҳам бойиб қолиш керак!»

Яқинда ҳисоблаб чиқилди, сўнгги 5 559 йил ичида 14 513 марта катта ва кичик урушлар бўлган. Биргина биринчи жаҳон урушининг ўзида бир неча миллион киши ўлдирилган.

Агар урушга сарф қилинган олтиндан тасма ясалса энди 8 километрлик, узунлиги Ер шарини экваторидан бир марта белбоғ қилиб айлантриб чиқишга етар экан. Ана шу олтиннинг анча-мунча қисми банкларга тушган. Ана шунинг учун ҳам уруш банкирларга фойдалидир.

1793 йили Англия билан Франция ўртасида уруш чиққанда банклар катта фойда кўрди.

Англия ҳукумати уруш харажатлари учун пул қидириб, уни Англия банкидан топди. Банк ҳукуматга 600 миллион фунт стерлинг берди, аммо бу пулни 8 процент қўшимчаси билан қайтаришни талаб қилди. Банк ана шундай қилиб ўз халқни олиб борган урушда пул ишлаб қолди.





Биринчи жаҳон урушида АҚШ деярли урушмади, у озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хом ашё, ёқилғи запаслари кўп ва қудратли саноатга эга бўлган ягона мамлакат сифатида урушаётган мамлакатларга қурол-яроғ, озиқ-овқат сотди. АҚШ ўзининг ана шундай мавқеидан фойдаланиб, ҳамма нарсани ҳаддан ташқари қиммат баҳода сотди. Европа олтинлари Америкага оқиб келаверди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳам шу ҳол такрорланди. Тўғри, АҚШ ҳам урушда қатнашди, аммо у бошқаларнинг ерларида жанг олиб борди; Америкадаги биронта уй, биронта завод уруш ҳаракатларидан зиён кўрмади. АҚШ яна-тагин савдогарчилик қилди, у фашистлар Германияси билан оғир уруш олиб борган мамлакатларга зарур ҳамма нарсани (олтин баробарига ёки қарзга) пуллаб турди.

Шундай қилиб, ярим аср мобайнида АҚШ икки мартаба савдогар, судхўр мамлакатга айланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин капиталистик дунё ихтиёридаги олтинларнинг учдан икки қисми АҚШга бориб қолганига сира ажабланмаса ҳам бўлади, доллар-чи, олтин запаси билан мустақамланиб олган доллар олтин баробарида муомалага қўйилади. У жойларда: «мустақкам валюта», «ишончли валюта», яъни халқаро муомалада олтинга алмаштирилаверадиган валюта номини олди. Урушлар туфайли доллар — капиталистларнинг бош пули бўлиб қолди.

Бир вақтлар банклар тўлов ишларида воситачигина эдилар, эндиликда улар пул капитали билан савдо қиладилар. Улар пулни корхона эгаларига ҳам, қаллобларга ҳам, урушаётган томонларга ҳам бир хилда рағбат билан сотаверадилар.

Бўш маблағларга эга бўлган банклар пулларни заводларга, фабрикаларга, темир йўлларга, кемасозликка, авиация компанияларига, нефть корхоналарига сарфлайдилар. Улар ана шу корхона эгаларига шерик бўлиб қоладилар-да, улардан даромад олаверадилар.

Ана шундай қилиб бир шахс ҳам банкир, ҳам саноатчи бўлиб қолади.

Ҳозирги замон банкирлари ўтмишдаги қиролларга қараганда бадавлатроқ. Уларнинг ҳукмронликлари ҳам анча ортиқ.

АҚШдаги банкир Морганлар мамлакатдаги 5 та энг йирик банкка, 10 та темир йўлга, суғурта компанияларига, ўнлаб заводлари бўлган 30 та катта саноат бирлашмасига хўжайинлик қиладилар.

Морганларга қарашли банклардан биттасигина 4 миллиард долларга эга. Морганлар оиласига қарашли барча пулларни ҳисобласа 65 миллиард доллардан ошиб кетади.



Рокфеллерга қарашли банкларнинг ихтиёрида 60 миллиард доллар бор.

Канададаги йирик «Ройял бэнк оф Канада» банки 32 миллиард доллар маблагга эга.

Ҳукумат пул чиқаришни топшириб қўйган банклар алоҳида қудратга эгадирлар. Бутун пул муомаласи ўшаларнинг қўлида. Ҳар қайси давлатда битта ана шундай банк бўлади. У мамлакатнинг олтин запасини сақлайди.

АҚШда давлатнинг олтинлари Форт-Нокс деган ҳарбий қалъада сақланади. Миллиард долларлик олтин қуйилмалар гишт сингари тартиб билан тахлаб қўйилган. Уни икки қават темир-бетон девор ичида, кўзга кўринмас, ниқобланган

электрон кўзнинг сигнали билан ўқ очишга тайёр турган қуроллар қўриқлайди. Хазинада ўқдан холи нуқтанинг ўзи йўқ. Телевизион камералар атрофни қоровулларга тўхтовсиз кўрсатиб туради. Жиддий хавф туғилгудек бўлса, хазинанинг ҳамма хоналарини бир неча минутда сув босади. Булардан ташқари, ҳамма эшиклар ғоятда мураккаб қулфлар билан қулфланган. Кираверишдаги эшик 52 тонна оғирликда бўлиб, ичига юқори босимли ток қўйилган. Ток узиб қўйилиб, қулф очилгач, бу эшикни қудратли электромотор билангина очиш мумкин.

Англияда пул, олтин, қимматбаҳо тошлар ва санъат асарларини бир ердан бошқа ерга кўчириш учун зирҳли вагон тайёрланган. Зирҳи шу қадар қалинки, станокли пулемётнинг ўқи ҳам уни тешиб ўтолмайди. Зирҳдан ташқари юкни энг замонавий техника мосламалари ҳимоя қилади. Махсус оптик мослама ва радар<sup>1</sup> қоровулларга йўл ва атрофни хийла олисгача «пайпаслаб» кўриш имконини беради. Вагон эшигини ичкаридангина очиш мумкин.

АҚШ банклари чет давлатларга бажонидил қарз берадилар, аммо бунинг учун олинган қарзнинг 8-10 проценти миқдоридан фойда оладилар.

Аҳолиси 1 миллиарддан ортиқ ҳисобланган мустамлака ва ярим мустамлака, қарам ва ярим қарам мамлакатларнинг ҳиссасига нима қолади?

<sup>1</sup> Р а д а р — радиолокатор — узоқдаги кўзга кўринмаган нарсаларни радио тўлқин орқали аниқлаб берадиган асбоб.

Очлик ва қашшоқлик.

Конгонинг туб аҳолиси белгияликлар хўжайинлик қилган 80 йил ичида деярли тўртдан бир ҳисса камайиб кетди. Мустамлакачилар қўлида хизмат қилган конголик белгияликка қараганда 30 процент кам маош оларди.

Жанубий Родезияда (Африка) 52 миллион акр энг яхши ерлар европалик мустамлакачиларнинг хусусий мулки бўлиб, қолган 42 миллион акр ёмон ерлар африкаликларникидир.

Жанубий Африка Республикасида туб аҳолига она-ерларининг 10 процентдан ҳам камроғи қарайди.

Фан ва техника мисли кўрилмаган даражада ривожланган ҳозирги асрда мустамлакалардаги аҳоли похол уйларда, увода кийиб, оч-наҳор кун кўради. Кўплари туғилгандан то ўлгунларича ўз қишлоқларидан нарига чиқолмайдилар, бу ерларга ҳозирги замон маданиятининг учқуни ҳам етиб бормаган. Болалар ўқиш-ёзиш ва китоб нима эканини билмайдилар. Қасалликлар одамларга қирғин келтиради. Мустамлака мамлакатлардаги кишиларнинг ўртача ёши фақат 33 га зўрға етади.

Ер юзида улуг Совет Иттифоқи, ундан кейин эса бошқа социалистик мамлакатларнинг пайдо бўлиши аҳволни ўзгартириб юборди. Кўпгина мустамлакалар мустақил давлатларга айланди.

Ҳиндистон, Миср ва Осиё ҳамда Африкадаги бошқа кўп мамлакатлар озодликка эришдилар. Баъзилари озодлик йўлида курашмоқдалар.

Аммо мустамлакачилар бировларнинг ерларига ёпишиб олмақдалар, ҳокимиятни ўз қўллариди сақлаб қолишга тиришмоқдалар. Алдаш ва ҳатто қурол ишлатишга ҳам бориб етмоқдалар.





## ПУЛ ҲУКМДОРЛИГИ

«СОПОЛ ТАГИДА ТАЛАЙГИНА БОЙҚУШ УХЛАБ ЕТИПТИ»

Қадимий Греция тарихида шундай воқеа бўлиб ўтган.

Омадли, шон-шуҳратга бурканган саркарда Гилиппга ҳукумат ватанга, Спартага кўп миқдордаги пулни етказишни буюрган. Махсус кишилар тангаларни қопларга солиб, қанча пуллигини қоғозга ёзишди-да, уни қопга солиб оғзини тикиб, муҳрладилар. Кейин кемага ортиб, йўлга тушдилар.

Кема секин сузар, вақт имиллаб ўтарди. Гилипп кўп нарса ҳақида ўйлаб кўрди. Аммо унинг фикр-хаёли кўпроқ қимматли юкда эди. Бу фикрни у эсдан чиқаришга ҳаракат қилди, бундай фикрдан у уяларди, аммо уни ёмон фикр васвасага соларди. Устига устак бу шундай осон эдики, олганини ҳеч ким пайқамасди.

Гилипп давлати ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам васвасадан қутула олмади, қопларнинг тагидаги чокларни яширинча сўкиб, ҳар қайси қопдаги тангадан талайгинадан олиб, яна тикиб қўйди. Муҳри эса бузилмай тураверди. Қопларнинг ичига солинган хатдан Гилиппнинг хабари йўқ эди. Спартага келгач, ўғирлаб олган пулларни ўз уйининг томига ёпилган сопол черепица тагига яшириб қўйди.

Спартада ҳар қайси қопдаги тангаларни назоратчилар — эфорлар санаб чиқишди. Улар пулнинг етишмаслигини кўриб ҳайрои бўлишарди: муҳри жойида, пул эса кам. Кема командасини сўроққа тутишди — ҳеч ким ҳеч нарса билмасди, ўғрини топиша олмади.

Бир куни кечқурун эфорлардан бирининг ёнига Гилиппнинг

хизматкорларидан бири келди-ю, бир жумбоқ гапни айта солиб, ғойиб бўлди: «Сопол тагида талайгина бойқуш ухлаб ётипти».

Бу гапнинг маъносига етиш учун жуда ҳам ўткир зеҳнли бўлиш керак эди. Эфорлар кўп бош қотиришди. Ниҳоят хизматкорнинг жумбоғи қуйидагича йўйилди.

Афина таъсирида бўлган кўп шаҳарларда зарб урилган тангаларда бойқушнинг тасвири туширилган эди. «Талайгина бойқуш ухлаб ётибди», демак, кўп танга яширилган демоқчи. Хўш, «сопол-чи?» Афинанинг шимоли-ғарбидаги кулоллар даҳасини шундай деб аташарди. Тангаларни ўғирлаганинг томи ҳам ана шундай сопол черепица билан ёпилган бўлиши керак. Худди шу томни қидиришди. Гилипп бор давлатини ташлаб, шармандаларча она шаҳрини бутунлай тарк этишга мажбур бўлди.

Бу воқеа кўпчилик спарталикларни Гилиппдай уддабурон граждани ўзига бўйсундира олган пул ҳукми олдида қўрқувга туширди. Улар давлатни бошқараётган ҳукмрон «бешлик» — эфорлардан, ўлим келтирувчи тилла ва кумушдан воз кечишни. Спартага тилла ва кумуш пулларни киритмасдан, фақат ота-боболардан қолган қадимий пуллардан фойдаланишни ўтиниб сўрадилар.

Спарталикларда ҳарислик ва очкўзликни йўқотмоқ учун қонун чиқарувчи Ликург олтин ҳамда кумуш тангаларни муомаладан чиқариб, фақат оғир, катта бўлса-да, арзимас қийматга эга темир тангаларнигина қолдирган. Айтишларича, Ликург темирни сиркага ботириб олиб тоблашни буюрган, бу эса металлни юмшатиб, мўрт қилиб қўйган, шунда у ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолган, чунки унга бошқатдан ишлов бериб бўлмаган. Грециянинг бошқа шаҳарларида Ликург тангалари ҳеч қандай қимматга эга бўлмай, масхара бўлган, холос.

9 милага (мина оғирлик бирлиги — турли областларда ва турли вақтларда турлича, ўрта ҳисобда 440-600 граммга тенг бўлган, шунингдек, пул бирлиги ҳам бўлган) тенг суммани сақлаш учун катта омбор лозим бўлган, уни ташиш учун эса икки от қўшилган арава талаб қилинган.

Қадимий тарихчиларнинг тасдиқлашларича, янги танганинг тарқалиши билан Спартада жиноятнинг кўп турлари йўқолган: модомики, қаллоблик билан осонгина қўлга киражак буцдай бойлик на беркитишга, на арзигулик қийматга эга бўлмаган, бўлакка бўлинганлари эса мутлақо қадри қолмагандан кейин ким ҳам ўғирлик, порахўрлик ёки таланчилик қилишни истарди.

Танга бўлмаслиги бир қанча ҳунарларнинг таназзулига сабаб бўлган эмиш, масалан, тилла ва кумуш буюмларни ишлаш йўқолиб кетган. Натдижада зеб-зийнатлар ҳам йўқолган. Бадавлат граждандар ўз устунликларини йўқотганлар. Чунки бойлик-

ни кўз-кўз қилиб бўлмаган, бундай нарсалар уйлардан ташқарига чиқмаган.

Заб-зийнат ва бойликка ҳирс қўйишга яна ҳам кескин зарба бериш учун Ликург умумий овқатланишни таъсис қилган: аҳоли тўпланиб, биргаллашиб бир хил овқат еган. «Улар энди тўкин дастурхон олдида, юмшоқ ўриндиқларда ястаниб, ошпаз ва хизматкорлар тайёрлаган таомларни худди қоронғи оғилда бўрдоқига боқилган очкўз молдек еб семириб ётишмас, — деб ёзади тарихчи, — ва маънавий эҳтиёжларинигина эмас, балки танларини ҳам яйратадиган, гўё кундалик муолажа тусига кирган узоқ уйқу, иссиқ сувда чўмилиш, дам олиш каби ортиқчаликлардан ҳам маҳрум бўлган эдилар».

Айтишларича, ана шу янгиликлари учун Ликургни бойлар ниҳоятда ёмон кўришар ва бир марта уни тошбўрон ҳам қилишган экан.

### АЖАЛ УРУҒИНИ СОТУВЧИЛАР

Уруш капиталист учун фойда келтирадиган иш.

«Тинчликка» ишлатиладиган товарларнинг ташвиши кўп: гоҳо бозор касодроқ бўлади, гоҳ нархи пасайиб кетади, қурол ишлаб чиқарилса даромад ёғилаверади. Қурол-яроғ учун ҳукумат кўп пул тўлайди. (Бу пулни меҳнаткашлардан олади.) Уруш сон-саноқсиз миқдордаги ҳар хил буюмларни ютиб юборади, саноат бутун қудрати билан ишлайди, демак, заводчиларнинг ҳам, банкчиларнинг ҳам фойдаси мисли кўрилмаган даражага етади.



Ҳозир 55—60 ёшдаги кишилар авлоди яшаган даврда урушга тайёргарлик кўриш ва урушнинг ўзига 4 триллион доллар пул сарф бўлди. Бу пулларнинг кўп қисми қурол-аслаҳа фабрикаларининг эгаларига — «ажал уруғини сотувчилар» қўлига тегди.

Ана шу пулга 500 миллион оилага уй қуриб бериш ёки ер юзидаги ҳамма одамларнинг нонини текин қилиб қўйиш мумкин эди.

Америкалик фабрика эгалари иккинчи жаҳон урушидан 55 миллиард доллар фойда олдилар.

Ҳозир капиталистик дунёда 50 миллион киши уруш учун хизмат қиляпти. Улар бомбалар, ракеталар, сувости ке-

малари, самолётлар ясашяпти. Ҳар йилги ҳаражат 120 миллиард долларни ташкил этади.

Мутахассисларнинг ҳисобича: ер юзидаги ҳар бир жон бошига уруш оловини ёқувчилар томонидан 80 тоннадан портловчи модда тайёрлаб қўйилган.

Американинг ракета олиб юрувчи сувости кемаси 105 миллион доллар туради, атом двигатели бўлган битта авианосец 2 750 000 тонна бугдойнинг баҳоси баробарига қурилади. Бу пулларни АҚШдаги ҳарбий заводларнинг эгалари олишади. Нёмис қирувчи самолётининг ҳар бири 5 миллион маркага тушади. Бу пуллар Ғарбий Германия саноатчилари ҳамёнига тушади.

АҚШ ҳукумати «Дюпон де Немур энд компани» фирмасига биринчи водород бомбани тайёрлашни буюрди. Фирма бундан бир неча миллион доллар «ишлаб» олди.

«Женерал электрик» фирмаси фақат сўнгги 5 йил ичида ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан 340 миллион доллар соф фойда олди.

Ҳатто уруш олдидан бўладиган ваҳималардан ҳам бойлик орттиришади.

Рокфеллерга қарашли завод атом бомбасидан сақланадиган «оилавий» бошпана қилиб сотишга киришди. Матбуотда, радио ва телевидениеда, ҳамма жойда бу нарсани мақтаб, атом хужуми бўлиб қолгудай бўлса фақат ана шу завод чиқарган бошпана воситаси билан сақланиб қолиш мумкин деб ишонтирдилар. Уруш хавфидан қўрққан аҳоли бу бошпанани қиммат бўлишига қарамай тезда сотиб олди. Рокфеллер 50 миллион доллар даромад қилди.

Уруш халққа нима келтиради?

Кейинги урушларда инсоният 80 миллион жондан ажралди. Аммо бу нарса империалистларни тўхтатиб қолмайди, улар қирилгани йўқ, улар ўлжа олишди.

Улар уруш билан халқ ғазабини чалғитишга, «коммунистлар»нинг танобини тортиб қўйишга, гўё «қизил хавф» таҳдид қилаётган социалистик лагерни емириб ташлашга умид боғлайдилар.

Ана шунинг учун ҳам империалистлар кучлари етган ҳаммаерда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга ҳужум қилиш учун ҳарбий базалар қурмоқдалар. Японияда, Туркияда, Норвегияда, Ғарбий Германияда, Тайвань оролида, Италия ва бошқа кўп мамлакатларда Американинг базалари бор. Американинг сувости кемалари узоққа отадиган ракеталари билан СССР қирғоқларини ювиб турадиган сувларда ёки уларга яқин жойларда сузиб юрадилар.

Капиталистларга хизмат қиладиган муғамбир сиёсатдонлар ўз ишларини қилмоқдалар: нутқларида, газеталарда, радио

ва телевидениеда СССР қуролланмоқда ва шу билан гўё тинчликка таҳдид соляпти, деб халқни қўрқитмоқдалар.

Тўғри, СССР дарҳақиқат қудратли армияга эга, унинг самолётлари чет элларниқидан тез ва баланд уचाди. Совет танклари иккинчи жаҳон урушидаёқ ҳатто душманларимизнинг ҳам ҳурматиға сазовор бўлди; ҳозирги кунда эса улар яна ҳам тезюрар, зирҳи эса тагин ҳам мустаҳкам, ўт очиш қуввати ортган, уларга сув тўсиқлари ҳам қўрқинчли бўлмай, атом ҳужумидан ҳам мудофаа қилинган. Сувошти кемаларимиз сув остида ҳам, муз остида ҳам кўп ҳафталаб юра олишга, сув устига чиқмасдан туриб ракетани нишонга текказишга қодирдирлар. Совет Армиясининг асосий куч-қудрати ракеталарда. Даҳшатли вайрон қилиш кучига эга бўлган атом зарядларини нишонга олиб бориш кучига эга турли калибрдаги нишонга ўзи тўғриланадиган, қитъалараро ва глобаль ракеталар бор.

Буларнинг ҳаммаси қаторига денгиз устида сузадиган кемаларни — ракетносецлар, авианосецлар, торпедоносецлар, атом зарядли снарядларни ота оладиган артиллерия, пиёда қўшинларининг тезотар қуролларини ҳам қўшиш керак...

Бу қудратли техникани ўз Ватанига содиқ кишилар — билимли, довюрак ва моҳир совет солдатлари ҳамда офицерлари бошқарадилар.

Бироқ бизнинг армиямиз ҳужум қилиш учун тузилмаган. Бизнинг армиямиз ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмаган, ҳеч кимга таҳдид солмаган. Бу армия Ленин томонидан ўз давлатини ва дўст давлатларни ҳимоя қилиш учун тузилган.







# СЌМ СОВЕТЛАРНИКИ БЅЛИБ ҚОЛДИ

## ПОДШОНИНГ СЌНГГИ СЌМИ

ХІХ асрнинг охирида Россия ҳам бошқа мамлакатлар сингари муомалага олтин пулларни чиқарди.

Асосий пул бирлиги бир сўмлик олтин ҳисобланарди. Унда соф олтиннинг 17, 242 ҳиссаси бор эди. Аммо бу «шартли сўм» бўлиб, бир сўмлик олтин танга йўқ эди. Ун сўмлик ва беш сўмлик тилла танга — империял зарб қилинди. Қумушдан бир сўмлик танга, 50, 25, 20, 15, 10 ва 5 тийинликлар қилинди.

1914 йил августда жаҳон уруши бошланди. Подшо Россиясининг молиявий аҳволи дарҳол кескин равишда ёмонлашди. Ғоят катта харажатлар ҳукуматни жадаллик билан қоғоз пул чиқаришга мажбур қилди. Инфляция — пулнинг қадрсизланиши бошланди. Ҳамиша бўлганидек, бундай пайтда аҳоли аввалига олтин, кейин эса кумуш пулларни яшира бошлади. 1915 йилга келиб ҳатто мис тангалар ҳам ғойиб бўлди. Муомалада фақат қоғоз пул қолди.

Уша йили подшонинг сўнгги бир сўмлиги зарб қилинди.

Орадан икки йил ўтгач, 1917 йилнинг феввалида буржуа-демократик революцияси бўлди, подшо ҳайдалди. Вақтли ҳукумат тузилди.

Ана шу пайтда муомалада 10 миллиард сўм қоғоз пул бўлиб, бундан ўндан биригина олтин билан таъминланган эди. Инфляция баҳони ошириб юборганди.

Пул системасини мустаҳкамлаш учун капиталистлар қўлидаги қимматбаҳо буюмларни тартиб олиб, сўмнинг олтин билан таъминланишини кучайтириш керак эди. Вақтли ҳукумат бундай

қилмади. У «Озодлик заёми» чиқарди. Уни яхши сотиб олишмади.

1917 йил июль ойида Вақтли ҳукуматни адвокат Керенский бошқарди. У урушни давом эттирди. Сарф-харажатлар тобора кўпайиб бораверди. Қоғоз пул борган сари кўпроқ чиқарилаверди. Пул муомаласи тамомила издан чиқиб кетди. Аммо йирик буржуазия ҳарбий таъминот ҳисобига бойийверди. Ҳар куни урушга 50 миллион сўм сарф бўлар, шундан 5 миллион сўми капиталистларга даромад бўлиб тушарди.

1917 йилнинг ўрталарида янги пул пайдо бўлди. Буни керенка деб аташарди, бу пул ёмон қоғозда, номерсиз, имзосиз, 20 ва 40 сўмлик қилиб чиқарилган эди. Бу пулни газета саҳифаси сингари катта қоғозда, қирқмасдан чиқаришди. Уни қалбаки қилиб чиқариш осон эди. Шунинг учун ҳам мамлакатда қалбаки пул кўпайиб кетди. Оқибатда муомаладаги пул 1914 йилга нисбатан 84 марта кўпайди.

Банклар капиталистларнинг қўлида эди. Улар революцияни бостириш учун пул беришарди.

Бу пайтда большевиклар ҳокимият тепасига чиқмаган эдилар, аммо улар Вақтли ҳукуматдан банкларни национализация қилишни, яъни банкларни ҳукумат қўлига ўтказишни, капиталистларга даромад солиғи солишни талаб қилдилар. Бу нарса давлатни молиявий ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкин эди.

Керенскийнинг буржуазия ҳукумати бошқа нарсани ўйлар эди: бу ҳукумат пулни урушга сарфлар, собиқ подшо министрларига пенсия тўлар, тахтдан ағдарилган подшо ва унинг оила-си харажатларига катта пул ажратар эди.

### **БАНК ХАЛҚ ҚЎЛИДА. СЎМ СОВЕТЛАРНИКИ БЎЛИБ ҚОЛДИ**

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошланиб кетди.

1917 йил 25 октябрда (7 ноябрда) Қизил гвардия ва революцион қўшинлар давлат учун энг муҳим бўлган идораларни: Петроградда темир йўл вокзалларини, почта ва телеграфни, министрликлар ва Давлат банкни ишғол қилдилар.

Банкни қўлга киритишнинг ўзи кифоя қилмайди, ундан фойдаланишни билиш ҳам керак. Банк — бу қуруқ биною унда сақланаётган қимматбаҳо нарсаларгина эмас. Бу жой мамлакатнинг бойликларини бошқарувчи марказ. Бу ерда юксак малакали жуда кўп хизматчилар ишлайди. Ана шу хизматчиларнинг кўпчилиги банк бошқарувчиси ва олий чиновниклар бошчилигида Совет ҳокимиятига хизмат қилишдан бош тортдилар.



Халқ мамлакатнинг олтин запасини ва талай қимматли нарсаларни ўз қўлига олди, аммо булар ҳаракатсиз ётар, пролетар революциясига хизмат қилмас эди.

Ишчи-деҳқон ҳукумати банк чиновникларининг саботажи тufайли бу бойликларни ололмас эди. Банкдан қимматбаҳо buyюмларни олиш осон эмасди. Хазинани фақат биладиган одам очishi мумкин эди. Бундан ташқари, пулларни санаб чиқиш, ҳужжатларга солиштириб кўриш, қолдиқларни ҳисоблаб чиқиш керак эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети идора харажатлари учун ҳам пулга муҳтож эди. Ваҳоланки, хусусий омонатчиларга — капиталистлар, буржуазия, помещчикларга ҳеч қандай монеликсиз пул бериларди.

Давлат банкidan ташқари мамлакатда хусусий банклар ҳам сақланиб қолган эди. Рус-Осиё, Савдо-Саноат банклари ва бошқалар. Буларда ҳам кўпгина пул ва олтин ётарди. Олтинлар сейфда — пулат сандиқларда бўлиб, банклар уларни қимматли нарсаларни сақлаб беришни истовчиларга тарқатиб юборган эди. Ана шу бойликларнинг бари Совет ҳокимиятига қарши ишлатиларди. Шунинг учун ҳам кескин чоралар кўриш зарур эди.

Совет давлат органлари Давлат банкининг бошқарувчисини қамоққа олдилар. Унинг ўрнига совет комиссари ўртоқ Менжинский тайинланди. Бошқа банкларнинг ҳаммаси давлат ихтиёрига ўтказилди. Сейфларни текширишга киришилди. Биргина Москвадаги сейфлардан 300 минг сўмлик подшо тилла пули ва 150 минг сўмлик кумуш пул топилди.

Ўша пайтда «Правда» газетаси мана бундай ёзган эди:

Яқинда Давлат банкига Рус-Осиё банкidan ўн пуд олтин қуйилмаси ва майда зарраси келтирилди. Кеча Сибирь банкига умумий оғирлиги эллик пуд бўлган бир юз ўттиз саккизта олтин қуйилмаси келтирилди. Қуйилмаларнинг кўпчилиги йирик бўлиб, ҳажми катта фиштдек келади.

Мусодара қилинган олтинлар Давлат банкининг махсус омборида сақланяпти.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети идорасининг эҳтиёжи учун ҳукуматнинг махсус декретига мувофиқ 10 миллион сўм пул чиқарилиб, тантанали равишда Смольнийга олиб келинди. Шундан кейин банк чиновниклари бунга жавобан иш ташлаб, хазиналар калитини ўзлари билан олиб кетиб қолдилар. Аммо бир неча майда хизматчилар жойларида қолишди. Ана шулар ишни аста-секин изга солишга ёрдам беришди. Булардан ташқари, армиядан молия хизматчилари ва бухгалтерлар бўшатиб олинди. Улар иш ташлаганлар ўрнини босишди.

Шундан сўнг капиталистлар безовта бўла бошладилар. Улар пуллари қўлларидан чиқиб кетаётганини кўрдилар. Қолган

пулларини сақлаб қолиш учун пора бериш йўлига ўтдилар. Волжско-Камский банкининг комиссарига сейфларидаги қиммат-баҳо нарсаларни йўқотишга рухсат бериши учунгина 140 минг сўм пора рўпара қилганлар. Сибирь банкининг комиссарига олтин қуйилмаларни олиб чиқиб кетишга рухсат бериши учун 700 минг сўм ваъда қилганлар. Аммо совет комиссарлари пулга сотилмаганлар.

Ҳамма банклар аста-секин давлат ихтиёрига ўтди. Жаҳон тарихида биринчи марта пул меҳнаткашлар манфаати учун хизмат қила бошлади.

Совет ҳокимияти Париж коммунаси хатоларини ҳисобга олди. Ушанда, 1871 йилда Франция пролетарлари ҳокимиятни босиб олиб, банкни ўз қўлларига олмаган, халқ олтинларидан революция манфаатларида фойдаланмаган эдилар. Аксинча, аксилиңқилобчилар банкдан халққа қарши курашда фойдалангандилар. Бу қўзғолон кўтарган Француз ишчиларининг машъум хатоси эди. Бунини Россия пролетариати такрорламади.

### ПУЛ ҚАҲАТЧИЛИГИ

Еш Совет республикасининг дастлабки йиллари жуда қийинчиликлар билан ўтди. Олдин империалистик, кейин гражданлар уруши, интервенция мамлакатни ҳолдан тойдирди. Бутун дунё империалистлари бизга қарши қамал ҳолати эълон қилдилар.

Ерлар ҳайдалмай ётар эди. Бутун-бутун губерналарда очарчилик бошланди. Қишлоқ хўжалиги саноатга хом ашё бермасди. Кўпчилик завод ва фабрикалар бекор турар, ишчиларга иш йўқ эди. Темир йўлларда сақланиб қолган озгина паровозлар ҳам юрмас, ёқилғи йўқ эди. Савдо батамом тўхтаганди.

Очларга нон бериш керак эди. Уни ортиқча дони бўлган деҳқонлардан сотиб олиш мумкин эди. Аммо бунга пул йўқ эди.

Солдатлар ва қочоқларнинг оилаларига нафақа бериш керак, аммо бунга ҳам пул йўқ эди.

Мамлакатда ишлаб турган корхона бармоқ билан санарли, у ердаги ишчиларга ойлик бериш керак эди. Аммо пул қайда.

Совет давлати ўзини ҳимоя қилиши лозим, армия зарур. Солдатларни эса боқиш керак. Бунга ҳам пул керак, аммо пул йўқ эди.

Пулни қаердан олиш керак? Совет ҳукумати олдида бошқа қийинчиликлар қаторида ана шу масала ҳам кўндаланг бўлди.

1918 йилнинг 10 февралда деҳқон депутатлари ва ер комитетлари Бутун Россия съездида Ленин: «Пул йўқ, бизнинг кучсизлигимиз ана шунда, ана шунинг учун ҳам биз кучсизмиз, ана шунинг учун ҳам мамлакатимиз азоб чекмоқда», деди.



Давлат кассасига пул савдодан, солиқлардан тушади. Аммо бу манбалар ўша пайтларда ҳеч нарса бермасди.

Банкдан олинса-чи? Бундай қилинса тез орада умуман маблағсиз қолинарди, чунки унинг ўрнини тўлдиришнинг иложи йўқ эди.


Энг сўнгги чора қўлланилса — янги қоғоз пул чиқарилса-чи? Бу ҳам мумкин эмас экан. Мутахассислар ва пул босадиган дастгоҳлар ихтиёрида бўлган давлат қоғозларини тайёрлайдиган Экспедиция аввалига иш ташлаган банк ходимлари сингари, Совет ҳокимиятининг буйруқларини бажаришдан бош тортган эди.

Давлатнинг бутун иқтисодий ҳаёти фалаж бўлиб қолиши хавфи туғилди.

Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун Ленин партияси ҳамма тадбирларни кўрди.

Чет элга қочиб кетган Керенскийнинг «Озодлик заёми» облигациясини пул ўрнида муомалага чиқаришга тўғри келди. Подшо пули ва керенкалар юриб турди.

Совет ҳукумати буржуазияга пул контрибуцияси солди: тинтув ўтказилар, яшириб қўйилган пуллар тортиб олинар ва муомалага чиқариларди.



Шу билан бирга Москвага Россиянинг турли шаҳарларидаги маҳаллий Советлардан пул жўнатиш ҳақида телеграммалар келиб турарди. Москванинг ўзида ҳам пул етишмасди.

Моссовет В. И. Ленинга: «Молиявий жиҳатдан тўла кризис — банклар тўрт кундан бери ёпиқ, аҳвол таҳликали», деб телеграмма йўллади.

Вазият Владимир Ильични жуда ташвишга солди. У пулларни тақсимлаш устидан шахсан кузатиб турди. Давлат қоғозларини тайёрлаш Экспедициясининг саботажини барбод этишга муваффақ бўлинди. Уларни ҳатто байрам кунларида ҳам ишлашга мажбур қилинди. Петроградда махсус қоғоз фабрикаси очишга тўғри келди, пул босиш учун хом ашё — эски-туски латта-путталар тўплаш ташкил этилди. Бўёқ ишлаб чиқарадиган корхона очилди. Баъзи бўёқларни олтин баробарига чет элдан сотиб олишга тўғри келди.

1921 йилда ойига ўрта ҳисобда 188,5 миллиард сўмдан пул чиқариб турилди.

Пулга бўлган талабни камайтириш учун 5 ва 10 сўмлик қоғоз пуллар чиқарилди. Шунда пул қаҳатчилиги орқасидан «майда пул танқислиги» келиб чиқди. Деҳқонлар давлат омборларига галла топширардилар, аммо улар билан ҳисоб-китоб қилишнинг иложи бўлмасди. Битта йирик қоғоз пулни бир неча деҳқонга, ўзларинг бўлишиб оларсизлар, деб беришга тўғри келарди. Бу — норозилик туғдирди.

Бу қийинчиликдан олибсотарлар фойдаландилар: улар пулни катта ҳақ олиб майдалаб берардилар. Юз сўмликни майдалаб бериш учун 10—15 сўм олишарди.

Майда пулга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳукумат муомалага майда пул чиқарди. Булар подшонинг почта ва гербли маркалари бўлиб, уларга: булар пулга айлантирилди, деган штамп босилган эди.

## БИР КУНЛИК ПУЛЛАР

Пул қаҳатчилиги Совет ҳукуматини жойлардаги шаҳарларда ҳам ўз пулларини босиб чиқартиришга мажбур қилди.

Вақтинча қоғоз пул — бонлар, кредит билетлар, чеклар, майда пуллар чиқарилди.

«Туркбон», «Закбон», «Грузбон», Сибиря шаҳарларида чиқарилган «Сибирки» пуллари ана шундай пайдо бўлган.

Ўша Сибирияда яна сира кўрилмаган пуллар пайдо бўлди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биринчи жаҳон урушида Россиянинг муҳолифлари қаторида Австро-Венгрия ҳам бор эди. Ҳозир бундай мамлакат йўқ, ўша пайтда у Европанинг катта

территориясини, шу жумладан ҳозирги Венгрия Халқ Республикаси территориясини эгаллаган эди.

Жуда кўп венгерлар, ёки ўша пайтда уларни бизда аташганидек мадьярлар, русларга асир бўлиб тушган эдилар.

Асирлар ватандан, фронтдан олисда, совуқ Сибириядаги лагерларда азоб чекишарди. Аммо ўша ерда ҳам ҳаёт ўз ҳолича ўтарди: кундуз кунлари асирларни йўл қуришга, дарахт қирқиш ва тўнка қўпоришга, қишлоқ хўжалигида ишланга юборишарди; кечқурунлари, дам олиш пайтида билган одам музыка асбоблари, ўйинчоқлар, папирос қутилари ясар, пойабзал ва кийим-бош ямар эди. Бундай ишлар учун бировга ип, бошқасига тамаки керак бўлар, кимнингдир маҳаллий аҳоли хайр қилган бир бурда ортиқча нони бўлар, аммо бошқа бировда бўлган косибчилик миҳига муҳтож эди.

Бундай ҳаёт, қадимий асрларда бўлганидек, лагерь ичида мол айирбошлаш эҳтиёжини вужудга келтирди. Гўё тарих такрорланаётгандек эди. Аввалига тўғридан-тўғри молни молга айирбошланарди, кейинчалик пул пайдо бўлди. Пулни оддий воситалар билан, қўлга тушган қоғозга ишланарди. Аммо бу пул эди.

Халқ бундай пулларни чиқарган одамнинг фамилияси билан «алексеевка», «мухинка», «куксинка» деб; ёки улардаги расмларга: Сибирь пулларидаги темирчилик устахонасининг расмига қараб «кузнеци», Архангельск чекларидаги машҳур рассом Чехонин эскизига мувофиқ қилинган оқ айиқ ва денгизчи расмига қараб «моржовка» деб атарди.

Маҳаллий пуллар жуда оддий усулда ясаларди. Масалан, Туркистон бонлари — вақтинча пуллари учун шалвираган кулранг ўров қоғози билан томни бўяйдиган бўёқ ишлатилган.

Пулни кўп сонли оқгвардиячи ҳукуматлар, оккупациячи армиялар, савдо компаниялари ва ҳатто айрим кишилар ҳам чиқаришган.

Интервентлар ва оқгвардиячилар ҳукмрон бўлган Украина, Закавказье ҳамда Сибирда Деникин, Колчак, Врангеллар пул чиқарганлар. Закаспийдаги оқгвардиячи ҳукумат ҳеч нарсага арзимайдиган қоғоз — «Ашхобод бонлари»ни чиқарган. Бу пулда инглиз генерали Миллисоннинг буйруғи босилган:

«Буюк Британия ҳарбий миссияси томонидан чиқарилган ҳар бири 500 сўмлик қимматга эга бўлган тилхатлар, башарти Буюк Британия миссияси истаса чиқарилганидан 3 ой ўтгач шундай тилхатлари бўлган кишиларга улар хоҳлаган вақтда сўм бирлигидаги пул билан тўлайди».

Аммо миссия «истамади». Алданган халқ қўлида фойдасиз бир тутам қоғоз қолаверди, бу «найрангбозлик»дан келган даро-

мадни оқғвардиячилар ва инглиз босқинчилари чўнтакларига солдилар.

«Шимоли-ғарбий фронтнинг бош қўмондони — пиёдалардан чиққан генерал» Юденич ҳам пул босиб чиқарган.

1918 йилда Украина миллатчилари ўзларининг немис хўжайинлари билан бирга, юз йиллар муқаддам бўлганидек, пул ҳисобини гривенга ўтказишни ўйлаганлар. Уша пайтнинг пулларида «10 гривен» деган ёзувни ўқиймиз.

1919 йили Митавада Ғарбий кўнгилли (оқғвардиячи) армия «Вақтинчалик майда пул» чиқарган. Қизғи шундаки, бу пулнинг бир томонидаги хатлари немис тилида ёзилган.

Пул ўрнига жуда ҳам ғалати нарсалар ишлатилган, масалан, трамвай дафтарчаси. 1919 йилда Ростов пойгачилари жамияти ўзининг вақтинчалик қоғоз пулини (бонларини) чиқарган. Тўғри, бу пул фақат пойга вақтида ипподромдагина ўтган. Уша йили машҳур тамаки фабрикаси эгалари «Асмолов ва компания» 3, 5, 10 ва 25 сўмлик бонларни чиқарганлар.

Подшо пули «николаевка», Вақтли ҳукумат чиқарган «думские», ва «керекалар», «разуменные знаки», «Озодлик заёми» облигациялари, хилма-хил бонлар, чеклар, вақтинча кредит пуллари — буларнинг ҳаммаси чалкаш-чулкашликни пайдо қилди, энг муҳими, уларни тартибга солиб бўлмади.

### БИР ҚОП ПУЛ

Ҳадеб қоғоз пул чиқаравериш мамлакат хўжалигини батамом издан чиқариб юборди. Сўмнинг қадри — харид кучи тушиб, баҳолар ниҳоятда ошиб кетди.

Пул босиладиган фабрикаларда 13 минг киши ишларди. 1917 йилдан 1923 йилгача мамлакатда қоғоз пулларнинг миқдори 200 минг марта ортиб кетди.

1914 йилга таққослаганда 1921 йилда баҳолар:

қандники 162 214 марта,

читники 86 730 марта,

совунники 76 948 марта,

гугуртники 37 600 марта ошиб кетди.

1921 йилда Москвада бир пуд жавдар уни — 140 минг сўм, сўк — 192 минг сўм, картошка — 20 600 сўм турарди. Трамвайда бир бекат юриш учун 500 сўм, икки бекат юриладиган бўлса 900 сўм тўланар эди. Оддий хатга ёпиштириладиган марка 320 сўм, «Правда» газетаси 2500 сўм турарди.

Арзимас нарса харид қилинганда даста-даста, кўпроқ нарса учун эса қоплаб пул тўланарди.

1921 йилнинг охирида 1 миллиард сўм пул ҳатто йирик пул-



лар 50 ва 100 минг сўмликлар билан ҳам бир-икки пуд оғирликдаги бўхча бўларди.

Ишчи ва хизматчиларга пул улашадиган кассирлар банкдан пулни қопга солиб, орқалаб олиб чиқиб кетардилар.

Аммо шунча пулга жуда оз нарса сотиб олинарди. Кўпинча мол эгалари қадри кетган пулни олмасдилар.



Олибсотарлик, қаллоблик кучайиб кетди. Москвадаги машхур Сухаревский бозорида бир кунда 2 миллиард сўмлик олди-сотди бўларди. Ҳукумат озиқ-овқат маҳсулотни тақсирмотини назорат қилолмай қолди.

Кўллариди талай озиқ-овқат маҳсулотлари, қимматбаҳо буюмлари сақланиб қолган буржуазия, собиқ помещиклар, қулоқлар ана шу нарсаларни сотиб тезда бойиб кетдилар.

Уларнинг қўлида жуда кўп маблағ тўпланиб қолди. Пул хўжалигини тартибга солиш учун ислоҳот ўтказиш лозим бўлиб қолди.

Аммо гражданлар уруши кучайиб кетди, ҳарбий интервенция давом этарди, шу боисдан ислоҳот ўтказилмай қолди.

Бу ишни фақат 1922 йилда ўтказишга муваффақ бўлинди.



### «ОЛТИН ЭШЕЛОН»

Янги совет пули эски ва барча қалбаки пулларнинг ўрнини босиши керак эди. Бу ёш республиканинг пул муомаласида тартиб ўрнатишга ёрдам бериши ва буржуазия ҳамда олибсотарларга зарба бериши керак эди.

Аммо қоғоз пул чиқаришни изга солишнинг ўзигина кифоя эмасди. Бу пулнинг турғунлигига, харид кучини оширишга эришмоқ керак эди. Бунинг учун қоғоз пуллар давлат банки хазинасидаги олтинлар ва қимматбаҳо буюмлар билан тўла таъминланиши лозим. Шунингдек, олтин чет эллардан товар сотиб олишга ҳам керак эди.

Олтин запаси 1 миллиард 200 миллион сўмни ташкил қиларди. Бу оз эди, чор Россияси олтин запасининг ўндан бир ҳиссасидан ҳам кам эди. Олтиннинг ярми Москвада, ярми Қозонда сақланарди.

1918 йил ёзда Қозонда оқгвардиячилар аксилинқилобий исён кўтардилар. 651 миллион сўмлик олтин қуйилмаси ва олтин буюмлар душман қўлига ўтиб қолди. Бусиз ҳам молиявий аҳво-



ли ночор бўлган Совет давлати катта зиён кўрди. Қандай бўлмасин бу қимматбаҳо нарсаларни қайтариб олиш керак!

Оқгвардиячилар, революция олтинсиз қолиб «очликнинг даҳшатли қўлларида» бўғилиб ўлади, деган умидда эдилар.

Олтинни узоқ Омскка — аксилинқилобчи адмирал Колчакнинг уясига олиб келиб, подвалларга жойлаб, колчакчи ва америкаликлар солдатларидан мустаҳкам соқчилар қўйдилар.

Аммо халқдан ўғирланган буюмларни халққа қайтаришга қандай соқчилар халақит бера оларди?

Қизил Армия ҳужумга ўтиб, Сибирь шаҳарларини бирма-бир озод қила борди. Колчак олтинларни олиб, Узоқ Шарққа қочди. Адмиралга етиб олиб, қамашди. Олтинлар Қизил Армия қўлига ўтди.

Олтин запаслари ортилган вагонлар бутун бир поездни ташкил қилди, бу тарихга «Олтин эшелон» номи билан кирган.

Владимир Ильич Ленин олтинларни Қозонга қайтариб келишга буйруқ берди ва олтинлар яхши қўриқланаётгани, белги-ланган жойга томон қандай келаётганини бетиним кузатиб турди.

Поезд бузилиб кетган темир йўлда жуда секин юрарди.

Қимматли юкни рус большевиклари билан бирга Интернациональ полкнинг жангчилари ҳам кузатиб келишарди. Бу одамлар ҳаддан зиёд қийинчиликларни бошдан кечирдилар.

Улар совет халқининг бойлигини бир неча кунлаб мижджа қоқмай қўриқладилар. Паровозга ўтинни уларнинг ўзлари тайёрлашар, темир йўлларни ўзлари ремонт қилишар, эшелонни бирданига ўтказиб бўлмайдиган бузуқ кўприклардан, снарядлар қўпориб ташлаган излардан вагонларни битталаб итариб ўтказишарди. Йўлда нонга алмаштириш учун уларнинг ҳеч нарсалари йўқ эди, кўпинча оч қолишса қолишди-ю, аммо олтиннинг бирон заррасига қўл теккизишмади.

«Олтин эшелон» 1920 йил 3 майда Қозонга етиб келди.

## ЧЕРВОН ЧИҚАРИЛГАН ЙИЛ. 10 СЎМ ТУЛАБ, ҚАЙТИМИГА 400 МИНГ СЎМ ОЛАСИС

Биринчи совет сўми 1919 йили давлат кредит билети шаклида қилинди. 1921 йилда уни юксак пробали кумушдан ясалди. Унга беш қиррали юлдуз ва Россия Федерациясининг Давлат герби туширилганди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган ёзуви бор эди.

Бир сўмлик билан бирга 50, 20, 15 ва 10 тийинлик кумуш тангалар ҳам чиқарилди.

Совет давлати энг оғир кунларни бошдан кечираётган пайтларда буржуазия экономистлари олдиндан «башорат» қилиб, Совет давлати ҳеч қачон мустақкам пулга эга бўлолмайди, деган эдилар. Аммо уларнинг бу қора нияти амалга ошмади. 1922 йили Совет ҳукумати алоҳида банка билетлари — червонларни чиқарди. Булар сўм билан эмас, бошқа пул бирлиги — червонлар билан ҳисобланарди. Бир червон революцияга қадар бўлган ўнта олтин сўмга тенглаштирилган эди. Бу олтин ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо буюмлари билан таъминланган мустақкам, турғун пул эди.



Червон ўз вазифасини дадил ва тез адо этди — пул системасини мустақкамлади.

Бошқа кўп одамлар бу пулга ишонмади: «Қоғозга нималарни ёзиб бўлмайди дейсиз!» — дейишди. Аммо червоннинг қиймати сўмга қараганда кундан-кунга ошаверди. Пулнинг қийматини Москвада аниқлаб, бутун мамлакатга телеграф орқали хабар қилиб туриларди. У газеталарда эълон қилинар, шаҳарларнинг кўчалари деворларига ёпиштириб қўйиларди. Оғир дард чекиб, аста соғаяётган беморнинг ҳароратига қизиққандек, буни бутун совет халқи кузатиб борарди.

1923 йилнинг 1 январида бир червон 1923 йилгача муомалада бўлган 175 сўмга тенглашди; бир йилдан кейин — 30 минг сўмга, 1924 йилнинг биринчи апрелига келиб 500 минг сўмга тенглашди!

1923 йили совет олтин червони чиқарилди.

Бир червон (қоғоз) йирик купюра эди. Бундан ҳам йириклари — 3, 5, 10, 25 ва 50 червонликлар ҳам бор эди. Бу катта қийинчилик туғдирарди. Яна «майда пул танқислиги» келиб чиқди: майда қоғоз пул ва тангалар етишмасди.

Бу аҳволдан жуда ғалати ҳолатда қутулинди. Уша пайтга келиб барча пуллар тамомила қадрини йўқотиб қўйган эди, шу

сабабли ҳам червонни шу пуллар билан майдалай бошлагандилар. Шундай ҳолатни кўриш мумкин эди: харидор бирон мол олганда 1 червон, яъни 10 сўмлик олтин пул берса, қайтимига эски пул билан 300-400 минг сўм оларди.

1923-йили пул системасини мустаҳкамлаш йўлида яна бир жиддий қадам қўйилди: эндигина барпо этилган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг қоғоз пуллари чиқарилди. Бу қоғоз пулларнинг 1 сўмлиги 1922 йилгача чиқарилган пулларнинг 1 миллион сўмига ва 1922 йилда чиқарилган пулларнинг 100 сўмига тенглаштирилди.

1924 йилда давлатнинг 1, 3 ва 5 сўмлик қоғоз пуллари<sup>1</sup> чиқди. Бу бутун СССР бўйича ягона пул эди. Кўп зиён келтирадиган ҳар хилликка хотима берилди. Ҳаммасидан муҳими, сўм олтин билан ҳисобланишга қарор қилинган эди. У революцияга қадар бўлганидек, 0,774234 грамм соф олтинга тенглаштирилган эди.

Бизнинг сўмимиз тўла кучга эга бўлди, у энди илгариги қоғоз пулларнинг 50 миллиард сўмига тенглашди! Унинг харид кучи ҳам ўсди.

Тўғри, бир сўмлик олтин тангалар чиқарилмади. Совет ҳукумати олтинни эҳтиёт қилди. Агар олтиндан танга зарб қилинса ҳукумат исрофгарчиликка йўл қўйган бўлур эди. Аммо бунинг ўрнига тўла қимматга эга бўлган бир сўмлик кумуш тангалар чиқарилди. Унинг харид кучи олтин кучига тенглашди.

50, 20, 15 ва 10 тийинлик кумуш тангалар пайдо бўлди. Майдалашга керак бўладиган 5, 3, 2 ва бир тийинлик чақалар мисдан зарб қилинди. 1925 йили мисдан бир пулликлар — чорак тийинликлар чиқарилган эди. Бу чақа 1928 йилгача муомалада бўлди.

1931 йилда майда кумуш тангалар никель билан алмаштирилди.

1935 йилга келиб никелланган тангаларга бошқа сурат солиб чиқарилди ва булар 1961 йилгача юрди.

Улуғ Ватан уруши бизнинг сўмимиз учун оғир синов бўлди. Давлат армияга, ҳарбий саноатни кенгайтиришга, кўп корхоналар ва аҳолини мамакатнинг ичкари районларига кўчиришга кўп маблағ сарфлади.

Харажатлар жуда кўп марта ошиб кетди. Бу харажатлар даромад билан қопланмас эди. Аксинча, давлат даромадларининг чакана савдодек муҳим манбаи ҳатто камайиб кетди: аҳолига сотиладиган моллар анча кам чиқариладиган бўлиб қолди, булардан карточка билан сотиладиганларининг нархи эса аввалгича, урушгача бўлган нархда қолди.

---

<sup>1</sup> Молия органлари томонидан чиқарилган пуллар. Майда харажатлар ва банк билетлари — банкнотларни майдалашга хизмат қилади.

Етарли даражада пулга эга бўлиш учун давлат пулни кўплаб босиб чиқаришга мажбур бўлди. Бунга анча-мунча қалбаки совет пуллари ҳам қўшилди. Бу қалбаки пулларни душманларимиз бўлган фашистлар чиқарарди.

Уруш тугагач, муомалага чиқарилган ортиқча пуллар мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини йўлга солишга, халқ хўжалигини тиклашга, таъминотда карточка системасини бекор қилишга катта халал берди.

Гап шундаки, кўп миқдордаги пул олибсотарларда тўпланиб қолди, бу пайтда давлат озиқ-овқат ва саноат молларини карточкасиз сотадиган бўлса, улар барча камёб нарсаларни дарҳол сотиб олиб, яна олибсотарликни давом эттираверардилар.

Шунинг учун пул алмаштиришда ҳар бир эски 10 сўмлик ўрнига 1 сўм янги пул беришга қарор қилинди. Шу билан бир қаторда озиқ-овқат ва саноат молларини карточка билан бериш бекор қилинди ва баъзи молларнинг баҳоси камайтирилди.

Меҳнаткашлар бу ислоҳотдан фақат фойда кўрдилар.

Сўм мустақкамланди.

1961 йилги пул ислоҳотидан кейин сўмнинг харид кучи яна ҳам ортди...

### **АБАДИЙ САНАЛГАН ХУСУСИЙ МУЛҚЧИЛИКНИНГ КУНИ БИТГАНИ. ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ! ҲАР КИМДАН ҚОБИЛИЯТИГА ЯРАША, ҲАР КИМГА МЕҲНАТИГА ЯРАША**

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин илгари сира кўрилмаган нарса: ер ва унинг бойликлари, саноат, банк, транспорт халқ мулкига айланди.

Капиталист Прохоров йўқолди. Унинг фабрикалари давлат «Трехгорная мануфактура» комбинатига айланди. Донбасс, Озарбайжон нефть конлари, Урал металлургия заводларининг рус ва чет эллик эгалари хорижга қочдилар... Бу ерларга янги хўжайин — халқ келди. Ишчилар ўзлари учун, ўз жамиятлари учун ишлай бошладилар. Эксплуататорлар пулга сотиб оладиган ишчи кучи эндиликда товар бўлмай қолди.

Аммо пул қолаверди.

Гўё пулнинг хусусияти ва вазифаси сира ўзгармагандек эди. Тўғриси ҳам, маош илгаригидек пул билан тўланарди. Магазиндан бирон мол олсангиз, марҳамат, пул тўланг. Квартира ҳақига, электр энергияга, темир йўл ҳақига пул тўланарди.

Энг муҳими ўзгарди: пул меҳнаткашларни эксплуатация қилиш учун, майда деҳқон хўжаликлари, ҳунармандларни хонабайрон қилиш ва капиталистларни бойитиш учун хизмат қилмайдиган бўлди.



Совет сўми инсоннинг барча оқилона эҳтиёжларини қондириши мумкин:

озиқ-овқат, пойабзал, кийим-бош, автомобиль, китоблар, телевизор, радиоприёмник сотиб олиш;

жонажон мамлакат бўйлаб ва чет элга саёҳатга чиқиш, санаторияга бориш ёки коллекция учун бирон буюм олиш, концерт, театр, кинога бориш;

дўстларни байрамларда зиёфат қилиш ёки яқин кишиларга совға олиш...

Аmmo совет пулига:

ишчи кучи сотиб олиш;

машина сотиб олиб, бу машина ёрдамда одамларни эксплуатация қилиш;

ер-сув ва ҳаво бўшлиқларини сотиб олиш;

жамиятда бирон ўринни ва одамлар устидан ҳукмронликни сотиб олиш мумкин эмас.

Бизнинг мамлакатимизда пул ҳукмронлик қилмайди, балки итот этади. Пулга ҳўқинилмайди, балки ундан иш учун шунчаки почта, телефон, телеграф, водопровод, машинадан фойдаланган сингари фойдаланилади...

Совет пули бутун жамият фаровонлигининг ўсишига, коммунизм қурилишига хизмат қилади.

Совет халқининг ҳаёти борган сари яхшиланиши учун озиқ-овқат, кийим-кечак, мебеллар, тураржойлар ва жуда кўп бошқа нарсалар тобора кўпроқ бўлиши керак. Буларнинг ҳаммасини инсоннинг қўли ва ақли яратади. Аммо турли одам турлича ишлайди: бири чаққон, бошқаси секин, манависи тиришиб, анависи ҳеса ялқовланиб. Ҳар кимнинг билим ва қобилияти ҳам ҳар хил. Ялқовлар қанча кам бўлса, билимдон, эпчил ва моҳир кишилар

шунча кўп бўлади, иш ҳам шунга яраша муваффақиятли боради. Шунинг учун ишга қизиқтириш, ҳавас уйғотиш керак.

Кўп асрлардан бери одамлар қилган ишларига яраша мукофот олишга одатланганлар. Бу одатдан дарҳол қутулиб ҳам, бу билан ҳисоблашмасдан ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизда ҳамма нарса: ким кўп ва яхши ишласа, ўша кўп олади, деган принципда тақсимланади. Ҳар кимнинг қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша.

Бу нарса пул ёрдамида адо этилади. Ҳар бир меҳнатқаш меҳнатига ҳақ олади. Пулингиз оз бўлса — камроқ харажат қиласиз, кўп пул топган бўлсангиз кўп нарса оласиз.

Шундай қилиб, пул ёрдамида ҳаётини ноз-неъматлар одилона тақсимланади. Жамият пул ёрдамида сидқидил ишлайдиганларни рағбатлантиради, ялқовларни жазолайди. Инсоннинг шахсий манфаати жамоатчиликнинг манфаати билан уйғунлашади.

Вақти келиб пул меҳнатга қизиқтирадиган бирдан-бир омив бўлмай қолади, меҳнат ўз-ўзидан эҳтиёжга айланади.

Баъзи шошқалоқ одамлар бундай дейишади: товарларни пулга сотиб ўтиришининг нима кераги бор, озиқ-овқат, саноат моллари, китоблар шундоқ тарқатилаверса, кино ва театрларнинг эшиклари очиб қўйилаверса бўлмайди? Ахир, Совет Иттифоқидаги ҳамма одам ишлайди-ку: металлурглари мамлакатни металл билан, пойабзалчилар оёқ кийимлари билан, тўқимачилар газлама билан, колхозчилар озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё билан, кино хизматчилари фильмлар билан таъминлаб турибдилар-ку ва ҳоказо.

Бу иш ҳолатда жўн кўринади чоғи! Аммо улар ҳалво ширин деган билан оғиз чучимаслигини унутишади. Моддий ва маданий бойликларни ана шундай, меҳнат натижасига қарамай, чеклашмасдан беравериш учун одамларга зарур бўлган нарсалар ниҳо-



Сотилмайди



ятда мул-кўл бўлиши керак. Бундай мул-кўлчиликни меҳнат биринчи ҳаётий эҳтиёж бўлиб, бировни меҳнатингга яраша ҳақ тўлаймиз деб ундашга эҳтиёж қолмаган жамиятгина барпо қила олади.

Коммунизмда ана шундай бўлади, ҳозирча меҳнатига қараб ва пул ёрдамида тақсимот давом этади.

Алоҳида кишиларнинггина эмас, балки бутун корхоналар, халқ хўжалигининг бутун бир тармоғининг ишлари пул билан ўлчанади.

Ҳар бир корхона давлат планига мувофиқ ишлайди. Планда қандай буюмлардан маълум муддатда қанча ишлаб чиқариш кераклиги айтилади. Аммо ана шунинг ўзигина эмас, балки ҳар бир буюмга қанча меҳнат сарф этилиши ҳам жуда муҳим. Чунки қанча кам меҳнат сарф қилинса, ишлаб чиқарилган буюм шунча арзон бўлади.

Жамоат меҳнатининг миқдори ва сифати пул ёрдамида ўлчанади.

Пул ёрдамида бошқа давлатлар билан савдо қилинади, қардош социалистик мамлакатларга ёрдам берилади...

### НЕГЛИННАЯДАГИ УИ

Москванинг қоқ марказида, Неглинная билан Кузнецкий мост кўчалари бир-бирини кесиб ўтган жойга яқин ерда катта қадимий уй турибди.

Уртадаги киравериш пештоқига қўйма ҳарфлар билан: «СССР Давлат банки», деб ёзиб қўйилган.

Бу мамлакатнинг бош кассаси. Банкнинг юзлаб бўлимлари ва конторалари шаҳарлар ва район марказларига жойлашган. Ватанимизнинг барча эҳтиёжларига пул ана шу ерлардан сарфланади.

Бинонинг ичида кенг, баланд заллар. Ҳисоблаш машиналари шарақлаб, ёзув машиналари чиқирлаб турипти. Қоғоз саҳифаларни қатор-қатор рақамлар тўлдиряпти. Қисқа сўзлар рақамларнинг аҳамиятини тушунтириб турибди. Бир неча юз киши ниҳоятда мураккаб ва давлат учун ғоятда зарур ишни адо этишяпти.

Бу ерда пул ҳисобланади.

Аммо пулнинг ўзи йўқ-ку! Ҳисоб ҳужжатларга — маълумотлар, справкалар, ҳисоботларга қараб қилинмоқда.







Давлат даромад қилган ва сарфлаган ҳар бир тийин — ҳаммаси бу ерда кўрсатилган. Қоғозда ҳарфлар сатрма-сатр тизилиб турипти, рақамлар устунма-устун чўзилиб кетган. Аммо ана шу жозибасиз, ҳаракатсиз белгилар мамлакатнинг қайноқ ҳаётини, миқдори жиҳатидан жуда кўп пулларнинг ҳаракатини акс эттиради.

Бир вақтнинг ўзида минг-минглаб кишилар магазинларнинг кассаларига харид қилинган мол учун ҳақ тўлайдилар, квартира ҳақи, коммунал хизмат ҳақлари, темир йўлларда ва шаҳар транспортларида юрганлик учун кира ҳақлари, ошхоналарда истеъ-мол қилинган овқат учун ҳақ тўлайдилар. Пул ариқ, дарё суви-дек бир томонга — давлат хазинасига қуйилаверади. Бунга қарама-қарши эса иккинчи оқим шитоб-ла илгарилайди: миллион-миллион ишчи ва хизматчиларга ойлик тўланади, пенсия берилади, студентларга стипендия тўланади, почта ва телеграф-дан келган переводлар берилади.

Бу ерда айтилган ва айтилмаган барча тўлов турларининг Давлат банкида ҳисобга олиншини бир тасаввур қилиб кўрсан-гиз, унинг иши нақадар мураккаб эканлигини тушунасиз. Аммо бу банк бажарадиган ишларнинг бир қисмигина, холос.

Совет Иттифоқида хўжалик қатъий план асосида олиб бори-лади.

Ҳар йили Олий Совет халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва бюджетини тасдиқлайди.

Бюджетда бизнинг давлатимиз қанча даромад қилади ва бу-ни қаерлардан олади, қандай мақсадларга ва қанча маблар сарфланиши кўрсатилади.

Даромад саноат ва савдодан келади; маош, қурилиш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, мудофаага эса сарфланади.

Ишчиларнинг ойлик иш ҳақиға тўлаш учун заводга пул керак — уни фақат банк-дан олиш мумкин. Банк директорнинг шу-чаки илтимоси билан пул бера қолмайди. Завод планини қандай бажарган, ўз ишчи-ларининг ойлигига бериш учун етарли «маб-лағ ишлаганми», кўп пул сўрамаяптимикин, булар банкда кўриб чиқилади.

Барча даромад ва барча харажатлар Давлат банки орқали ўтади.

Қаерга ва қанча пул талаб қилинишини олдиндан белгилаб қўйиш учун касса пла-



ни тузиб чиқилади. Бундай план аввал корхоналар, муассасаларда, пулга алоқаси бўлган барча ташкилотларда тузиб чиқилади. План икки қисмдан — кирим ва чиқимдан иборат бўлади. Биринчи қисмда бир ойда молларни сотишдан, почта маркаларидан, транспорт билетларидан, квартира ҳақи ёки, айтайлик, квартираларни, оёқ кийимларни ремонт қилишдан, кир ювиш ва бошқа маиший хизмат кўрсатишдан қанча даромад олиш кутилаётгани кўрсатилади. Планининг иккинчи, чиқим қисмида ойлик, пенсия бериш, колхоздан сотиб олинган маҳсулотларга тўлаш ва ҳоказолар учун корхонага солиқ пулидан қанча талаб қилиниши ёзилади.

Давлат банки конторасига бутун шаҳар, район, кейин бутун область ёки ўлка, республика ва, ниҳоят, бутун Совет Иттифоқи бўйича сон-саноқсиз ана шундай планлар юборилади. Шундан кейин СССР Давлат банки бутун мамлакат учун касса планини тузади. Уни ҳукумат тасдиқлайди. Ана шундан кейингина планининг чиқим қисми бўйича нақд пуллар тарқатилади.

Давлат корхоналарининг ўзаро ҳисоб-китоблари асосан нақд пулсиз ўтказилади. Ҳар бир корхонанинг банкда счёти бўлиб, унда шу корхона ихтиёрида қанча пули борлиги ёзиб қўйилади. Бир завод иккинчи заводга пул тўлаши керак, у банкка буйруқ юборади, шунда банк ўша корхонанинг счётидаги пулни камайтиради, иккинчи корхонанинг пулини ўшанча кўпайтириб ёзиб қўяди. Бундай усул нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш дейилади.

Бу усул қулай. Ҳаммадан ҳам пул керак эмас. Демак, пулни камроқ чиқарса ҳам бўлади, давлатнинг пул босиш харажати камаяди. Ундан кейин, қулайлигини айтмайсизми: ташиб юрилмайди, санаб ўтирилмайди, уни сақлаш учун ташвиш қилинмайди.

Банк иш ҳақига ёки колхоз-совхозлардан сотиб олинган маҳсулотлар учун нақд пул тўлайди.

Корхона маблағни қаердан олади? Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти учун олади. Давлат бюджетга мувофиқ пул беради. Бундан ташқари, банк қарз бериши ҳам мумкин. Бунинг учун унинг ўз фонди бор.

Завод хом ашё сотиб олмақчи, янги цех қурмоқчи бўлса, банк кредит очади, яъни қарзга пул беради. Завод хом ашёни қайта ишлаб, маҳсулот ишлаб чиқаради, буюртмачига топширади шунинг учун пул олиб, банкдан олган қарзини узади.

Банк фақат пул берибгина қолмай, уни йиғади ҳам.

Кечқурун магазинлар, ошхоналар, почта бўлимлари, темир йўл кассалари ёпилади. Аҳолидан тушган пулни қаёққа қўйиш керак? Ўз жойида қолдириш хавфли, бунинг устига оқилонани иш

эмас: қаердадир муттасил керак бўлиб турадиган бир пайтда пулнинг бекор ётишининг нима ҳожати бор.

Пулни банкка топширишади. Махсус агент машинада юриб пулларни йиғиб келади ёки кассирларнинг ўзлари олиб келиб топширадилар.

Давлат банкининг ҳар қайси бўлимларида кечқурунга бориб жуда кўп танга тўпланиб қолади. Эртасига улар яна кассаларга тарқатилади, у ерлардан меҳнаткашларнинг ҳамёнларига тушади. Аммо уни эрталаб тезроқ жўнатиш учун олдин яхшилаб ҳисоблаб, тахлаб чиқиш керак.

Шунақаси ҳам бўлади. Шаҳарда корхона қурилади, ишчилар кўпаяди. Кўпайиб кетган аҳолига майда пул етишмай қолади. Шунда резерв пулдан бирданига юз минг сўмлаб танга пул олишга тўғри келади.

Шунча пулни қайта ҳисоблаб кўринг-а.

10 тийинлик тангадан бир миллион сўм йиғиш учун бир одам... 40 кун пул санаши керак. Жуда ҳам узоқ муддат бу. Бу муддатни бир кунга келтириш учун қирқ киши ишлаши лозим. Бу ҳам бўлмайди.

Шунда ҳисоблаш машиналари ёрдамга келади.

Танга аввал саралаш хонасига тушади. Доира шаклида туйнукчалари бўлган, бир неча тунука барабанлар электромотор ёрдамида бири ичида иккинчиси айланиб туради. Энг устидаги барабаннинг туйнукчалари 50 тийинлик тангадан озгина катта, кейинги барабандаги туйнуклар 20 тийинликдан озгина катта ва ҳоказо.

Ҳар хил қимматга эга бўлган тангалар аралаш ҳолда аввал биринчи барабанга ташланади. Бир сўмлик тангалар биринчи барабаннинг туйнукчаларидан ўтолмай, ушланиб қоладилар. Қолган тангалар пастга ўтиб кетади. Кейинги барабанда эллик тийинлик тангалар, ундан кейингисиде йигирма тийинликлар ушланиб қолади ва ҳоказо. Шундай қилиб, турли қимматга эга бўлган тангалар «қаватлар» бўйича ушланиб қолаверади.

Вақти-вақти билан буларни тўплаб олиб, ҳисоблаш машиналарига тўкилади.

Машинанинг силлиқ тарновчаси бор. Тарновча ичкарилаб борган сари тораяди, тангалар тор жойга қараб йўналади, бу ердан фақат бир дона танга ўтиши мумкин. Бу ерда уни айланма гилдиракча илиб олиб, тор туйнукка итариб юборади. У ерда тангани тишли қисқич кутиб олади. Унинг битта тишини сурмасдан ўтиб кетиш мумкин эмас. Тиш бир марта сурилса сўтчикининг ўқи ҳам бир марта айланади. Бу велосипеднинг километрни кўрсатадиган сўтчигига ўхшайди. Шу ондаёқ сўтчикда бир

рақами кўринади. Иккинчи танга ўтса икки сакраб чиқади. Хуллас, тангалар ўзларини ўзлари ҳисоблаб бораверади.

Машина керакли миқдордаги пулни санаб бўлгач, кузатувчи кассир уни ўчириб қўяди.

Тангалар пастдаги махсус қопчага тушади. Қопчанинг оғзи бекитилиб, тамға босилади, пулнинг қанчалиги ёзилган бирка осилиб, керакли жойга жўнатилади.

Яқингинада қоғоз пулларни қўлда санашарди, қоғоз пулларни тах-тах қилиниб қўлда битталаб имиллаб санаш жонга тегадиган зерикарли иш эди. Энди машина ихтиро қилинган, бу машина ёрдамида кунига миллион донага яқин қоғоз пулни санаш мумкин. Бу машина бир минутда 4200 дона қоғоз пулни санаб қўяди.

Пулларни ҳужжатлар асосида ҳисоблаш мураккаб иш. Бунинг учун махсус ҳисоблаш машина станцияси барпо этилган. Бу ерда механик усулда ҳисоблайдиган машинадан ташқари, мураккаб электрон машина ҳам бор. Булар ўнлаб одамнинг ўрнини босади ва тез ҳамда аниқ ҳисоблайди.

Мамлакатнинг бутун пул маблағи банкда туради. Пул муомаласи қай аҳволда эканини кузатиб туриш банк учун осон. Пул етишмаса банк буюртмаси билан қўшимча пул чиқарилади. Ортиқча пуллар муомаладан чиқарилади, резервга олиб қўйилади. Кўп ишлатилиб — ёзуви ўчиб, йиртилиб, кир босиб кетган ҳамма пуллар банкка топширилади ва у ерда йўқотиб ташланади.

Пул ислоҳотлари ўтказилиб турилади, эски пуллар ўрнига янгилари чиқарилади, бу ишни ҳам банк бажаради.

Совет Иттифоқининг олтин запаси Давлат банкида сақланади.

Совет пулининг мустаҳкамлиги мамлакатнинг барча битмас-туганмас бойликлари билан, давлат қўлидаги жуда кўп товарлар билан таъминланади. Аммо бунда ҳам олтин катта роль ўйнайди.

Олтинсиз чет мамлакатлар билан савдо қилиб бўлмайди. Бундай савдода пул ўзининг бошланғич кўринишида, яъни маълум оғирликдаги олтин ҳолида иштирок этади. Бир мамлакат иккинчи мамлакатдан товар сотиб олганда олтин билан ҳақ тўлайди.

Халқаро пул — бу олтиндир.

Баъзан олтинни бошқа «мустаҳкам валюта» билан алмаштирилади. Яқин вақтгача бу асосан АҚШнинг доллари ва Англиянинг фунт стерлинги эди. Ҳозир совет сўми ана шу пулларга қараганда мустаҳкамроқ бўлиб, кўп мамлакатлар халқаро савдода бизнинг сўмимиз билан ҳисоб-китоб қилишади.

Ҳар бир мамлакат олтинни тежашга, олган нарсалари эвазига ўз молларини бериб, ҳисобни тўғрилашга уринади.

Агар Совет Иттифоқи Финляндиядан ёғоч ёки кемалар сотиб оладиган бўлса, бунинг ҳақини нефть, машиналар билан узади. Финляндия Совет Иттифоқидан нефть ёки машиналар сотиб оладиган бўлса, ёғоч ёки кемалар беради. Йил охирига келиб, ҳисоблаб кўрилади, кимнинг кимда ҳақи қолган бўлса, ана шу озгина ҳақ олтин билан тўланади.

Халқаро ҳисоб-китобни ҳам Давлат банки олиб боради. Олтинни четга чиқариш ва четдан келтириш фақат Давлат банкигагина рухсат этилган. Дипломатларга, туристларга, чет элларга командировкага кетаётган кишиларга чет эл пулларини бериш ва қабул қилиш қонунан фақат банкка рухсат этилган.

Ҳозир ана шундай, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида эса капиталистик мамлакатлар биронта ҳам машинани, бирон килограмм ғаллани, бирон тонна кўмирни сотгилари келмасди. Улар бу билан революцияни бўғиб ташламоқчи бўлишарди. Бизда олтин бор эди, аммо, Европа ва Американинг биронта банки бу олтинларни сотиб олмас, чет мамлакатлардан товар сотиб олса бўладиган ўз пулларини бизга бермас эди. Бизга қарши «олтин блокада» эълон қилишган эди.

Биз ўз олтинларимизни чет элларнинг олибсотарларига сотишга мажбур бўлардик ва бу билан 15-20 процент зиён қилар эдик. Аммо капиталистлар тез орада блокада қилиш билан революцияни бўғиб ташлаш мумкин эмаслигини, биз билан савдо қилиш фойдали эканини тушундилар.

Капиталистик мамлакатлар пулларининг харид қобилияти гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушади, унинг олтин қиммати ўзгариб туради. Чунки қоғоз пуллар кўп чиқарилиб, унинг қадри кетиб қолади.

«Известия» газетасида вақти-вақти билан қизиқ жадвал босилиб туради.

Бу жадвалда айни пайтда чет эл пулларининг сўмга нисбати кўрсатилади. Масалан:

«Англия фунт стерлинги 1 таси сўм қимматида 2. 1647», деб ўқидик дейлик. Бу халқаро ҳисоб-китобда битта фунт стерлинг бизнинг 2 сўм 16,47 тийинимизга тўғри келади деб ҳисобланишини билдиради.

Сўмнинг олтин қиммати ҳам ўзгаради, аммо ўз-ўзидан эмас, Совет ҳукуматининг ўзи ўзгартиради. 1950 йилда сўмнинг олтин қиммати 0,222168 грамм соф олтинга тенглашган эди, 1961 йил-

да бу 0,987412 граммга ошди. Сўм тўла салмоқли, баҳоси ортиқ бўлиб қолди.

АҚШнинг 1 доллари 90 тийинимизга тенг, яъни бизнинг бир сўмимизда долларга қараганда 11 процент олтин кўп.

Ана шу жадвалларни диққат билан кузатиб борилса кўп қизиқ нарсаларни билиш мумкин. Масалан, ҳозир чиқаётган жадвалларни бундан бир неча йил илгари чиққан жадвалларга солиштириб кўрилса илгариги жадвалларда учрамаган янги давлатларнинг номлари кўзга ташланади: Гана, Мали, Гвинея, Сомали... Буларнинг ҳаммаси мустақилликни қўлга киритган кечаги мустамлакалар.

Бизнинг қулларимизда янги давлатлар билан бирга янги пул бирликлари ҳам пайдо бўлди: Бирмада — жа, Лаосда — кип, Малайзияда — Малайзия доллари, Таиландда — бат, Филиппинда — песо, Марокашда — дирҳам, Тунисда — номи эскиртдан таниш бўлган — динар.

Африка давлатларидан Замбияда Англия қироличаси Елизаветанинг тасвири туширилган қоғоз пуллар муомалада эди, Англиянинг фунт стерлингига асосланган пул системаси қабул қилинган эди.

Ҳозир бу ерда ўнлик системаси қабул қилиниб, янги пул чиқарилган. Замбиянинг ҳозирги пул бирлиги «квача» деб аталади. Бунинг маъноси «тонг» демакдир. Бу пул юз нгви («тонготар»)дан иборат.

Рақамлар ҳам ўзгаради. Бу мутлақо аҳамиятсиздек кўринади, аммо бу кичкинагина ўзгариш муҳим воқеалар оқибатида содир бўлади.

1967 йилдаёқ биз: «Англия фунт стерлингнинг 1 таси 2 сўм 51 тийин қимматга тенг», деб ўқиган эдик. Энди бошқа рақамлар пайдо бўлди — жадвал Англияни босган даҳшатли бўронни ифода этади.

Кекса капиталистик мамлакатда мана нималар бўлиб ўтди.

Англиянинг фунт стерлинг и узоқ вақтгача ишончли, мустақам пул ҳисобланиб келди. Инглизлар: «Фунт нимаю олтин нима, бари бир», деб фахрланишарди. Тўғриси ҳам шу эди, халқаро ҳисоб-китобда фунт стерлингни олтин баробарида қабул қилишарди, унинг олтин қиммати кўп йиллар ўзгармай келди. Фунт билан қарз олиш ёки кредитга қўйиш фойдали ҳисобланиларди Англиянинг бойлиги ана шунда кўринарди.

Аммо аҳвол ўзгарди. Англия бирин-кетин мустамлакаларидан ажради, шулар ҳисобига яшашга ўрганиб қолган эди. Даромад ҳам кетди, харажатлар эса эскича қолаверди, ҳатто кўпайди, айниқса ҳарбий харажатлар ошиб кетди. Шундай бўлдики Англия бошқа мамлакатлардан ўзи сотадиганига қараганда кўп

роқ мол сотиб олар, даромадлар харажатларни қопламас, етишмаганига запасдаги олтинлардан тўлашга тўғри келарди, бу эса фунтни «арзонлаштирарди», чунки уни таъминлаб турган олтин камайиб кетганди. Шундан кейин Англия ҳукумати девальвация ҳақида — фунтнинг олтин қиммати ўзгартирилажаги ҳақида эълон қилишга мажбур бўлди.

Шу билан бирга фунтнинг бошқа давлатларнинг пулларига нисбати ҳам ўзгарди. Илгари фунт стерлинг АҚШнинг 2,8 долларига тенг эди, энди — 2,4 долларга тенг бўлиб қолди; илгари фунт стерлинг бизнинг 2 сўм 51 тийинимизга тенг эди, энди — фақат 2 сўм 15 тийинимизга тенглашди.

Фунт кетидан бошқа капитальстик давлатларнинг пуллари ҳам бўшашиб қолди. Шундан кейин банкчилар фунт ва доллардан тезроқ қутулишга ва ишончли бўлган олтинни сотиб олишга киришдилар. Ўз пулларининг қадрини сақлаб қолиш, олтиннинг баҳосини ошириб юбормаслик учун ҳукуматлар олтинни давлат запасидан сотишга мажбур бўлдилар. Запаслар таҳликали равишда камайиб кетди.

Биз энди агар пулнинг қадри кетса товарга аввалгига қараганда кўпроқ ҳақ тўланишини биламиз. Шундай қилиб, Англияда нарх-наво тобора ошаверди. Ойлик иш ҳақи эса эскича қолаверди. Нархи ошиб кетган товарни кам ҳарид қилишади. Оқибатда ишлаб чиқариш камайтирилади. Демак, ишчиларнинг бир қисми ишсиз қолади, уларни бўшатишади.





## ПУЛНИ ОДАМЛАР ЯСАЙДИ

### «ПУЛ ЯСАБ БЕРИШГА БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ». ЗАРБХОНАЛАР

Фараз қилинг, кўчада кетяпсиз-у: «Устахонамиз хизматидан фойдаланингиз. Буюртмачининг ўз материалидан пул ясаб беришга буюртма қабул қиламиз», — деб ёзилган вивескага кўзингиз тушади.

Эшикни очасиз, сизни мудир очиқ чеҳра билан кутиб олади. У сизни қулай креслога ўтқизиб, қанча ва қанақа пулдан кераклигини суриштира бошлайди. Буюртмани қабул қилиб олиб, пулга қачон келиш кераклигини айтади. Белгиланган куни устахонага келасиз ва буюртмангизни оласиз.

Бунақаси ақлга сиғмайди дерсиз балки. Ҳа, бизнинг давримизда бунақаси бўлиши мумкин эмас. Аммо, ҳақиқатан ҳам яқингинада пулни буюртма қилиб олиш мумкин эди. Тағин, истаган миқдорингизда. Бунинг учун фақат бир нарса — олтин керак эди.

Муомалада олтин тангалар юритилган чор Россияси ва бошқа кўп мамлакатларда ҳар бир киши давлат зарбхоналарига олтин топшириб, ўрнига тангалар олиши мумкин эди. Петербургдаги зарбхонада бир пуд олтиндан танга ясаб бериш ҳақиға 42 сўмдан сал ортиқ олишарди.

Русда Иван Грознийнинг вориси Фёдор вақтидагина танга зарб қилиш фақат подшонинг махсус ҳуқуқи бўлиб қолди. Шунгача ҳар бир князь ўз-ўзига пул зарб қилиб олаверарди.

Москва, Новгород, Псков, Тверь, Рязань, Суздаль, Кашира, Можайск, Боровск, Ярославль, Городец, Верей, Ростов, Пронск





ва бошқа кўп шаҳарларда зарб қилинган қадимий рус тангалари ҳаммага маълум.

Буюк Карл империясида тангалар 95 жойда зарб қилинган.

Танганинг оғирлиги, металлнинг пробаси, чиқарилган пулнинг миқдорини ўз ҳолларича белгилардилар. Баъзи герман князлари тангаларни сон-саноксиз чиқаришарди. Бошқаларни, аксинча, жуда оз чиқаришар, аҳоли танга етишмаганидан қийналарди.

Йилда бир марта, ярмарка вақтида танга зарб қиладиган князликлар ҳам бўлган. Ярмарка ёпилиши билан пул зарб қилиш ҳам тўхтатилган.

Давлат зарбхоналари барпо этилгунга қадар танга зарб қилиш оддий ҳунар бўлган. Сайёр танга зарб қилувчилар бир князликдан иккинчисига ўз асбоб-ускуналари билан кўчиб юришган. Қаерда буюртма олишса ўша ерда тўхташар, керакли штемпель, металлни тайёрлаб, буюртмачи князга пул зарб қилиб беришган.

Сайёр пул зарб қилувчиларни Қадимий Римда ҳам билишарди. Улар саркардаларни ҳарбий юришларга кузатиб боришар, армия эҳтиёжи учун танга зарб қилиб беришарди.

Греция ва Римдаги зарбхоналар энг қадимий зарбхоналардир. Улар ибодатхоналарга жойлашган эдилар.

Франция қироли Қал Карл танга чиқариш ўз имтиёзи бўлиб қолишини, давлатда ундан бошқа ҳеч ким пул зарб қилмаслигини, бунинг учун зарбхона қирол саройида ва бир неча шаҳарларда бўлишини ҳамда кумуш қирол хазинасидагина сақланиб, махсус вакиллар томонидан олиниб, ўшалар орқали танга зарб қилувчиларга берилишини истади. Зарб қилувчилар қанча кумуш олган бўлсалар, хазинага шунча оғирликда тайёр танга қайтаришлари керак эди. Агар кумушнинг оғирлиги камайиб қолса зарбчинини ўтда ва қайноқ сувда азоблардилар. Ким тўғри бўлса азобга чидайдди, ким кечирим сўраса гапи тингланиб, қўли кесиб ташланади.

XVII асрда Россияда зарбхоналарни Катта хазина Маҳкама-си идора қилар, Маҳкама тайинлаган дворян эса бевосита

бошқарар эди. Дворяннинг ҳужжатларни ёзадиган, сақлайдиган ёрдамчиси — дьяк бўларди. Савдогарлардан сайлаб қўйилган шахс — бошлиқ пул ишлаб чиқариш устидан кузатиб борарди. Унга ёрдам бериш учун бир неча целовальниклар (мансабдор шахслар) ажратиларди. Ишлов бериладиган металл ва тайёр тангалар ана шу целовальниклар қўлидан ўтарди...

Ишга «пул усталари» раҳбарлик қилишарди. Пётр I даврида уларни немисчасига мюнцмейстерлар деб аташарди. Металлнинг софлигини, қотишма тайёрлашнинг тўғрилигини, штемпеллар ва зарб қилишнинг сифатини шулар текширишарди...

Эритувчи ишчилар металлни эритишарди, белги қўювчилар эритадиган қувачаларни металл билан тўлдириб туришарди.

Металл эритмасини сим қилиб тортишарди. Симни бўлакчаларга қесиб, ясси парчалар ҳосил қилишарди. Бу чўзувчиларнинг иши эди.

Ниҳоят, ясси парчалардан зарб қилувчилар танга ясашарди. Масулиятли ва мураккаб иш! Тангани оғир болга билан бир уришда зарб қилиш керак. Икки марта урилса тасвирлар чаплашиб кетиши мумкин.

XVIII аср штемпеллари сақланиб қолган. Улар оғир, жуда содда ишланган. Штемпелларни ўймакор усталар ясашган. Юқоридаги штемпелларда усталарнинг номи — В. А. деб кўрсатилган. Олимлар бунни ўша даврнинг машҳур ўймакор устаси (гравюрачиси) Василий Андреев эканлигини аниқлашди.

У пайтларда штемпелни етарли даражада қаттиқ қилиб ясаща олмаганлар. Улар тезда сийқаланиб, едирилиб кетарди. Зарб ажир-бужир, хира бўлиб чиқарди.

Пётр I даврида пул ишлари Москва зарбхонасида жамланган эди. Бу зарбхона Китай-город деб аталадиган районда эди. Зарбхона ҳам ана шундан Китай-город деб аталган.


Шундан бир оз кейин Москвада подшонинг 1696 йилги фармониغا мувофиқ «пул хазинаси қилиш учун» яна битта зарбхона пайдо бўлган.

Бу зарбхонанинг биноси ҳозир ҳам сақланиб қолганини баъзи москваликлар билишади. У В. И. Ленин музейи ёнида турипти. Бу қизил ғиштдан қурилган, оқ тош ва сопол билан чиройли қилиб безатилган катта бино.

Москвада бошқа зарбхоналар ҳам бўлган.

1711 йил, 11 июлда сенат, «кумуш пуллар фақат Китай-городдаги Пул саройида, мис пуллар эса Зарбхонада чиқарилсин» деб ҳукм чиқарди.

Пётр замонасидаги пулларда қайси зарбхонадан чиққан бўлса ўша зарбхонанинг белгиси: М—Москва, БК—Большая



казна, НД — Набережный двор, МД — Московский двор — қўйилган.

1719 йил 15 мартда Пётр I: Москвадаги пул зарбхоналари «Сарча асбоб-ускуналари ва усталари ҳамда хизматчилари билан келгуси 720 йилда сўзсиз Санкт-Петербургга кўчирилсин», деб фармон берган.

Пётр 1721 йил 28 февралдаги фармонига мувофиқ «олтин тангалар зарб қилиш ва бу ишни бошқаришни намунали йўлга қўйиш»ни таъсис этди, яъни, Пётрнинг фикрича, зарбхона фақат пул чиқариш билангина чекланмай, бу ишни ташкил этишнинг намунаси ҳам бўлиши керак эди. Бизнинг ҳозирги Ленинграддаги зарбхонамиз ана ўша зарбхонадир. Унинг очилганига яқинда икки ярим аср тўлади.


Ҳамма мамлакатлар ҳам ўзларининг зарбхоналарига эга эмас. Кичик мамлакатларга жуда ҳам кўп танга керак эмас. Мураккаб асбоб-ускуналар ва кўп одам ишлайдиган корхонанинг нима кераги бор? Зарбхонаси бўлган мамлакат билан шартнома тузиб, танга буюртиш осон ва арзон тушади. Масалан, буржуа Латвияси асримизнинг 20-йилларида тангани Швейцарияга буюртма қиларди.

Бу қоғоз пулларга ҳам тааллуқлидир. Уша Латвия 1938 йилда қоғоз пулларни Англиядан оларди.

Капиталистлар ўз таомилларига содиқ бўлиб, бу пулларга: «Англияда ишланган», деб белги қўярдилар. Тангалар ва қоғоз пуллар буюртмачи берган нусхага қараб ишланади, албатта.

## ТЕХНИКА

Қаршингиздаги қадимий суратда пул зарб қилувчининг устанонаси тасвирланган. Хўжайиннинг ўзи стол ёнида қандайдир қалин дафтарни, тўғрироғи, буюртмалар ёзиб қўйиладиган дафтарни варақлаб ўтирибди чоғи. Пул зарб қилувчи жуссали, яхши кийинган. Афтидан, у шугулланадиган касб тузуккина даромад



келтиради. Ёнида мижозлардан бири турибди. Яқингинасида металл тортиладиган тазосу. Оғзи очиқ печда металл эритадиган гилвата идишлар — тигеллар турибди, металл шунда эритилади.

Суратнинг ўртасида тасвирланган уста тегишли қалинликка келтириш учун металл парчасини яссиламоқда. Унинг ёнида, кенг тоштахта ортида қайчи ушлаган бошқа уста ўтирибди. У ясси металлларни тасма-тасма қилиб, кейин доира қилиб қирқаяпти. У бу ишни қўлда, чамалаб қилаяпти. Думалоқ металл парчалари ҳар хил катта-кичикликда бўлиб, шакли ҳам нотўғри. Устанинг ёнгинасида ва ерда турли оғирликдаги думалоқ металл парчалари учун бир қанча идишлар қўйилган.

Унинг қаршисида зарб урувчи ўтирибди. У оғир болға билан танга сурати ўйиб туширилган штемпелга уряпти.

Танганинг расмлари ва хатлари бир хилда равшан, тегишли даражада бўртиб чиқиши учун болғани бир маромда аниқ ва куч билан уриш керак.

Штамп остида бўлажак танганинг металли, уни шу ерда ўтирган шогирд бола қўйиб туради. Тайёр тангани ҳам шу бола олиб, темир сандиққа жойлайди.

Русда XVI асрда пул яшаш тасвирланган миниатюра ҳам бор. Пул зарб қилувчилардан бири босқонни босиб кўрадаги оловни олдираётгани, бошқаси қисқич билан металл эриб турган қувачани ушлаб тургани аниқ кўриниб турибди. Унг томонда — болға кўтариб турган зарб урувчи. Расмнинг юқори қисмида тайёр қилинган тангаларни улуг князь Иван Васильевич билан унинг онаси улуг княгина Еленага элтиб бераётганлари тасвирланган.

Танга зарб қилишда штемпель қисқичнинг ихтиро қилиниши прогрессив қадам бўлди. Юқори ва остки штемпеллар қисқичга умумий ўқ воситасида уланган бўлиб, бирваракайига танганинг икки томони зарб қилинарди. Бу ишни анча тезлаштирди, сифатини яхшилади.

Техника шу қадар содда бўлишига қарамай, қадимий греклар ва римликларнинг тангалари юқори сифатли бўлиб чиқарди.

Улар бошқа тангалардан аниқ-равшанлиги ва тасвирларнинг бежиримлиги билан ажралиб турарди. Гравюрачилар ва зарб қилувчи усталарнинг санъати ўша пайтдаги асбобларнинг тақомиллашмаган жойини қоплаб кетарди.

Ўрта асрларга келиб танга зарб қилиш санъати сусайиб кетди. Бу даврнинг тангалари ёмон, пала-партиш ясалган. Италиянинг Уйғониш даврига келиб пул зарб қилиш яхшиланди. Асбоб-ускуналар, суратлар, штемпель яшаш ишлари билан истеъдодли кишилар шуғулланишди.


Ажойиб инженер ва rassom, буюк даҳо Леонардо да Винчининг ўзи думалоқ тангаларни тўғри шаклда қирқадиган усулни қидириб топди.

Машҳур ўймакор ва заргар Бенвенуто Челлини зарб қилишда бурама пресдан фойдаланишни таклиф этди. Париж зарбхонасида тез орада биринчи зарб қилувчи машина пайдо бўлди.

Асосий қисми металл «бабка»дан иборат бўлган қўпол иншоот «болғаловчи ускуна»лар ўрнини кўп мамлакатларда, шу жумладан Россияда ҳам, аста-секин бурама преслар эгаллай бошлади. «Бабка» оғир юк бўлиб, у тепага, блокка осиб қўйилар, сув ғилдираги ёрдамида юқорига чиқариларди-да, бўшатиладиган, пастга тушиб, куч билан металлга зарб берарди.

Ўтган аср бошларида рус механиги И. А. Неведомский пул зарб қиладиган ажойиб машина кашф этди. Бу машина мураккаб ричаглар системаси ёрдамида ишларди. Ишнинг сифати аъло даражада бўлди. Машина штемпель тагига ясси металлларни автомат усулида узатиб, тайёр тангаларни йиғиштириб оларди.

Неведомскийнинг кашфиёти шу қадар мукамал бўлганки, дунёнинг кўпчилиги зарбхоналарида ҳозиргача ишлатилади. Аммо рус кишилари томонидан чоризм замонида қилинган кўплаб ихтиро ва кашфиётлар сингари Неведомский машинаси ҳам ўз ватанида қадрланмади. Лекин уда-бурон чет элликлар бу конструкцияни дар-



ров ўзлаштириб олдилар. Орадан кўп йиллар ўтгач подшо ҳукумати чет элдан хорижий ном билан аталган Неведомский машиналаридан бир нечтасини сотиб олди.

Рус ва жаҳон фани зарбхоналарда ишлаган кишилардан миннатдор бўлмоғи керак. Пул ишларида металлургия, химия, механика — ҳаммаси ҳам қўлланилади. Зарбхоналарнинг соф металл қотишмага, пробани тез ва аниқ ўлчашга бўлган эҳтиёжи олимларни худди шу соҳада ишлашга даъват этарди. Бу қандай натижалар берганини Петербург зарбхонаси мисолида кўриш мумкин.

XVII асрда Россия мис, олтин, кумуш, платина қазиб олишни эндигина ривожлантира бошлаган эди. Қайси конларни ишга солиш учун руда таркиби бойлигини аниқлашни ўрганиш зарур эди. Петербурглик олим В. де Геннин рудани синаб кўриш усулини биринчи бўлиб ишлаб чиқди, металларни химик анализдан ўтказадиган лаборатория барпо қилишни тавсия этди.

Асбобсоз уста Иван Мокеев Сибирь рудасидан кумуш эритиб олиш усулини кашф этди ва бу иши учун 1000 сўм мукофот олди. Бу мукофот ўша даврда жуда катта пул эди.

1727 йилда Иван Андреевич Шлаттер соф мис олишнинг оригинал усулини таклиф қилди ва буни Зарбхонада биринчи бўлиб қўллади. Металлларни аниқлаш учун кавшарлайдиган трубкани биринчи бўлиб ишлатган ҳам ўша.

Қислота ва бўёқ олиш учун Петербургдаги зарбхона кўп тажрибалар ўтказди. Бу соҳада атоқли химик Семён Прокофьевич Власов (1789—1821) айниқса кўп иш кўрсатди. Бу собиқ крепостной деҳқон мустақил равишда химия асосларини ўрганиб, Медикохирургия академиясига имтиҳонларни муваффақиятли топширди. Кейинчалик эса атоқли олим бўлиб етишди.

## ТАНГА НЕГА ДУМАЛОҚ?

Дунёдаги биринчи тангалар электрдан, яъни табиий, табиатнинг ўзи яратган олтин ва кумуш қотишмасидан, кейинчалик соф кумушдан, яна ҳам кейинроқ олтиндан қилинган. Қадимий Грециянинг баъзи шаҳарларида эрамиздан 400 йил муқаддам темир тангалар ҳам чиқарилгани маълум, ammo бу ҳисобга кирмайди.

Олтин тангалар аста-секин кўп тарқала бошлади. Утган асрнинг бошларида олтин тангаларга ер юзиде қазиб чиқарилган олтиннинг салкам ярми сарф бўлган, аср охирига келиб зарбхоналар барча олтинни, ҳатто запасдагиларнинг бир қисмини ҳам ишлатиб қўйганлар. Утган асрнинг сўнгги ўн беш йили ичидаги-

на танга зарб қилиш учун саккиз миллион килограммдан олтиқ олтин ишлатилган.

Россияда танга ясаш учун металл етишмаган, чет элдан сотиб олиш жуда қимматга тушган. Пётр I бу мушкул ҳолдан қутулишнинг ўзига хос йўлини топган.

Кўп сонли ибодатхоналар кўкракка тақиб юриладиган бутлар, вазмин шамдонлар, иконалар олдига ёқиб қўйиладиган мойчироқлар, иконаларнинг жилдлари сифатида олтин-кумушга ғарқ кўмилган эди. Подшо буларнинг ҳаммасини тортиб олмади-ку, лекин руҳонийлар ҳар ҳолда унча-мунча нарсаларидан маҳрум қилинди.

Хатқнинг қўлидаги олтин ва кумуш асбоблар жадал сотиб олинди. Булар эритилиб, Зарбхонага берилди.

Пётр шу билан бирга металл руда конларини разведка қилиш ва металл чиқаришни кенгайтириш юзасидан кескин чоралар кўрди. Булар яхши натижалар берди.

Россияда олтин танга чиқариш йилдан-йилга кўпайди. Агар Екатерина II даврида танга зарб қилишга 16 миллион сўмлик олтин сарфланган бўлса, Николай II даврида 2 миллиард сўмлик сарфланган.

Танга зарб қилиш пайтида олтин кўплаб нобуд бўлиб, олтин чангига айланиб кетган.

Айтишларича, ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШнинг Филладельфия шаҳридаги зарбхона яқинида жуда эски ибодатхона биноси бўлган. Уни таъмир қила бошлаганларида шаҳарликлардан бири унинг ҳеч нарсага эрзимайдиган томи тунукаларини сотишларини илтимос қилган. Ибодатхона жамоаси ҳеч нарсадан шубҳаланмай бу томни 3000 долларга сотган. Устомон харидор тунукаларни эритиб, 8 килограммга яқин олтин олган, бунинг баҳоси ибодатхона жамоасига тўлаган пулдан икки ҳисса кўп бўлган. Маълум бўлишича, кўп йиллар мобайнида зарбхона трубасидан учиб чиққан кўзга кўринмас олтин зарралари атрофга, кўпроқ ибодатхона томига қўнаверган.

Кейинчалик тангаларни мустаҳкамроқ материал — олтин билан мис, кумуш билан никель қотишмасидан қилинадиган бўлди. Соф мисдан, миснинг никель билан, қалай ёки рух билан қотишмасидан қилинган тангалар ҳам пайдо бўлди.

Ҳозирги тангаларга шунчалик одатланиб қолганмизки, уларнинг нима учун думалоқ эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ҳолбуки, бундай шакл бекорга танланмаган. Бир вақтлар пул чивик, сим, тўғри бурчакли тахтачалар шаклида ҳам бўлган-ку, ахир... Мусобақада эса гардиш ғолиб чиқди!

Тангани қалбакилаштириш қийин бўлиши керак. Уч бурчакли, тўрт бурчакли тангалар олтин ёки кумушдан қилинган

бўлса, уларни қалбакилаштириш ёки билинтирмай қирқиб олиш мумкин бўлади.

Гардишда қалбакилик ва уни бузиш кўрина қолади. Думалоқ шар шакли яна ҳам яхши, аммо шарсимон пулларни олиб юриш қийин. Аммо тарихда шунақа тангалар ҳам бўлган.

Танга мумкин қадар кам сийқаланиши керак. Сим тангалар тез синади, букилади, уч бурчакли ёки тўрт бурчакли тангалар эса бурчаги едирилиб кетади. Гардиш бу жиҳатдан ҳам афзалликка эга.

Ҳар ҳолда ҳамма мамлакатлар ҳам гардиш шаклини афзал кўравермайди. Бирма, Исроил ва бир қанча бошқа мамлакатлар розеткага ўхшаш тангалар чиқаришади. Бундай танганинг шакли эгри-бугридир. Ироқнинг 1959 йилда чиқарган 1 филслик тангаси қаламнинг ёғочига ўхшаб кўп қирралидир. Ҳиндистоннинг 1936 йилгача чиқарилган 2 анналик тангалари қизиқ. У — гардиш, аммо ундаги тўгарак чуқурчаси шу қадар кенги, тангани япалоқ узукка ўхшатиб юборади.

Тангаларни сийқаланишдан сақлаш учун унга бўртиқ ҳошиялар ишланади. Булар тангадаги тасвир ва хатларни сақлайди. Тангаларга ишланган аниқ, нозик тасвирлар уларни чиройли қилиш билан бирга тангани қалбакилаштиришни ҳам қийинлаштиради.

Танганинг ҳошиясига берилган кертиклар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Бир вақтлар кертиклар ўрнига аррачалар қилинган эди. Баъзи давлатларда ҳошия устига хат ҳам ёзилган.

Биринчи тангаларга хат ёзилмаган эди. Уларни ўлик тангалар деб аташарди.

Маълумки, Пётр I бошқа халқларнинг Россия учун фойдали бўлган барча ишларини бажонидил ва зўр ғайрат билан қабул қиларди. Аммо у янги рус тангаларига лотинча хат ёзиш таклифини қаҳр-ғазаб билан рад этди. Славянча хат ёзилган пулни чет мамлакатларда қабул қилишмайди, деб ишонтирмоқчи бўлишди уни.

«Тангани тезроқ чиқариб юборишни ўргатганларга эмас, балки, Россия давлатида уни қандай қилиб сақлаб қолиш усулини кўрсатган одамга раҳмат дейман», деб жавоб берган Пётр.

## ИЖОДҚОРЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Эски тангаларнинг юзасини одатда ҳокимнинг сурати, илоҳ ёки муқаддас ҳайвоннинг тасвири, ҳокимиятнинг символик белгиси, ёзув эгалларди.

Аммо гардишнинг четидаги бирон ерида сиз кўпинча кичкина галати суратни: балиқ шакли, номсиз гул, олти қиррали хоч, икс



шаклида бир-бирининг устига қўйилган ойболта, қулоғи силлиққина эгилган қувача, уч бурчак, доира, ўқланган камон ёки чизиқларнинг галати қилиб тўқилганини кўрасиз.

Бу танганинг намунасини ижод қилган, ўйган, зарб қилган ижодкорларнинг белгиси.

Тангаларда ижодкорнинг тўлиқ исми ҳам пайдо бўла бошлаган.

Псковнинг XV асрдаги тангалаарида қуйидагича ёзувни ўқиш мумкин: «Псковлик Заманиннинг пули».

Пул зарб қилувчи Заманиннинг номи йирик ҳарфлар билан ёзилган.

Баъзан меҳнаткаш инсоннинг тасвири тангадан мансабдорларнинг суратини сиқиб чиқарган.

Уша асрдаги Тверь пулларида болға ушлаб ўтирган одамнинг шакли аниқ кўринади. Бу одам ишляпти, танга зарб қилапти.

Ўз ишларидан фахрланувчи танга зарб қилувчилар танга инсонлар қўлига ўтиб узоқ ва мураккаб йўлга тушгунга қадар унга алоҳида нишон қўйиб чиқаришган. Танга ана шу нишон билан юз йиллаб қўлдан-қўлга ўтиб юрган.

Танга яшаш билан машҳур рассомлар шуғуллангани ҳақида тарихда кўплаб мисоллар бор.

Ўз ватанида Аристотел деб лақаб олган Рудольфо Фиоравенти иссиқ, узоқ Венециядан совуқ ва ўзига бегона бўлган Москвага келади.

Уни улуг князь Иван III чақиртирган эди. Италиялик бу одам эндигина ягона давлатга бирлаштирилган Россиянинг пойтахтини муносиб меъморлик асарлари билан безати керак эди.

Архитектор Фиоравенти ўз кучини сарфлайдиган жойни топган эди. Ҳамма уйлари ёғочдан қурилган Москва гиштин биноларни деярли билмас эди. Фиоравентининг лойиҳасига мувофиқ рус усталари томонидан Кремлда қурилган ажойиб Успенский черкови ўз вақтининг муъжизаси бўлди.

Аmmo Фиоравенти шу билан бирга моҳир механик ҳам эди. Россия Ғарбдаги душман қўшниларида ўзини ҳимоя қилиш учун қуролга муҳтож эди, шу боис италиялик тўп қуя бошлади.

Янги рус тангасини барпо этиш керак эди. Бу борада ҳам Фиоравентининг кўп қиррали истеъдоди қўл келди. Ана шунинг учун ҳам Иван III нинг пулларида лотин ҳарфида бу танга ижодчисининг номи «Аристотелес» деб ёзиб қўйилган эди.



Псковнинг Москвага буйсундирилгандан кейинги пули. Унда пул зарб қилувчи Заманиннинг номи бор.

Унинг ватандоши, флоренциялик ҳайкалтарош, илгарироқ номи тилга олинган Бенвенуто Челлини яна ҳам машҳур бўлди.

Бу одам заргарлик буюмларини, ҳайкалларни, медаллар ва тангаларни нозик-нафис ишлаши ва уларга бежирим шакллар бериши билан машҳур бўлиб кетди.

У ишлаган баъзи медаллар ва тангалар ҳозиргача сақланиб қолган.

Челлини даврида, Италиянинг бошқа кўп шаҳарлари каби, Рим ҳам папа ҳукмронлигида эди.

Ҳар бир папа давлат бошлиғи сифатида ўз пулини чиқарарди. Қлимент VII Бенвенуто Челлинига танга намунасини ишлашни буюрган. Челлини зарб қилган танга фавқулодда яхши чиққан. Уни папанинг ҳаққоний портрети ҳам буза олмаган. Унинг юзида ҳеч қандай «валий»ликдан нишона йўқ, биз тепакал, семизликдан юзлари бўртиб чиққан кишини кўрамиз.

Челлинининг ўша ва бошқа тангалари тарихийгина эмас, балки бадий жиҳатдан ҳам қимматлидир.

Пул зарб қилиш давлат ихтиёрига ўтиши билан зарбхоналарни жуда ҳам махфий тутадиган бўлдилар. У ерга жуда оз одам қўйилар, ҳар кимни ҳам ишга олишавермас эди.

Пул зарб қилувчиларга қадимдан қаттиқ талаб қўйиларди.

Қадимий Грециянинг зарбхоналарида фақат грек ишлай олиши мумкин эди. Биронта ҳам чет эллик одамни бу ерга яқинлаштирмас эди.

Қадимий Римда зарбхона устаси касби отадан болага мерос қоларди. Ота-бобоси зарбчи бўлиб ишлаган одам ишончли бўлар, наслдан-наслга кўчиб келган санъат борган сари такомиллашар эди.

Подшо Алексей Михайловичнинг замондоши П. Котошихин Россияда пул зарб қилувчиларни танлашнинг қанчалик жиддийлиги ҳақида қуйидагиларни айтади:

«Қатта хазина маҳкамаси, уни Стрелецлар маҳкамасини бошқарадиган бояр бошқаради, унинг ёнида думадан бир ўртоқ ва икки ёки уч дьяк ҳам бўлади...

Зарбхона ана шу маҳкамادا бўлиб, пул ишларига бир дворян ва дьяк қараб туради...

...Бу ишга пул зарб қиладиган усталарни озод ва савдо кишиларидан ўз хоҳиши билан, аммо кафил орқали қабул қилинади. Ишга қабул қилинганлар бутни ўпиб туриб подшо хизматиغا ўтгач, кумуш ва пул ўғирламасликка, кумушга мис, қалай ва бошқа ҳеч нарсени қўшмасликка, уйларида ўғринча пул ясамасликка, танга зарб қиладиган штампни ўғирламаслик ҳамда қалбаки штамп ясамасликка қасам ичадилар. Пул усталари, зарб қилувчилар, белги қўювчилар, қирқувчилар, чўзувчилар ва



отжигчилар<sup>1</sup> буларнинг ҳаммаси 200 кишига етади. Пул иши билан ташқарига чиқсалар ёки ташқаридан кирсалар, уларни мис, қалай, қўрғошин олиб кирмасинлар ёки олиб чиқиб кетмасинлар деб бошдан-оёқ тинтилади».

Котошихиннинг ёзишича Зарбхона қондасини бузган кишилар қаттиқ жазоланганлар: оғзиларига қалай эритиб қуйилган, қўллари кесиб ташланган, қулоқлари кесилган, қамчи билан саваланганлар, Сибирга жўнатилганлар, барча мол-мулклари тортиб олинган.

1740 йили сенат Санкт-Петербург зарбхонасига хизматчиларни паспорт ва «кафолат билан қабул қилинсин, акс ҳолда, бусиз қабул этиш хавфли, бундайлар ўғирлик қилишлари мумкин», — деб фармойиш берган. Паспорт ва кафолат талаб этиш ўша пайтларда сира кўрилмаган қаттиққўллик эди.

Танга зарб қилувчилар баъзи имтиёزلардан фойдалансалар ҳамки, уларнинг иш шароитлари ниҳоятда оғир эди. Давлат пул чиқаришни кўпайтирган пайтларда танга ясовчилар кўпинча йнгирма соатлаб узлуксиз ишлардилар.

Уларни «ўгринча» пул ясаш имкониятидан маҳрум этиш учун умуман уйларига юбормай қўйган ҳоллар ҳам бўлган. Улар ойлаб казармада, оилаларидан узоқда туришарди. Кишни таҳқирлайдиган таъқиб, тинтув, арзимас хато учун шафқатсизларча бериладиган жазоларни-ю қўяверасиз.

Буларнинг ҳаммаси танга зарб қилувчиларнинг жон-жонидан ўтиб кетарди. Қадим замонлардаёқ зарбхоналарда тез-тез исёнлар бўлиб турган.

Аврелиан замонасида Қадимий Рим танга зарб қилувчиларининг қўзғолони чинакам жангга айланиб кетган. Қўзғолончиларга қарши император томонидан ташланган 7000 аскар жангда ҳалок бўлган.

Ақлли ҳокимлар ва ҳукуматлар пул ишининг ниҳоятда муҳим эканлигига иқдор бўлиб, бу ишни бошқаришга мамлакатнинг

<sup>1</sup> Отжиг — металлга термик ишлов бериш усулларидан бири.

энг истеъдодли кишиларини жалб этганлар. Масалан, Лондондаги зарбхонага узоқ вақтгача улуғ олим Исаак Ньютон директорлик қилган.

1696 йил баҳорида Англияда пул кризиси бошланиб кетган. Ислохот муносабати билан мамлакатда пул қаҳатчилиги вужудга келган.

Ишчиларга ҳақ тўлашга пул бўлмаган, савдо-сотик тўхтаб қолган. Бутун иқтисодий ҳаёт издан чиққан. Пулни кескин равишда кўплаб чиқариш зарур бўлиб қолган. Ана шунда ҳукумат Ньютонга Бош зарбхона директорлигини таклиф этган. Олим бу ишга шунчалик иштиёқ ва зўр ғайрат билан киришиб кетганки, фанга қайтиш ҳақидаги маслаҳатларни рад этган. У пул зарб қилиш учун янги прессларни ишга солишга муваффақ бўлган, ишчилар сонини кўпайтирган. Унинг қистови билан мамлакатда янги зарбхоналар очилган.

Бундан ташқари, Ньютон кризиснинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ қилиш билан шуғулланган, бу тадқиқот тугагач, парламентга доклад ёзиб, бунда ўз хулосаларини муфассал кўрсатган.

### ЗАЯЧЬЕ ОРОЛИДА

Қадимий мақоллардан бирида: «Деҳқон шундай бойки, пулни паншаха билан шопиради», дейилади. Шунчалик кўп пули бор одам бўлмагандир-ов. Аммо Ленинград зарбхонасида эса яқингинада пулни ростдан ҳам белкуракда «курашарди».

Бизнинг давлатимизга кўп, жуда кўп танга керак. Тангасиз ҳеч қаерда иш битмайди. Аммо тангани ясаб бўлгач, уни ҳисоблаб чиқиш ва банкка ҳисоблаб ўтказиш керак.

Ленинграддаги зарбхонанинг кенг хоналаридан бирида яқин вақтгача узун, кенгбар столлар турарди. Ҳар қайси стол саҳнининг катта-кичиклиги қатъий равишда белгили эди. Унга бир сидра қиймати бир хил тангадан қанча кетиши олдиндан маълум эди. Ҳисобчи куракка сиққанча тангани олиб, стол устига тўкарди-да, уларни бир сидра ёйиб, зичлаб чиқарди, шундай зичлардики, танга стол саҳнини бир текис қопларди, шунда ҳисобчи танганинг саногини биларди-қўярди. Битталаб ҳисоблаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

Бу усул ўтмишда қолиб кетди. Ҳозир пулни машина, худди банкдагига ўхшаган машина ҳисоблайди.

Заячье оролида Петербург зарбхонаси қад кўтарганига талай йил бўлди, аммо ҳануз илгаригидек Ватанимизнинг ҳамма бурчакларига тангалар ана шу ердан, кўҳна Петропавловск қалъаси дарвозасидан тарқалади.

Зарурат туғилса, танганинг янги нухасини ҳам шу ерда тайёрланади.

Ленинград зарбхонаси дунёдаги энг йирик корхонадир. У такомиллашган машиналар билан жиҳозланган. Баъзи машиналар минутига 100 дан ортиқ танга зарб қилади.

Уттиз йилча муқаддам ер куррасидаги барча тангаларнинг 37 проценти шу ердан чиқариларди.

Ўз зарбхонаси бўлмаган баъзи чет эл давлатлари Ленинградга танга ясаб беришни буюртишарди. Булар буюртмачи берган сурат бўйича қатъий белгиланган миқдорда чиқариларди.

Ленинград зарбхонаси фақат танга зарб қилибгина қолмай, орденлар, эсдалик медаллари, турли значоклар ҳам ясайди. Бу буюмларнинг ҳар бири жажжи санъат асаридир.

### ПУЛ ФАБРИКАСИ

Катта давлатларда ҳозирги замон қоғоз пуллари техника, ҳунар, санъатнинг турли соҳаларидаги — рассомлар, ўймакорлар, фотографлар, химиклар, металлурглр, чилангарлар, матбаачилардан иборат кўп сонли штатга эга бўлган корхоналарда тайёрланади...

Совет Иттифоқида бундай корхона Москвадаги Гознак фабрикасида. Бир вақтлар уни давлат қоғозларини тайёрлайдиган Экспедиция деб аташарди. 1968 йили бу фабрика ўзининг 150 йиллик юбилейини байрам қилди.

Ҳозир ҳам фабрикада ишловчилардан: «Совет валюталарини ҳимоя қилиш» деган унча тушуниб бўлмайдиган иборани эшитиш мумкин. Бу нима?

Пул муомаласини издан чиқариш билан мамлакатнинг бутун ҳаётини тартибсиз ҳолга келтириш мумкинлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Душманларимиз тўхтовсиз шундай қилишга ҳаракат қилишади. Совет чегарачилари, чекистлар неча-неча марталаб СССРга пачка-пачка қалбаки совет пулларини яширинча олиб ўтиб, зимдан муомалага чиқариб юбориб, бу билан ҳақиқий пулнинг харид кучини камайтироқчи бўлган капиталистик мамлакатлар агентларини қўлга туширганлар.

Гознак бизнинг сўмларимизни қалбакилаштириш имконини йўқотиш, қалбаки пулни дарҳол ажратиб олиш осон бўлиши устида ҳам иш олиб боради.

Ана шунинг учун ҳам Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ В. И. Ленин давлат қоғозлари тайёрлаш Экспедициясининг ишларига (дастлабки пайтларда у эски номи билан юритилган) катта аҳамият берди.

...Республика марказида хавф-хатар кучли, Совет ҳокимиятининг душманлари билан сиёсий ва ҳарбий жанг кетяпти. Ленин

Экспедицияни мамлакатнинг ичкарасига, бежавотирроқ жойга кўчиришга қарор қилади. Босма дастгоҳлар йиғилиб, печать формалари тахланиб, ишчилар — деярли 39 минг киши — қақир-қуқурларини олиб, оилалари билан йўлга отланадилар. Пензага боришлари керак. У ерда эса на иш жойи ва на тураржой бор. Қоғоз йўқ, бўёқ етишмайди.

Аммо Экспедиция раҳбарлари қўлида Ленин имзо чеккан гувоҳнома бўлиб, уларга катта ҳуқуқ берилган. Ленин Пенза маъмурларига телефон орқали Экспедицияга ҳар тарафлама ёрдам бериш ҳақида буйруқ беради. Икки ойдан кейин эса темир йўлчиларга, почта-телеграф конторалари ва бошқа идораларга юк ҳамда одамларни бетўхтов ташиш, Экспедициянинг керакли ахборотларини телеграф, телефон, почта орқали биринчи навбатда жўнатиб туриш, муносиб бино топиш, ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақидаги янги ёзма буйруқ келди.

Шаҳарда унча аҳамиятга эга бўлмаган кичкина фабрика бор эди, Экспедициянинг бир қисми шу ерга жойлаштирилди; диний мактаб бор эди, буни ҳам эгаллашди... Шу тариқа бир амаллаб турли биноларга жойлашдилар.

Республика пулга муҳтож эди, Владимир Ильич телефон орқали иш қандай бораётганини сўрайди, дастгоҳларни тезроқ ишга туширишни талаб қилади.

Ишлаш эса ҳаддан ташқари оғир эди. Қоғозни узоқдан келтиришарди. Кўп материалларни ва ҳатто жиҳозларни бозордан — хусусий кишилардан, олибсотарлардан олишга тўғри келарди. Ишчилар тўйиб овқатланишмасди. Бир ойлик паёқлари 281 минг сўм турса ҳам, 30 қадоқ ун,  $\frac{3}{4}$  қадоқ қанд, 2 қадоқ туздан иборат эди. Аммо ишчилар ишлаш кераклигини билишарди. Бир ой вақт талаб қиладиган ишни олти кунда бажаришди: жиҳозлар ўрнатилди, дастгоҳлар ишга солинди, пул Совет ҳокимиятига хизмат қила бошлади.

Бу ҳокимият мустаҳкамланиб, граждандар уруши ҳам тугагач, Гознак Москвада қарор топди.

Ҳозир уилгариги Экспедицияга сира ўхшамайди. Аммо бу ерда шонли ўтмишни, Ватан учун қилинган фойдали ишларни доимо ёдда сақлайдилар. Уша вақтлардаги кўпгина кашфиётлар ва ихтиролардан ҳозир ҳам фойдаланилади.

Дастлабки совет пулларида ишчи, деҳқон, қизил аскар сура-ти босилган. Бу пулларни ушлаб кўрган одамлар уларни чиқаришга нақадар диққат билан, узоқ вақт ҳозирлик кўрилганини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Расмларнинг аниқ, равшан бўлишига эришмоқ керак эди. Кўз олдингизда жонли натура бўлмагандан кейин бунга эришиш осон эмас. Ажойиб совет ҳайкалтароши Шадрага—«Ишчи»,


«Дехқон», «Қизил аскар» нинг керакли моделини натураль кат-  
таликда ишлаб бериш топширилган. Ана шу ҳайкалларга қараб  
рассом сурат чизган. Шадранинг ҳайкалларини фабрикада  
ҳозир ҳам кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар рус акаде-  
миги Якоби Экспедиция устaxonасида жаҳонда биринчи бўлиб  
босма формасини гальванопластика усулида—аниқ, тез ва арзон  
ишлашни қўллаган эди. Рус механиги Орлов кўп рангда босади-  
ган оригинал машинани конструкция қилган эди. Орлов усули—  
«Орлов босмаси» шундай муваффақиятли чиқдики, бу машина  
ҳозир ҳам Европа ва АҚШда пул босишда қўлланилади.

Гознак фабрикасининг босма усули шу қадар такомиллаш-  
ган ва методлари шундай моҳиронаки, унга биргина пул босиш  
топширилмаган. Партия ва комсомол билетлари, паспортлар,  
Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг гувоҳномалари нақадар  
аниқ ва чиройли қилинганига назар ташланг, машҳур суратлар-  
дан нусха олиниб болаб нашр этилган китобларни варақланг,  
зиғирчагина қоғозда мураккаб ва рангли расмлар жойлашти-  
рилган хилма-хил почта маркаларини кўринг — буларнинг ҳам-  
маси Гознак фабрикасида ишланган.

Расмлар яна ҳам аниқ, бўёқлар тагин ҳам равшан ва айни-  
мас, қоғози пишиқ, тайёрланиши арзон бўлсин учун Москвадаги  
махсус илмий-тадқиқот институтида қанча-қанча олимлар меҳ-  
нат қилишяпти.





## НУМИЗМАТИКА<sup>1</sup>

Кўп қадимий хазиналар маълум менга.

Гёте, «Фауст»

### ХАЗИНАЛАР

Орангизда хазина ҳақида бирон воқеани ўқимаган одам бор-микин?

Том Сойернинг ажралмас дўсти Гек билан хазинани қандай қидиргани эсингиздами?

Стивенсон романи қаҳрамонлари Хазиналар оролини қидириб не-не саргузаштларни бошдан кечирмадилар.

Гоголнинг Рудо Панька қиссасидаги сеҳрланган хазиналарчи!

Хазиналар ҳақида ёзилган асарларнинг ҳаммасини санаб тугатиб бўлмайди. Бу ҳақда халқ нақларида, эртакларида, қизиқарли саргузашт қиссаларда ҳикоя қилинади.

Бу темада ёзилган илмий китоблар ҳам кўп, чунки хазиналар тасаввурдагина мавжуд бўлмай, улар ҳақиқатан ҳам топилиб туради. Бундай ҳар бир топилдиқ — фандаги бир воқеадир.

Колхоз ери ҳайдалмоқда. Трактор мотори бир маромда ишляпти, плуг ерни енгилгина ағдариб бормоқда. Шунда тўсатдан алланарса гурс этади, қисирлайди. Тракторчи плуг ер остидаги алланимани юзага чиқариб ташлаганини кўради. Бориб қараса, сопол қувача. Қувачанинг синган жойидан қоп-қора тангалар тўкилиб ётибди. Хазина-ку бу!

Ўрмонни тозалашмоқда. Қасал теккан, қурий бошлаган, қурт еган дарахтлар кесиб ташляпти. Ўрмон ёришиб кетади, қолган

<sup>1</sup> Нумизматика — қадимий танга-чақа ва медалларни тарихий ёдгорлик сифатида текширадиган фан.



соғлом дарахтлар эндиликда яйраб ўсади, қуёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлади. Навбат сершоҳ кекса эманга келади. У уч юз ёшга кирган. Бир вақтлар кўркам, қудратли, шох-шаббаси мўл бўлган, энди умри тугаб қолган. Унинг танасидаги ковак нақ дарвозадек келади.

Дарахт қирқувчилар унинг ёнига келиб, моторли аррани ишга солишди. Арра дарахтнинг юмшаб қолган танасига чийиллаб ботиб кетди. Кекса эман қуруқ шохлари қасир-қусурлаб ағанади. Ие, анави нима? Қирқилган жойида, тўнканинг ўртасида қандайдир идиш кўриниб турипти. Қадимий қувача экан. Оғзи смола қўйиб бекитиб ташланган. Бир неча ўн йиллаб шу ерда ётгани кўриниб турипти, устини мох қоплаган. Оғзини очишса— олтин тангалар.

Уни бу ерга ким қўйиб кетган? Эҳтимол талончилар ўғирлаб, шу ерга бекитиб кетгандирлар. Балки бунинг аксича, бой савдогар «ёмон кўзлардан» ёки ёнғиндан асраш учун бекитиб қўйгандир. Бекитган-у, сирини ҳеч кимга айтмай, ўзи ўлиб кетган.

Ҳозир биз омонат кассада ёки банкда сақлаганимиздек, эски вақтларда пулни ерга кўмиб қўйиш одат бўлган. Бунинг учун кулоллар ҳар хил катталиқда махсус сопол қувачалар ясаб беришарди.

1913 йилда Сванетияда бир деҳқон ўз уйи олдида ғалла янчиш учун хирмонжой қилган. Дўнгларни суриб, тошларни олиб ташлаб, ерни текислаши керак бўлган. Шу жойнинг қоқ ўртасида кўп замонлардан бери ётадиган кулранг тош роса овора қилган. Ўрнидан сира қўзғатиб бўлмаган. Деҳқон қўшнилари чақирган, отларни олиб келиб, судратишиб, бир амаллаб тошни жойидан қўзғатишган. Тош турган жойда чуқур, чуқурда эса сопол кўзани кўриб деҳқонлар ҳанг-манг бўлиб қолишган. Идишни синдиришса, ичидаги қадимий тангалар сочилиб кетган. Кейин маълум бўлишича булар Искандар замонасидан қолган Македония олтин статерлари экан.

Бундан бир неча йил муқаддам Таймир ярим ороли ёнида, денгизга чўкиб кетган кемадан оғзи яхшилаб смола билан бекитилган, ичи тўла пул бочкача топилган. Текширишлар оқибатида бу хазина XVII асрдаги рус денгизчилариники эканлиги аниқланди. Улар узоқ ва хатарли йўлга чиқиб, пулни кемага ортишган. Даҳшатли шимол денгизи одамларни ҳам, уларнинг пулларини ҳам ютиб юборган.

Танга хазиналарини кўпинча одамлар дафн қилинган жойлардан топадилар. Охиратга ишонч марҳумнинг қариндошлари-





Император  
Септимиий Се-  
верининг диорни  
(193—211).

ни қабрга пул, танга безаклар қўйишга мажбур қилган. Бу нарсалар қабрда неча-неча асрлаб ётаверган.

1882 йили Анапа яқинидаги қўрғонлардан бирида қазув ишлари ўтказилади. Бу ерда қадимий қабр ва хазиналар кўп. Қазилган қўрғондан Пантикапейянинг 400 тангаси солинган сопол кувача топишган.

Хазиналар қадим даврлар ҳақидаги қимматли маълумотларни бизнинг давримизгача сақлаб келган.

Бир-ярим тангаларни шундоққина ердан, қадимий иморатларнинг ёшиг поллари орасидан, кўл ва дарё тагларидан ҳам топишади. Зигирдекқина нарса, тушиб, йўқолиб қолиши ҳеч гап эмас-да, ахир!

Қадимий тангалар оилавий ёдгорликлар сифатида ҳам сақланиб қолган. Масалан, Украина ва Польшадаги баъзи оилаларда эрамиз бошларида зарб қилинган Рим диорлари наслдан-наслга ўтиб келади.

Бу тангаларда Рим императорининг боши тасвирланган. Билмасдан уни Иван Креститель деб ўйлаганлар, христианларнинг нақлича эътиқоди ганимлари унинг бошини танасидан жудо қилган экан. Диндорларга бу танга гўё кичкина икона каби хизмат қилган.

Тангаларнинг тақдири жуда қизиқ. Мана, Совет Белоруссиясининг қишлоғидан топилган бир неча юз танга. Бу ерда қанақаси йўқ дейсиз! Узоқ Константинополда Х асрда зарб қилинган танга, ёки мавави Болтиқ бўйи тангалари қандай қилиб бу ерга келиб қолди экан? Бағдод ва Антиохия, Самарқанд ва Исфаҳон, ўнлаб бошқа узоқ жойлардан ўтиб, белорус тупроғидаги кувачага жамлангунча қандай йўлларни босиб ўтганикин бу тангалар?

Бу ерга уларнинг ўзи келиб қолмаган. Уларни туя карвонлари жазирама қумлардан, эшакларда тоғ сўқмоқларидан, туркларнинг ёнбоши тик чиққан кемаларида денгизлардан олиб ўтганлар, уларни чарм ҳамёнларда, кенг белбоғларда шаҳарма-шаҳар олиб юрганлар. Уларни товар сотиб олиш учун келтирганлар.

Шундай қилиб, ҳатто биргина ердан топилган хазинанинг ўзи халқлар ўртасидаги алоқа, савдо «географияси», танга зарб қилинган жойлар ҳақида кўпгина воқеаларни ҳикоя қилиб бериши мумкин.

Сўнгги асрларда топилган кўплаб хазиналар орасида қачонлардир матбуотда талай мартабалаб ёзишган алоҳида машҳурлар ҳам бор.

1898 йилда Киев-Печерск лавраси ремонт қилинаётганда эски ёғоч полни кўчириб, тош ётқизмоқчи бўлишган.

Ишчилар чириган тахталарни кўчириб олишган, кейин унинг тагига тўкилган майда шағалларни лом билан уриб кўчира бошлашган. У ётавериб босилиб, қотиб қолган эди.

Иш тамом бўлиб қолай деганда ишчилардан бири ломи ярим белигача ерга кириб кетаётганини сезган. Бу шундоққина девор ёнида эди.

Бошлиқларини чақириб кўрсатишган. У шағалларни аста-секин кўчириб, тагини очиб қарашни буюрган. Тез орада пол тагидаги деворда чўян тахтача билан бекитиб қўйилган кичкина токча очилган. Токчада қалайдан ясалган тўртта идиш ва қадимий асалари уясига ўхшаш ёғоч бочкача турган экан.

Ҳамма идишлар ва бочкача олтин кумуш тангалар билан тўлдирилган, буларнинг кўпи жуда қадимий ҳамда ноёб тангалар экан. Хазинада 1 пуду 26 қадоқ олтин, 17 пуд кумуш бор экан.

Тангалар устида сарғайиб кетган қоғозлар бор экан. Ана шу қоғозлардан топилган барча бойликни роҳиблар лавра мулкидаги крепостной деҳқонлардан йиғиб олганлари маълум бўлган.

Бу хазина XVIII асрда яширилган экан. Бу пулларни нега яширишган экан? Тез орада бу саволга ҳам жавоб топилган. Маълум бўлишича, 1706 йили лаврага тўсатдан Пётр I келиб қолган ва қўшинни боқиб учун 20 минг пуд ғалла талаб қилган. Россия бу пайтда Швеция билан уруш ҳолатида эди.

Роҳиблар Пётрнинг черковга нисбатан бетакаллуфлигини билишган. У черков ҳам халқнинг барча мусибату машаққатларига шерик бўлишини талаб қилган ва роҳибларнинг бор-йўқларини неча-неча марталаб қоқиб-суқиб олган. Шу сабабли ибодатхонадагилар ўз бойлигидан қўрқиб, уни яширишга қарор қилганлар.

Сирни фақат тўрт роҳибгина билган. Улар яширилган хазинани ҳеч қачон ҳеч кимга айтмасликка ва «дориламон» кунлар келгунига қадар сир сақлашга қасамёд этганлар.

Аммо, инсоннинг умри қисқа, дунё эса бевафо, деганларидай, роҳиблар XVIII аср ўрталарида Киевда одамларни қириб кетган вабо пайтида ҳалок бўлишганми ёки бошқа ўлим топганларми, буни ҳеч ким билмайди-ю, лекин кўмилган пуллар деворда 200 йил қолиб кетган.

Ўтган аср ўрталарида бўлиб ўтган манави воқеани эшитинг:

Россия — Туркия уруши борарди. Бу уруш мустамлака учун, Қора денгизда ҳукмрон бўлиб қолиш учун олиб борилаётган уруш эди. Англия, Франция ва Сардиния Туркия томонда туриб урушардилар. Иттифоқчиларнинг қўшма флоти Қрим соҳиллари-

га ҳужум қиларди. Кемалардаги улкан тўплардан Севастополь ўққа тутиларди. Бу шаҳарнинг ҳимоячилари ўзларини абадий шон-шуҳратга буркадилар. Улар мислсиз мардлик кўрсатиб жанг қилдилар.

Иттифоқчилар кемалари орасида ўша пайтларда катта ҳисобланган елканли «Қора шаҳзода» номли кема ҳам бор эди. Унинг тағхонасида ҳарбий харажатларга мўлжалланган олтин бор эди.

Севастополни қамал қилиш қизғин бораётган бир пайтда денгизда даҳшатли довул кўтарилди. Тўлқинлар кемаларни итқитиб ўйнай бошлади. Ҳайбатли тўлқин «Қора шаҳзода»ни қояга кўтариб урди. Кема тешилиб, тезда сувга ғарқ бўлди. Хазина сув тагида қолди.

Революцияга қадар бир неча чет эл компаниялари рус ҳукуматининг рухсати билан «Қора шаҳзода»ни қидириб кўришди. Совет ҳукумати даврида ҳам японлар ва ўзимизнинг ғаввосларимиз бу кемани қидиришди. Аммо денгиз ўз сирини очмади. «Қора шаҳзода» топилмади. Бунинг сабаби, эҳтимол, инглизларнинг кема қаерда чўкканини аниқ айтмай, денгиз каби жимгина сир сақлаётганларидадир. Аммо улар билишади. Британия флотининг архивларида тегишли маълумотлар бўлиши керак. Бусиз топиш қийин.

Жаҳон океанларининг остида кўплаб кемалар ётибди, булар савдо, ҳарбий ва қароқчиларнинг кемалари. Улар бўрон ёки тўп ўқларидан парчаланиб, емирилган корпуслари сув ости қатламларига санчилган ҳолда ўз юклари билан кўмилиб ётибди.

Ҳозирги замон техникаси инсонга денгиз остига талайгина чуқурликка тушишга, сув остида узоқ вақт туришга, атрофни синчиклаб кузатишга имкон беради. Аквалангни ким билмайди? Енгил, қулай мослама, унда кемага сим ва труба орқали боғланган, скафандр кийган ғаввос туша олмайдиган жойга тушиш мумкин. Аквалангчи аллазамонлар чўкиб кетган кемага кириб, уни кўздан кечириб, сув остига кўмилган шаҳар кўчаларини «сайр» эта олади. Чуқур сув остида сурат оладиган, телевидение ёрдамида разведка қиладиган асбоблар аквалангчи хизматида...

Сув остидаги хазиналарни қидирувчи овчилар пайдо бўлди. Эски ҳужжатларни ўрганиб, нақлларни ёзиб олиб, излашга тушадди улар. Баъзан бундай қидирувлар муваффақиятли тугайди.

Испаниянинг йирик елканли кемалардан иборат флоти Американинг Флорида қирғоқлари ёқалаб сузган пайтдан буён кўп замонлар ўтиб кетди. Уша кемаларнинг юкхоналарида анчамунча олтин ва кумуш тангалар бор эди. Денгиз қутуриб, флотнинг бир қисми чўкиб кетди ва 250 йилдан бери океан тагида

хароб бўлиб, моллюскалар уя қуриб, сув ўтлари босиб ётарди. Ҳалокат юз берган жойни ҳеч ким аниқ билмасди.

Ниҳоят, бундан икки йилча муқаддам америкалик бир неча ҳазина изловчилар ўша кемаларни ахтаришга отландилар. Хазинани топдилар ҳам. Қадимий тангалар ва қимматбаҳо заргарлик буюмларидан кўпгинасини олиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Мана бу эса олимларни ҳаяжонга солган яқингинада бўлган воқеа. Украинанинг Одесса областида алоҳида диққатга сазовор нарсаси бўлмаган Орловка қишлоғи бор. 1967 йилнинг охирида қишлоқ аҳолисидан бири ҳовлисиغا омборхона қурмоқчи бўлган. Дурадгорларни чақириб, ишга киришган. Омборхона тушадиган жойни текислашаётганда белкурак ғалати идишга теккан. Бу идиш бронзадан ясалган, шакли чиройли, хийла шикастланган, аммо занглаб-чириб кетмаган. Идишнинг оғзи бекитиглиқ. Оғзини очганларида майда думалоқ нарсалар сочилиб кетган, уларнинг бирида — қуш, бошқасида — одам шакли, учинчисида — ғалати бош кийим сурати бор экан.

Бу кўримсиз нарсалар дурадгорларни қизиқтирмаган, уларни болалар бирпасда ўйинчоқ қилиб талашиб кетишган, идишини эса ахлатга улоқтириб юборишган.

Орадан бир неча кун ўтгач, милиция идорасига бир колхозчи кириб келиб, ҳалиги ўйинчоқлардан бир нечасини топширган ва, фикримча булар қадимги тангалар бўлиши керак, деган. Милиция идорасида колхозчининг сўзини диққат билан тинглашиб, келтирилган нарсаларни билимдон кишиларга кўрсатишган. Шундан кейин тез орада бу ажойиб топилдиқ ҳақида бутун олам хабардор бўлди. Маълум бўлишича, кувачадаги қадимий кизикин тангалари экан.

Орловкадан узоқда, Мармар денгизи бўйида (ҳозир бу жойлар Туркияга қарайди) икки ярим минг йил илгари қадимий Грециянинг Кизик шаҳри бўлган. Топилган тангаларни ўша пайтда шу шаҳарда электрондан зарб қилишган экан. Пул учун масофа ҳеч гап эмас, кизикинлар ҳам узоқ соҳилга сув орқали келиб қолган... Грециядан Орловкага қандай келиб қолган дейсизми? Афтидан, ҳозир Орловка жойлашган ерда одамлар жуда қадимдан яшаганлар ва денгиз ортидагилар билан савдо қилганлар. Эҳтимол, савдо йўли шу ердан ўтгандир, қароқчилардан қўрққан савдогар қимматбаҳо нарсаларини панароқ жойга кўмиб кетгандир. Қайтишда олиб кетмоқчи бўлгандир-у, лекин буёққа етиб келолмагандир. Ҳали ер бағрида очилмай ётган хазиналар озмунчамикин! Кўп хазиналар бизнинг давримизгача етиб келмаган, уларни йиртқишлар — бойимоқ ниятида хазина ахтарувчи одамлар гумдон қилганлар.

Яқин вақтларгача хазина ахтарувчилик касби мавжуд эди. Кўп сонли қаллоблар дунё бўйлаб изғиб, қадимги қабр, мақбаралар қаерларда сақланиб қолганини искаб топишар, кейин яширинча ёки маҳаллий ҳокимиятни сотиб олиб, ўша жойларни қазиб, хазиналарни талаб кетишарди. Ана шуларнинг касридан «иссоният ўтмишига доир муҳим маълумотлар батамом йўқолиб кетган.

Энг юксак унвонли кишилар ҳам кўпинча хазина ахтариш билан шуғулланганлар. Масалан, Иван Грозний ҳам бундан хазар қилмаган. У Новгороддаги София ибодатхонасида «қадимий яширин хазинани» узоқ вақт излаган ва ниҳоят 1547 йилда топган.

Мабодо сиз, ўқувчилар, бирон вақт хазина топиш бахтига мўъссар бўлиб қолсанглар, бунга эҳтиёт бўлиб қаранглар, билимдон одамларни чақиринглар. Ундаги ҳамма нарса муҳим бўлади. Аммо энг муҳими, ичидаги нарса ёки буюм. «Ёдгорлик учун» деб биронта тангани олиб қолманглар. Эҳтимол сирнинг калити худди ўша тангадир, эҳтимол олимлар кўп вақтдан бери бош қотираётган масалага фақат ўша танга жавоб берад. Ҳатто хазина қаердан қазиб олинигани ҳам фанга кўп маълумот беради. Идишини авайланглар. Эҳтимол у ғўладан ўйиб қилинган, ойна, сопол ёки металлдан ясалган идиш, ҳайвон шохи, қайин пўстлоғидан қилинган қопқоқли қутича, тери, газламадан тикилган халта бўлар. Вақт ўтиши билан шикастланган бўлиши ҳам мумкин, аммо омон қолгани ҳам қимматли. Унда кўзга кўринмас ёзувлар, белгилар бўлиши мумкин. Хазина жойланган материалнинг ўзи ҳам қизиқтиради фанни.

## МЕТАЛЛ ҲИҚОЯЧИЛАР

Агар қўлингизга қадимий танга тушиб қолса, унга ҳурмат билан қаранг. У кўп нарсани кўрган ва кўп нарсани билади. Сийқаланган расм ва ёзувлари юз йиллаб номаълум бўлиб келган сирни очиб бериши мумкин. Кичкина металл парчасида муҳим ва хилма-хил маълумотлар яшириниб ётади.

Дарҳақиқат, ўша замонда қандай металллар қазиб чиқарилганини, унинг миқдорини, танга зарб қилувчилар қотишма қилишни билганларми, металлни аралашмадан ажрата олганларми, унга қандай усул билан — қуйма ёки тоблаш усули билан ишлов берганларини тангага ишлатилган материалга қараб билдириш мумкин.

Агар бир хилдаги бир неча тангани тортиб кўрилса ўша замонларда оғирликни қанчалик аниқ ўлчаганларини, қандай ўлшов бирлигидан фойдаланганларини аниқлаш мумкин.


Бошқа маълумотлар билан бирга танганинг оғирлиги ўша даврдаги баҳони билишга ёрдам беради. Оғирлик пулнинг бузилганини ҳам билдиради.

Олтин ва кумуш тангаларнинг пробаси давлатнинг бойлигини, тангани сифатини бузиб, ўз халқини алдаган ноинсоф ҳокимни тасаввур этишга ёрдам беради.

Тангадаги расм ва ёзувлар айниқса қизиқ. Ана шу расм ва ёзувлар кўпинча қадимий халқлар ҳаётининг кўп томонларини ўрганишда ягона манба ҳисобланади.

Бизнинг замонамиздан минг-минг йиллар илгари яшаган кишининг расмини кўриш нақадар қизиқарли! Бундай имкониятни бизга баъзан «тош китоб» — тошга битилган расм ва хатлар беради. Аммо тош осонгина емирилади, у сувда, шамол ва бўронда бузилади. Бўрон, zilзила, уруш пайтларида қанчадан-қанча ёд-горликлар емирилган.

Минглаб зарб қилинган кичкинагина тангалар эса ўзида акс эттирилган машҳур зодагон тимсолини бизнинг замонамизгача сақлаб қолган.



Сосонийлар подшоҳи  
Кованинг дирҳами  
(489—531).



Александр Македонскийнинг кумуш  
тангаси.



Мана, сосонийлар замонасидаги Эрон подшоси Кованинг дирҳами. У эрамизнинг 489—531 йилларида ҳукмронлик қилган. Тангада унинг расми акс эттирилган. Бу, албатта, фотография эмас, аммо у шубҳасиз, оригиналнинг характерли томонларини тасвир қила олган. Сурат схематик тарзда ишланганига қарамай, юзи, соқоли, узун сочларидан шарқ кишисига хос қиёфаси аниқ билиниб турипти.

Александр Македонскийнинг тетрадрахмасида улуг лашкар-бошининг тасвири бор. Сурат аниқ ўзиники: қадимий ёзма ёд-горликлар бунини тасдиқлайди.

Пешонасида чуқур ажинлар, катта танқай бурун, яяги чўзиқ. Қадимий ўймакор-гравюрочилар Понта шоҳларининг суратларини муболағасиз ишлаганлар.

Бутун маданий инсониятга қимматли бўлган машҳур шоирлар, ёзувчилар, файласуфларнинг ҳам юз бичимлари тангаларда сақланиб қолган. Сапфо, Геродот, Гиппократ, Гораций!..

Вақт жуда кўп архитектура ва санъат ёдгорликларини емириб ташлади, улардан баъзиларининг харобаларигина сақланиб қолган. Булар фақат тангадагина аввалги аҳволларида сақланиб қолганлар. Бу санъатшуносларга вайроналарни тиклашда ёрдам беради.



Клавдийнинг тасвири туширилган танга.

Юлий Цезарь тасвирланган танга.

Тангада ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар расмининг бўлиши пул ишланган ўша мамлакатдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами ҳақида маълумот беради. Масалан, Родос ороли аҳолиси ўз тангаларига атиргулни зарб қилганлар. Бу бекорга қилинмаган: шу оролда атиргул жуда кўп бўлган.

Халқ жуда кўп афсоналарни билади. Булардан баъзилари тангага ҳам кўчирилган. Ривоятларга қараганда Римга ёшлигида бўрини эмган ака-ука Рем ва Ромул асос қуришган. Уларни чўпон Фавстул топиб олган. Тангада бўри ва уни эмиб турган Рем ва Ромул—Римнинг герби тасвирланган.

Жанговар воқеалар тасвири улуғ жанглар ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради, улар бўлиб ўтган вақтни аниқлашга имкон беради.

Қадимги замон тангаларида бир тўда атлетлар, соврин гулчамбари турган столлар сурати бўлиши инсониятнинг спортга кўп асрлардан буён қизиқишини кўрсатади.

Ҳозирги замоннинг бир-бирига чирмашган бешта бармоқ сурати оқ металлдан ишланган тангаси ўша тангаларга мос тушади. Бу танга 1964 йили Японияда Олимпиада шарафига зарб қилинган.

Дин тарихи билан шугулланувчи кишилар ҳам тангалардан анчагина материал ола биладилар: ўтмишда эътиқод қилинган





Августнинг тасвири  
туширилган танга.



Эрамиздан аввалги IV  
асрдаги грек тангаси.

маъбудлар, ибодатхоналар, ирим-сиримлар манзараси тасвири-ни кўрадилар.

Тангалар сиёсий курашлар, одамларнинг бир-бирларига муносабатлари ҳақида ҳам ҳикоя қиладилар.

Қироллар ва папалар ўртасида халқ устидан ҳукмронлик қилиш учун кураш кўп йилларга чўзилди. Рақиблар бир-бирларига зиён етказиш учун бирон қулай фурсатни бой беришмас эди. Ифво, қотил ёллаш, малъунлик ва заҳар, сотқинлик ва зўравонлик — ҳеч нарсадан қайтишмасди. Қироллар папаларни бузилган, жоҳил, айёр одамлар деб ҳисоблардилар. Папалар ҳам шу гаплар билан жавоб қайтаришарди.

Франция қироли Людовик XII нинг тангаларида ана шулар акс эттирилган. У папа Юлий I га нафрат билан қарагани учун тангаларга: «Вавилон номини йўқ қиламиз» деган сўзларни ўйиб ёзишни буюрган. Вавилон, христианларнинг тушунчасича — беномуслик, одобсизлик тимсоли; Вавилон ҳақида гапирганда қирол папа ҳукмронлигини кўзда тутган.

1965 йили кумушдан зарб қилинган Канада доллари кўринишидан бировга тегиб кетмайдиган ва чиройли: бир томонида инглиз қироличаси Елизаветанинг, иккинчи томонида америкалик ҳиндиларнинг узун тор қайиғи, унинг ичида миллий кийимдаги икки эшкакчи. Расм гўё канадаликка, бунга қара, мана қизил танли одамлар, булар сенинг ота-боболаринг — европаликлардан олдин Америка қитъасида яшашарди. Улар ҳозир оқлар ўрнашиб олган бу ерларнинг эгалари, яқингинада ҳайвонотга бой текисликлар ва ўрмонлар, кўлу дарёлар шуларники эди... Ўз ерларини сенга бўшатиб берган бу сахий кишилардан миннатдор бўл, деб турарди.

Доллар алдаяпти! У яхши ишланган, ҳа, расми сохта, ҳинди-



Ян Гус қатл этилиши муносабати билан  
чиқарилган танга.

ларни таҳқирлаш бу. Оқ танли мустамлакачилар уларни деярли қириб ташлаганлар, ярим миллионга ётар-етмас ҳинди қолган. Улар йўқолиб бораётган ҳайвонлар сингари қўриқхоналарда, «эҳтиёт жойларда» яшайдилар, кафтдеккина ерларида қишлоқ хўжалиги билан шуғулладилар ёки ҳунармандчилик билан кун кечирадилар. Корчалонлар уларни арзимас пулга ёллаб, бой туристларга намойиш қилиб кўрсатадилар. Шунда ҳиндиларга қадимий жанговар кийимлар кийгизилади, бошлари патлар билан безатилади.

Бахтсиз, эзилган бу одамлар ҳанузгача золимларга қарши курашишга ҳаракат қиладилар: ҳиндиларнинг бундан 40 йил муқаддам мустамлакачилар босиб олган 400 миллион гектар ерларини қайтариб бериш ҳақидаги даъвоси Америка судида кўп йиллардан бери ҳаракатсиз ётипти.

Кимдир, Нью-Йорк алдов ҳисобига қурилган, деган эди. Рост ҳам шу, Нью-Йорк шаҳри жойлашган Манхэттен оролини



Ғим динори.



Мессалини тасвири  
туширилган танга.

хиндилардан бор-йўғи 24 доллар турадиган вино ва майда-чуйда безаклар эвазига сотиб олганлар.

Черковларнинг энг мудҳиш, қонли ишларини тангалар «эслаб қолган».

Мана, шундай тангалардан бири. Бу танга улуғ чех—Ян Гуснинг қатли муносабати билан чиқарилган. У ўз халқининг озодлиги учун, папалар ҳукмронлиги ва черковнинг шармандали ёвузликларига қарши курашган. Черков ҳам ундан қасос олган: 1415 йилда уни даҳрий сифатида тириклайин ўтда ёндиршган.

Хавfli душман устидан қилинган галаба шарафига Ватикан махус танга чиқаришни буюрган. Бу тангада устунга боғланиб ўтда куйдирилаётган Ян Гус акс эттирилган.

1572 йил 24 августга ўтар кечаси Франция католиклари папанинг васвасаси билан ўзларининг 2000 диний рақиблари — гугенотларни сўйганлар. Бу кеча Варфоломей кечаси деб ном олган. Черков ўзи учун «қувончли» бўлган бу воқеани ҳам танга чиқариш билан нишонлаган. Танганинг бир томонида қирғиннинг илҳомчиси папа Григорий XIII нинг расми, иккинчи томонида қилич ва бут кўтарган фаришта сўйилган мурдалар уюми олдиди турипти.

Шарқ мамлакатларининг эски тангаларида расмларни кўрмайсиз, танганинг икки томонида ҳам ёзув. Бу ёзувларнинг кўпи Қуръон оятлари. Бундай тангани топган мусулмон уни ҳамёнига солишдан аввал лабига теккизиб оларди. Қуръон оятларидан кейин оллоҳ, унинг пайгамбари, худонинг ноиби ва барча мусулмонларнинг олий ҳокими — халифа, вилоят ҳокимининг номлари, кейин танга ҳақидаги маълумотлар: қаерда ва қайси йили чиқарилгани кўрсатиларди.

Бундай тангалардан тарихчи кўп нарсани билиб олиши мумкин.

XI асрдаги рус князларининг тангаларида бундай ёзувларни кўрмайсиз, шунинг учун ҳам хазина текшириб кўрилганда буни ким чиқарганини аниқлашга кўп ҳаракат қилганлар. Аввалига ҳар бир тангадаги ўқиб бўлмайдиган белгилар ёрдам берарди.



Агрипина (кагтаси)  
тасвири туширилган  
танга.



„Варфоломей кечаси“ хотираси  
учун папа Григорий XIII тасвири  
билан зарб қилинган танга.

Булар баъзан бир-бирига ўхшар, баъзан эса ўхшамас эди, аммо бари бир улардаги расмларда умумий ўхшашлик бор. Ўрганиб, солиштириб, ниҳоят, бундай англаб бўлмас белгилар — насл-касаби князь Рюрикка бориб тақалган князларнинг герби эканлигини топганлар. Унинг герби уч тишли айри эди. Авлодлари бу гербини асосан сақлаб қолишган, аммо ҳар бир князь ўзича тасвирлаган. Ҳар қайси гербнинг хусусиятларини бир-биридан фарқлашни ўрганиб олган нумизматиклар эндиликда танга қаерда ва қачон чиқарилганини осонгина аниқлайдилар.

1556 йилда Нидерландия испан қироли Филипп Иккинчининг ҳукмронлигига тушиб қолади, халқ чет элликлар зулмидан, қирол ўзбошимчалигию ҳокимнинг шафқатсизлигидан азоб чекади, аммо бўйсунмайди. Исён кетидан исён кўтарилиб туради. Халқ қурол билангина курашиб қолмайди. Бўлажак ғалаба, мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида қўзғолончи халқ ўз тангасини чиқаради.

Қўзғолончиларнинг металл ҳам, пул зарб қиладиган пресси ҳам йўқ эди, улар тангани картондан ишлайдилар.

Ҳатто турли даврлардаги модаларни ҳам тангадан билиш мумкин.

Подшолар кўпинча тангада ўз тасвирларини ишлаттирардилар. Аммо баъзи малика, ворислар ва подшо оиласининг бошқа аъзоларининг ҳам суратлари тасвирланарди. Римнинг баъзи тангаларида маликанинг расми зарб қилинган. Бундай тангалардан тузилган «портретлар галереяси» хотин-қизлар причёскаларини ўрганишга хизмат қилади. Бу шунчаки эрмак учун эмас, албатта.

Археологлар қазув пайтида хотин кишининг ҳайкалчасини топдилар дея тасаввур қилинг. У ярим емирилган бўлса ҳам юксак санъат асари эканлиги сезилиб туради. Мармарига ва топилган жойига қараб бу қайси мамлакатда ясалганини тахминан аниқласа бўлади. Лекин қачон ясалганини-чи?

Бу масалада ҳам танга ёрдам беради. Сочи ҳайкалча причёскасига ўхшаш маликанинг расми туширилган тангани топилса бас, жумбоқ ечиләди-қолади.

Тангадаги суратлар рассомларга ҳам, театрға ҳам, киноға ҳам —хуллас, қадим ўтмишдаги одамлар образини яратмоқчи бўлганларнинг ҳаммасига ҳам ёрдам беради.

Танга Франция халқига алоҳида хизмат қилган. Бу воқеа Улуғ француз революцияси пайтида содир бўлган. 1789 йил 13 июлда Париж узра бонг садолари таралади — халқ қирол ҳокимиятига қарши курашға отланади. Одамлар тош, болта, қўлбола найзаларни кўтариб боршарди. Баъзиларининг милтиқлари ҳам бор эди.

Қирол Людовик XVI исёнчи халққа қарши қўшин юборади, аммо қўшин сиқувға бардош беролмай чекинади. Эртасига халқ Бастилияни ишғол қилади, маҳбуслар озодликка чиқадилар. Революция ҳамма ерда ғалаба қозонади.

1791 йил июнида Франция чеккасида, чегара ёқалаб кетган йўлда тўрт ғилдиракли, усти ёпиқ оддийгина енгил арава зинғиллаб борарди. Извошчи Варенн деган жойда тўхтаб, тез чолиб келаётган отларға овқат бериб, сугориб олмоқчи бўлди. Ошхона зинапоясига туриб, хўрандаларни кўтаётган шу ерлик ошхона эгаси хизматға ошиқди. Кейин, извошчи то отларини хашаклан-тиргунича, ошхоначи калта трубкасини оғзига солиб, тагин бирон нарса керак бўлиб қолмасмикин, деб нарироқда кузатиб турди. Соябон араванинг кўриниши унинг эътиборини тортди: ундан ҳеч ким чиқмаяпти, пардалар яхшилаб беркитилган, аммо ичида биров борға ўхшайди, рессорли кузови қимирлаётгани сезилиб турипти. Бу қанақаси бўлди экан? Ошхоначи тамакисини чекиб бўлиб, бўш челақни олиб келгани борган эди, ичкаридаги одам, нега бунча туриб қолдик, дегандек парданинг бир чеккасини очиб қаради. «Таниш кўринади-ку афти. Афтидан, жуда катта жанобға ўхшайди. Уни қаерда кўрган эдим-а?» Шу чоқ ошхоначининг эсига бир нарса тушди: ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қилиб, пештахта орқасидаги касса ёнига борди-да, қиролнинг расми бор тангани олди... «Уша!»

Ошхоначининг шовқини билан халойиқ тўпланиб, соябон аравани очиб қарашса, қиролнинг ўзигина эмас, қиролича ҳам шу ерда экан. Людовик XVI билан Мария-Антуанетта. Улар халқ

тазабидан қутулмоқчи бўлиб, Франциядан қочиб кетишгаётган экан.

Ҳоразм Халқ Республикасининг тангаси яқин ўтмиш, шонли революцион ишлар ҳақида, бу ўлка халқининг ғалабаси ҳақида ҳикоя қилади.

Қадимий, Россиядан узоқ ерлар! Октябрь социалистик революциясидан деярли уч йил кейин бу ердаги халқ хонни тахтдан қулатишга муваффақ бўлди. Шундан кейин илгариги танга ўрнига ўроқ ва болға сурати туширилган янги тангалар пайдо бўлди. Танганинг тагида арабча ёзув. Орқа томонида рус тилида: 25 сўм, 100 сўм деган сўзларни ўқиймиз.

Тарих ҳокимнинг шуҳратпарастлиги ва такаббурлигини ифода қиладиган, ҳеч нарсага арзимайдиган ёзувларни ҳам билади. XIX асрда Вьетнамда ҳукмдорлик қилган император 5 дуклик танга зарб қилади. Танганинг ўртасидаги туйнук атрофи-га иероглифлар билан: «Тхиеу Чининг миллионлаб одамлар ишлатадиган тангаси», деб ёзилган.

Шарқий славян қабилалари яшаган жойлардан топилган баъзи нарсалар нуқталар ва тирналганга ўхшаш чизиқлар билан қопланган, аммо ҳеч ким буларни ёзув деб ўйламаган. Солиштириб кўрилганда буларнинг тангалардаги белгиларга ўхшашлиги аён бўлди. Бу белгиларни ҳарф сифатида ўқишга ҳаракат қилиб кўрилди, ана шунда, мўъжиза юз берди: «тирналган чизиқлар» тилга кирди! Баъзи олимларнинг фараз қилишларича булар славянларнинг номаълум ёзувидаги сўзлар бўлиб чиқди.

Бу фаразлар келгусида пухта текширишни талаб қилади. Эҳтимол, олимлар қадимий рус алфавитини кашф этгандирлар.

Пётр I тангаларида қандайдир дўппайган бўртмачалар бор. Танга қанча катта бўлса бўртмачалар ҳам шунча катта. Бу безак эмас—ўқишни билмаганлар шу бўртмачаларга қараб пулининг қийматини билишган.

Тангалар ўзлари ҳақида, уларни қандай ясаганлари ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Қизиқ хангомаларга дуч келиш мумкин. Тангада, масалан, ҳокимнинг боши ёки қад-қомати ҳам, давлатнинг герби ҳам, бирор қаҳрамон ҳам тасвирланмаган... шунчаки оёқнинг расми. Кенг, гўштор оёқ. Биринчи қарашда кулгили ва бемаъни кўрилади, таҳлил қилиб кўрсангиз, ундай эмаслиги маълум бўлади. Эрамиздан анча илгари мавжуд бўлган Рим республикаси даврида махсус амалдорлар танга зарб этиш устидан назорат қилиб турганлар. Ҳар бир амалдор тангага ўз белгисини қўйган. Бундай амалдорлардан бирининг исми Крассипед — «йўғоноёқ»

бўлган. Тангада кўрганимиз ана ўшанинг оёғи. Гоятда ғалати белги-я!

Одамлар жуда кўп танга зарб қилганлар. Кўплари йўқ бўлиб кетган, уларни билмаймиз, маълумлари ҳам ниҳоятда кўп. Шунини айтиш кифояки, бизнинг Эрмитажнинг ўзидаги коллекцияда бундай тангалар 300 мингдан зиёд.

Ана шу металл ҳикоячиларнинг ҳар бири лоақал биттадан сўзни айтган чоғда ҳам фан кўп нарсани билиб олади.

### ОВЧИЛАР. НОДИР ТАНГАЛАР

Қадимий тангалар ўрганиш учун жуда қизиқ буюм эканлиги кўпдан маълум. Бундан юз йиллар илгари турли мамлакатларда тангаларни коллекция қиладиган одамлар пайдо бўлган. Дастлабки танга йиғувчилар орасида улуг италян шоири Петрарка, Флоренциянинг XIV асрдаги ҳукмдори Козимо Медичи, қирол Альфонс Арагонский, император Максимилианлар ҳам бор.

XVII асрда Россияда ҳам коллекциячилар пайдо бўлган. Уларни овчилар деб аташган.

Бояр Салтиков 1691 йилдан 1713 йилгача Смоленскда воевода (лашкарбоши), кейинчалик губернатор бўлиб турган. Қадимий Смоленск ерлари кўпгина тарихий ёдгорликларни сақлаб келган, булар орасида турли вақт ва халқларнинг пуллари ҳам бор. Салтиков ўша пайтларда нодир саналган коллекция йиғишга муваффақ бўлган. Бу коллекцияга Пётр I нинг ўзи қизиққан.

Поп Фёдорнинг минцкабинети (тангалар коллекцияси) ҳам шуҳрат қозонган. Тарихда бу одамнинг исми шарифи тўла сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг коллекцияси фанга маълум. Поп тангаларни шунчаки йиғибгина қолмай, уларнинг муфассал тафсилотини ҳам тузган, алоҳида нодир нусхаларининг суратини олган.

XVIII аср ўрталаридан бошлаб танга йиғиш, коллекциялаш рус дворян оқсуяклари орасида мода тусига кирган. Канцлер Н. П. Румянцев, граф А. Н. Мусин-Пушкин, сенатор А. Ф. Толстой ва бошқалар коллекцияга эга эдилар. Улардан ҳар бирининг аъло даражадаги минцкабинети, чинакам ажойиб коллекцияси бор эди.

Тасодифан ҳукумат бошига чиқиб олган машҳур ҳоким, қудратли мустабид Аракчеев бошқалардан ортда қолмасликка жазм этиб, ўзининг маърифатлилигини кўрсатмоқчи бўлган.

Аммо графнинг хасислиги арзигулик коллекция сотиб олишга йўл бермаган ва у фирибгарлик йўлига ўтган.

Зарбхонадаги алоҳида омборларда қачонлардир рус подшолари танга зарб қилган ҳар хил штемпеллар неча ўн йиллардан

буён ётарди. Аракчеевнинг буируғига мувофиқ ана шу штемפלлар билан унга «қадимий» тангаларни зарб қилиб беришган, аммо тилла ўрнига тилла ҳал, кумуш ўрнига кумуш ҳал юритилган мисдан зарб қилишган. Граф ўз ҳийласи аллақачон бутун Петербургга маълум бўлганидан беҳабар, арзонга орттирилган «коллекция»ни фахр билан ҳаммага кўрсатган.

Кейинчалик баъзи коллекциячиларда антиқа экспонат сифатида граф учун зарб қилинган тилла ҳал ва кумуш ҳал юритилган «аракчеевча» тангалар кўп вақтгача сақланиб юрди.

Нодир тангаларни сотиш билан шуғулланидиган кўпгина одамлар пайдо бўлди. Булардан баъзилари фанга яхшигина хизмат қилдилар. Улар ҳормай-толмай ноёб тангаларни қидириб, катта-катта коллекциялар тузганлар, кейин эса сотганлар. Бундай коллекцияларнинг кўпи вақти-соати билан давлат хазинасига ўтиб, нумизматикага қўшилган қимматли илмий ҳисса бўлган.

Масалан, XIX асрда Россияда танга, йиғувчи савдогар С. А. Еремеев яшаган. У ўз умрида бир неча катта ва мазмунан бой коллекциялар тўплайди. Чет эллик кўп коллекциячилар унга кўплаб заказ беришади, аммо Еремеев ҳамма тангаларни ўз ватани учун қолдириб, биронта ҳам нодир тангани чет элга сотмайди.

Бир гал ана шу тажрибали киши панд еб қолади.

Эрмитажнинг буюртмасига мувофиқ у қидириб юриб, кимдандир боспорнинг олтин тангаларини сотиб олади, эртасига эса уни полиция қамаб қўяди. Еремеев сотиб олган тангалар... Эрмитажнинг ўзидан ўғирланган экан.

Пулни коллекциялаш — қизиқарли ва фойдали машғулот. Қадимий ёки ҳозирги замон тангалари ёхуд қоғоз пулларини тўплаган коллекциячи, албатта, бу пуллар чиқарилган мамлакат ҳақида ҳамма нарсани: унинг географияси, этнографияси, тарихи, давлатни бошқариш формаси, пул системасини билишга уринади. У турган гапки, пуллардаги расмларга қизиқади, унга «таъбир» беради. Бундай машғулот хилма-хил маълумотлар беради.

Қадимий нодир тангани, айтайлик, минг йиллигини топиш нақадар завқли! Фавқулодда нодир тангалар ҳам маълум. Масалан, ер юзида биринчи пайдо бўлган тангалардан бири — Лидия статери сингари танга.

Аммо шундай тангалар ҳам борки, улар «ёши» жиҳатдан эмас, балки бошқа жиҳатдан жуда ноёб ҳисобланадилар. Рим императори Квинтилланинг тангалари жуда ноёб ҳисобланади. У атиги ўн етти кун подшоҳлик қилган ва жуда оз танга зарб қилишга улгурган.

Бошқа бир Рим императори — Калигуланинг ҳам тангалари



оз. Халқ бу тентакни ёмон кўрарди. Калигула ўлгандан кейин у чиқарган ҳамма тангалар йўқотиб юборилди. Тасодифан битта-яримтаси сақланиб қолган.

Рус императори Иван Антоновичнинг расми туширилган камёб тангалар тарихнинг мудҳиш саҳифалари ҳақида ҳикоя қилади. У уч ойлик чақалоқлигидаёқ улкан Россия империяси подшоси бўлиб қолади, икки яшарлигида эса Елизавета томонидан тахтдан ағдарилади.

Елизавета тахтга ўтириб олгач, подшоликдан ажраб қолишдан кўрқиб, жиноятдан ҳам қўл тортмади: Иван Антоновични аввалига сургун қилдилар, кейинчалик эса Шлиссельбург қалъасига қамаб қўйдилар.

Унинг қаерга қамалганини бутун Россияда фақат уч-тўрт кишигина биларди. Бу нарса йигирма йилдан ортиқ қаттиқ сир тутилди.

Подпоручик Минович 1764 йили Иван Антоновични озод этиш ва уни подшо деб эълон қилишга уриниб кўрди, аммо уддасидан чиқолмади: қоровуллар тутқунни қатл этдилар — махфий кўрсатма шундай эди.

Чақалоқ Иван Антонович подшолигининг биринчи йилида унинг сурати туширилган жуда кўп танга зарб қилинган эди, аммо Елизавета ҳокимият тепасига чиққач, бу тангаларнинг муомалада бўлишини қатъиян ман этди. Металл, бекорга кетмасин деб, бу тангаларни қайтадан ишлатди, аммо яхши зарб қилинмаганидан баъзи тангаларда ўлдирилган чақалоқ подшонинг портретини кўриш мумкин эди.

Манави «махфий сўм»нинг тарихи жуда ҳам ғалати.

1825 йил охирлаб қолган эди. Россиянинг пойтахтидан узоқда, Таганрог шаҳрида подшо Александр I вафот этди. Унинг фарзандлари бўлмагани учун тахтга укаси Константин ўтириши керак эди. Лекин Константиннинг 1819 йилдаёқ тахтга бўлган ҳуқуқидан воз кечганини ва Александр I тахтга ворис қилиб бошқа укаси — Николай тайинланган манифестга аллақачон қўл қўйганини биргина подшонинг онаси ҳамда уларга яқин бўлган уч-тўрт кишигина билишарди. Манифест подшо ўлгандан кейингина эълон қилиниши керак эди.

Ҳали манифест сўргичланган конвертга турганидаёқ бу ҳақда ҳеч нарса билмаган Россияда Константинга тож кийгизишга тайёрлик бошланиб кетди. Шаҳар кетидан шаҳар унга қасамёд қила бошлади, бўлажак ҳокими мутлақнинг портретлари бозор-



1741 йилда зарб қилинган Иван Антоновичнинг бир сўмлик тангаси.



Константин Павловичнинг бир сўмлик тангаси.

ларда сотила бошлади. Молия министрлиги ҳам тайёргарликка киришди. Эпчил амалдорлар янги подшога ўзларини яхши кўрсатиш ниятида Константиннинг сурати солинган бир сўмлик кумуш тангани чиқариш ҳақида Петербург зарбхонасига буйруқ беришди.

Нусха олувчи модельерлар тинимсиз ишлашади, расм кетидан расм чизилади — мақбул нусха танланади, ўткир асбоблар пўлатни қирқади, тасвир қоғозга кўчирилади. Ниҳоят штемпель тайёр, энди зарб қилаверса бўлади. Шунда Рос-

сияни ларзага солган воқеа содир бўлади.

Манифест эълон қилинади, тахтга Николай ўлтиради. 1825 йил 14 декабрда қасамёд қилади. Шу куни Петербургнинг Сенат майдонини декабрист-офицерлар қўмондонлигидаги «қўзғолончи» полклар ишғол қилади. Николай I қўзғолончиларга қарата сочма ўқ узишга буйруқ беради...

Янги подшолик ана шундай бошланади. Тахтга чиқолмаган Константиннинг сурати солинган бир сўмлик керак бўлмай қолади. Ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам ноқулай эди. Уша пулни тайёрлашни тезлаштирган молия министрлигидаги эътиборли амалдорларнинг ўзлари энди бу пулни эсга олмасликни, танганини ўзинигина эмас, у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани: намуна учун босилганларини ҳам, штемпелини ҳам йўқотиб юборишга буйруқ беришди.

Агар бу пулни тайёрлашда иштирок қилганлар орасида нумизматикага қизиққан кишилар бўлмаганда, бу бахтсиз «махфий сўм»ни ташқарида ҳеч ким билмай қолиши мумкин эди.

Нумизматика билан қизиққан кишилар штемпелни йўқотиш олдидан ўзлари учун бир неча тангани эплаб зарб қилиб олишган. Ана шу тангалар турли, машаққатли йўллар билан оламга тарқалган, баъзилари океан ортига бориб қолган.

Бу пуллар қанча эди? Буниси номаълум. Ҳозирча етти донасини билишади.

XIX аср бошларида Россияда платина (оқ олтин)нинг бой конлари аниқланди.

Физик ва химиявий хусусияти жиҳатдан жуда қимматли бўлган бу металл ҳозир техниканинг турли соҳаларида қўлланилади, аммо у пайтларда нимага ишлатишни билмаганлар, шундан кейин 1828 йили рус ҳукумати 3, 6 ва 12 сўмлик платина тангалари зарб қилишга киришади. Дунёнинг ҳеч қайси ерида платина-

дан пул ясалмаган эди, Россияда ҳам бу кўпга бормайди. Ҳозирги кунгача ана шу платина танга сақланиб қолган.

Коллекциячилар қадрлайдиган тангаларга ҳар хил турдаги махсус тангалар ҳам киради.

Пётр I давлат эҳтитожига қандай ғайрат ва матонат билан маблағ йиққанини юқорида айтиб ўтган эдик.

У ҳукмронлик қилган йилларда кўп солиқлар чиқарилган, булар халқ бўйнига жуда оғир кулфат бўлган эди. Бошқа солиқлар қаторида соқол солиғи ҳам бор эди.

Юзаки қараганда хазинага бундай солиқдан нима фойда келарди? Одамлар соқолини қириб ташлайди, солиқ оладиган нарса қолмайди-қўяди. Аммо Пётр тўғри ўйлаган эди, унинг фуқаролари ҳадеганда соқолларни қириб ташламасликларини ва бу солиқдан анча даромад келишини олдиндан билган эди.

Русда қадимдан соқолни эъозлашарди. Одамнинг соқолини — уришиб ёки шўхлик қилиб — юлиб олиш уни шарманда қилиш ҳисобланарди. «Рус ҳақиқати» қонунига мувофиқ бировни майиб қилган кишига 3 гривен, соқолини юлиб олгани учун эса 12 гривен жарима солинарди!


Пётр ҳам ҳаммага соқолини олдириб ташлашга буйруқ берди. Кўплар бунини одатни ҳақоратлаш деб билишди ва буйруқни бажаришдан бош тортишди. Шунда подшо солиқ чиқарди.

Подшо саройидаги аъёнлар, дворянлар, городовоилар ва ҳар хил мансабдорлардан, маҳкама хизматчиларидан йилига 60-сўмдан, меҳмонлар — йирик савдогарлардан 100 сўмдан, майдароқ савдогарлардан, майда дўкондор ва хунармандлардан 60 сўмдан, боёнларнинг хизматкорлари ва шаҳардаги от ҳайдовчилар, извошчилар, черков хизматчилари ва Москва шаҳридаги турли мансабдаги кишилардан 30 сўмдан солиқ олинадиган бўлди.

Бундан ташқари, шаҳар доирасидан ўтиб бораётган деҳқондан соқоли учун 2 пул олинарди.

Солиқ тўлаган одамларга тангага ўхшаган алоҳида нишон бериларди. Унинг бир томонида Давлат герби, орқасида соқол ва мўйлов тасвири бўларди. Теграсида: «Соқол ортиқча чок» деган ёзув ҳам бор эди.

Нодир ва коллекциячилар қадрлайдиган барча тангаларни бирма-бир санаб чиқиш қийин. Бундан ташқари, булардан кўплари унчалик ноёб бўлмаса-да, аммо «биография»лари, турли воқеа ҳамда ривоятларга боғлиқ бўлганлари учун ҳам қадрлидирлар. Баъзан иш жуда ҳам қизиқ воқеага бориб тақалади. Масалан, бир замонлар Копенгаген минцкабинетида томошабинлар бир олтин тангани ҳаяжонланиб кўришарди; гўё бу тангани



Соқол пули тўлангани нишони.

Дания қироли Христиан V ов чоғида илоннинг оғзидан тортиб олган эмиш.

Ҳаваскорлар пул коллекциясини тўплай бошлаганларидан бошлаб қалбаки қадимий пулларни ясовчилар ҳам пайдо бўлди.

Италиянинг Падуа шаҳрилик Жованни Кавини ҳам қадимий тангаларни тўплар ва уларнинг қимматини биларди. Аммо у коллекция йиғмас, уни пул йиғиш унча қизиқтирмасди. Жованни Кавини ҳар хил қалбаки тангалар ясар, танганинг асл нусхаси унга намуна бўлиб хизмат қиларди. Падуалик ўз маҳсулотини ҳақиқий коллекциячиларга ўтказарди. Кавинининг тангаларини асл тангалардан фарқ қилиб бўлмасди. Бунинг ажабланидиган ери ҳам йўқ: Жованнининг касби муҳр ўйиш эди. У XVI асрда яшаган.

XIX аср бошларида Карл Беккер деган бир кимса ана шундай ишлар билан ном чиқарган. У қалбаки антик давр тангаларини ясаш бобида ихтисослашган. У бу ишни кенг йўлга қўйган, тангалар битталаб қўлда эмас, балки моҳирона ишланган штемпелда зарб қилинган. Бирмунча қимматбаҳо тангаларгина зарб қилинган, албатта. Карл Беккер турли тангаларнинг 662 та қалбаки штемпелини ясаган. Маълумки, ҳар бир штемпель билан биттадангина танга тайёрланмаган.

Яқингинада Италия шаҳарчаларидан бирида полиция сохта қадимий нодир тангалар зарб қилинадиган йирик устахонани топди.

Талайгина коллекциячилар фибригарлар томонидан алданганлар. Коллекциячилар учун зарбхонада махсус танга зарб қилинган ҳоллар маълум. Аммо бу очиқ, ошкора қилинган.

Пётр I даврида Польшада Сохта Дмитрийнинг талерлари зарб қилинган штемпелларни топишган. Топилдиқни Москвага, кейин эса Петербургга келтиришган. Ана шу штемпеллар ёрдамида коллекция учун жуда кўп тангалар зарб қилинган.

Хаваскорларнинг қадимий тангаларни тўплашлари оқибатида аста-секин тарих фанининг алоҳида соҳаси — нумизматика (лотинча «нумизма» — танга сўздан) пайдо бўлди. Дунёдаги турли мамлакатларнинг олимлари ўз ҳаётларини бутунлай нумизматикага бағишладилар ва муҳим кашфиётлар очдилар.

Нумизматика халқлар тарихини ўрганишда қадимий географияни, археологияни, қадимги имлони, хронология-ва геральдикани<sup>1</sup> ўрганишда ёрдамчи фан тариқасида айниқса катта роль ўйнайди.

Совет Иттифоқи—бой танга коллекцияларига эга мамлакат. Ленинграддаги Давлат Эрмитажи ва Москва Тарих музейидаги жамғармалар дунёда энг бой коллекциялардир. Бу коллекциялар бекор ётмайди, улар доимо ўрганиб турилади.

Хаваскор нумизматлар бизнинг мамлакатимизда ҳозир ҳам кўп. Уларнинг баъзилари кўп йиллик машаққатли эзилашлар натижасида эришган ажойиб коллекцияларга эга. Шу билан бирга бу кишилар давлат музейларининг ишончли ёрдамчиларидир, улар ўз топган нарсалари ҳақида музейларни доимо хабардор қилиб турадилар.

Бу бўлим хулосаси сифатида эса нумизматикани билиш ҳатто энг ақлга сиғмайдиган ҳолатда ҳам фойдали эканини кўрсатадиган кулгили воқеани келтирамиз.

Бир француз савдо фирмаси нодир буюмларни — китоблар, мебеллар, тасвирий санъат асарлари, ҳайкаллар ва, албатта, тангаларни ҳам сотиб олиш ҳамда сотиш билан шуғулланган. Бир куни кечаси фирма биносига ўғрилар кириб, пул ва қимматбаҳо буюмларни ўтариб кетмоқчи бўлганлар. Талончилар пўлат сандиқни зўрга очганлар. Қарашса, у бўм-бўш, нақ уларни масхара қилгандек, сандиқнинг энг пастки хонасида яккаю ягона мис танга турганмиш. Ўғрилардан бири уни алам билан улоқтириб, қўққисдан витрина ойнасини синдириб қўйган. Шовқиндан қўрқиб кетган жиноятчилар тинтувни тўхтатиб, қочиб қолганлар.

Эртасига ўғрилар кечаси ўзлари улоқтириб юборган танга жуда нодир ва ниҳоятда қиммат туришини газетадан ўқиб билганлар.

### КОЛЛЕКЦИЯ ЙИГИШ

Кўп болалар танга ва бонларни қандай қилиб йиғиш, бу ишни нимадан бошлаш, қаердан олиш, қандай сақлаш ва қандай ўрганиш ҳақида сўрайдилар.

Агар почта маркалари ҳамма мамлакатларда, бунинг устига

<sup>1</sup> Геральдика — герблар ва уларнинг тарихи ҳақидаги фан.

янгидан-янгилари чиқарилса, агар уларни почта ва магазинлардан сотиб олиш мумкин бўлса, танга ва қоғоз пулларни қидириб топиш унча осон эмас. Биринчи галда бизнинг ҳозирги-совет пулларимизни тўплаб комплект қилиш мумкин, аммо бу қизиқ эмас ва бундай коллекцияни кинога ёки морожнийга ҳаражат қилмай сақлаб туришнинг ўзи ҳам қийин. Бунинг устига ота-оналар бу мақсад учун беш сўмликдан ортиқ пул беришармикин, ваҳоланки беш сўмликдан ташқари 10, 25, 50, 100 сўмлик қоғоз пуллар ҳам бор.

Ҳозирги замон чет эл пулларини йиғса, бу бошқа гап. Кўп совет граждандлари чет элларга боришади, улар фойдаланмай қолган тангаларни, майда қоғоз пулларни олиб келишади. Улар коллекция ишқибозларига бу ортиқча пулларни бажонидил совға қилишади.

Баъзи оилаларда эсдан чиқиб қолиб кетган, ўтмас қадимги пуллар бўлади. Бу ҳам бир манба. Аммо бундай «хазина»лар ҳақида билиб олиш учун ўзига яраша разведкачи бўлиш, қидиришдан чарчамаслик, сўроқлаш керак, токи сизнинг коллекция йиғишга ҳавасингиз зўрлигини кўпроқ киши билсин. Танга жинкиси деган ном орттиришдан чўчиманг, бу ана шундай ишларда кўпинча қўл келади ва охир-оқибатда сиз аниқ мақсадга интилувчи киши сифатида ҳурматга эга бўласиз.

Муҳими — ишни бошлаб юбориш, кейин қарабсизки, коллекциянгизда иккитадан бир хил тангалар пайдо бўлади. Шундан кейин иш енгил кетади: бошқа коллекциячилар билан танишасиз, иккита бир хил танганинг биттасига ўзингизда йўғини ўша танишингиздан алмашиб оласиз. Бундай танишлик жуда муҳимдир. Уртоқларингиз изланишда, номаълум тангаларни аниқлашда, алмашишда ёрдам беришади... Бошқа одамнинг йиққанларини кўриш, томоша қилишнинг ўзи ҳам яхши, уларни қандай тутиш, асраш бобида тажриба орттirasиз.

Мабодо яқин-атрофда бундай одам топилмаса, хат орқали танишиш керак. Кўпчилик шундай қилади. Ҳаваскорларга маҳаллий тарих музейлари ҳам ёрдам беради.

Мана, сиз биринчи тангани топдингиз. У эски, металл оксидланган, расмларини ажратиш қийин, бусиз ҳам ўқиш амримаҳол бўлган ёзувини гапирмаёқ қўя қолайлик. Баъзилар шартта жил-вирли қоғозни олишади-ю, тангани роса ишқалай бошлашади. Жилвир қоғоз бўлмаса кум, кул, ғишт майдаси ва ҳоказолар билан ишқалайдилар, бу билан тангани батамом ишдан чиқардилар. Эски тангалардаги ҳарф ва тасвирлар шундай ҳам унчалик қабариқ эмас ишқалаганда эса улар оксид билан бирга едирилиб кетади. Аввалига тангани қуруқ, юмшоқроқ латта билан артиш керак, агар кетмаса — рух парошоги сепиб, олтингу-

гурт кислотаси эритмасига ботириб қўйиш зарур. Кислота оксидни «еб» бўлгач, танга сувда ювилади.

Танга тозаланиб бўлгач, уни ўрганишга киришиш мумкин. Аввало танга қаерда ва қайси вақтда ишланганини аниқлаш муҳим. Баъзан буни аниқлаш анча қийин. Бошқаларнинг ёхуд ўзимизнинг эски ҳарфларимизни, тарихни, географияни билиш керак. Идрок, кузатувчанлик керак бўлади — тангани характерли белгиларига қараб «таниш»га ўрганиш лозим. Биринчи галда солиштириш йўли билан ўрганиш лозим. Бунда нумизматика китобидаги турли тангаларнинг тафсилотлари ва расмлари ёрдам беради. И. Г. Спасскийнинг «Рус танга системаси» деган китоби босилиб чиққан. Г. А. Федоров-Давидовнинг «Тангалар ҳикоя қилади» деган китоби ва бошқалар. Бундай китобларни топиб олиш ёки кутубхонадан фойдаланиш керак.

Ўзига ўхшаш ва тарихи аниқланган тангага солиштириб кўриш ҳам мумкин. Жуда бўлмаса, музейга хат билан мурожаат қилиш керак. Хатга танганинг расмини илова қилиш (расм солишни ҳам билиш керак!) ёки пластилинга нусхасини тушириб, ёки ҳамма биладиган усулда, яъни танга устига қоғоз қўйиб қалам суркалса танганинг сурати қоғозга ўтиб қолади, шу усулда ҳар иккала томонининг нусхаси чизиб юборилса ҳам бўлади.

Тангани билиб олгач, энг муҳими ва қизиғи — унга тегишли бўлган ҳамма нарсани: танга пайдо бўлган давр характери, мамлакатнинг тарихи, бу танга хизмат қилган халқнинг урф-одати, ҳукмдорнинг кимлиги ва биографияси, бу пул пайдо бўлганда қандай воқеалар бўлган, қайси зарбхонада зарб қилинганини билиш мумкин. Танга битмас-туганмас, бири-биридан қизиқарли саволларни келтириб чиқаради. У одамни яна ва яна ўзига жалб қилади: айниқса унинг «қариндоши» қўлингизга тушса, унинг даври ҳақида бирон янгилик билганингизда ана шундай янги саволлар туғилади.

Айтайлик, ўнлаб танга йиғиб олдингиз — уларни хиллашга ҳаракат қилиб кўринг-чи. Хиллашни турлича белгиларга қараб ўтказиш мумкин, ҳаммаси йиғилган тангаларга боғлиқ: чиқарилган мамлакат, вақти ва бошқалар. Шунда оқоридаги белгилар бўйича етишмай қолган маълум тангани «ов»лаб, серияни тўлдиришга ҳаракат қилинади. Масалан, Қадимги Рим ҳукмдорлари ёки бизнинг давримизга яқинроқ Пётр I нинг тангаларини, биринчи совет тангаларини, уруш йиллари пулларини ва бошқаларни тўплашни мақсад қилиб оласиз.

Келиб чиқиши жиҳатидан тангага қараганда анча ёш бўлсада, қоғоз пулларни йиғиш ҳам анча қизиқ. Масалан, биринчи рус қоғоз пулларини — ҳеч қандай суратсиз бир варақ тоза қоғозга подшо амалдори ўзи қўл қўйган (босмада эмас) нусхани олинг.


Ёки анча кейинроқ жуда нозик, чиройли расмлар солиб, аниқ тўр чизиқлар билан чиқарилган пулларни олинг, бу пулларга қараб туриб уни қандай қилганларига, ундаги кўзга зўрға чалинадиган чизиқлар қандай қилиб бир-бирига қўшилиб кетмаганига, бўёқлар қандай чаплашиб кетмаганига ҳайрон қоласиз.

Коллекцияни тўғри асраш ҳам жуда муҳим иш. Ҳаваскорлар одатда тангаларни унча чуқур бўлмаган, хона-хона қилиб ишланган яшиқларда сақлайдилар. Ҳар бир танга алоҳида хонада, юмшоқ тўшама устида туради. Бир ерга «уйиб» сақлаб бўлмайди: бусиз ҳам анча сийқаланиб кетган тангалар бир-бирига ишқаланиб, шикастланади. Қадимий мўрт тангаларни жуда эҳтиёт қилиш керак.


Қоғоз пуллар альбомларда, конвертларда асралади.

Совет ҳаваскорларидан бири профессор Е. Пахомов мисолида сабр-тоқат, сабот нималарга қодир эканини кўриш мумкин. У ёшлигидан то қаригунича танга йиққан. Хўш, қанча тўплаган, дерсиз. 47 минг сўмча! Булар орасида жуда нодир тангалар бор. Буларнинг ҳар бири яхшилаб ўрганилган, шарҳи ёзиб қўйилган.

Е. Пахомов 1967 йилда вафот этган. У ўзи тўплаган ажойиб тангаларни тўртта музейга топширган. Музей ходимлари булар орасидан фанга номаълум бўлганларини ҳам аниқлашган.







## ПУЛ ҲАҚИДА ОДАМЛАР ФИКРИ

Кимки пулни ҳамма нарсага —  
Қодир дея санаса агар,  
Ўзи ҳам пул иштиёқида,  
Сўзсиз, барча нарсага қодир.

Ба уст

### ТУИДА

Қатта ибодатхонанинг қўнғироғи даранглаб эшитилди. Шу ондаёқ кетма-кет майда қўнғироқчаларнинг жарангдор овозлари жўр бўлди. Поп никоҳланганлар — савдогар қизи Капитолина Лаврушина билан ресторан эгасининг ўғли Кузьма Прорухинни табриклади. Хор янгради.

Ёшлар, улар кетидан никоҳда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси ибодатхона эшиги томон юрди. Ибодатхона кираверишидаги айвончага чиқишди. Келиннинг отаси Лаврушин юмшоқ, лўппи қўли билан чуқур чўнтагидан бир сиқим чақани олди-да, сочиб юборди. Бу чақалар жаранг-журунг қилиб зинапоялардан филдираб кетди. Шу ерда турган бева-бечоралар — кўрлар, чўлоқлар, оёқ-қўли мажруҳлар танга-чақаларга ташландилар. Улар очкўзлик билан, титраб-қақшаб, кўпроқ чақа териб олиш учун бир-бирларини итаришарди. Ахир пул — бир бурда нон, тўқлик, иссиқ жойда тунаш деган сўз. Пулсиз эса кўча-кўйда очингдан ўласан.

Бу орада никоҳ маросими қатнашчилари ярқираган қоп-қора извошларга жойлашиб, катта Прорухин тасарруфидаги «Тиволи» ресторанига қараб йўл олдилар. Уша кунни ресторан фақат таклиф қилинганлар учунгина очиқ эди.

Меҳмонларни қўлида катта баркаш кўтарган ресторан соҳибининг ўзи кутиб олди. Баркашда дон ва кумуш тангалар бор эди. Катта Прорухин дон ва тангаларни сиқимлаб олиб, келин билан куёв устидан соча бошлади. Қадимий одат шунини тақозо

старди: дон билан пул сочилиши улар ҳаётининг фаровонлик ва тўқчиликда ўтишидан далолат эди. Келгусида ҳам ёшларнинг бошидан кумуш, олтин, бойлик сочилиб турсин! Пул бўлса бахт ҳам бўлади.

Никоҳ базми қизиб борарди. Меҳмонлар хийла ичиб, тамадди қилганларидан кейин концерт бошланди. Шаҳарда машҳур бас — йўгон овозли ашулачи саҳнага чиқди. Ашулачи французларнинг янги операси «Фауст»дан Мефистофель қўшиғини бошлади:

Дунёдаги бор инсон зотин  
Тобе айлаб тақдир, ҳаётин,  
Ер-самода доврўғ сол олган  
Қудратдир бу — афсунгар олтин!—

Аслида у оддий бир маъдан  
Завол кетар барча шунини деб.

Кўп одамлар қўшиқни тинглаб ўтириб, бош ирғардилар.

— Азбаройи шифо, тўғри! Оҳ, шу қадар тўғрики!— дерди кайфи ошиб қолган темир-терсак буюмлар дўконининг эгаси, кўринишидан нимжонгина чол Торчеев ёнидаги ҳамроҳининг қулоғига. — Металл деб ҳалок бўламиз! Ҳаммамиз ҳалок бўламиз! Ҳалиги бева-бечораларни қаранг-а. Ибодатхонадаги-чи. Бир-бирларини еб қўяй дейишяпти-я... Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳаммаси чақа учун. Тўғримиз? Ҳа, биз ҳам гуноҳқормиз... Мана, лоақал мени ўзимни олинг... Уйлаб қаралса, аблаҳман, — Торчеев кўкрагига муштлаб, мастлик билан кўзёши қилди. — Алёшка Умновни юз сўм учун судлатдим. Ёш болаларининг уволига қолдим. Мени ўлдирганинг ҳақи кетади!

... Сўзларини ёнларидаги студентча тужурка кийган йигитча — Лаврушинларнинг узоқ қариндоши эшитиб ўтирганини ёлқаласи ҳам сезишмади.

Йигитча ўзини тутолмай, газабдан овози қалтираб:

— Сизнингча юз сўм одамдан ҳам қиммат экан-да? — деб сўради Торчеевдан. — Ҳали сиз пул учун жонингизни қурбон қилишга ҳам тайёрмисиз?

Торчеев, ажабланганидан ҳиқичоқ тутиб, йигитчага бир нафас анграйиб қараб қолди.

— Шундай, азизим! Ҳа, азизим! — деб столни урди Торчеев. — Қани энди оламда ана шу пул деган нарса бўлмасайди. Керак бўлмай қолсайди. Ахир унингсиз, пулсиз, олтинсиз бир қадам юриб бўлмаса-я! Одамга жуда ҳам кўп керак ундан! Мана, вино ичяпсан — пулга сотиб олинган. Устингдаги кийиминг кўримсизгина бўлса ҳам текинга олиб кўрчи! Гуллар, музика, турли овқатлар — ҳаммаси пул-ку!

— Ростдан ҳам пулсиз чораси йўқми?— деди студент бўшашиброқ.

— Қани, пулсиз чорасини қилиб кўр-чи! Оламда одам бор эканки, пул ҳам бор. Пулсиз қаёққа борарди улар. Масалан, пул бирданига йўқ бўлиб қолди дейлик, хўш, унда нима бўлади? — Торчеев хириллаб хохолади. — Олам тўс-тўполон бўлади. Олиш ҳам, сотиш ҳам йўқ. Ҳеч ким ишламай қўяди. Текинга ишлармиди! Ҳамма чақа атрофида гирдикапалак. Бутун олам. Сен бўлсанг — жонингни дейсан. Агар мендан қарз олган бўлсанг, қани тўла! Мен ҳақимни кеткизиб қўймайман. Бошингни гаровга қўйсанг ҳам тўла.

Тажанглиги тутган савдогар узоқ вақтгача баҳслашди. Чолнинг сўзлари йигит учун ҳам жирканч, ҳам даҳшатли эди. Шу билан бирга йигит ичида бу одамнинг гапларига қўшилмасдан иложи йўқ эди, унинг сўзларида аччиқ ҳақиқат бор эди.

«Дарҳақиқат, — ўйларди студент, — нима учун пул, олтин инсонларнинг ўзаро муносабатида қадим замонлардан бери бундай роль ўйнаб келади? У одамларни нимаси билан ўз ҳукмига қарам қилиб олади, бой ва камбағалга, хизматкор ва жанобга ажратади? Эҳтимол унда ақл бовар қилмайдиган мўъжизавор бирон нарса бордир? Нима учун унинг ҳақида шу қадар кўп гапиришади, ёзишади, қўшиқлар айтишади?»

Бу саволлар ҳақида фақат шу студентгина биринчи бўлиб ўйлагани йўқ. Кўп одамлар бош қотирган бунинг устида.

Пул — бу кўплаб бадий асарларнинг, халқ ижодиётининг мавзудир. Археология, этнография, тарих, фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик ва сиёсий иқтисод каби фанлар пул билан шуғулланади.

Асримиз бошларида ҳисоблаб кўришса, пул ҳақида 6000 дан зиёд махсус илмий китоб ёзилган экан. Шундан буён бу миқдор неча-неча марта ортган.

Пул ҳақида ҳар хил фикр юритилади. Синфий жамият мутафаккирлари пулни ёвуз нарса, халқ бошига фалокат, одамлар орасига нифоқ солувчи қабоҳат деб билганлар.

«Олтин ва саховат, — деган эди грек файласуфи Платон, — тарозининг икки палласига ўхшайди, булардан бири кўтарилмай туриб иккинчиси пастга тушолмайди». Инсонда олтин қанча кўпайса, саховат шунча камаяди.

«Одамлар ўртасида бемаъни қонунлар ва бемаъни урф-одатларни ўрнатишда ҳеч нарса пулчалик таъсир кўрсата олмайди; пул шаҳарларга жанжал, раво уруғини сочади, одамларни бошпаналаридан жудо қилади, пул энг олижаноб, саховатли одамларни инсон учун шармандали ва ҳалокатли йўлларга ундайди; ҳар қандай нарсадан фақат ёвузлик ва қонунга хилоф

иш келтириб чиқарадиган ҳам худди ана шу пулдир». Улур сиймо грек Софокл ана шундай ўйлаган.

Бироқ, ҳатто синфларга бўлинган жамиятда ҳам пул фақат ёвузлик келтирибгина қолмайди. У одамларга бебаҳо хизмат ҳам қилади.

Пулнинг истеъмолга киритилиши инсоният тараққиёти учун буғ машинасини, темир йўл ёки телефонни кашф этишдан кам аҳамиятга эга эмас. Пул кўп меҳнат ва вақтни тежайди. Ҳеч қандай машина бунчалик кўп ишни бажара олмас ва инсон кучини бунчалик тежай олмас эди.

Пул халқлар ўртасида меҳнатни тақсимлашга имкон берди ҳамда саноат ва турли мамлакатлар ўртасидаги алоқани ривожлантирди.

Пул одамларни бир жойга михланиб қолишдан озод этди, ҳаёт учун керакли бўлган нарсаларни меҳнат қилса бўладиган, айирбошлаш ва савдо қилиш мумкин бўлган ҳар қандай ердан топиш имконини берди.

Пул ана шундай муҳим сифату хусусиятларга эга бўлганлиги туфайлидан ҳам синфий жамиятда унга эришмоқ учун қизгин курашга сабаб бўлади.

Бу ёвуз ва бешафқат курашдир. Пул ҳирси одамларни жиноятга, ҳарисликка, қизғанчиқликка олиб боради, пул жамғаришни ҳаётий мақсадга айлантиради.

Буни А. С. Пушкин «Қизғанчиқ рицарь» деган кичкинагина фожеали асарида зўр куч билан ифода қилади.

Барон:



.....  
(Ўз олтинларига назар ташлайди)  
Кўзга оз кўринар,  
Аслида эса инсоннинг бисёр —  
Ғаму ситамларин, оҳу ноласин  
Ўзида жам этган ёлғиз тимсол у.  
Бир сийқа танга бор... мана у. Буни —  
Бева берди менга, лекин аввало  
Тонгдан чошгоҳгача уч боласи-ла  
Турди остонамда йиғлаб, афтода.  
Ёмғир ёғмоқдайди зўрайиб, тўхтаб,  
Жойидан жилмади у маккор эса.  
Ҳайдаб юборишим мумкинди, бироқ  
Недир пичирларди — эрининг қарзин —  
Келтирганин уқдим, чунки эртага  
Қамоққа тушмоқни истамасмиш у.  
Буниси-чи? Тибо келтирган менга —  
Қайдан олганикин у ношуд, айёр?  
Ўғирлаган, албат; ёки, эҳтимол,  
Қатта йўл бетиди, тунда, хилватда...  
Ҳа, ҳа! Бу олтинлар учун тўкилган  
Жами кўзёш, тер ва қонлар агарда

Ер тубидан отилиб чиқса ногаҳон  
Тагин сув босарди оламни ва мен —  
Ертўламда шаҳид кетардим шаксиз.  
Ҳайҳот! Бундай машъум сония яқин.

Пулни батамом йўқотиб юбора қолса нима қилади? Бундай уринишлар ҳам бўлган.

РОБЕРТ ОУЭН

Пул ўзидан кетган жанобдир,  
Бироқ қобил хизматкор жуда.

БЭКОЛ

Портретдаги кишининг мовий кўзлари тик ва хайрхоҳона боқиб турибди. Юзининг эти қочганроқ, пешонаси кенг. У қадимий костюмда.

— Кўз — дилнинг ойнаси, дейдилар. Бу одамнинг қалби ниҳоятда покиза эди. Мана юз йилдан ошган бўлса ҳам унинг хотираси ўчмайди.

Уни Роберт Оуэн деб аташарди.

Унинг бутун ҳаёти одамларнинг бахт-саодатига бағишланди. У кўп нарсада хато қилди, аммо бу хатолар бошқа курашчиларга олижаноб ғояларга эришишда тўғри йўлни танлаб олишларига ёрдам берди.

— Салом, мистер Дринкуотер. Мен газетада берган эълонингизга мувофиқ иш бошқарувчи сифатида ўз хизматимни таклиф этгани келдим.

— Нима?! — деди фабрика эгаси кирувчига ҳайрат-ла тикилганча. Унинг қаршисида ҳурмат билан, аммо иззат сақлаб, икки бети қип-қизил хипчагина йигитча, деярли бола турарди. — Сиз — иш бошқарувчилик қилмоқчимисиз?

— Яна қайтариб айтманки, мистер, фабрикангизда иш бошқарувчи бўлиб ишламоқчи эдим, — деди йигитча босиқ оҳангда.

Бундай сурбетликдан баттар ажабланган Дринкуотер болага яқинлашиб:

— Менга қаранг, қани айтинг-чи, неча ёшга киргансиз? — деди. — Умрингизда фабрикани кўрганмисиз, оппоғим, унинг нималигини биласизми ўзи! — давом эттирди у сўзини жаҳл аралаш.

Аммо йигитча хижолат бўлмади:

— Йигирмага кирдим, беш йилдан бери хусусий ишхонамни бошқаряпман. Кичкина йигирув дўконим очганман. Хўл десангиз, бориб кўринг, қобилиятимни билиш учун дафтарларимни текшириб кўрасиз.



Йигитчанинг қатъийлиги, жавобларининг аниқ-пухталлиги, ўзини ишонч билан тутиши фабрика эгасида яхши таассурот қолдирди. Аммо бугун унга бир неча тажрибали, эътиборли кишилар ўз хизматларини таклиф этишган эди. Уларнинг яхши тавсияномалари бор эди. Бу эса она сути оғзидан кетмаган гўдак бўлса...

— Исмингиз нима?

— Роберт Оуэн.

— Ҳафтада неча марта ичиб маст бўласиз? — деб энди иш юзасидан савол берди Дринкуотер.

Оуэн бу саволни ўзига ҳақорат деб билмади. Уша пайтларда Англия ишчилари ўртасида ичкиликбозлик авжга минган эди. Маъмурлар ҳам ишчилардан қолишмас эдилар.

— Ичкиликни оғзимга ҳам олмайман, — деди.

— Яхши, — қатъий қарорга келди Дринкуотер, — қани, дўконингизга кетдик.

Кекса фабрикачи Оуэннинг йигирув дўконидаги тозаликни, иш қандай йўлга қўйилганини, дафтарларнинг саранжом туттилишини кўриб ажабланди. У «болакай»нинг дўконида ипни шундай нозик қилиб йигиришаётганига, ўзининг фабрикасида эса ипни бундай йигира олмасликларига тан бермасдан иложи йўқ эди.

Кўрганларининг бари Дринкуотерни бу боладан яхшироқ бошқарувчи тополмаслигига ишонтирди. Орадан бир неча кун ўтгач, Роберт Оуэн янги вазифани бажаришга киришди.

Шунгача у катта фабрикаларда бўлмаган, аммо туғма қобилияти фабрикадаги аҳволга тезда ўрганиб кетишга ва зарурий ўзгаришларни белгилашга ёрдам берди.

Бу йигирувчи ва тўқувчиларнинг қўл меҳнати машина меҳнати билан алмашилишга киришилаётган вақт эди. Йигирув машинаси кашф этилганди. Энди бир киши 100 та урчуқда ишлай оларди. Бу пайтларда Қартрайтнинг механик тўқув дастгоҳи пайдо бўлганди.

Машиналарни ҳаракатга келтириш учун қудратли куч керак эди. Уни топишди. Енгил, аввал ушлаб-тутиб бўлмайдиган буғ эндиликда Жемс Уатт машинасининг цилиндрига қамалиб юзлаб кишининг кучи етмайдиган ишларни бажарарди.

Афтидан буларнинг ҳаммаси одамларга қувонч бағишлаши керак эди: меҳнат енгиллашди, ишлаб чиқариш унумдорлиги кўпайди.

Аммо машиналар уларни ишлатувчиларнинг ўзлариники бўлмаган дунёда аҳвол мутлақо бошқача. Машиналар хўжайинларга даромад, ишчиларга ишсизлик ва қашшоқлик келтирди.

Минглаб тўқувчи ва йигирувчилар фабрикадан кўчага чиқариб ташланди. Моҳир қўллар керак бўлмай қолди. Уларнинг ўрнини пўлат қўллар эгаллади. Фабрика эгалари учун кўплаб машина олиш, ишчилар сонини камайтириш фойдали эди. Майда ҳунармандлар синиб, хонавайрон бўлди.

Ишсиз қолган камбағаллар ким айбдор эканлигини билишмасди. Уларнинг қаҳр-ғазаби ўзгаларнинг меҳнатини ўзлаштириб олаётганларга эмас, балки машиналарга қарши қаратилган эди. Улар тўп-тўп бўлиб ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган ақлли механизмларни бузишга ошиқишарди. Луддитлар жамияти тузилди, улар ўз олдиларига машина ва фабрикаларга қарши курашни мақсад қилиб олган эдилар. Англия ҳукумати машинани бузганлик учун ўлим жазоси таъсис этди.

Машиналар фабрика эгаларига хотин-қизлар ва болалар меҳнатидан кенг фойдаланишга имкон берди. Буларнинг меҳнати арзон тушарди. Фабрикаларни 9-12 ёшли болалар тўлдириб юборди.

Роберт Оуэн Дринкуотернинг фабрикасида ва кейинчалик бўлишига тўғри келган бошқа фабрикаларда аянчли аҳволни кўрди. Тўзонли, ярим қоронғи цехларда иш ўн тўрт соатлаб давом этарди. Ишчилар жуда оз ҳақ олишар, ўпка касалига, шамоллашга мубтало бўлишарди. Машиналарнинг ҳаракатланувчи қисмлари ҳеч нарса билан тўсилмаганидан ишчиларнинг қўллари кесиб кетиб, майиб қилиб қўярди. Ишлаб топилган озгинагина моянадан ҳеч вақо қолмасди, ишчилар ижара турадиган уйларнинг зиқна эгалари; улар сотиб оладиган эскириб қолган озиқ-овқат эвазига дўкондорлар; улар яхши ҳаёт умидида илтижо қилгани келадиган черковлар шилиб оларди.

Болалар ота-оналари билан бирга ишлашарди. Улар ўқишмасди; бир бурда нонларини ўзлари топишарди, оғир меҳнатда эзилиб, нимжон бўлиб қолардилар, болаликнинг барча қувончларидан маҳрум эдилар.

Кўрган нарсалари Оуэннинг хотирида бир умрга сақланиб қоларди.

У Дринкуотер билан озгина ишлади. Хўжайиннинг қизи эрга тегди, куёвбола фабрикада келгусида шерик бўлиб қоладиган бегона кишининг бўлишини истамади. Оуэн ишдан кетди. 1800 йили у Нью-Лэнаркдаги фабриканинг иш бошқарувчиси бўлди. Бу фабрика саноатчилар компанияси томонидан сотиб олинган бўлиб, Оуэн ҳам бу компанияга кирарди. Эндиликда ўткир ақли ва меҳрибон қалби ундаб тўрган ўзгартишларни амалга ошириш имконига эга бўлди.

Ишчилар янги иш бошқарувчининг фармойишларини ишонқирамасдан қузатишарди.

Улар бир-бирларидан:

— Қизик, у нималарни ўйлаб чиқаряпти? — деб сўрашарди.

— Дарров тушуниб бўлмайди. Бирон фирибгарга ўхшайди. Бекорга қотма бўладими, эҳтимол, еса ҳам юқ бўлмас...

Бу орада эса фабрикада чинакамига антиқа ишлар бошланиб кетганди. Оуэн иш кунини деярди тўрт соатга қисқартирди. Эндиликда тўқувчилар ва ип йигирувчиларнинг анчагина вақтлари бўш қоларди. Фабрика ҳузурида катталар учун мактаб очилди, биргалашиб ўқиш йўлга қўйилди.

Оуэн болаларга алоҳида ғамхўрлик қилди. Бу одам биринчи бўлиб болалар боғчаларини барпо этди. Озгина ҳақ баробарига болалар тарбияланар ва овқатлантириларди. Уша дамгача кўрилмаган муассаса тезда ҳамма ерга тарқалди.

Оуэн парламентдан ишчиларни хўжайинларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қиладиган махсус қонун чиқаришни талаб қилди. Бундай қонун шунгача йўқ эди. Эксплуатация ҳеч нарса билан чекланмаган, ишчиларнинг ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди.

Оуэннинг шухрати ортди, унинг тарафдорлари шу қадар кўпайдики, парламент унинг талабларини батамом рад этишга журъат қилолмади. Оуэн айтганча бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда қонун чиқарилди.

Роберт Оуэн эса ўз ўй-ниятларини амалга оширишда давом этарди. Англиянинг кўп сонли майда ҳунармандлари йирик фирмаларнинг рақобати орқасида ночор аҳволда қолгандилар. Уларни хом ашё етказиб берувчилар, ўртадаги даллоллар, маҳсулотларини улгуржи сотиб олувчилар, ҳунармандлар, озиқ-овқат сотиб оладиган дўкандорлар талашарди.

«Улар ўз товарларини пулга сотишади, — деб фикр юритарди Оуэн, — шу пулга эса ўзларига керакли нарсани сотиб олишади ва ҳар бир битим пайтида меҳнат эъзига топган чақаларини йўқотадилар. Даллол ва улгуржи савдогарлар ҳунармандлар билан истеъмолчилар ўртасида туриб, униси ҳисобидан ҳам, буниси ҳисобидан ҳам бойлик орттирадилар. Борди-ю, савдо ўрнига бевосита алмашиш жорий этилса, бундан камбағаллар ютади-ку».

Оуэн ўзига хос ғайрат ва матонат билан бу ғоясини амалга оширишга киришди. Кунларнинг бирида лондонликлар қуйидаги эълонни ҳайрон қолиб ўқишди:

«Ўзлари ишлаб чиқарган турли хил буюмларни савдога чиқаришни ва одамларга бир-бирларининг маҳсулотларидан адолат асосида фойдаланишга имконият берувчи савдо қилишни, яъни уни сарфлаган меҳнатнинг қийматига қараб худди шундай меҳнат сарф бўлган бошқа маҳсулотга пулнинг иштарики алмаштиришнинг ягона йўлини хоҳловчи деҳқонлар, поллизчилар, фабрикантлар, озиқ-овқат билан савдо қилувчилар, комиссиянерлар, барча



турдаги улгуржи ва чакана савдо омборларининг эгалари, ҳунармандлар ва бошқаларга таклиф қилинадик, юқорида кўрсатилган усул билан алмаштиришни истовчилар ўз молларининг тури ёки турларини кўрсатиб, ўз номлари ҳамда адресларини бизнинг муассасамиз секретари жаноб Самуэл Остинга хабар қилсинлар; бизнинг муассасага шахсан мруожаат қилинганда ундан адолат асоснда иш юритувчи Айирбошлов банки ҳақидаги ҳамма маълумотларни олиш мумкин.

Ҳамма хатларга почта ҳақи олдиндан тўланган бўлиши керак.

Роберт ОУЭН

Шундай қилиб, Оуэн молни молга бевосита айирбошлаш замониға қайтишға чақирди.

У Айирбошлов банки очди. Бу ерга, кенг-ковул биноға истаган ҳар бир киши ўз меҳнати маҳсулини топширгани олиб келиши мумкин эди. Тажрибали хизматчилар товарнинг «меҳнат қиймати»ни, яъни уни тайёрлашға кетган соат миқдорини белгилашарди. Товар эгасига ана шу соат миқдорига «меҳнат бон»лари бериларди. У эса бонга банкдаги «меҳнат қиймати» жиҳатидан шу товарға тенг ёки озроқ бўлган истаган бошқа товарни олиши мумкин эди. Шундай қилиб, Оуэннинг фикрича адолатли, алдовсиз, даллосиз айирбошлов содир бўларди.

Оуэн пулни ортиқча деб эълон қилди! У пулда ёвузликни кўрди ва уни йўқотмоқчи бўлди.

Аммо бунинг оқибати мана қандай бўлди.

Аввалиға банк катта муваффақият қозонди. Ҳунармандлар у ерга ҳар хил товарларни келтириб, бошқасини олдилар. Аммо банкда аста-секин ўтмас товарлар йиғилиб қолди. Булар ҳамма омборларни тўлдириб юборди. Эҳтиёж ва таклифларни тартибга солмаслик ишға таъсир қиларди. Одатдаги савдода бу нарса ўз-ўзидан бўлаверади: маълум товарларға бўлган катта талаб баҳони оширади, бу эса ана шундай товарларни кўпроқ чиқаришға ундайди. Эҳтиёж қондирилгач, баҳо пасаяди, ишлаб чиқариш қисқаради. Оуэн банкида бундай тартибға солиш йўқ эди. Ниҳоят, у кўп товарларнинг нархини камайтиришға мажбур бўлди. Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг норозилигига сабаб бўлди, аммо аҳволни ўзгартиролмади.

Банкдан ғаразғўйлик мақсадида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам чиқиб қолди. Улар баъзи бозори қақон товарларни арзонға олиб, четға уч ҳисса қимматиға сотишарди.

Ахири Айирбошлов банки ёпилди.

Роберт Оуэн пулнинг қимматли хусусиятларини назарға илмади ва бунинг эвазига ўз ғоялари пучға чиқди. Ҳа, бу ғоялар ўша пайтда ва ўша жамиятда муваффақият қозониши мумкин эмас эди. Бир киши ёки бир неча кишининг иродаси билан пулни «ўйлаб чиқармоқ» мумкин бўлмаганидек, уни йўқотиб ҳам бўл-

майди. Бунинг учун маълум иқтисодий ва ижтимоий шароит керак бўлади.

Мамлакатимиз тарихида пул муомаласи деярли тўхтаб қолган вақтлар ҳам бўлган. У пайтлар ҳарбий коммунизм даври, Совет мамлакатининг барпо этилишининг дастлабки йиллари эди.

Қишлоқ хўжалиги вайрон бўлган, завод ва фабрикалар тўхтаб қолган, аҳолига сотиш учун товарлар жуда ҳам кам ишлаб чиқариларди. Бойлар ва олибсотарларда қоғоз пуллар жуда кўп тўпланиб қолган эди.

Ана шундай шароитда арзон баҳода товар чиқарилса, уларни дарҳол сотиб олишарди ва бундай товарлар озчиликнинг қўлига ўтиб қоларди. Нархини ошириб сотиш мумкин эмас — меҳнаткашлар сотиб ололмайди, яна ўша пули кўплар сотиб олишди.

Шу сабабли Совет ҳукумати 1920 йили меҳнаткашларга озиқ-овқат маҳсулотларини пулсиз беришга қарор қилди. Бундан ташқари, транспорт, почта-телеграф алоқаси, коммунал хизматдан бепул фойдаланиш ҳақида декрет чиққан эди.

Бозорда пул касодга учрай бошлади. Унинг қадри кетди ва аҳоли уни олмай қўйди, оддий айирбошлашни афзал кўрди. 1919 йилда 1 қадоқ совунни — 2 қадоқ сўкка; 22 қадоқ керосинни — 15 қадоқ нўхатга; 1 шинелни — 10 қадоқ ёрмага; 3 қадоқ тузни — 30 қадоқ сулнга; 1 жуфт этикни 30 қадоқ қорабугдой ёрмасига алмашишарди.

Кўп аср муқаддам бўлганидек, товар-пуллар пайдо бўлди. Улар ҳар хил эдилар. Кўпинча ун ва туз ана шу вазифани ўтарди. 1 пуд жавдари унга:

30 қадоқ керосин;  
10 қадоқ совун,  
100 газ чит берарди.

Бу узоқ давом этмади. Ниҳоят пул муомаласи нормал ҳолга келганини юқорида айтиб ўтган эдик.

Аммо, ҳар ҳолда, инсониятга ҳеч қандай зиён келтирмасдан пулни йўқотиб бўладими?

Бу ҳақда Владимир Ильич Ленин мана бундай дейди:

«Одатни ўзгартириб бўлмайди, пулни бирдан йўқотиш мумкин эмас. Уни йўқотиш учун юз миллионлаб одамлар учун маҳсулот тақсимотини ташкил этишни йўлга қўйиш керак — бу узоқ йиллар чўзиладиган иш».

Бунинг учун коммунизм қуриш керак, бу шундай жамиятки, унда одамлар тўла тенгликда яшайдилар, унда ишлаб чиқариш воситалари халқники бўлади, унда моддий ва маданий эҳтиёжларни қондириш учун керакли барча нарсалар мўл-кўл бўлади.

Коммунистик жамиятда бировни ишлашга мажбур қилиш, меҳнатга пул ёрдамида ҳақ тўлашнинг ҳожати бўлмай қолади. Меҳнат шодлик келтиргани учун ҳамма ўзи ишлайди. Жамият аъзолари ўртасида моддий бойликларни тақсимлаш учун пул керак эмас. Ҳамма оқилона эҳтиёжлар тўла ва бепул қондирилади.

Шуниси қизиқки, коммунизм пулга хотима беради, аммо коммунизмнинг ўзини қуришда пулсиз иш битмайди. Совет сўмининг ҳали хизмати кўп.

Аммо, вақти келиб коммунистик жамият қурилиши батамом тугалланади. Шунда пул керак бўлмай қолади.

Бутун дунё халқлари ҳам коммунизм қуриб, ер юзида Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Биродарлик ва Бахт ўрнатганларида эҳтимол сайёрамизнинг энг кўркем жойида улуғвор музей ўрнатишни хоҳлаб қоладилар. Ундаги мингларча экспонатлар ва китоблар бошидан-охиригача келажак авлодга пул тарихи — ажойиб тарихлардан бирини ҳикоя қиладилар.



## МУНДАРИЖА

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!	2
ПУЛ БУЛМАГАН ЗАМОНЛАР	3
ДАСТЛАБКИ ПУЛЛАР	14
ТАНГАЛАР. ПУЛНИ БУЗИШ. ПУЛНИНГ ВАКОЛАТ- ЛАРИ	31
БИЗНИНГ СЌМ	53
ҚАЛБАКИ ПУЛ ЯСОВЧИЛАР	67
БОИЛИҚ ОРТТИРИШНИНГ ЮЗ БИР УСУЛИ	83
ПУЛ ҲУҚМДОРЛИГИ	132
СЌМ СОВЕТЛАРНИКИ БУЛИБ ҚОЛДИ	137
ПУЛНИ ОДАМЛАР ЯСАЙДИ	160
НУМИЗМАТИҚА	176
ПУЛ ҲАҚИДА ОДАМЛАР ФИКРИ	201



На узбекском языке

Елизаветин Георгий Васильевич

## ДЕНЬГИ

Издательство „Еш гвардия“—Ташкент—1979

Перевод с некоторыми сокращениями с издания издательство  
„Детская литература“—Москва—1970

Редактор Э. Миробидов  
Рассом Ю. Киселев  
Рассомлар редактори Қ. Алиев  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректор К. Комилов

ИБ № 465

Босмахонага берилди 10/X-1978 й. Босишга рухсат этилди  
8/V-1979 й. Формати 60×84<sup>1/16</sup>. Босма листи 13,25. Шартли  
босма листи 12,32. Нашр листи 12,45. Тиражи 45000. Шарт-  
нома № 168—77. Баҳоси 55 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети „Еш гвардия“ нашри-  
ёти. Тошкент, 700129. Навоий кучаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари давлат комитети Тошкент „Матбуот“ полиграфия  
ишпаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент,  
Ҳамза кучаси, 21. 1979 йил. Заказ № 22. Қоғоз № 1.